

Ғ. САЛОМОВ

ТАРЖИМА  
НАЗАРИЯСИГА  
*Қирриш*



Ғ. САЛОМОВ

# ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИГА ҚИРИШ

УНИВЕРСИТЕТЛАРНИНГ ФИЛОЛОГИЯ,  
ЖУРНАЛИСТИКА, РОМАН-ГЕРМАН  
ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ СТУДЕНТЛАРИ  
УЧУН ҚЎЛЛАНМА

ЎзССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги  
тасдиқлаган

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ  
Тошкент—1978

Таржима — лисоний, адабий-эстетик ҳодиса, сўз санъати, таржимон эса ижодқордир. Муаллиф таржима жараёнини кенг миқёсда тадқиқ этади. Китобда таржима назарияси, танқиди ва, қисман, тарихига доир кўпгина қизиқарли маълумотлар берилган. Унда таржима техникаси, ҳар бир адабий жанрга мансуб асар таржимасининг ўзига хослиги, кинофильмлар ўгирмаси, таржима ва талқин, таржима ва мантиқ ҳамда автор билан таржимон муносабатларига тегишли бир қанча назарий ва амалий масалалар кўриб чиқилган. Шу сабабдан ушбу дарслик фақат бўлажак таржимонларгагина эмас, балки тил ўқитувчилари, илмий ходимлар, аспирантлар, журналистлар, адабиётшунослар, қолаверса, кенг китобхонлар оммасига ҳам қўл келади.

Махсус редактор  
филология фанлари доктори, профессор  
ОЧИЛ ТОҒАЕВ

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1978.

60602 — №114  
С 353{06} — 78 95—78

## КИРИШ

1965 йил 15 декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Республикада бадий таржима сифатини янада яхшилаш тадбирлари ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Қарорга биноан университетлар ҳамда бошқа бир қанча педагогика институтларида таржима назарияси ва амалиёти юзасидан факультатив дарслар ташкил этиш лозим деб топилди. 1966—1967 ўқув йилида В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетининг IV курсида илк дафъа қиёсий услубиёт ва таржима бўйича махсус курс ўқилди.

1969—1970 ўқув йилида ТошДУнинг журналистика факультетида таржима назарияси ва редакция-нашриёт ишлари кафедраси ташкил этилди. У 1973—1974 ўқув йилидан бошлаб таржима назарияси, радио ва телевидение кафедрасига айлантирилди. Ниҳоят, 1975—1976 ўқув йилидан эътиборан шу университетнинг филология, журналистика, шарқ, роман-герман тиллари факультетларида таҳсил курслари, амалий машғулотлар олиб борадиган мустақил таржима назарияси кафедраси қарор топди ва у филология факультети базасида фаолият кўрсата бошлади.

1972 йил 18 июлда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш тадбирлари ҳақида» махсус қарор қабул қилди. 1972 йил 1 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Совети ҳам шу масала юзасидан тегишли тадбирларни белгилади. Шундан кейинги йиллар ичида мамлакат олий мактабларининг ўқув планлари бирмунча

янгиланди, уларда, айниқса, фаннинг янги туғилаётган истиқболли соҳаларига кенгроқ йўл очишга алоҳида эътибор бериладиган бўлди.

Давлат университетларида таржимашунослик фанларининг ўқитилиши билан боғлиқ аҳвол ҳозирги вақтда қуйидагича:

— роман-герман филологияси ва шарқ тиллари факультетларида таржима назарияси ва амалиёти умумий мажбурий предмет (*70 соат*) сифатида ўқув планларидан мустақкам ўрин олган;

— уларда махсус ўқув-таржима ва ялпи таржима практикалари жорий этилган;

— университетни битирувчи талабалар, ўзларининг асосий ихтисосларидан ташқари, қўшимча равишда таржимон деган ихтисосга ҳам эга бўладилар;

— журналистика факультетларида янги таржимачилик ихтисоси пайдо бўлди, ўқув планида бир қанча таржимашунослик предметларидан таҳсил кўриш назарда тутилган;

— Тошкент университетининг филология факультетида ҳам таржимачилик ихтисоси расмийлаштирилиши баробарида, махсус таржима группалари тузилди. Уларда таржима тарихи, таржима назариясининг турли даврлари, соҳалари, жанрлари ва йирик проблемалари махсус курслар, махсус семинарлар тарзида ўқитилмоқда. 1976—77 ўқув йилининг бошидан таржима группалари ташкил этилиши муносабати билан уларда таржимашунослик бўйича ялпи мажбурий курслар жорий этилмоқда;

— умумуниверситет миқёсида, барча табиий ва гуманитар фанлар факультетларида, лисоний таҳсил чуқурлаштирилган махсус программа асосида олиб борилган бўлса, уларнинг битирувчиларига ҳам таржимон деган қўшимча гувоҳнома бериш ҳуқуқи расмийлаштирилди.

Хуллас, агар чорак аср илгари айрим тилшунос олимлар (проф. А. А. Реформатский) таржимашуносликни мустақил филологик фан сифатида эътироф этмаган бўлсалар, эндиликда бошқа хавф туғилди: кунги кеча бу предметни «тан олмаган» тор филолог мутахассислар ўзларини «таржимашунос» деб эълон қила бошладилар. Улар таржимашуносликни «одатдаги» тил ёки адабиёт предметларининг бири деб тушуниб, янги ўқув планларидаги таржима фойдасига бўлган ўзгариш-

нинг моҳияти, мақсади, хусусияти ҳамда булардан келиб чиқадиган тадбирларнинг мазмуни ва мундарижасини дуруст идрок этмайдилар.

Шундай қилиб, таржимашунослик фанига бўлган агностик қараш, асосан, барҳам топган ҳозирги вақтда «ялпи таржима-чилик ҳаракати»дан туғиладиган хавфнинг олдини олиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Бунинг учун таржима тарихи ва таржима назарияси таҳсил курслари, таржимашунослик предметларини яратиш лозим. Ана шунда: бошқа филологик фанлар орасида таржимавий таҳсилнинг ўрни, унинг предметлари, мақсади, тушунчалари, проблемалари, терминологияси ва ҳоказолар юзага қалқиб чиқади.

Ўзбекистонда таржиманинг, хусусан, бадий таржиманинг назарий масалалари анча кенг ўрганилди. Бизда ҳозир илмий даражага эга бўлган 30 дан ортиқ таржимашунос мутахассис бор, ўнлаб монографиялар, тўпламлар, юзлаб илмий мақолалар нашр қилинган. Лекин бу соҳада ҳозиргача биронта ҳам дарслик яратилгани йўқ. Қўлингиздаги ушбу «Таржима назариясига кириш» китоби ана шу камчиликни тузатиш сари қўйилган илк қадам, биринчи тажриба, дастлабки уринишдир.

Рус таржимашунослигида, бу соҳадаги қамрови кенг амалий фаолиятга мувофиқ ҳолда, катта ишлар қилинган. Устод таржимашунос олим А. В. Фёдоровнинг «Умумий таржима назарияси асослари» дарслиги, Ю. М. Катцер, В. А. Кунин, Я. И. Рецкер, В. Н. Комиссаров, Л. С. Бархударов, В. Н. Крупнов, Р. К. Миньяр-Белоручев, С. С. Толстой, М. М. Морозов, А. Д. Швейцер ва бошқа кўп олимларнинг Ғарбий Европа тилларидан рус тилига (ва аксинча) қилинган таржималар соҳасидаги улкан тажрибани ўрганиш асосида барпо этилган турли-туман дарслик, ўқув қўлланмалари мавжуд. Ҳатто ўрта мактабларда таржимавий таълим масаласига бағишланган ишлар ҳам бор. (Масалан, Н. Д. Чебурашкиннинг бир қанча предметлар инглиз тилида олиб бориладиган мактабларнинг IX—X синфлари ўқувчилари учун мўлжалланган «Мактабда техникавий таржима» китоби, Москва, «Просвещение» нашриёти, 1972). Булардан ташқари, иттифоқдош республикалардан Грузияда марҳум Г. Р. Гачечиладзенинг «Бадий таржима назариясига кириш» (Тбилиси, 1970) номли асари маълум. Жуманиёз Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» (Тошкент, 1965), озарбайжонлик Байрам Хорун ўғли Тоҳирбоевнинг

«Таржима ҳақидаги фаннинг фалсафий проблемалари» (Боку, 1974), белорус П. И. Копаневнинг «Бадий таржима тарихи ва назарияси масалалари» (Минск, 1972) сингари йирик монографиялари ҳам таржимашуносликнинг таҳсиллий аспектларини ойдинлаштиришда муҳим дастур бўлиб хизмат қилади.

Рус таржимашунослигида ва қардош республикаларда бу соҳада орттирилган бой тажриба, шубҳасиз, биз учун мактабдир. Лекин, шу билан бирга, ҳар бир миллий республикада таржима таҳсилнинг ўзига хос томонлари борки, буларни назардан соқит қилиб бўлмайди.

Аввало, рус совет таржимачилиги мактабида таржима таҳсили анъанавий тус олгандир. Бинобарин, студентлар (қисман, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам) таржима ҳақида маълум тасаввур, билим, тайёргарлик билан келадилар. Таржимашунослик юзасидан бирон дарслик ёки ўқув қўлланмаси ёзадиган автор ўзидан олдинги ҳамкасабаси яратган муайян тажриба, принцип, назарий-методик концепция ҳамда улардан хабардор бўлган талабаларнинг билимига асосланади.

Бизда эса бундай анъана ҳозирча йўқ.

Яна шуни қайд этиш лозимки, қарийб бутун рус таржимашунослиги таҳсили, асосан, инглиз, немис, француз тилларидан — рус тилига ва рус тилидан ўша ғарб тилларига таржима амалиётига асосланган. Шарқ тилларидан — рус тилига ва рус тилидан — Шарқ тилларига таржима материали заминига қурилган дарслик ва ўқув қўлланмалари эса ҳали рус тилида яратилмаган. Шунингдек, рус тилида СССР халқлари тилларидан қилинаётган жуда катта таржима сабоқлари таҳсиллий йўналишда бутунлай ўрганилмаган.

Бу томондан ҳам бизда аҳвол ўзгача.

Маълумки, ўзбек тилига қилинаётган умумий таржима маҳсулотининг 60 процентини — рус тилидан ўгирилаётган таржима китоблари ташкил этади<sup>1</sup>. Ғарбий Европа адабиёти асарлари ҳам ўзбек тилига рус тилидан таржима қилинади. Таржима таълимида бу муҳим омилни назардан соқит қилиб бўлмайди. Айни вақтда Ғарбий Европа адабиётини бевосита асл нусхалардан ўзбек тилига ўгириш вазифаси ҳам кўнда-

---

<sup>1</sup> Г. Гафурованинг «Развитие перевода в Узбекистане» («Фан» нашриёти, 1973) китобига проф. Қ. Х. Хоназаров ёзган муҳаррир муқаддимасига қаранг.

ланг бўлиб туради. Ана шу улкан, мураккаб ижодий проблемани удалай оладиган етук таржимон кадрлар тайёрлаш иши ғоят актуал аҳамиятга эгадир.

Баён қилинган шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу китоб муаллифи 1973 йилда таржима тарихи, таржима назариясига кириш ҳамда умумий таржима назарияси асослари предметлари бўйича учта ўқув программасини нашрдан чиқариб, уларни мутахассислар ва таржимонлар ўртасида кенг муҳокамадан ўтказди. Ҳар учала программа 1973 йил 16 майда Москвада Максим Горький номидаги Адабиёт институти Бадий таржима назарияси кафедрасининг махсус йиғилишида кенг муҳокамадан ўтказилди. Муҳокамада қуйидаги эътиборли мутахассислар: кафедра мудири, филология фанлари доктори, проф. Л. И. Климович, филология фанлари доктори, проф. Э. В. Севортян, филология фанлари кандидатлари — Г. З. Хонтемирова, Ч. Ҳ. Ҳусейнов, Ю. С. Елисеев, А. П. Феоктистов, доц. Л. А. Озеров; катта ўқитувчилардан В. Я. Тихомирова, В. Н. Богачев, А. Н. Бесташвили, К. А. Хучуа, А. В. Старостин, аспирант А. А. Метс ҳамда ассистент М. И. Скворцовалар иштирок этдилар. Бундан ташқари, СССР Ёзувчилар Союзи Бадий таржима кенгашининг аъзоси, таниқли таржимон ва олим В. М. Россельс (Москва), филология фанлари доктори М. М. Расулий, филология фанлари кандидатлари — доц. Г. Ғафурова, доц. Н. Комилов, доц. Ф. Насридинов ва бошқа мутахассислар ҳам мазкур программаларга тақризлар ёздилар.

«Таржима назариясига кириш» дарслигини бунёд этишда муаллиф номлари юқорида зикр этилган барча олимларнинг қимматли истаклари, фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олишга ҳаракат қилди.

Ушбу китобнинг нашр этилишида авторга ўзларининг фойдали маслаҳатлари билан яқиндан кўмаклашган Фирдавсий мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор Шоислом Шомухамедов, Абурайҳон Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори Жуманиёз Шарипов, тарих фанлари доктори, профессор Тўғон Эрназаров, филология фанлари доктори, профессор Очил Тоғаев, филология фанлари доктори, профессор Байрам Хорун ўгли Тоҳир-



боев, филология фанлари кандидатлари — Н. В. Владимиро-ва, доцент Жамолиддин Бўронов, доцент Нажмиддин Комиловларга, тадқиқотчи Тилак Жўрага, шунингдек, тажрибали муҳаррир ва ношир, жонкуяр мураббия, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Сулаймонова Холида опага лутфан миннатдорчилик изҳор этамиз.

*Китобнинг тузулиши юзасидан айрим қайдлар:* аввало, автор ўзбекча таржималари мавжуд бўлмаган манбалардан олинган барча цитата, кўчирма, писандаларнинг аслига тўла муқобиллиги масъулиятини ўз зиммасига олади. Бундан ташқари, муайян манбага сатр остида бир карра ҳавола қилингандан сўнг, унга яна такроран мурожаат этилганда — қулайлик мақсадида, асосий текстда, қавс ичида фақат рақам келтирилади: бу ўша манбанинг саҳифасини билдиради. Башарти, икки туркум рақам келтирилса, биринчиси — ўша нашрнинг йили, иккинчиси — саҳифасини англатади. Масалан, (1956, 83): бунда юқорида сатр остида номи зикр этилган китобнинг 1956 йилги нашридан 83-саҳифага ҳавола этилгани тушунилиши лозим.

«Таржима назариясига кириш» дарслигининг мазмуни ва мундарижаси юзасидан изҳор этиладиган барча фойдали истақ ва танқидий мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиламиз.

# БИРИНЧИ БЎЛИМ

## ТАРЖИМА АСРИ

### I БОБ. ХАЛҚЛАР — ТИЛЛАР — ТАРЖИМАЛАР

#### 1- §. Қардошлик, дўстлик, интернационализм хизматида

Марксизм-ленинизм классиклари адабиёт ва бадиий таржи-ма тараққиёти миллатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ри-вожлантиришда катта роль ўйнашини айтиб, бу жаҳон адабиё-ти ва маданиятининг равнақ топиш қонунияти эканлигини қайд этган эдилар.

«Илгариги эски маҳаллий ва миллий биқиқлик ўрнига,— дейилади «Коммунистик партия манифести»да,— миллатлар-нинг бир-бирларига ҳар жиҳатдан боғланиши вужудга келади. Бундай алоқа ва боғланишлар моддий ҳаётга ҳам, маънавий ҳаётга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Айрим миллатлар маъ-навий фаолиятининг самараларидан ҳамма баҳраманддир. Миллий бир ёқламалик ва маҳдудликда яшаш борган сари мумкин бўлмай қолмоқда ва жуда кўп миллий ва маҳаллий адабиётлардан битта жаҳон адабиёти вужудга келмоқда»<sup>1</sup>.

Илмий коммунизм асосчилари баён этган бу фикр, айниқ-са, ҳозирги вақтда бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда со-дир бўлаётган қардош адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳо-дисасида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

«СССР халқларининг социалистик маданиятининг бундан буён ҳам ҳар томонлама гуллаб-яшнашига эришиш,— деб кўр-сатилади КПСС Программасида,— коммунистик қурилишнинг кенг қулоч ёйиши ва коммунизм идеологиясининг янги ғала-балари СССР халқларининг мазмунан социалистик, шаклан миллий маданиятини бойитиб боради. Миллат ва халқларнинг ғоявий бирлиги, улар маданиятининг яқинлашуви кучаяди. Ҳар бир миллатнинг маданият хазинаси интернационал харак-терга эга бўлган ижодлар билан тобора кўпроқ бойиб боради»<sup>2</sup>.

Жаҳон халқларини бир-бирларидан ажратувчи ҳам, улар-ни бир-бирлари билан бирлаштириб турувчи восита ҳам — тил-дир. Ер юзида икки мингдан ортиқроқ тилда сўзлашувчи кат-

<sup>1</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Соч. т. 4, стр. 428.

<sup>2</sup> «КПСС Программаси», Т., 1962, 115-бет.

та-кичик халқлар бир-бирлари билан таржима туфайли муомала қиладилар. Қабилалар, эл-элатлар, миллатлар ўртасида ўзаро алоқа қилишга эҳтиёж кучайган сайин таржимачилик фаолияти ҳам кенгайиб бораверади.

ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, умумжаҳон миқёсида 1960 йилда жами нашр қилинган китобларнинг 8,74 процентини, 1961 йилда — 8,78, 1962 йилда — 8,50, 1963 йилда — 8,94, 1964 йилда — 9,20 ва 1965 йилда — 8,05 процентини бир нечта тилларга қилинган таржималар ташкил этган. Бошқача айтганда, ҳар 100 китобдан қарийб 8 ёки 9 таси бир нечта тилга ўгирилган.

Совет матбуоти берган маълумотларга қараганда, 1971 йилда СССР да 10,056 та китоб ва брошюра таржима қилиниб, 226.161 минг нусхада нашр этилган. Бу асарлар 109 тилдан, жумладан, СССР халқларининг 64 тилидан ва 45 хорижий халқлар тилларидан таржима қилинган. Бу таржималар СССР халқларининг 65 тилида ва хорижий мамлакатлар халқларининг 42 тилида нашр қилинган.

1971 йилда рус тилида 65.000 китоб ва брошюра 1.262 млн. нусхада нашр қилинган бўлиб, булардан умумий тиражи 98 млн. нусхадан иборат 3.000 китоб жаҳондаги 103 тилдан, жумладан, СССР халқларининг 62 тилидан ва хорижий мамлакатлар халқларининг 41 тилидан таржима қилинган.

Халқаро таржимонлар федерациясининг собиқ Бош секретари Эдмон Карининг берган маълумотларига қараганда, ҳар куни китоб босиш машиналари 60 га яқин таржима асарларини чиқаради, 3 ёки 4 та халқаро учрашув бўлиб ўтади, бир тилдан бошқа тилларга ўгирилган бир нечта фильмлар кўрсатилади; ҳад-ҳисобсиз таржималар ёзув машинкаларидан чиқади ва дикторлар томонидан ўқиб эшиттирилади; тиллардан тилларга ниҳоятда кўп расмий ҳужжатлар таржима қилинади.

«Коммуникация воситалари тараққиётида тубдан ўзгариш юз берган вақтдан бошлаб — хусусан иккинчи жаҳон урушидан кейин, — деб ёзади немис филологи Альбрехт Нойберт, — жамиятнинг таржимонларга бўлган талаби ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан анча ошиб кетди. Ҳамма соҳаларда: сиёсатдан тортиб техникагача, бадиий адабиётдан тортиб фан оламигача таржимон кўп ҳолларда ҳал қилувчи шахс бўлиб қолди»<sup>1</sup>.

«Биз таржима асрида яшамоқдамиз», — дейди Эдмон Кари<sup>2</sup>.

Биз яшаётган замон — «таржима асридир», — деган хулосага келлади немис олими Ганс Штериг<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> A. Neubert. In: Fremdsprachen, II, 1968, S. V.

<sup>2</sup> E. Cary. Quality in Translation. Bad Godesberg, 1959, p. V.

<sup>3</sup> Das Problem des Übersetzens, hrsg. V. Hans Joachim Störig Stuttgart, 1963, S. XIII.

Ҳамма миллатлар ва тилларнинг катта ёки кичиклигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлиги таъминланган социалистик воқелик шароитида таржима ишига катта аҳамият берилмоқда. Бунинг боиси шуки, Совет Иттифоқи — кўп миллатли мамлакат, совет адабиёти эса кўп тилли адабиёт бўлганидан, миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирларини бойитишлари улкан назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

СССРда 130 миллат, халқ ва эл-элатлар яшайди. Булар орасида бир неча юз кишидан тортиб миллионлаб аҳоли сўзлашадиган тиллар ҳам бор. Масалан, Тожикистондаги ишкомиш тилида 200 киши сўзлашса, Доғистондаги арчин тилида 1000 киши, Озарбайжондаги булук тилида 1500 киши сўзлашади. Руслар 129 миллион 15 минг, украинлар 40 миллион 753 минг, ўзбеклар 9 миллион 195 минг кишини ташкил қиладилар (Буниттифоқ аҳоли рўйхатидан. 1970).

Совет Иттифоқида сон жиҳатдан кичик миллат ва халқлар ҳам социалистик воқелик шароитида ўз ёзуви ва адабиётларини яратиш ҳамда ривожлантиришга муяссар бўлдилар. Масалан, Сибирда яшовчи шорлар тилида биринчи китоб 1929 йилда чоп қилинган бўлса, 1941 йилда бу тилда нашр қилинган китоблар сони 158 тага етди.

1917 йил арафасида Россияда 20 тилда адабиёт яратилар эди. 1934 йилга келиб 40 тилда адабиёт чиқиб турган бўлса, эндиликда 75 тилда адабиёт барпо этилмоқда.

М. Горький ўзининг «Озарбайжон колхоз газетаси редакторига хат»ида шундай деб ёзган эди:

«Иттифоқимизга кирган ҳар бир халқнинг ҳар бир асари Иттифоқдаги бошқа барча халқларнинг тилларига таржима қилинса, жуда аъло иш бўларди. Шунда биз бир-биримизнинг миллий-маданий хусусиятларимиз ва ўзимизга хос томонларимизни янада тезроқ тушунишга ўрганар эдик, бу тушунча эса, табиийки, барча халқларнинг миллий қиёфаларини сақлаган ҳолда ягона, улугвор, маҳобатли ва бутун дунёни янгилайдиган социалистик маданиятни барпо қилувчи ягона социалистик маданиятни яратиш жараёнини жуда тезлаштирган бўлур эди»<sup>1</sup>.

М. Горькийнинг бу ҳаммага тушунарли «оддийгина» орзуси остида чуқур маъно бор. Бу фикрнинг маъноси чақилса, кишининг кўз ўнгида ғоят улугвор бир манзара намоён бўлади. Чунончи, агар Иттифоқдаги 75 адабиёт ўзаро биттадан китоб алмашса, ҳар бир адабиётдан атиги бир нусха китобнинг 5 550 таржимаси юзага келарди! Аслида эса ҳар йили фақат бадий адабиёт соҳасининг ўзидагина жаҳон халқлари адабиётларидан бир неча ўнлаб ва юзлаб китоблар таржима қилинади.

<sup>1</sup> Газ. «Правда» 17 декабрь, 1934 г.

Жаҳон миқёсини олиб кўрайлик.

Дунёда 2.500 тил мавжуд. Фараз қилайлик, агар 2.000 тил доирасида ўзаро биттадан китоб ўгирилса, 3 млн. 998 мингта янги таржима асари пайдо бўларди. Бу — биттадан китобнинг таржималари!

Жаҳон миқёсида ҳаммадан кўп таржима қилинадиган авторлар орасида В. И. Лениннинг номи биринчи ўринда туради. Қуйидаги адиблар ҳамда олимларнинг асарлари ҳам кўплаб таржима қилинади: Вильям Шекспир, Жюль Верн, Жорж Сименон, Энид Блайтон, Агата Кристи, Ф. Достоевский, Ч. Диккенс, О. Бальзак, Марк Твен, Э. Хемингуэй, Пирль Бак, Платон, Гомер, Цицерон, Аристотель, Софокл.

Буюк сўз усталари — Алишер Навоий, Вильям Шекспир, Иоганн Гёте, Оноре де Бальзак, Александр Пушкин, Лев Толстой, Робиндранат Тагор, Тарас Шевченко ва бошқа кўплаб қалам соҳибларининг асарлари маданий дунёнинг қарийб барча тараққий этган адабий тилларига таржима қилинган. Хилма-хил услуби, кўп жанрли ва турлича адабий анъаналар асосида жаҳон таржима мактаби барпо этилмоқда. Авлоддан-авлодга ўтувчи бу таржима мероси, буюк мутафаккирлар ижодини алмашишдек ажойиб тажриба, бадий адабиёт юлдузларининг турли буюк ва кичик халқлар тилида «гаплашиш»дек анъаналари йил сайин мустаҳкамланиб, тараққий этиб бормоқда.

Бадий адабиётдан ташқари, яна кўплаб илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий асарлар, патентлар, идора қоғозлари, давлат, хўжалик ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган расмий ҳужжатлар, журнал ва газета материаллари, олим ва сиёсий арбобларнинг нутқлари, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар ва бошқа таржималар ҳам инobatга олинса, таржима адабиётининг кўлами кенглиги янада аён бўлади.

Академик А. Н. Несмеяновнинг ҳисоблашига қараганда, дунёда кимёгарларнинг эътиборини қозонадиган 10 мингта яқин вақтли нашрлар чиқиб туради. Бу нашрларда ҳар йили кимё ва кимё технологиясига оид камида 200 минг мақола босилади. Булардан ташқари, дунёда кимё ва кимё технологиясига тўла ёки қисман алоқадор бўлган 5 минггача китоб, 30 мингдан зиёд патент ва 20 мингта яқин илмий-техникавий ҳисоботлар эълон қилинади. Бутунитифоқ илмий-техникавий ахборот институтининг «Химия» ва «Биологическая химия» рефератив журналларида 1964 йили (рефератлар, аннотациялар ва библиографик тавсифлар кўринишида) 150 мингдан зиёд мақола, патентлар, китоблар, илмий-техникавий ҳисоботлар босилиб чиққан.

Агар 30 тилни дурустгина биладиган кимёгар (имкондан хориж нарса) 1964 йилнинг 1 январидан шу йилда чиқадиган ва унинг ихтисоси учун қизиқарли бўлган барча материалларни мутолаа қила бошласа, соатига 4 мақоладан ва ҳафтаси-

га 40 соатдан ўқиса ҳам, 1964 йилнинг 31 декабрида шу материалларнинг бор-йўғи йигирмадан бир улушинигина ўқиб улгурарди, холос.

Совет Иттифоқи таржима ўлкаси деб тан олинган. СССР 100 дан ортиқ мамлакатлардаги қарийб 1500 ташкилот билан илмий-техникавий ахборот алмашиб туради. Иттифоқимизда чиқадиган 50 га яқин махсус илмий-техникавий журналларнинг ҳаммаси АҚШ да ўгирилади, Совет Иттифоқида ҳам чет эл нашрларининг аксарияти таржима қилиб босилади<sup>1</sup>.

Таржима ишининг нечоғлик кенг кўламда қўйилганлигини Ўзбекистон мисолида ҳам кўрса бўлади. Республикада 9 нашриёт, 580 дан ортиқ китоб магазини бор. Бир йилда 2.000 дан зиёд номда китоб ва брошюра нашр қилиниб, уларнинг умумий тиражи 40 миллион нусхани ташкил этади. Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан буён республикада 73 минг 279 номда 925 миллиондан ортиқ нусха китоб чоп қилинди<sup>2</sup>.

1960—1965 йиллар ичида ўзбек тилидан бошқа тилларга 328 та китоб таржима қилинган бўлса, 1971 йилда ўзбек тилида 371 та таржима асари 13.483 минг нусхада чоп қилинди. Бу китоблар СССР ва хорижий мамлакатларда яшовчи 30 халқ тилларидан таржима қилинган. 1971 йилда ўзбек тилида нашр қилинган жами адабиётнинг 56 процентини таржима асарлари ташкил этган. Тилимизга ўгирилаётган асарларнинг 60 проценти рус тилидан таржима қилинаётган китоблардан иборат.

1971—1975 йиллар мобайнида Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ёш гвардия» нашриётлари 500 номда 4 940 босма табоқ ҳажмдаги таржима китобларини босиб чиқардилар. Бу олдинги планга нисбатан асарларнинг номлари бўйича 202 та, ҳажм бўйича олганда 340 босма табоқ ортиқ деган сўз.

Таржимачилик ишининг бу қадар кенг миқёсда қўйилишига сабаб нима ва у қандай натижаларга олиб келади?

Таржима — халқлар ўртасида ўзаро иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий алоқаларнинг кенгайиши манфаатларига хизмат қилади.

Таржима — миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва бири-бирига таъсири жараёнини тезлаштиради; миллий адабиётларда муштарак мавзулар, умуминсоний ғоялар, ранг-баранг адабий-эстетик шаклларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Таржима — миллий тилларнинг ривожланиш суръатини тезлаштиради, тилларнинг луғат бойлигини янада оширади, янги-янги грамматик воситаларни келтириб чиқаради.

Э. Свадост «Умуминсоний тил қандай келиб чиқади?» ном-

<sup>1</sup> Н. Д. Чебурашкин. Технический перевод в школе. Изд-во «Промсвещение», М., 1972, стр. 76—77.

<sup>2</sup> Э. Есенбаев. Смотрины в Москве. Газ. «Правда Востока», 19 авг., 1977 г.

ли китобида Европадаги энг йирик тилларда умумий ўзаги бир хил бўлган, асосан, лотин ва юнон тилларидан келиб кирган 7.000 та сўз мавжудлигини қайд этади<sup>1</sup>. Немис олими Ф. Бодмер эса илмий алоқаларнинг беқиёс кенгайганлиги натижасида ҳар бир фанда жуда кўп муштарак термин ва маҳсус илмий сўз бирикмалари, таърифлар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Масалан, медицинада 80.000 та ана шундай муштарак термин ва бирикма мавжуд<sup>2</sup>.

Миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитиши тобора жадаллашиб бормоқда.

«Кейинги ярим аср ичида бир мамлакатлар адабиётининг бошқа мамлакатлар адабиёти оламига кириб бориши жараёни муайян даражада буткул инсоният маданиятини тўла қамраб олди. Миқёс эътибори билан ҳам, жадаллик эътибори билан ҳам, ижтимоий мазмун эътибори билан ҳам бу жараён тўхтовсиз ривожланиб бормоқда»<sup>3</sup>.

Миллий тилларнинг бойиши, муштарак сўз, термин, ибораларнинг туғилиши, аста-секин «умуминсоний луғат»нинг таркиб топишида ҳам, миллий маданиятлар ва миллий адабиётларнинг бир-бирига ўзаро таъсир қилиш жараёнида уларда муштарак ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик қонуниятларнинг пайдо бўлишида ҳам таржима катта роль ўйнайди.

Таржима халқлар дўстлиги, қардошлик ва интернационализм манфаатларига хизмат қилувчи энг муҳим воситалардан биридир.

## 2- §. Хельсинки кенгаши ва таржима проблемаси

Европада хавфсизликни таъминлаш ҳамда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан 1975 йил 1 августда Хельсинкида 35 давлат вакиллари иштирокида қабул қилинган ва ҳукумат бошлиқлари томонидан имзоланган шартномада\* давлат-

<sup>1</sup> Э. С в а д о с т. Как возникает всеобщий язык? М., 1968, стр. 20, 25.

<sup>2</sup> F. B o d m e r. Die Sprachen der Welt, 1960. S. 11.

<sup>3</sup> Н. И. К о н р а д. Запад и Восток. М., 1966, стр. 305—306.

\* Мазкур шартнома Австрия, Америка Қўшма Штатлари, Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Греция, Дания, Ирландия, Исландия, Испания, Италия, Канада, Кипр, Лихтенштейн, Люксембург, Мальта, Монако, Муқаддас Тахт, Нидерландия, Норвегия, Польша, Португалия, Руминия, Сан-Марино, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Туркия, Финляндия, Франция, Чехословакия, Швейцария, Швеция, Югославия, Қўшма Қироллик номидан қабул қилинган. Уни давлат бошлиқларидан Гельмут Шмидт, Эрих Хонеккер, Жеральд Форд, Бруно Крайский, Лео Тиндemanс, Тодор Живков, Пьер Эллиот Трюдо, архиепископ Макариос III, Анкер Йоргенсен, Карлос Ариас Наварро, Урхо Кекконен, Валери Жискар д'Эстен, Гарольд Вильсон, Константинос Караманлис, Янош Кадар, Лиам Косгрейв, Гейр Хатлгримссон, Альдо Моро, Вальтер Кибер, Гастон Торн, Доминик Мингофф, Андре Сен-Мле, Трюгве Братгели, Йопп М. ден Ойл, Эдвард Герек, Франсиску Кошта Гомеш, Николае Чаушеску, Жан Луиджи Берги, Агостино Казароли, Улоф Пальме, Пьер Грабер, Густав Гусак, Сулаймон Демирел, Л. И. Брежнев, Иосип Броз Тито имзо чекканлар.

лар ўртасида таржимачилик ишларини жиддий яхшилаш масаласига алоҳида диққат қилинган. Чунончи, «Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик» бўлимнинг «Маданият жабҳасидаги ҳамкорлик ва айирбошлашлар» деб номланган 3-моддасида таржимонлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таржима асарларини чоп этишда нашриётларга кўмаклашиш, таржима қилиниши лозим кўрилган китоблар рўйхатини тузиш, таржимонларнинг ихтисосини яхшилаш ва давлатлар ўртасида уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишларига ёрдам кўрсатиш, таржимачилик ишини янада ривожлантириш, таржима асарларини кенг ёйиш йўлларини биргаликда қидириб топиш зарурати қайд этилган. Шунингдек, «Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ва айирбошлашлар» деб номланган 4-модданинг «Хорижий тиллар ва маданиятлар» қисмида илмий муассасалар ҳамда мутахассисларнинг ўзаро алоқа ўрнатишларига қулайлик туғдириш йўлида илмий ва техникавий терминологик муқобилликларни тайинлаш мақсадларига хизмат қилувчи луғатшунос экспертларнинг ўзаро алоқа боғлашларини рағбатлантириш лозимлиги кўрсатиб ўтилади<sup>1</sup>.

«Литературная газета»нинг 1975 йил 24 октябрь сонида Халқаро таржимонлар федерациясининг президенти П. Ф. Кайеннинг интервьюси берилган. Унда Европада хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан Хельсинкида бўлиб ўтган кенгаш қарорини амалга оширишда таржимонлар энг шимариб ишлашлари лозимлиги, айти вақтда, бу кенгашда қабул қилинган муътабар ҳужжат фақат Европа қитъасидагина эмас, балки дунёнинг барча мамлакатларида таржима ишларини жонлантириб юборишга катта, ёруғ йўл очиб берганлиги зўр қониқиш билан қайд этилади.

— Ҳозирги замонда таржима қандай роль ўйнайди? — деган саволга жаноб Кайе шундай жавоб беради:

— Менимча, таржимонлар фаолиятининг аҳамияти бебаҳодир. Бутун дунёдаги беҳад кўп кишилар таржимонларнинг меҳнати орқасида бошқа халқларнинг маданий хазиналарига йўл топадилар. Таржима универсал роль ўйнайди. Таржима маданият ва тараққиёт, тинчлик ва кишиларнинг бир-бирларини ўзаро тушуниб олишлари ишига, гуманизмнинг олий идеалларига хизмат қилади.

Кишиларни бир-бирларига яқинлаштириш — бу бағоят савоб иш эмасми?!

Жаноб Кайеннинг айтишича, Халқаро таржимонлар федерацияси 1952 йилда тузилган бўлиб, ҳозирги вақтда 35 мамлакатдан бадий ва илмий-техникавий адабиётларни ўгирувчи 10 минг таржимонни бирлаштиради. Федерациянинг мақсади —

---

<sup>1</sup> «Совещание по безопасности и сотрудничеству в Европе. Заключительный акт». «Известия», 2 августа 1975, стр. 5—6.



халқлар ўртасида таржима асарларини тарғиб қилиш ва таржимонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишдан иборат\*.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг КПСС Программасида белгилаб берилган, қатъий амал қилинадиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган идеологик сиёсати — СССРдаги қардош халқлар ўртасида ўзаро илмий ва маданий бойликлар алмашиш, ўзаро таъсир, социалистик адабиёт ва миллий тилларнинг ўзаро бир-бирини бойитиши кўп томонлама таржима воситасида амалга оширилади. Таржима бетўхтов кучайиб бораётган информацияни, фан, техника, маданият асарларини алмашишда ишончли қурол бўлди ва шундай бўлиб қолаверади. Таржимага бутун дунё халқлари, биринчи навбатда, социалистик ҳамкорликдаги қардош халқлар ўртасида алоқа ўрнатишнинг кучли омили, алоҳида миллий маданиятларни боғловчи ҳалқа, тилларнинг луғат состави ривожланишини тезлаштирувчи ва илмий-техникавий терминологияни тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи восита, деб қаралади.

Турлича ижтимоий тузум шароитидаги мамлакатлар ўртасида маданий айирбошлашни амалга ошириш ғоят мураккаб ишдир. Шуниси қизиқки, Хельсинки кенгашини тайёрлаш давомида, узоқ йиллар ичида мамлакатлар ўртасидаги чегараларнинг дахлсизлигини таъминлаш, хавфсизлик ўрнатиш ва бошқа шу каби ҳаётий муҳим масалалардан кўра, асосан, «маданий айирбошлаш» проблемаси хусусида томонлар ўртасида ихтилоф келиб чиққан эди<sup>1</sup>. Бунинг сабаби шуки, бир томондан, капиталистик мамлакатларнинг намояндалари совет ёзувчиларининг барча асарларини нашр қилиш ва совет кинофильмларини ўз мамлакатларида чекламасдан намойиш этишдан бош тартадилар. «Бизнинг нашриётларимиз ва кинофирмаларимиз айрим шахсларнинг қўлида, биз уларни мажбур қилолмаймиз», — деб жавоб берадилар улар. Айни вақтда биз ҳам зўравонлик, ирқий камситиш, турли-туман шахвоний «ишқий» можаролар гирдобида қолган сюжетларга асосланган адабий асарлар ва кинофильмларни совет томошабинларига тақдим эта олмаймиз, чунки бундай ҳодисаларнинг ўзи ҳам, уларни намойишкорона тарғиб қилиш ҳам совет қонунлари томонидан ман этилади. Чунки бундай нарсалар адабиёт ва санъатга ҳеч бир дахли бўлмаган чиркин иллатлардир.

Чет эл адабиёти ва санъатининг инсонпарварлик, тинчлик, қардошлик ғояларини холисона тарғиб этувчи бадиий юксак

---

\* П. Ф. Кайенинг ўзи Халқаро таржимонлар федерациясининг президенти сифатида катта ташкилий иш билан банд бўлишига қарамай, ижодий меҳнатга ҳам фурсат топади. У инглиз тилидан французчага 40 та китобни ўгирган. Жаноб Кайе кино таржимасида иштирок этади. Чунончи, у С. Бондарчук яратган «Уруш ва тинчлик» фильмини француз тилига мослаб ўгирган. Кайе адабий танқидчи сифатида ҳам машҳур.

<sup>1</sup> «Правда о культурном обмене». Изд-во политической литературы, М., 1976, стр. 4.

асарлари Совет Иттифоқида кўплаб нашр этилаётгани ўз-ўзидан аён. Бизнинг мамлакатимизда совет ҳокимияти йилларида 100 дан ортиқ хорижий давлатлардан кўплаб ёзувчиларнинг асарлари нашр этилди.

Шуниси диққатга сазоворки, чет эллик авторларнинг китоблари бизда ўзларининг мамлакатларида илк бор чоп этилганига қараганда ҳам каттароқ тиражда, анча ортиқ миқдорда босилиб чиққан. Бундан ташқари, Совет Иттифоқида уларнинг китоблари фақат муайян бир тилда, русча таржимадагина эмас, балки кўпгина халқларнинг тилларига ўгирилиб босилади. Чунончи, В. Шекспир асарлари — 25 тилда, В. Гюго — 41 тилда, Лу Синь — 23 тилда, Г. Сенкевич — 22 тилда, И. Вазов, Ш. Петефи — 17 тилда, Г. Гейне китоблари 18 тилда чоп этилган.

Фақат урушдан кейинги йиллар ичидагина америка адабларининг қарийб 7 минг асари, инглиз ва француз муаллифларининг 4,5 мингтадан китоблари нашрдан чиққан. Уларнинг биздаги умумий тиражи 600 миллиондан ортиқдир. Ҳар йили СССР халқларининг тилларига америкаликларнинг 300 тача, инглиз ва французларнинг эса 150 тадан китоби босилиб туради.

1976 йилнинг ўзида хорижий авторларнинг 1500 га яқин асари умумий тиражи 60 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилди. Бу китоблар жаҳондаги 40 дан ортиқ халқларнинг тилларидан ўгирилган.

Айни вақтда АҚШ, Англия, ГФР, Франция, Италия ёки бошқа истаган Ғарб давлатининг бирида босилаётган совет ёзувчилари асарларининг миқдори ўша мамлакат адаблари китобларининг бизда чоп этилаётган миқдоридан бир неча марта камлик қилади.

Канадада чиқадиган газеталардан бирида машҳур адиб Жон Ричмонднинг мақоласи эълон қилинган. У Ғарбдаги нашриётларни танқид қилиб, уларда турли муҳожирлар ва «норози» кайфиятдаги қаламкашларнинг советларга қарши ёзилган ҳар хил уйдирмалари мўл-кўл босилиб чиқаётгани ҳолда, аксинча, бу нашриётлар Ғарб китоб шинавандаларини чинакам истеъдодли совет ёзувчиларининг баркамол асарлари билан таништирмаётганларини таассуф билан қайд этади<sup>1</sup>.

Мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар масаласига бу тариқа тор қараш, адабий асарлар айирбошлашга бундай бир ёқламалик билан муносабатда бўлиш, социалистик воқеликни сохталаштириб кўрсатиш, аввало, ўша бузуқ ниятли буржуа намояндаларининг ўзларига қимматга тушади. Бундай нопок сиёсат капиталистик қуллик шароитида кун кечираётган кишиларни чалғитишга, уларнинг диққатини синфий кураш

<sup>1</sup> «Правда о культурном обмене». Изд-во политической литературы, М., 1976, стр. 4—5, 16—17, 19—20.

ва долзарб социал масалалардан четга тортишга мўлжалланган.

Баъзи мисолларни келтирамиз. Айрим хорижий авторларнинг рус тили бўйича чиқарган қўлланмаларида бизнинг мамлакатимиз тўғрисидаги эски тасаввурлар акс этган. Масалан, бир хил китобларда «типик рус» («росмана рус кишиси») деганда оёқларига этак кийган, қийиқ ёқа кўйлакли, бошига боғичлари тугилмаган телпак илган, бўйнига бут таққан одам тасвирланади<sup>1</sup>. Бундай «росмана рус кишиси»ни ҳозир мамлакатимиздан топиб бўлармикан?

Ғарбий Германия мактабларидан бирининг талабаларига русларни қандай тасаввур қилишларини ёзма равишда тасвирлашлари сўралганда, ақл бовар қилмайдиган жавоб олишган. Кўп ўқувчилар руслар — соқоллари пахмоқ, ўзлари тунд кишилар, ойнасиз, қоронғи ва зах кулбаларда яшайдилар, Россия эса жаҳолат босган «осиёвий мамлакат», деб ёзишган<sup>2</sup>.

Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ даги баъзи студентлар СССР тўғрисида хира тасаввурга эга. И. Геевский «Қинғир ойнанинг синиқлари» мақоласида<sup>3</sup> Жоржтаун университетини (Вашингтон) студентлари билан ўтказилган суҳбатнинг натижасини келтиради: — «СССР составига неча иттифоқдош республика киради? Совет парламенти қандай аталади? — Билмайман. — Киев, Боку, Тошкент сингари шаҳарларни эшитганмисиз, улар, тахминан, қаерда жойлашган? — Эшитмаганмиз. — Тўртта совет ёзувчисининг номини сананг. — Биронтасини ҳам билмайман. — СССР да яшайдиган қандай халқларни биласиз? — Биронтасини ҳам билмайман. — Қандай совет кинофильмларини кўргансиз? — Биронтасини ҳам кўрмаганман. СССР нинг ички ҳаётига доир, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда кейинги йилларда юз берган қандай ҳодисаларни эшитгансиз ёки ўқигансиз? — Ҳеч нарсани эсламайман». Шу билан бирга, хорижий давлатларда бизнинг мамлакатимизга қизиқиш тобора ортиб бораётгани ҳам маълум.

Бошқа халқлар ҳаётидан воқиф бўлмаслик, ғофиллик миллий маҳдудликка олиб келади. Бундай сиёсат бизга бутунлай ётдир.

Жаҳонда китоб нашр этиш ва мутолаада Совет Иттифоқига тенг келадиган мамлакат йўқ. Ҳар йили дунё миқёсида қарийб 5 миллиард нусха китоб чоп этилади. Бу Ер юзида аҳоли жон бошига салкам 2 нусхадан китоб тўғри келади деган сўз. Бизнинг мамлакатимизда эса аҳоли жон бошига бундан уч баравар кўп китоб тўғри келади. Дунёдаги ҳар тўртта китобдан бири — совет китобидир.

<sup>1</sup> Е. М. В е р е щ а г и н, В. Г. К о с т о м а р о в. Язык и культура. Изд-во «Русский язык», М., 1976, стр. 23.

<sup>2</sup> «Литературная газета», 11 марта 1970 г.

<sup>3</sup> «Литературная газета», 1975, № 37.

Бутуниттифоқ китоб палатаси берган маълумотларга қараганда, 1973 йилда СССР халқларининг 63 тилида, хорижий мамлакатлар халқларининг 42 тилида ҳамда эсперантода китоб ва брошюралар нашр қилинган. 1974, 1975 йилларда эса бу кўрсаткичлар 61 ва 46 ҳамда 58 ва 50 нисбатида бўлган. 1973 йилда СССРдаги 62 тилдан ва хорижий мамлакатлардаги 40 тилдан китоб ва брошюралар таржима қилиниб босилган. 1974, 1975 йилларда эса бу кўрсаткичлар ҳам 60 ва 48 ҳамда 61 ва 40 нисбатида бўлган<sup>1</sup>. Сўнгги аниқланган маълумотларга кўра, Совет Иттифоқида СССР халқларининг 89 тилида ва хорижий мамлакатлар халқларининг 56 тилида китоб ва брошюралар босилиб туради<sup>2</sup>.

Ҳар минутда мамлакатдаги типография машиналаридан 3000 нусхага яқин китоб ва брошюра олинади, бир кунда эса ўрта ҳисобда 4 миллион нусха нашр қилинади. Иттифоқимизда чиқарилаётган йиллик китоб маҳсулоти 1 миллиард 500 миллион нусхани ташкил этади. Бу Ер қуррасининг экваторини олти марта «китоб белбоғи» билан ўраб чиқишга бемалол этади.

### 3-§. Таржима — умумдавлат иши

Улуғ Октябрь социалистик революцияси келтирган оламшумул тарихий самаралардан бири метиндай мустаҳкам Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг тузилганлиги, бунинг натижаси ўлароқ янгича инсоний фазилатларга эга бўлган совет халқининг камол топганлигидир. Ҳар бир социал тузум, унга мос равишда пайдо бўлган сиёсий, ҳуқуқий ақидалар ва дунёқараш айни ижтимоий муҳитда яшаётган кишиларга таъсир қилмасдан қолмайди. Масалан, америкача ҳаёт йўсини бошқа мамлакат халқларининг тирикчилик шароитлари ва тартибларига ўхшамайди. Совет кишиларининг яшаш тарзи эса «озод дунё» аталмиш капиталистик қуллик шароитида умр ўтказаетган фуқаронинг аҳволидан бутунлай фарқ қилади. Ҳар қандай миллий адоват, ирқий камситиш, сиёсий зулмдан холи бўлган совет кишилари чуқур гуманистик ахлоқий фазилатларга эга. Чунончи, барча мамлакатларнинг халқларига ҳурмат билан қараш, улар ўртасида тинчлик, тенглик, дўстлик, биродарликни барқарор қилиш учун фаол курашиш бизнинг кишиларимизга хос ахлоқий сифатлардандир. Бутун дунё афкор оммасининг наздида совет тузуми, совет халқи, совет кишилари тушунчалари ўзгача бир ихлос, ҳурмат, ҳавас пайдо қилганлигининг сири ҳам шунда.

<sup>1</sup> «Печать СССР...». Изд-во «Статистика», М., 1973, 1974, 1975, стр. 14—15, 20—21, 22—23.

<sup>2</sup> З. Е с е н б а е в. Книга Узбекистана. Журн. «Звезда Востока», 1976, № 5, стр. 113.

Октябрь инқилоби натижасида мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий тузуми тубдан ўзгарганлиги, миллатлар ва халқлар ўртасида тенглик ва тотувлик, ўзаро ёрдамга асосланган тамомила ўзгача ижтимоий муносабатлар ўрнатилганлиги, шунга мус равишда янгича ахлоқий нормалар қарор топганлиги — буларнинг бари янги совет кишининг маънавий камолотида муҳим роль ўйнаган омиллардандир. Бироқ мазкур гуманистик жараён ўз-ўзидан содир бўлгани йўқ. Бу Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг изчиллик билан олиб борган сиёсати ва қайноқ амалий фаолияти натижасидир.

Янги совет кишини тарбиялаб етиштиришда адабиёт ва санъатнинг аҳамияти жуда катта. Лекин бадиий адабиёт асарлари бизда, бошқа бир қанча мамлакатларда бўлгани сингари, ягона бир тилда ёки муайян бир нечта тилда эмас, балки мақ 75 тилда бунёд этилади. Бунинг устига, мамлакатимизда ўз она тилида миллий адабиёт яратаётган халқлар сони ҳам мунтазам ошиб боради. (130 тилда сўзлашувчи халқлар иттифоқидан ташкил топган мамлакатда бундай адабий ҳаракатнинг содир бўлиши ўз-ўзидан тушунарли.)

Бу ерда гап ягона социалистик мазмуннинг турли-туман тилларда, хилма-хил миллий шаклларда тараннум этилишидагина эмас (гарчи шунинг ўзи ҳам жуда катта ижтимоий-сиёсий, лисоний-эстетик воқеа бўлса-да!). Чоракам юз тилда баравар барпо этилаётган миллий совет адабиётларида юз бераётган кундалик воқеалардан ўз вақтида огоҳ бўлиб туриш, уларда яратилаётган муносиб асарларни умумсовет ва жаҳон адабиётининг мулкига айлантириш, қардош адабиётларни ўзаро бойитиш масаласи бизда фавқулудда катта аҳамият касб этади. Аммо бун қандай йўл билан амалга ошириш мумкин? Мана шу ерда б а д и и й т а р ж и м а ёрдамга келади. Тўғри, миллий маданиятлар равнақида, улар ўртасида тажриба алмашишда қардош халқлар маданият арбоблари, ёзувчи, шоир, драматургларнинг бир-бирлари билан шахсий алоқа ўрнатишлари, адабиёт ва санъат декадалари ва ҳафталиклар ўтказиш ҳам жуда фойдали маданий тадбир ҳисобланади: адабий алоқа ўрнатиш — танишувдан бошланади, ўзаро маънавий бойиш ва таъсир эса адабий алоқанинг маҳсулидир. Бироқ бундай адабий ҳафталик ва декадалар қардош халқлар адабиётларидан қилинган сифатли бадиий таржималар билан мустаҳкамланмас экан, бу тадбирлар муҳим «мавсумий кампания» бўлиб қолади, холос.

Қадимги замонларда ҳам бошқа халқлар яратган маданий меросга қизиқиш бўлган, йирик насрий ва шеърий асарлар, илмий ва тарихий рисоалар таржима қилинган.

ЮНЕСКОнинг 1971 йил ноябрь ойида Деҳлида Абурайҳон Бериунининг туғилганига 1000 йил тўлиши муносабати билан чақирилган халқаро илмий конференцияда қайд этилганидай, ал-Беруний ғоят заковатли киши эди. У Шарқ маданияти би-

лан Европа маданиятини — ҳинд, эрон, араб, юнон маданиятини ўзда мужассамлаштира олди. Ал-Беруний Ҳиндистонда кўп йил умр кўриб, ҳинд фанининг Ғарб учун биринчи кашшофи бўлди. Ҳиндистон олимлари ўз нутқларида буни алоҳида таъкидлайдилар. Ўрта Осиёнинг ажойиб олими фалсафа, астрономия, математикага доир юзлаб оригинал асарлар яратиш билан бирга, санскрит тилидан араб тилига кўп асарларни таржима қилди<sup>1</sup>.

Араб ижодий фантазиясининг маҳсули «Минг бир кеча», ҳинд эртаклари «Қалила ва Димна», Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея»си, Умар Хайём рубоийлари, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони, «Бобирнома», Данте, В. Шекспир, Сервантес, Байрон, Вольтер, И. Гёте, А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, Даниель Дефо, Робиндранат Тагор асарлари жаҳон халқларининг тилларига қайта-қайта таржима қилиниши туфайли Ер юзининг турли қитъаларида асрлар давомида билим ва маърифат манбаи бўлиб хизмат қилган.

Тарихдан ва фаннинг ҳозирги тараққиётидан шу нарса яққол кўриниб турибдики, ривожланган жамият таржимага қулай шароит яратиб беради, ўз навбатида, фан, техника ва маданиятнинг юксалиши таржима ишининг тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Қадимги Ҳиндистонда табиий фанларнинг ривожланиши, Грецияда академиянинг ташкил топиш тарихи, кўҳна Эрон маданияти, ўрта асрлар араб илм-фани, Уйғониш даври, шу даврда Ўрта Осиёда медицина, астрономия, математика ва бошқа аниқ фанларнинг равнақи, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши ва кенгайиши, XX асрдаги илмий-техника революцияси, совет фани, техникаси, маданияти ва адабиётининг гуллаб-яшнаши — ана шу юксалиш даврларининг ҳаммасида таржима адабиётининг муносиб ўрни бор.

Лекин шуни айтиш керакки, Октябрь инқилобидан олдинги даврда таржима айрим фидойи адиблар ва ноширларнинг хусусий иши саналган. Гоҳо баъзи ҳукмдорлар ном чиқариш, ўз салтанатларининг шуҳратини «абдийлаштириш» мақсадида йирик тарихий обидалар, илмий рисоалар, ахлоқ, дин, тасаввуфга оид асарлар, Шарқ классик адабиётининг намуналарини замонасининг истеъдодли кишиларига буюриб таржима қилдирганлар<sup>2</sup>.

Бизнинг мамлакатимизда бадий таржима умумдават иши ҳисобланади. Умуман, халқ маорифи, маданияти, маърифатидан давлат қанчалик манфаатдор бўлса, бадий адабиёт ва таржима ҳам шунчалик давлат аҳамиятига молик ишдир.

Совет Ўзбекистони ҳозирги вақтда ялпи саводхон ўлка, ил-

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони» газ., 1971, 10 ноябрь.

<sup>2</sup> Жуманиёв Шарипов. Ўзбекистонда таржима тарихидан (Революциядан олдинги давр). «Фан» нашриёти, Тошкент, 1965.

гор саноат, ривожланган қишлоқ хўжалиги, юксак социалистик маданият, адабиёт ва санъатга эга бўлган илғор республика, Шарқда машъал бўлиб танилган ҳур ўлкадир. Меҳнаткаш халқимизнинг маънавий камолоти ҳам ана шунга тўла мос. Бугунги ўзбек хонадони фақат ўз классик ва совет адабиёти намояндаларининг ажойиб асарларини ўқиб лаззатланиш билан кифояланмайди. Эндиги китоб шинавандаси бадиий таржима сеҳри туфайли ўз ҳузурига ташир буюрган Гомер билан Умар Хайём, Эсхил билан Шайх Муслиҳиддин Саъдий, Фридрих Шиллер билан Абулқосим Фирдавсий, Данте Алигъери билан Хусрав Деҳлавий, Вильям Шекспир билан Низомий Ганжавий, Иоганн Гёте билан Хўжа Ҳофиз, Оноре де Бальзак билан Жиржи Зайдон, Ги де Мопассан билан Робиндранат Тагор, Эрнест Ҳемингуэй билан Мушфиқ Козимий, Генрих Гейне билан Маликушшуаро Баҳор, Пабло Неруда билан Нозим Ҳикмат, Гарриет Бичер Стоу билан Мирзо Бедил, Теодор Драйзер билан Прем Чанд, Андре Стиль билан Хўжа Аҳмад Аббос, Жюль Верн билан Камол Хўжандий, Шандор Петефи билан Азиз Несин, Александр Пушкин билан Шота Руставели, Лев Толстой билан Абу Абдулло Рудакий, Николай Гоголь билан Махтумқули, Тарас Шевченко билан Абай Қунанбоев, Леся Украинка билан Абдулла Тўқай, Максим Горький билан Садриддин Айний, Владимир Маяковский билан Мирза Фатали Охундов, Михаил Шолохов билан Мирза Иброҳимов, Александр Фадеев билан Самад Вурғун, Эдуардас Межелайтис билан Мирзо Турсунзода, Николай Тихонов билан Расул Ҳамзатов, Микола Бажан билан Ўлжас Сулейменов, Александр Твардовский билан Чингиз Айтматов, Самуил Маршак билан Георгий Леонидзе, Олесь Гончар билан Муса Ҳалил, Борис Полевой билан Муса Ғали, Алексей Сурков билан Мухтор Аvezов, Максим Рильский билан Берди Кербобоев, Аветик Исаакян билан Олим Кешоков сингари юзлаб сўз усталарининг ўлмас асарларини ўз она тилида севиб ўқимоқда.

1977 йилда «Литературная газета» ўзининг биринчи саҳифасида «Қардош халқлар тилларида» деган сарлавҳа остида қуйидаги «оддийгина» адабий воқеани хабар қилди: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жажжигина қизил китобчани босмадан чиқарган, унда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг атиги битта шеъри — «Яша, Шўро!» берилган. Мазкур шеърни Ҳамза қарийб олтмиш йил муқаддам, 1918 йилда ёзган. Туркистонда совет ҳокимиятининг барпо этилиши даврида, оғир инқилобий кунларда «Яша, Шўро!» шеъри халқ орасида кенг шухрат топган эди.

Китобчада Ҳамзанинги бу шеъри мамлакатимизнинг ўн беш қардош халқлари тилида: русчада — Н. Гребнев таржимасида, украинчада — М. Бажан, белорусчада — П. Бровка, қozoқчада — А. Тожибоев, грузинчада — К. Қаладзе, озарбайжончада — Р. Ризо, литва тилида — А. Дрилинги, молдаванчада —

А. Лупан, лотиш тилида — Ц. Динере, қирғизчада — А. Тўқумбоев, тожикчада — М. Турсунзода, арманчада — С. Капүтикян, туркманчада — К. Қурбоннепесов, эстон тилида эса В. Бэзкман таржималарида баралла жаранглайди.

Шу билан бирга, ўзбек китобхони ўзининг бой адабий мероси ҳамда бугунги ривожланган адабиётдан мазмунан чуқур, шаклан хилма-хил асарларни бошқа халқларга тақдим этади. Бу — ўзбек халқи олтмиш йил мобайнида қўлга киритган улкан ғалаба, ўзбек совет адабиёти эришган улкан ютуқдир. Бугунги кунда бадиий таржима соҳасида эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинар экан, бу муваффақиятлар халқимиз орасидан етишган маърифатпарвар кишилар, давлат ва жамоат арбоблари, атоқли ёзувчи, таржимон ва журналистларнинг фидойи меҳнати натижасида қўлга киритилганини алоҳида қайд этишга тўғри келади.

Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилида кенг китобхонлар оммасига етказишда ҳормай-толмай меҳнат қилган, бу шарафли ишга ўзининг бутун онгли ҳаётини бағишлаган таржимонлар Амир Нажиб, Отажон Ҳошим, Саидғани Валиев, Абдулла Авлоний, Санжар Сиддиқ, Наим Саид, Холмуҳаммад Охундий, Қосим Сорокин, Ҳоди Файзий, Наби Алимухаммедов, Рустам Абдурахмонов, Ҳомил Ёқубов, Аҳмаджон Ёқубов, Лутфулла Муродов, Жалолхон Азизхонов, Зиё Аминов, Файзулла Эргозиёв, Абдулла Ҳуразаев, Рихси Саҳибоев, Ғиёс.Неъматов, Насибулла Ҳабибуллаев ва бошқаларнинг хизматини ҳурмат билан тилга олиш керак.

Ўзбек ёзувчиларидан Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғуллом, Зулфия, Мирзакалон Исмоилий, Иззат Султон, Парда Турсун, Йўлдош Шамшаров, Одил Ёқубов, Рамз Бобожон, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов ва бошқалар ҳам оригинал ижод, ҳам бадиий таржимачилик соҳасида барабар қалам тебратдилар. Ўзбек адабиёти асарларини рус тилига ўгириш соҳасида Л. М. Пеньковский, Вл. Державин, С. Липкин, Н. Грибачёв, Н. Гребнев, С. Бородин, М. Салье, С. Н. Иванов, С. Сомова, З. Туманова, Н. Владимирова сингари ўнлаб адиблар тер тўкиб меҳнат қилдилар.

Хорижий, рус ва бошқа қардош адабиётлар бисотидан олинган латиф мисралар, пурмаъно сатрлар билан руҳий дунёмизни янада бойитган, қалбларимизни ҳаяжонга солган ёш ижодкорлардан Рауф Парфи, Муҳаммад Али, Жамол Камол, Мирзаиз Аъзам, Неъмат Аминов ҳамда тил маданиятини чуқур эгаллаган, сўз санъати сирларини нозик ҳис этадиган Наби Алимухаммедов, Зумрад, Кибриё Қаҳҳорова, Холида Аҳророва, Ваҳоб Рўзиматов, Миркарим Осим, Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Одил Шаропов, Тўхтасин Жалолов, Қодир Мирмуҳамедов, Мирзиёд Мирзоидов, Миад Ҳакимов, Асил Рашидов, Ҳай-



дарали Ниёзов, Иброҳим Ғафуров, Ҳасан Тўрабеков, Тўлқин Алимов ва бошқа кўп таржимонларимизнинг номлари китобхонларга яхши таниш.

Илмий, адабий-танқидий ва публицистик йўлда бадиий таржима санъати, унинг аҳамияти ва ютуқларини кенг тарғиб қилишда Шароф Рашидов, Комил Яшин, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Асқад Мухтор, Азиз Қаюмов, Жуманиёз Шарипов, Лазиз Қаюмов, Г. П. Владимиров, Н. В. Владимироваларнинг хизмати катта. Ўзбек бадиий ва илмий таржима адабиётида кўнгилли воқеа сифатида фаол таржимонлик хизмати учун шарқшунос олим Убайдулла Каримовнинг Беруний номидаги республика Давлат мукофотига, адабиётшунос олим Шоислом Шомуҳамедов форс адабиёти соҳасидаги илмий фаолияти билан бирга, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини (биринчи китоб) ўзбекчалаштиргани учун халқаро Фирдавсий мукофотига сазовор бўлганларини қайд этиш мумкин. Шунингдек, шоир Рамз Бобожон билан шоира Зулфиялар СССР Давлат мукофотининг лауреати деган юксак унвонга мушарраф бўлган эканлар, бу фақат ўзбек адибларининг эмас, балки уларнинг номларини бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсида кенг танитган заҳматқаш таржимонларнинг ҳам қутлуғ меҳнатларини эътироф этиш ва муносиб тақдирлаш деган сўз.

#### 4-§. Саводхонлик ва таржима

Аслида фан, бадиий адабиёт, санъат ва таржима ҳақидаги баҳсни халқнинг саводхонлиги, умумий маданий савияси, ўлкада матбуот ва нашриёт ишининг аҳволи масаласидан бошламоқ керак. Негаки, адабиёт, китоб, таржима уларни ўқий оладиган, тушунадиган ва муносиб баҳолашга қурби етадиган халқ учун яратилади. Зероки, буларнинг буюртмачиси, истемолчиси, эгаси — халқнинг ўзидир. Ҳар қандай китобнинг қиймати уни мутолаа қилувчи кишининг умумий маданий тайёргарлиги, талаби ва диди билан баҳоланади. Юксак, илмий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий савияда яратилган асар, хусусан, агарда унда бошқа халқлар ҳаёти тасвирланган ёхуд у хорижий адиб ёки олимнинг қаламига мансуб бўлса, бу китобхоннинг фаол мушоҳада этишини талаб қилади.

Ҳар бир таржима асари — ўз даврининг маҳсулидир. Айтайлик, юз йил олдин муайян бир бадиий асарнинг ўзбек тилига қилинган таржимаси билан унинг кейинги даврларда бунёд этилган таржималари бир-бири билан қийёсланса, бундан турли даврларда яшаган таржимонларнинг асар муаллифини тушуниш даражаси, уларнинг маҳорати ўртасида кўзга яққол ташланадиган тафовутнигина эмас, балки адабий тилнинг турли даврларда ҳар хил камолот даражасида бўлганлигини ҳам кўриш мумкин.

Таржима ва китобхон ўртасидаги муносабатнинг давр ўти-

ши билан ўзгариш такомилени олиб кўрайлик. Чунончи, Октябрь инқилобидан олдинги давр олиб қаралса, масала, беихтиёр, аҳолининг саводхонлигига бориб тақалади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан ниҳояти йигирма йил илгари, 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатидан олинган маълумотга кўра, оммани ялпи саводхон қилиш учун Россиянинг Европа қисмида 120 йил, Кавказ ва Сибирда 430 йил, Ўрта Осиёда эса 4600 йил вақт талаб этилиши «башорат» қилинган эди<sup>1</sup>.

Албатта, орадан 80 йил ўтгандан кейин бундай хулоса фавқулодда ҳайратомуз бўлиб туюлиши табиий. Лекин ўша давр иқтисодий ва сиёсий тузуми шароитида бу рақамлар, умуман олганда, чор Россияси ва унинг чекка ўлкаларида аҳолининг саводхонлигини кўтариш иши жуда аянчли эканлигини кўрсатган бўлса-да, ўз вақтида бунинг «ажабланадиган» жойи кам эди. Бироқ масаланинг моҳияти шундаки, ўша «башоратчи» статистиклар «...эҳтимол, арифметикани билишган бўлса бордир, бироқ тарихдан беҳабар эдилар, жаҳондаги энг илғор назария билан қуролланган ва мўъжизалар яратишга қодир меҳнаткашлар оммасини йўлга сола оладиган кучга эга бўлган коммунистлар партияси мавжудлигидек муҳим фактни ҳисобга олмагандилар»<sup>2</sup>.

Аҳолининг ялпи саводхонликка эришуви, юқори маданий камолот даражасига кўтарилиши бирданига, қандайдир мўъжиза йўли билан енгил кўчган иш эмас, балки бу синфий кураш, катта қурбонлар бериш эвазига эришилган мислсиз ғалаба, маданий инқилоб демакдир.

Россия Туркистонни забт этганидан сўнг, 1868 йилда ўлканинг биринчи бюджети тузилган. Бунга асосан ҳукумат жами 3 млн. 791 минг сўм пул ажратган. Бюджетда халқ маорифи, қишлоқ хўжалиги, саноат ҳамда йўллар сингари моддалар бўш қолдирилган, улар ҳеч қандай рақам билан тўлдирилмаган. Бирдан-бир тўлдирилган моддалар: полиция-давлат хазинаси харажатлари — 1 процент ва ҳарбий харажатлар — 99 процентдан иборат бўлган. Орадан 32 йил ўтгач, 1900 йилда бюджет ниҳояти 13 млн. сўмга етиб, бунда ҳарбий харажатлар 71 процент, полиция харажатлари, тахминан, 5,5 процент, халқ маорифи 3,5 процент, йўл харажатлари 2,8 процент, деҳқончилик харажатлари 2 процентни ташкил этган. Ўн беш йил ўтгандан сўнг тузилган учинчи бюджетда эса 25 млн. сўм ажратилган бўлиб, ундан тақсимот нисбати бирмунча ўзгарган: давлат хазинаси ва полиция харажатлари 5,5 процентдан — 14,6 процентга кўпайган; йўл, деҳқончилик, савдо ҳаммаси бирга

<sup>1</sup> Б. Л. Комановский. Самые молодые литературы. Изд-во «Знание», М., 1973, стр. 9—10.

<sup>2</sup> Ў. Раҳимов. Совет оиласида. «Таржима санъати» мақолалар тўплами, 3-китоб. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976, 4-бет.

қўшиб олинганда 5 процентдан — 11 процентга ошган; маориф харажатлари эса... 3,5 процентдан — 2,3 процентга камайган. Қолган маблағ ҳарбий мақсадларга харажат қилинган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг биринчи Раиси Файзулла Хўжаев республика Советларининг VI фавқулодда съездида сўзлаган нутқида (1937) собиқ Туркистон мустамлакасида халқ маорифига 0,5 процент, ҳарбий-полициячилик ишларига эса 80 процентдан ортиқ маблағ харажат қилинганини эслатган эди.

Олиб борилган изчил кураш натижасида 1940 йилга келиб республика тўла саводхон ўлкага айланди. 1975 йил арафасида бизда 7,5 минг умумий таълим мактаблари, 42 олий ўқув юрти, 20 га яқин илмий муассаса бўлган.

Тўққизинчи беш йиллик бошлангунга қадар республикада 2500 илмий ва илмий-педагогик ходим ишлаган бўлса, 1975 йилда уларнинг сони 28 мингдан ошиб кетган, фан докторлари 494 дан 686 кишига етган. Фан кандидатлари сони илгари 6907 киши бўлса, ҳозир 9 мингдан ошган<sup>2</sup>.

Ана шундай бир улкан инқилобий ўзгариш шароитида: 1917—1920 йиллардаги — 5 процент, 1924 йилга келиб — 15 процент, 1935 йилда — 65 процент, 1940 йил арафасида — 100 процентга етган саводхонлик, турлича илмий-маданий савия, узлуксиз тил тараққиёти шароитида сидирғасига бир хил таржималарнинг бўлиши мумкин эмас эди. Турли даврлар, ҳар хил тараққиёт суръати, хилма-хил талаб — булар турли-туман таржималарнинг пайдо бўлишига замин яратган, шунинг учун ҳам уларнинг барчасини ягона, бир хил вазн билан баҳолаб бўлмайди.

Бугунги кунда ўзларининг бадиий баркамол ижоди — ажойиб роман, қисса, дoston ҳамда илмий, ижтимоий-сиёсий мавзудаги етук асарлари, луғатлари билан бир қаторда марксизм-ленинизм классикларининг, шунингдек, жаҳон, рус ва қардош халқлар адабиётлари намояндаларининг қаламига мансуб китоблар таржимаси билан номлари кенг танилган ёзувчи, шоир, адибларимиз ўзларининг бундан қирқ-эллик йил нарисидаги таржималарини баъзан «тан олмайдилар» ёки уларнинг сифатидан «уяладилар». Дарҳақиқат, бу таржималардан «антиқа хатолар»ни қидирувчи ишқибозлар истаганча «таржимавий ғалат»ларни топишлари мумкин. Ана шундай «антиқа нуқсон»лардан бирини Рустам Абдураҳмонов мисол келтиради. У ўзининг 1922 йиллардаги илк «таржимонлик тажрибаси» ҳақида «Ёш гвардия» нашриётида босилиб чиққан «Жўшқин ёшлик йиллари» (1974) китобида ёзади:

<sup>1</sup> Файзулла Ходжаев. Избранные труды в трех томах, т. 3, Изд-во «Фан», Ташкент, 1973, стр. 152.

<sup>2</sup> М. Хайруллаев. Фан тараққиёти ва кадрлар тайёрлаш. «Совет Ўзбекистони» газ., 1975, 16 янв.

«...Қарасам, докторнинг рўпарасида мункиллаган бир чол ўтирибди,— деб ҳикоя қилади муаллиф.— Варя опа менга, бу чолнинг қанақа касали борлигини сўраб, таржима қилиб бер, деди. Мен чолдан касалини сўрадим. — Уғлим, доктор опага яхшилаб тушунтир,— деди чол.— Бир неча йилдан бери чакмезак касалига гирифторман. Сийдигим чакиллаб томиб юради. Эшитишимча, ҳамма касални биладиган доктор эмиш. Кейин унга айт, қовуғим ҳам ёмон оғрийдди.

Мен довираб қолдим. Чол айтган сўзларни таржима қилолмас эдим. Уша вақтда мен биладиган рус сўзлари 20—30 тадан ошмас эди. «Чакмезак», «қовуқ» сўзларининг русчаси қанақалигини мутлақо билмасдим.

Доктор таржима қилиб беришимни кутиб, бетоқат бўлаётганини кўргач:

— У бабай живот болит,— дедим.

— Рустамчик, скажи старику: пусть каждый день натошак принимает по одному порошку,— деди.

Мен «натошак» сўзини ўзимча тушуниб, чолга ҳар куни шу доридан биттасини қовуғингизга суртار экансиз, деб таржима қилиб бердим. Уч-тўрт кундан кейин яна докторнинг олдига келар экансиз, дедим.

Тайинланган муддатда доктор ҳузурига келган бемор чолнинг аҳволи, ҳалиги «кулгили» таржима туфайли, жуда परिшон бўлиб қолган эди.

— Ҳа, таржимон, келдингми?— деди Миша амаки мени кўриши билан.

Мен салом бериб, бурчакдаги курсига бориб ўтирдим.

— Бу отани бошлабсан-ку,— деди Варя опа,— унинг қовуғида — сийдик йўлида тош тиқилиб қолган экан. Сен бўлсанг, менга бобойнинг қорни оғрир экан, дедим. Мен очнаҳорда ичсин, деб берган дорини, қовуғингизга сурканг, деб таржима қилибсан» (53—54).

Эски таржималарнинг ҳозиргиларига нисбатан ғўрлиги таржима маданияти ва аҳолининг саводхонлиги даражасининг ўз даврига мослиги билан изоҳланади.

Аҳолининг умумий саводхонлик ва маданий савияси ўсиши билан боғлиқ ўлароқ, ўлкада китоб нашр қилиш ишлари ҳамда таржима адабиётига талабнинг ошиб боришини кузатайлик.

Биринчи ўзбек китоби 1880 йилда босилиб чиққан бўлса, орадан 30 йил ўтгач, 1913 йилда ўзбек тилида умумий тиражи минг нусхадан иборат 33 номдаги китоб нашр қилинди. Уша даврда ўзбек аҳолисидан ҳар 10 минг киши бошига она тилида, ўрта ҳисобда, 0,2 босма табоқ ҳажмдаги китоб тўғри келар эди<sup>1</sup>.

1925 йилда ҳажми 874 босма табоқ бўлган 189 та китоб чоп қилинган. Биринчи беш йилликнинг уч йили давомида 7.797 босма табоқ ҳажмда 2.257 номдаги китоб нашрдан чиққан. 1932 йилда 6.800 босма табоқдан иборат 1.500 нашр таъминлашни мўлжалланган. 1925 йилда нашр қилинган китоблар тиражи 1 млн. нусха бўлса, 1932 йилда бу 136 млн. га етган. Совет Иттифоқи бўйича уч йил ичида китоблар тиражи икки баравар ошган бўлса, Ўзбекистон бўйича етти ярим баравар ошиб кетган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> З. Есенбаев. Книги Узбекистана. Журн. «Звезда Востока», 1976, № 5, стр. 114.

<sup>2</sup> А. К. М. А. Л. И. К. Р. А. М. О. В. Избр. тр. в трех томах, т. 2. Изд-во «Узбекистан», Ташкент, 1972, стр. 514—515.

1924 йилда жами 193 номда 571 минг нусха китоб чиқарилган. Ўзбекистон Давлат нашриёти ташкил этилган 1925 йилда 334 номда 1 млн. 508 минг нусха китоб чоп қилинган. 1940 йилга келиб босилиб чиққан китоблар сони 1.200 номда 11 млн. 187 минг нусхага етган.

«Совет Ўзбекистони китоби (1917—1927)» библиографик кўрсаткичида (Тошкент — 1976) ҳаммаси бўлиб 1.554 номдаги китоб рўйхатга олинган. Шу жумладан, жами бадий таржима асарлари — жаҳон адабиёти, рус адабиёти, қардош халқлар адабиёти ҳамда болалар адабиётидан ўзбек тилига ўгирилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган ишларнинг умумий ҳажми 1.475 саҳифа бўлиб (бу тахминан 100 босма табоқни ташкил этади), тиражи 166.500 нусхадан иборат.

Бутун жаҳон миқёсида XVIII асрда ҳаммаси бўлиб тахминан 1,6 млн. китоб нашр қилинган бўлса, XIX асрда бу рақам 6,1 млн. га етган. XX аср эса инсониятга 50 млн. га яқин номда китоб ва брошюра туҳфа этса керак, деб тахмин қилинмоқда.

Ҳозир СССРда 230 дан ортиқ нашриёт бор. Уларда совет ҳокимияти йилларида 2,7 млн. номдаги китоб ва брошюралар 43 млрд. нусхали тиражда босилиб чиққан. Мамлакатдаги 360 минг кутубхонанинг фонди 3,3 млрд. жилдан иборат бўлиб, улардан 180 млн. китобхон текин фойдаланади.

Совет ҳокимиятининг эллик йиллик даврида республика-мизда 66 мингдан ортиқроқ номдаги китоб ва брошюралар 829 млн. нусхадан кўпроқ тиражда босилиб чиқди. «Совет Иттифоқидаги қардош республикалар оиласида Ўзбекистон китоб маҳсулоти чиқариш тарафидан РСФСР ва Украинадан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Бу рақамлар бизнинг халқимизга эркинлик ва бахт ато этган Ленин партияси, социалистик инқилоб шарафига бамисоли мусиқадай, худди қасидадай жанглайди»<sup>1</sup>.

Ўзбек тилига ўгирилган китоблар сони 12 мингтадан ошиб кетди. СССРда Алишер Навоий асарлари 17 тилда 87 марта жами 979 минг нусхада, Ғафур Ғулом асарлари 14 тилда 88 марта жами 1.190 минг нусхада, Абдулла Қаҳҳор асарлари 14 тилда 72 марта 1.950 минг нусхада нашр этилди. 50 йил мобайнида СССР да ўзбек бадий адабиёти асарлари жами 46 миллионга яқин нусхада 2.500 мартадан кўпроқ нашр қилинган. Кейинги 15 йил ичида (1972 йилгача) ўзбек ёзувчилари асарлари чет элларда 20 тилга таржима қилиниб, 8 миллиондан ортиқ нусхада босиб чиқарилди.

Республика нашриёт ходимларининг салкам 85 фоизи ўзбеклар бўлиб, жами чоп этилаётган маҳсулотнинг 70 процентга яқини ўзбек тилидадир.

<sup>1</sup> В. Есенбаев. Книги Узбекистана. Журн. «Звезда Востока», 1976, № 5, стр. 114.

Ўзбекистонда чоп этилаётган китоблар жаҳоннинг 97 мамлакатига экспорт қилинади. Кейинги йилларда ўзбек муаллифларининг асарлари жаҳоннинг 20 дан ортиқ халқлари тилларига таржима қилиниб, 8 млн. дан кўпроқ нусхада босилиб чиқди. Ойбекнинг «Навойи», «Улуғ йўл» романлари, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳорнинг қисса ва ҳикоялари, Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар», Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» романлари ва бошқа кўпгина китоблар хорижий тилларга таржима қилинган.

1975 йилда ўзбек тилида жами 1065 номдаги китоб ва брошюра 22 млн. 604 минг нусхада чоп этилган. Шулардан 340 номдаги иш 28 тилдан ўгирилган таржима китоблари бўлиб, буларнинг тиражи 10 млн. 569 минг нусхани ташкил этади. Худди шу йили ўзбек тилидан 50 номдаги китоб ва брошюралар 8 тилга 2 млн. 129 минг нусхада таржима қилиб босилган. Шу жумладан, рус тилига 36 номдаги китоб ўгирилиб, улар 1 млн. 833 минг нусхада босилган бўлса, 14 номдаги иш бошқа тилларга таржима қилиниб, 296 минг нусхада чоп этилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг матбаа-нашриётчилик ва таржима соҳасидаги бугунги маданий тараққиёт суръати ана шундай.

## 5-§. Халқлар ва тиллар. Тиллар ва таржималар

Халқлар бир-биридан нима билан фарқланади? Халқнинг асосий белгиларидан бири тил эканлиги маълум. Чунки муайян бир халққа мансуб бўлган ҳамма одамлар ўзлари учун она тили ҳисобланган забонда сўзлашадилар. Бироқ бу дунёда нечтаки халқ бўлса, тилларнинг сони ҳам шунча деб ҳулоса чиқаришга асос бермайди. Бошқача айтганда, халқлар сони билан тилларнинг сони ҳамма вақт ҳам бир-бирига тўғри муносабат бўлавермайди. Чунончи, мустақил этнос ҳисобланмиш бир қанча халқлар бир тилда сўзлашишлари ҳам мумкин. Масалан, инглиз тилида фақат инглизларнинг ўзларигина эмас, балки Ер қуррасининг турли қисмларида яшовчи бўлак халқлар ҳам: америкаликлар (160 млн.), инглиз-канадаликлар (5,5 млн.), шотландлар (6 млн. га яқин), Шимолий Ирландиядаги ольстерликлар (1 млн.), инглиз-австралияликлар (9 млн), инглиз-янги зеландияликлар (2,1 млн.) ва бошқалар гаплашадилар. Ҳаммаси бўлиб 270 млн. дан ортиқроқ турли халқлар инглиз тилини ўз она тилиси деб ҳисоблайди.

Инглиз тили илк дафъа мустақил миллий тил сифатида танилган Европага инглизча сўзлашувчи халқларнинг 20 фоизигина тўғри келади, холос. Шунингдек, немис тилида 100 млн.

<sup>1</sup> «Печать СССР в 1975 году. Статистический сборник». М., «Статистика», 1976, стр. 20, 23.

га яқин киши сўзлашади, лекин бу тил фақат 86 млн. дан ортиқроқ немислар учунгина эмас, балки шу билан бирга, австралияликлар (8,3 млн.), герман-швейцарлар (4,2 млн.), эльзасликлар (1,3 млн.), люксембургликларга (310 минг) ҳам она тили ҳисобланади. Испан, португал, француз, араб, ҳинд тиллари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунончи, Жануби-ғарбий Осиё ва Шимолий Африкада қадим замонлардан буён араб тили кенг тарқалган. Унда 88 миллиондан ортиқроқ араблар сўзлашади. Араблар эса қуйидаги мамлакатларда яшайдилар: Миср Араб Республикаси (28,6 млн.), Жазойир (9,9 млн.), Марокаш (9,5 млн.), Судан (7,4 млн.), Тунис (4,5 млн. га яқин), Ливия (1,5 млн.), Сурия (5 млн.) Ливан (2,3 млн.), Ироқ (5,3 млн.), Саудия Арабистони (7,2 млн.), Яман (5,3 млн.), Иордания (2,1 млн.). Шунингдек, Исройил, Туркия, Эрон, Афғонистон ва бошқа бир қанча мамлакатларда ҳам араблар яшайдилар.

Демак, дунёда кўпгина тиллар борки, улар фақат бир халққа эмас, балки бир қанча этнос группаларига хизмат қилади, уларнинг ҳаммаси учун она тили ҳисобланади. Айрим халқларнинг тарқалган ўрни билан тилларнинг тарқалиш жойи ҳам бир-бирига мос келавермайди. Гарчи тил асосий этник белгилардан бири ҳисобланса-да, бу — этноснинг ягона характерли кўрсаткичи бўла олмайди.

Дунёда яна шундай халқлар ҳам борки, уларнинг айрим гуруҳлари турлича тилларда сўзлашадилар. Буюк Британияда уэльс ёки валлийлар деб аталувчи 1 миллиондан ортиқроқ халқ яшайди. Улар икки тилда — инглиз ва ўзларининг валлий тилида сўзлашадилар. Бундай ҳолни Европадаги бошқа халқлар мисолида ҳам кўрса бўлади.

Совет Иттифоқида ҳам бир қанча тиллардан фойдаланувчи халқларни учратиш мумкин. Масалан, атиги 1 млн. 26 минг кишидан ташкил топган мордвалар иккита бир-бирига яқин, лекин мустақил тил — эрзан ва мокшан тилларида муомала қиладилар. Мордваларнинг қарийб ярми эрзан тилида сўзлашсалар, мокшан тилида уларнинг учдан бир қисми гаплашади. Бу халқнинг қолган қисми муомалада рус тилига кўчган. Совет Иттифоқидаги 146 минг карелдан 63 проценти карел тилини ўзининг она тили ҳисоблайди, қолганлари рус тилидан фойдаланадилар. Латвия СССРнинг шимоли-ғарбида, Болтиқ денгизи соҳилларида ливлар деган халқ яшайди (ҳозирги вақтда ливлардан 200 киши қолган, холос). Лив тили ҳам, эрзан, мокшан, карел, вепс тили сингари, фин тиллари группасига мансуб. Бироқ ливлар ҳам ўз она тилларида гаплашмайдилар, балки лотиш тилини қабул қилганлар.

Шуниси диққатга сазоворки, Совет Иттифоқида бир неча ўн ёки юз миллионлаб аҳоли сўзлашадиган йирик тиллардагина эмас, балки, аксарият, нуфузи кам сонли тиллар, баъзан, ҳатто, айрим йирик шеваларда ҳам оригинал ва таржима асарлар

нашр қилинади. Чунончи, 1973—1975 йиллар орасида мари тилида 117 та китоб ва брошюра 622 минг нусхада чоп қилинган бўлса, 12 номдаги таржима 52 минг нусхада босилиб чиққан. Шу давр орасида мазкур мари тилининг тоғли аҳоли шевасида 42 та китоб 76 минг нусхада, 10 та таржима китоби эса 17 минг нусхада босилган. Шунингдек, мордва-мокшан тилида уч йил орасида 72 та оригинал китоб 211 минг нусхада ҳамда 10 та таржима асари 37 минг нусхада чоп қилинган бўлса, мордва-эрзан тилида 64 та китоб 147 минг ҳамда 6 та таржима асари 11 минг нусхада нашр этилган.

Дунёда тахминан 2 минг халқ яшайди. 200 га яқин кўп миллионли халқ мавжуд, улар ер куррасининг 95 процент аҳолисини ташкил қилади. Дунё аҳолисининг бор-йўғи 5 фоизи қолган 1 мингу 800 юз халқнинг ҳиссасига тўғри келади.

Ер юзида 2 мингдан зиёд тил бор. Қуйидагилар (уларда сўзлашадиган кишиларнинг миқдорига кўра) буюк тиллар ҳисобланади:

- хитой — 530 млн. киши
- инглиз — 301 млн. киши
- рус — 176 млн. киши
- ҳинд — 172 млн. киши
- испан — 166 млн. киши
- немис — 120 млн. киши
- япон — 100 млн. киши
- араб — 89 млн. киши

- француз — 72 млн. киши
- итальян — 53 млн. киши

Дунёдаги 3.500 миллион кишидан 2.422 миллионтаси буюк тилларда гаплашади, аниқроғи, ер шари аҳолисининг учдан икки қисмидан зиёдроғи 27 тилда, учдан бир улушидан камроғи эса тахминан 2 минг тилда сўзлашади. (Асосий тилларда гаплашувчи аҳоли нуфузининг сони бетўхтов ўсиб боради, деб ҳисобланади<sup>1</sup>).

Жаҳонда 2 мингдан зиёд тил бўлган бир вақтда бевосита «тилдан-тилга» формуласи бўйича таржима қилиш амалда ниҳоятда қийин. Дунёдаги биронта ҳам мамлакат ўз таржима хўжалигининг шунчалик улкан, қамрови кенг, универсал тармоғига эга эмас. Шу сабабли таржимачилик тажрибасида қадимул айёмдан бошлаб медиум, яъни «бошқа тил орқали таржима қилиш» каби ёрдамчи воситалардан нажот излашга тўғри келган.

Ягона жаҳон таржима харитаси йўқ. Ҳамма миллатлар ўз имконияти тақозосига кўра, ўзига хос эътиқод билан ҳамда ўзи истаганча таржима қилади. Масалан, ўзбек ёзувчиси

<sup>1</sup> П. И. К о п а н е в. Вопросы истории и теории художественного перевода. Изд-во БГУ им. В. И. Ленина, Минск, 1972, стр. 24—25.



Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедияси грек тилига оригинал тили — ўзбекчадан эмас, балки французча таржимадан ағдарилган. Немис шоири Гётенинг «Фауст» трагедияси бўлса қозоқ тилига — немисча оригинал нусхасидан, ўзбек тилига — русча таржимадан ўгирилган. Шу тариқа «кўп босқичли», «погонатор» таржималар пайдо бўлади. Шубҳасиз, бу хил таржималар нисбатан бирмунча чекланган бўлади. Зотан, агар бадий асар — объектив воқеликнинг инъикоси бўлса (0—1), унинг бошқа тилга таржимаси — инъикоснинг инъикосидир (0—2), таржима орқали юзага келган таржима эса инъикос инъикосининг акс этишидир (0—3). Юқорида кўриб ўтилган мисол — Абдулла Қаҳҳор комедиясининг юноний таржимаси «тўртинчи даражали» инъикос бўлиб қолган. Турган гапки, бу хил таржималарда занжир узайган сари оригинал (асл нусха)да камомат кўпайиб бораверади — асарда акс этган миллий ўзига хослик ҳамда унинг шираси, маъноси, тил бойлиги, муаллифнинг ҳикоя қилишдаги такрорланмас услуби ва бўлак шу каби бебаҳо фазилатлар пайдар-пай ғойиб бўла боради, китобда тасвирланган воқеаларни «маҳаллий шароитлар»га «мослаштириш» ҳоллари юз беради. Баъзан айрим ўзига хос миллий унсурлар англаб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетади (чунончи, ўзбекча «сўри» Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасининг немисча таржимасида «темир йўл»га айланиб қолгани сингари<sup>1</sup>).

Шуни айтиш керакки, турлича ижтимоий тузум шароитида яшаётган кўп миллатли давлатларнинг ҳар бири тил с и ё с а т и масаласида ўзига хос йўл тутадилар. Рус тили Совет Иттифоқи халқларининг иккинчи она тили ҳисобланади. Бунда рус тилининг бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсидаги таржимачиликдан иборат улуғвор вазифаси ҳам назарда тутилади.

Кўп миллатли капиталистик мамлакатларда бўлса майда миллатларнинг аҳволи оғир. Масалан, Африка минтақасидаги давлатларнинг аксариятида тил борасидаги қийинчиликлар мавжуд. Кўпчилик қабилаларнинг ҳар бири ўз тилида гапирди. Сомалида чиқадиган ўн битта газета ва ҳафталик нашрлар ўртасида сомали тилида чиқадиган биронта ҳам нашр йўқ. Кўп тиллилик масаласи бу ерда мустақил кун кўриш учун рақобатни юзага келтирган<sup>2</sup>.

Ҳиндистон билан Жазойир Халқ Демократик Республикасини олиб кўрайлик.

Сўнгги маълумотларга кўра, Ҳиндистонда 12.185 номдаги газета ва журнал босилади. 3.200 номда нашр этилаётган ҳинд тили ўзга тиллар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Бу тарафдан инглиз тили иккинчи ўринда туради. Бироқ кундалик

<sup>1</sup> К. А. Қ а с ҳ а р. Sekretär Saida, Berlin, 1961. S. 31.

<sup>2</sup> «Литература и современный мир». Материалы международного симпозиума писателей (Ташкент, 20—24 сентября 1968 г.) Изд-во худ. лит-ры им. Гафура Гуляма, Ташкент, 1970, стр. 138.

газеталар мамлакатдаги барча нашрларга нисбатан анча кам сонни ташкил этади. Чунончи, ҳинд тилида босилаётган ҳамма нашрлар сони 176 та бўлса, инглиз тилида булар 71 тадир, холос. Ҳиндистонда газета ва журналлар 55 тилда босилади.

Битта кундалик газета санскрит тилида чиқиб туради. Жами газета ва журналларнинг умумий тиражи 33 миллион нусхадан иборат, бошқача айтганда, мамлакат аҳолисининг, тахминан, ҳар йигирматасидан биттасига 1 нусха газета ёки журнал тўғри келади.

Келтирилган бу рақамлар миллий мустақиллик учун олиб борилган кураш давомида Ҳиндистонда маҳаллий халқларнинг тиллари бошқа ҳукмрон хорижий тилга нисбатан мамлакатда тобора устун бўлиб бораётганлигини кўрсатади.

Бу жиҳатдан Жазойирдаги лисоний проблема ҳам жуда қизиқ.

Жазойир ҳукуматининг қарорига кўра, барча кўчалар, магазинларнинг номлари ва ҳатто йўллар, кўчалардаги йўналтирувчи кўрсаткичларнинг ёзувлари ҳам, илгаригидай, француз тилида эмас, балки араб тилига ўтказилган.

Яқин вақтларда республикада чиқиб турадиган барча марказий газета ва журналларни ҳам француз тилидан араб тилига кўчириш тарадудди кўрилмоқда. Жазойирнинг радио ва телевиденияси ҳозирдаёқ она тилида эшиттириш ва кўрсатувлар олиб боришни жиддий сурада кўпайтирди. Ҳозирги вақтда Жазойирнинг жами ёшу навқиронлари араб тилида сўзлашади. Чет эллардан келиб турадиган туристлар ва корчалонларнинг олдида иккита йўл қолган: энди улар ё таржимонлар орқали иш битказадилар, ё бўлмаса апил-тапил жазойирликларнинг она тилисини ўрганишга тутинадилар<sup>1</sup>.

СССР да эса мутлақо бошқача аҳвол. Бизда таржима масаласи партиянинг миллий сийосати билан узвий боғлиқ ва барча миллий тилларнинг тенг ҳуқуқли лигига асосланган. Бинобарин, ҳаётда рус тилининг роли ошиб борган сари СССР халқларининг тилларига таржима қилиш эҳтиёжи камайиб боради, деб ўйлаш хато бўлар эди. Асло бундай эмас. Рус тили ва рус адабиётининг буюк интернационал миссияси тамомила бошқача. Таржима мамлакатимиздаги қардош халқлар ўртасида дўстона алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришда, барча миллий маданиятларнинг интернационал заминини мустақкамлашда фаол роль ўйнайди. Таржима — бу фақат алоқа воситасигина эмас, балки ўзига хос лисоний-услубий ва терминологик бойишнинг қудратли омили ҳамдир. Айниқса, ҳозирги даврда — халқлар ўртасида ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ва ҳар томонлама алоқалар ниҳоятда жадаллашиб, зўрайиб бораётган асрда кўп миллатли социалистик маданиятнинг таржимасиз тараққий этишини тасаввур қилиш қийин.

<sup>1</sup> Газ. «Известия», 26 окт. 1976 г.

Шундай қилиб, рус тили бошқа миллий тилларнинг ўрнини эгалламайди, балки уларни ривожлантиради, бойитади, негизини мустаҳкамлайди. Рус тилининг дунёдаги бошқа буюк тиллардан асосий фарқли томонларидан бири ана шунда.

«Мамлакатлар ўртасидаги алоқалар тил ва адабиётга қанчалик таъсир кўрсатишини ҳаммангиз яхши биласиз,— деган эди ёзувчиларнинг халқаро симпозиумида (Тошкент, 1968) сўзлаган нутқида Мўғулистон вакили Сономин Удвал.— Бу алоқалар ўзаро ҳамкорлик натижасида, ўзаро таржималар натижасида мустаҳкамланиб бормоқда. Сизларнинг кўпчилигингиз Мўғулистон ҳақида жуда бўш тасаввурга эга бўлсангиз керак. Мўғуллар эса сизларнинг ҳаммангизни яхши биладилар... Мўғул тилида хоҳлараман мамлакатнинг жаҳон классикаси хазинасидан ўрин олган китобларини кўриш мумкин. Шота Руставели, Алишер Навоий асарларини, арабча «Минг бир кеча» китобини, Шекспир, Пушкин, Толстой, Драйзер асарларини биз мўғулчага рус тилидан ўгирганмиз. Мўғул тилидан эса, кўп ҳолларда, рус тили орқали бошқа тилларга таржима қилинади. Биз ҳаммамиз Осиё ва Африка ёзувчиларининг қанчалик кўп китоблари совет ёзувчи таржимонлари томонидан ўгирилиб, нашр этилганининг шоҳиди бўлганмиз. Дунёда худди шундай яна бошқа мамлакат ҳам борми?»<sup>1</sup>

Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг ўша симпозиумда айтган мана бу сўзларида қардош халқлар тилларига таржима қилишда рус тилининг воситачилик, васийлик ролига алоқадор нозик бир кузатиш акс этган:

«...Янги совет адабиётларининг бадий савияси ва ижодий имкониятлари ҳақида шунга кўра мулоҳаза юритса ҳам бўладики, бу тилларда Сервантес, Шекспир, Толстой, Бальзак, Драйзер, Хемингуэй ва кўплаб бошқа, жаҳон адабиётининг буюк сўз усталари асарлари нашр этилган. Бунда рус тили воситачи ролини, шу пайтгача ҳатто бир-бирининг мавжудлигини ҳам билмаган халқларнинг адабий соҳилларини тарихда илк бор билаштирган кўприк-тил ролини ўйнади. Буюк адабиётлар ёш адабий тилларни ривожлантириш ва юксалтириш ишига ҳатто майда миллий адабиётлар асарларини ўз тилига таржима этиш орқали ҳам анча кўмак бериши мумкин.

Мен қирғиз адабиёти вакилларидаман, Модомики, менинг асарларим ҳозир рус тили орқали дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилиниб нашр этилган бўлса, бу билан рус тили менинг она қирғиз тилимнинг мавқенини мустаҳкамлаяпти, унинг қарор топишига ёрдамлашапти, ички имкониятларидан дарак берапти. Мен бу гапларни буюк тиллар майда тиллар билан муқаррар зиддиятли муносабатда бўлиши шартмаслиги, улар бемалол бир-бирига алоқадор ҳолда ва бирга яшашни мумкинлигини исботлаган тажрибамизни ўртоқлашиш мақсадида айтяпман» (32).

Иккала ёзувчи — бири қардош чет эл адабиёти вакили, иккинчиси атоқли адиб, Ўрта Осиёнинг забардаст сўз устаси — рус тили иттифоқ доирасида ҳам, жаҳон миқёсида ҳам воситачи, васийлик ролини ўйнайди, деб ғурур билан эътироф этмоқдалар. Бу турли халқлар ҳаётида шу давргача кўрилмаган янгича л и с о н и й - э с т е т и к ҳодисадир. Совет адабиётининг ана шундай таржима сиёсати социалистик ҳамкорлик

<sup>1</sup> «Литература и современный мир». Изд-во художественной литературы им. Гафура Гуляма, Т., 1970, стр. 106—107.

халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини кенгайтириш ва мустақамлашда ўзининг ажойиб натижаларини бериб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

## 6-§. Лисоний таҳсил, тил муштараклиги ва таржима

XVI асрда Еуропада ва ҳатто бутун дунёда испан тили шон-ён бўлди, XVIII—XIX асрларда француз ва немис тиллари, XIX—XX асрларда инглиз тили кенг тарқалди. Ҳозирги вақтда эса рус ёки инглиз тилини билиш дунёда мавжуд бўлган барча ахборотларнинг 75—80 процентига йўл очади<sup>1</sup>.

Вирлашган Миллатлар Ташкилоти 6 тилни расмий жаҳон тили деб эътироф этган. Булар: инглиз, рус, француз, испан, хитой ва араб тилларидир.

Ф. Энгельс «Одам нечта тилни билса, у шунча марта инсондир» ҳамда «Кимки ҳеч бўлмаганда битта хорижий тилни билмаса, у ўз тилида ҳам ҳеч нарсани тушунмайди» деган ҳикматли гапларни тез-тез такрорлаб турарди.

Маориф ишлари бўйича халқаро бюро ва ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, 1964 йилда 76 мамлакатнинг ўрта мактабларида чет тили мажбурий предмет сифатида ўқитилган. Нигерия, Сьерра-Леоне ва бошқа 9 мамлакатда уларнинг ўз миллий тили эмас, балки хорижий тил давлат тили ҳисобланган (Жазойир, Бирма, Ҳиндистон, Марокаш, Миср, Чад, Шри Ланка ва бошқа мамлакатлар миллий мустақилликка эга бўлганларидан кейин илгари уларда расмий алоқа воситаси ҳисобланган инглиз ва француз тиллари эндиликда ўрта мактабларда хорижий тил сифатида ўқитилади).

1964 йилда инглиз тили жаҳондаги 75 мамлакатнинг мактабларида, француз тили — 60, немис тили — 52, испан тили — 32, италян тили — 28, рус тили — 23 мамлакат мактабларида ўқитилган бўлса, ҳозирги вақтда рус тили 40 мамлакат мактабларида ўрганилади.

32 мамлакатда фақат битта хорижий тил, 38 та мамлакатда иккита хорижий тил, 5 мамлакатда эса учта хорижий тил мажбурий ўқитилади<sup>2</sup>.

Қайси тилни хорижий тил сифатида ўқитишга танлаш, кўпинча, илмий-техника тараққиётининг янги ютуқларидан хабардор бўлиб туриш манфаатлари билан бевосита боғланган бўлади. В. Г. Костомаровнинг кузатишича, XX асрнинг 40-йиллари охирида, масалан, АҚШ да рус тилини билиш кам тарқалган эди, бу эса америкаликларга қимматга тушган. 1950 йилда А. Г. Лунц нашр қилган «Реле-контакт схемалари-

<sup>1</sup> В. Г. Костомаров. Русский язык среди других языков мира. Изд-во «Просвещение», М., 1975, стр. 67.

<sup>2</sup> В. Г. Костомаров. Русский язык среди других языков мира. М., Изд-во «Просвещение», 1975, стр. 56.

нинг анализи ва синтезига матрикавий Буль алгебрасининг татбиқи» номли мақоласидан ғофил қолиб, улар реле-контакт схемаларини ишлаб чиқишни беш йилга — ўша мақола инглизчага таржима қилингунга қадар! — кечиктириб юборганлар.

АҚШ манбаларидан олинган статистикага кўра, америкалик олимларнинг салкам 6 проценти рус тилида ёзадилар ёки ўқий оладилар, ваҳоланки, совет олимларининг 40 фоизи инглиз тилини билади. Шунинг учун ҳам улар жаҳон миқёсида илмий маълумотларни ишлаб чиқиш ва таржима қилишда руслар АҚШ дан ўзиб кетдилар, деб ҳисоблайдилар (58).

Космос — Ер музофотида яшовчи барча «ерликлар» ва уларнинг тиллари бир-бири билан алоқа қилишини талаб этади. Учиш ва бир-бирларининг ҳузурига «меҳмонга борганда» космонавтлар қайси тилда сўзлашадилар? «Союз» ва «Аполлон» кемаларининг биргаликда учишига тайёргарлик кетаётган вақтда экипаж аъзолари ҳар иккала алоқа воситаси — рус ва инглиз тилларини қунт билан ўргандилар. Бунда ҳар бир манёврни бажаришда қўлланиладиган сўзлар луғати тузилган эди.

Тушлик вақтида Т. Стаффорд рус тилида қадаҳ кўтарди, А. Леонов бўлса шу заҳотиёқ унинг сўзларини инглиз тилига таржима қилди. Бу воқеа 1972 йилнинг ўрталарида содир бўлган эди. 1973 йилнинг июлида экипаж аъзоларининг биринчи учрашувида улар бир-бирларининг тилларини дурустгина тушунишлари маълум бўлди. 1975 йил июль ойига келиб, бутун дунёда кишилар телевизор экранлари қаршисида туташган «Союз» ва «Аполлон» космик кемаларининг бортидан бевосита олиб эшиттирилган репортажнинг шоҳиди бўлдилар. А. Леонов инглизчасига ҳазил-мутойиба қилди, америкаликлар эса рус тилида репортаж олуб бордилар.

Франциянинг президентлари де Голль билан Жорж Помпиду ўз мамлакатларида рус тилини билувчилар сони билан мамлакатнинг эҳтиёжлари муқобил эмаслигини қайд этган эдилар: 50 млн. аҳолига эга бўлган Францияда ҳар йили 20.000 киши рус тилини ўрганса, 250 млн. аҳолига эга бўлган СССР да француз тилини ҳар йили 1 млн. киши ўрганади. Тил билувчилар сонидан икки мамлакат ўртасида мутаносибликка эришиш учун Францияда рус тилини ўрганувчилар сони ҳозиргидан ўн баравар кўп, яъни 200.000 кишига етиши керак эди.

1970—71 ўқув йилида 34 мамлакатнинг мактабларида, 60 мамлакатнинг олий ўқув юртлирида рус тили ўқитилган. Рус тилини ўрганиш курсларига эга бўлган ҳамда радио ва телевидение орқали мунтазам равишда рус тили ўқитилаётган давлатларни ҳам ҳисобга олинса, бу тилни ташвиқ этаётган, мунтазам равишда ўрганаётган мамлакатлар сони 81 тага, уни ўрганувчилар сони эса 14 миллион кишига етади (бизнинг мамлакатимиз бу ҳисобга кирмайди).

1974—75 ўқув йилига келиб, рус тилини 87 мамлакатда ўргана бошладилар, уни ўрганувчиларнинг сони эса 18 миллионга яқин кишини ташкил этди.

Кейинги йилларда рус тилини мунтазам равишда ўрганувчи студентлар, ўқувчилар ва бошқа шахслар сони, ўрта ҳисобда, ҳар йилига 1 миллион кишига ортиб бормоқда (130—131).

Рус тили бутун дунё бўйлаб кенг тарқалаётганлигининг бир қанча объектив сабаблари бор. Аввало, британиялик профессор Ч. Л. Реннинг сўзлари билан айтганда, «инглиз тили ёмон гапириш учун — энг осон, яхши гапириш учун — энг қийин тилдир».

Бундан ташқари, инглизчани ўрганишда талаффузда ҳам аллақанча қийинчиликлар бор. Масалан, инглизча *h* товуши немис ва ҳатто украин учун унча қийин эмас, лекин француз ва рус учун қарийб ўзлаштириб бўлмайдиган товушдир.

Жаҳонда 400 га яқин ёзув тури маълум. Энг кўп тарқалган тиллардан 200 тасидан 67 таси — латин алифбосидан, 61 таси — славян алифбосидан, 10 таси — араб, 5 таси — деванагари алифбосидан, 3 таси — иероглифдан фойдаланади.

Славян алифбосига асосланган рус ёзуви жуда катта афзалликларга эга. У янада соддалаштиришга муҳтож бўлса-да, ҳозирги аҳволида ҳам — хитой иероглификасини қўя турайлик — инглиз ва француз ёзувига қараганда жуда енгил ва мукамал ишлангандир.

Рус ёзуви рус тили фонетикасининг товушлар системасини содда ва аниқ акс эттиради, инглиз ёзуви эса жуда мураккаб бўлиб, дарслик ва луғатларда қўшимча транскрипциядан фойдаланишни талаб қилади. Масалан, Michael (Михаил) ...Майкл деб ўқилади! Шунинг учун ҳам, агар инглиз *Ливерпуль* деб ёзса, «Манчестер» ўқиш керак деб ҳазиллашишлари бежиз эмас.

Бернард Шоу 1950 йиллардаёқ ўз тилининг «бемаъни ва ярамас орфографиясига» қарши бош кўтарган эди. Унинг айтишича, ана шу туфайли 9 йиллик мунтазам кундалик таҳсилдан кейин ҳам инглиз ўқувчиси идоровий ёзув-чизув ишларини кўнгилдагидай уудалаш учун етарли малака ҳосил қила олмайди. Шоунинг ҳисоблашига қараганда, инглиз ҳар минутнинг 12 секундини ортиқча ҳарфларни ёзишга сарфлайди. Ёзув-чизув билан банд бўлган ҳар бир киши бошига бу бир йилга 73 кунни ташкил этади. Агар Англия билан АҚШ да адабиёт, идора хизмати, илмий тадқиқот ва бўлак ишлар билан шуғулланувчилар сони қарийб 2,7 миллион киши бўлса, демак, бу — одамлар ҳар йили 540 минг йил умрини бекорга сарфлайди, дегани.

СССР даги ҳамма тиллар ҳам баб-баравар «давлатий тилдир». Ҳар бир территорияда — 15 иттифоқдош ва уларнинг составига кирган 20 автоном республикада, 8 автоном область ва 10 миллий округда аҳолининг кўпчилик қисми фойдаланади-

ган тил ўша ерда кишиларнинг ўзаро алоқасида асосий муоамла воситаси ҳисобланади. Мактабларда 52 тилда ўқиш-ўқитиш ишлари, 65 тилда радио эшиттиришлари олиб борилади, 75 тилда бадий асарлар яратилади, 122 тилда китоб ва газеталар нашр қилинади.

Расул Ҳамзатовнинг образли қилиб айтишича, «она тили — авар забонида ҳам» коммунизмга бориш мумкин. Совет кишилари, шубҳасиз, коммунизмга ўз тиллари билан кириб борадилар, — деб қайд этади В. Г. Костомаров.— Бироқ, шу билан бирга, уларнинг бошқалар эришган муваффақиятлардан ҳам баҳраманд бўлиб, кенг жаҳон майдонига чиқиб олишлари ва коммунизмнинг порлоқ чўққиларига эришишларида дастёру ҳамкор бўладиган умумий тилга ҳам эга бўлишлари жуда катта қулайлик туғдиради. «Эркин кишиларнинг ўзлари, бир-бирлари билан яқинлаша бориб, ҳеч қандай зўравонликсиз (зўравонлик қанча кам, тиллар қанчалик ривожланган бўлса, шунчалик жадал суратда) шундай хулосага келадиларки, ўз тилларидан ташқари бошқа тилларни ҳам билиш фойдали ва зарурий нарсадир» (32).

«Тилларда, айниқса, қардош тилларда, муттасил алоқалар бўлиб турганда, шубҳасиз, умумий хусусиятлар пайдо бўла бошлайди, — деб ёзади В. Г. Костомаров.— Кўп миллатли социалистик давлатнинг ақил оиласида қардошлар сингари яшаётган ва кишиларнинг тарихда мисли кўрилмаган жамоаси — совет халқи бўлиб бирлашаётган СССР халқларининг тиллари ўзаро алоқа қилиб туради. Уларда бизнинг кўз ўнгимизда умумий луғат фонди юзага келмоқда; олимлар бўлак муштарак сифатларнинг ҳам пайдо бўлаётганини пайқамоқдалар. Булар ҳаммаси уларнинг ёзувда, айниқса, сўзлашиш пайтида бир-бирларининг фикрини фаҳмлаб олишларига ҳам кифоя қилмайди. «Совет» деган тушунчани олганимизда, ҳатто у ҳам СССР даги барча тилларда бирдай ифодаланмайди: украинлар — *рада*, лотишлар — *радоте*, литваликлар — *тачува*, грузинлар — *сабчо*, арманлар — *хорурт* ва ҳоказо дейишади. Тиллар уларнинг соҳиблари бўлган одамларга қараганда жуда-жуда секин яқинлашадилар» (16).

Одамлар ягона бир тилда гаплашиш учун ўз она тилларидан воз кечиб, бошқа биронта тилни ихтиёр қилсалар бўлмасмикан? Ҳамма гап шундаки, ҳар бир киши ўз тилини бўлак шунга ўхшаш кўплаб тилларнинг бири деб ўйламай, балки ўзиникини «ҳақиқий тил» деб ўйлайди. Чунончи, Марк Твеннинг маълум ва машҳур романида Гек Финн росманасига: француз ҳам одамми? деб шубҳаланади. «Хўш, агар у одам бўлса, нега ахир, қуриб кетгур, одамдай гапирмайди бўлмаса?!» (17).

Тил ўрганиш ва таржима — буларнинг ҳар иккаласи ҳам бир мақсадга йўналтирилган икки воситадир. Айни вақтда улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Таржима қилиш асл

нусха ёзилган тилни билишни талаб этади. Лекин чет тилни билиш таржима қилишнинг фақат муҳим бир шартидир, холос. Таржимон, бундан ташқари, она тилини ҳам мукаммал эгаллаган бўлиши, унда ўз фикрини эркин баён эта олиши лозим. Агар гап бадий таржима ҳақида борса, бунда таржимон образли тафаккур қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. Ниҳоят, булардан ташқари, ўгирилаётган асар предмети, авторнинг ижодий биографиясини ҳам билиш даркор. Шу сабабдан мактабларда хорижий тилларни ўрганиш ва таржимачилик фаолияти, бир-бирига халал етказмай туриб, бир-бирини тўлдирган ҳолда, баравар давом этиб, жадал ривожланаверади.

## 7-§. Таржима антиномиялари

*Антиномия* сўзи юнонча бўлиб, *anti* зид, *nomos* қонун демакдир\*. Фалсафий маънода баб-баравар тўғри деб эътироф этилган икки ақиданинг бир-бирига зид келиши антиномия деб тушунилади. Таржимада ҳам бир-бирига зид ана шундай антиномиялар мавжуд. Қуйида назарияга тааллуқли антиномиялардан тўрттасини ажратиб кўрсатамиз.

1. Таржима назарияси қандай бўлиши керак: адабиётшунослик асосига қурилиши керакми ёки тилшунослик замирида ривожланиши лозимми?

2. Таржиманинг хусусияти қандай бўлмоғи лозим: асар ҳижжалаб, сўзма-сўз таржима қилиниши керакми ёки бу — асарни қайта яратувчи, эркин, ижодий таржима бўлмоғи даркорми?

3. Асл нусхада акс этган миллий ўзига хосликни қандай бериш лозим: таржимада унинг бўлак тилга хос миллий хусусиятларини бериш керакми ёки уни ўз миллий андозамизга қўйиб қайта бичиш: қаҳрамонни ва унга қўшиб авторни таржимон яшаётган мамлакатга бошлаб келиш лозимми? Бошқача айтганда: «Мен ҳам у ерда бўлдим, асал-пиво ичдим» деб бериш маъқулми ёхуд «мен ҳам қатнашдим, бол-ҳалво едим» деб бериш дурустми?

4. Таржима бўлиш ёки таржима бўлмаслик ақидаси хусусида икки бир-бирига зид қараш мавжуд. Чунончи, оптимистларнинг фикрича, ҳамма нарсани билиб бўлади, бинобарин, ҳамма нарсани таржима қилиш мумкин, ёхуд, аксинча, агностикларнинг даъвосига қараганда, тил — фикрнинг қолипи эмас, балки дунёни такрорланмас бир тарзда ўзига хос идрок қилишдан иборатдирки, шунинг учун бир тилдан бошқа тилга умуман таржима қилиш мумкин эмас<sup>1</sup>.

\* «Краткий словарь иностранных слов». Государственное издательство иностранных и национальных словарей, М., 1950, стр. 31.

<sup>1</sup> Журн. «Звезда Востока», 1972, № 9.



Аслида бундай антиномиялар таржима назариясида кўп.  
Масалан:

- Таржима асл нуханинг сўзларини берсин.
- Таржима асл нуханинг ғояларини ифодаласин.
- Таржима оригинал асардай ўқилсин.
- Таржима таржимадай ўқилсин.
- Таржима асл нуханинг услубини акс эттирсин.
- Таржима таржимоннинг услубини акс эттирсин.
- Таржима асл нухага нисбатан замонавий асар сифатида ўқиладиган бўлсин.
- Таржима таржимонга нисбатан замонавий асар сифатида ўқиладиган бўлсин.
- Таржимада асл нухага ниманидир қўшиш ёки ундан ниманидир чиқариб ташлаш мумкин.
- Таржимага ҳеч нарсани қўшиб ҳам, ундан ҳеч нарсани чиқариб ташлаб ҳам бўлмайди.
- Шеърни насрга ўтказиб ўгириш лозим.
- Шеърни шеър билан таржима қилиш лозим<sup>1</sup>.

Таржимашунос олим А. Д. Швейцер ўзининг «Таржима жараёнини лингвистик ўрганиш проблемасига доир» мақоласида<sup>2</sup> «ҳаётга, реал вазиятга мурожаат қилишдек ғоят муҳим омилни инкор этадиган таржима жараёни моделини» рад қилиш керак, деган фикрни илгари суради. У олдиндан тайёрлаб қўйилган қоидалар асосида, реал борлиққа мурожаат қилмасдан бажариладиган таржимани ҳам, экстралингвистик омиллар асосида интерпретацияга асосланиб қилинадиган таржимани ҳам таржима жараёнини лингвистик ўрганиш манфаатларига мувофиқ эмас, деган хулосага келади.

Соф лингвистик (лисоний) ва экстралингвистик (ғайри лисоний) аспектларнинг органик сурагда чамбарчас боғлиқлиги инсон қўли билан бажариладиган таржимага хос хусусиятдир, деган даъвони кўтариб чиқади А. Д. Швейцер. Шаклий-структуравий қонуниятлар таҳлилигагина асосланган назария «инсоний» таржима (яъни машина таржимаси эмас) жараёнига таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг ўзаро муносабати ва таъсирини очиб беришга ва бундай таржиманинг ўзига хослигини аниқлашга имкон бермайди.

Лингвист А. Д. Швейцернинг бу сўзлари остига ҳар қандай адабиётшунос ҳам бажонидил имзо чекади. У юқорида айтилган фикрни фақат бошқа таърифлар ва бўлакча терминлар билан ифодалайди, холос. Чунончи, адабиётшунос, тахминан, шундай дейди: таржима, шубҳасиз, лисоний фаолиятга асос-

<sup>1</sup> Th. Savory. The art of Translation (Таржима санъати), London, 1957, p. 49.

<sup>2</sup> Журн. «Вопросы языкознания», 1970, № 4.

ланади, лекин соф тил тафовутларини бартараф қилиш таржима жараёнида босиб ўтиладиган бир босқичдир, холос. Таржима икки грамматика (грамматик система), тарихан таркиб топган икки услубий система, икки тарихий-адабий анъана, икки шеърий система, икки индивидуал ёзувчи — автор ва таржимоннинг қиёс қилиниши ёхуд тўқнашувини тақозо этувчи ижодий жараёндир. Лингвист-таржимашунос «экстралингвистик аспект» деган термин билан ифода қилган фикрни адабиётшунос-мутахассис бошқачароқ: кенгроқ ва ёйиқроқ таъриф ва иборалар билан баён қилади.

А. Д. Швейцернинг назариясига кўра, «системалар системаси» деб аталмиш бадиий таржимада тил системаси билан илмий-маданий система анъанаси, адабий йўналишнинг умум-эстетик қонуниятлари системаси билан индивидуал автор услуби системаси бир-бири билан кесишади. Мана шу тўрт «текислик» ҳар гал ҳар бир алоҳида олинган сўзнинг ҳар бир нуқта-сида кесишади, яъни бунда сўз шунчаки лисоний унсургина бўлиб қолмасдан, бир-бири билан кесишувчи текисликлар — системаларнинг марказига айланган ҳолда жуда катта бадиий ифода кучига эга бўлади.

А. Д. Швейцернинг қарашлари таржима назариясининг лингвистик йўналишини топиш, белгилаш ва ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

1970 йилда Лейпцигда бўлиб ўтган лингвистик таржима назариясига бағишланган симпозиумда таржима масалалари А. Д. Швейцер қўйган тарзда эмас, балки бошқачароқ йўналишда муҳокама қилинди. Булар қуйидагилардан иборат:

— икки ёки бир нечта тилда лисоний ва услубий унсурларнинг эквивалентлик (муқобилот) муносабатларини ўрганиш;

— таржима жараёнининг қонуниятлари принципларини ишлаб чиқиш;

— таржималар матнини таҳлил қилиш андоза (схема)ларини яратиш.

Таржима бўлиш назарияси муҳокаманинг асосий йўналиши қилиб олингани ҳолда қуйидаги масалалар кун тартибига киритилади:

— таржима қилиш имкониятини таъминлайдиган асосий омиллар;

— таржима қилиш қонуниятлари қандай ва нимадан иборат?

Шундай қилиб, Лейпциг конференцияси таржима бўлиш назариясини лингвистик аспектда асослашга бағишланди. Таржима бўлиш назарияси эса ҳозиргача барча мутахассислар томонидан яқдиллик билан эътироф қилинган назария эмас. Шу сабабдан таржима бўлмаслик ақидаларига қарши курашиш учун бундай назария тарафдорларининг асосий даъволарини қараб чиқмоқ керак.

Испан назариячиси Октавио Паз ўзининг «Ҳижжалаб таржима ва китоб»<sup>1</sup> номли асарида шундай ёзади: «Бобил минораси парокандалигига\* инсоният руҳининг муштарақлиги жавоб бўлиб тушди: тиллар кўп, лекин уларнинг моҳияти бир эди. Паскаль динларнинг кўплигида христианликнинг ҳаққонийлигини кўрган.

Тилларнинг кўплигига таржима ялпи тушунарлилик билан жавоб берди. Шундай қилиб, таржима руҳнинг яғоналигига қўшимча бир исбот эмас, балки бирдан-бир омил бўлиб қолди».

Октавио Пазнинг назарияси моҳият эътибори билан диний-христианлик аҳамиятига эга; унга кўра, дастлаб инсон руҳининг бирлиги мавжуд бўлиб, сўнгра Бобил можароси воқеаси муносабати билан яғона руҳий тил йўқолгану, ўрнига турли-туман тиллар келиб чиққан. Материалистик диалектика нуқтаи назаридан эса масала бутунлай бошқача ҳал қилинади. Марксистик диалектика назариясига асосан, сўз эмас (сўзни таржима қилиб бўлмайди), гап ҳам эмас (гап муайян семантик доира ичидагина ўгирилиши мумкин), балки бадий асар яхлит ҳолда таржима қилинади. Бадий контекст («ижтимоий-маданий» муҳит) кенгайиб борган сари таржима бўлиш имкониятлари ҳам ортаверади.

Жорж Мунен ўзининг таржима назариясига бағишланган ишларидан бирида<sup>2</sup> таржима ҳақидаги ҳар қандай фикрни таржима бўлмаслик ақидасидан бошламоқ керак, деб ҳисоблайди. Испаниялик файласуф Хосе Ортега-и-Гассет ўзининг «Таржима қашшоқлиги ва таржима равнақи» (1947) номли асарида таржима бўлмаслик ақидасини асослашга ҳаракат қилган эди. Унинг фикрича, хафақонлик ҳайвонларга хос нарса эмас. Улар ўзларига табиат ато этган программани бажарадилар, холос. Фақат олий ҳайвонлар — ит, от ва орангутангина хафа бўлишни билади; «нормал олганда ҳайвонлар бахтлидирлар». Қаноатланмаслик (ношукурлик) инсонга хос, чунки у ҳамма ниятларини амалга ошира олмайди. Таржима ҳам худди шундай — қудратли «грамматиканинг миршабхона аппарати»га итоат қилган ҳолда, таржимон «авторни нормал тил авахтасига қамайди», яъни таржима қилади.

Бунинг устига сўз, нутқ умуман фикрни тўла ифодалай олмайди. У энг ибтидоий нарсалар — математик тушунчалар

<sup>1</sup> „Übersetzer“ журнаlining 1971 йил 8- сонида бу китобнинг реферати берилган.

\* Инжил ривоятига қараганда, Бобил фуқароси осмонга чиқиб бориш мақсадида баланддан-баланд минора қуришга киришган. Бундан дарғазаб бўлган тангри уларнинг тилларини бир-бирига аралаш-қуралаш қилиб қўшиб-чатиб юборган, натижада улар бир-бирларини сираям тушунмайдиган бўлиб қолишган.

Ҳозир мажозан *тартибсизлик*, *уюшқоқсизлик*, *парокандалик* маъноларида «бобил олағовури» дейилади.

<sup>2</sup> G. Mounin. L'intraduisibilité comme notion statistique (Таржима бўлмаслик статистик тушунча сифатида), „Babel“, Bonn V. 10 (1964).

ва исботларни ифода қилишгагина ярайди, холос. Бироқ, ҳатто физика тили ҳам икки маъноли ва нутқ унинг барча қонуниятларини тўла ифодалашга қодир эмас. Мавзулар қанчалик муҳимроқ, инсонийроқ ва «реалроқ» бўлса, сўзнинг аниқлиги шунчалик камайиб боради.

Биз мушоҳада қилишнинг хийлагина қисмини сўз воситаси билан ўйламаймиз, шунинг учун менинг ўз-ўзим билан мулоқотим (гаплашувим) айни вақтда ўз-ўзимни тушунмаслигим ҳам демакдир. «Нутқ жараёни — бу фақат баён қилиш ва хабар етказишгина эмас, балки айни вақтда ва муқаррар баён қилишдан бош тортиш, сукут ва жимжитлик ҳам демакдир», — дейди Ортега-и-Гассет ва давом этиб ёзади: «Тил даставвал сукут сақлашдан иборат. Нутқда кўп нарсани ифода қилишдан бош тортиш қобилиятига эга бўлмаган мавжудот гапириш қобилиятига ҳам эга бўлмас эди. Ҳар бир тил — бошқа тиллардан ифода ва сукут сақлаш бирлиги билан фарқланадиган нарсасидир. Ҳар бир халқ қандайдир бошқа нарсаларни ифода қилиш имконига эга бўлмоқ учун қандайдир нарсалар ҳақида сукут сақлайди. Зотан, ҳамма нарсани ифодалаш — имкондан хориж нарсасидир. Таржима жараёнида туғиладиган жуда катта қийинчиликлар ана шундан келиб чиқади: ахир, кўпинча, бирон тилда сукут сақлаш лозим бўлган нарсани бошқа тилда ифода этишга тўғри келади».

Олимлар 100 минг хил турли ҳидларни қайд этганлар. Мутахассисларнинг айтишича, атиргул ҳидининг тури 40 хилдан ошади. Венгер орнитологлари берган маълумотларга қараганда, булбулнинг «репертуарида» 2 мингга яқин куй бор. Табиатда қарийб 1330 хил сув мавжуд. Улар нимадан пайдо бўлганлиги (ёмғирдан, Ер ости сизотларидан, янги ёққан ёки узоқ сақланган қордан ва ҳоказо), таркибида эриган моддаларнинг миқдори ва характерига қараб фарқланади.

Инсоният ихтиёрида мавжуд энг мукаммал ишланган тилда ҳам табиатдаги турли-туман ҳодисалар, ҳатто инсоннинг руҳий кечинмалари билан боғлиқ жуда кўп сирли ҳолатлар, жилвалар, ҳис-туйғуларнинг номлари, атамалари мавжуд эмас. Масалан, табиатда 100 минг хил ҳид бор экан, тилларда бу ҳидларни ифодаловчи сўзлар 0,1 процентни ҳам ташкил этмайди. Бироқ тил абстракциялаш, умумлаштириш хусусиятига эга. Кишилар *хушбўй*, *нозик*, *ёқимли* каби сифатлар билан умуман «яхши ҳид» тушунчасини, *қўланса*, *сассиқ*, *бадбўй* ва ҳоказо сўзлар воситасида умуман «ёмон ҳид»ни умумлаштириб, жамлаб ифода этадилар.

Ҳар бир тилда ўша тилнинг соҳиби ҳисобланмиш халқнинг ўзи кўпроқ машғул бўлган хўжалик, ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда уни ўраб турган табиий муҳит (иқлим, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, тоғ, чўл, саҳро, сув ва ҳоказо) га алоқадор сўзлар, атамалар, иборалар бошқа тилларга нисбатан кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин.

Сув ўлкаси бўлмиш Буюк Британияда табиатнинг бу неъматини, сув хўжалиги, балиқчилик билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар сероб бўлиши ўз-ўзидан тушунарли. Инглиз тилида water (сув) сўзидан ясалган кўчма маъноли бирикмалар, идиомалар, мақол ва маталлар ҳам кўп учрайди.

Вильям Шекспирнинг «Хамлет» трагедиясида дания шаҳзодаси — Полонийни «балиқфуруш» деб атайти.

Polonij:

Do you know me, my lord?

Hamlet:

Excellent well; you are a fishmonger.

Таржимаси

Полоний:

Сиз мени танийсизми, милорд?

Хамлет:

Жуда яхши танийман. Сиз балиқфуруш.

Тик (Tieck), Кольриж (Callridge), Фризен (Frizen), Деринг (Dering) Малоне (Malone), П. А. Каншин, М. М. Морозов ва М. Сулаймоновлар Шекспирда fishmonger (балиқфуруш) сўзи қандай маънода келганини аниқлашга уринганлар. Маълум бўлишича, буюк драматург яшаган замонларда инглизларда «балиқфуруш» сўзининг «қўшмачи» деган маъноси бор экан. Демак, айти бир сўз бир тилда (инглиз) ўзининг асосий луғавий маъносидан ташқари мажозийлик ҳам касб этган бўлса, бошқа халқларнинг тилларида (русларда — торговец рыбой, ўзбекларда — балиқфуруш) бундай хусусият кўринмайди.

«Қирол Лир» трагедиясида ҳам шунга ўхшаш ҳол кўзга ташланади.

Duke of Albany:

Wisdom and goodness to the vile seem vile;  
Fiths savour but them selves. What have you done?  
Tigers, not dawghters, what have you perform'd.

(1938, 494).

Русча таржимаси

Альбони:

Добро и мудрость — плохо для плохих  
Грязь любит лишь себя. Что вы совершили?  
Что сделали, не дочери — тигрицы?

(1950, 546).

Ўзбекча таржимаси

Альбони:

Яхши ният, яхши ўғит — ёмонга ёмон.  
Балчиқ фақат ўз-ўзини яхши кўради.  
Нима қилиб қўйдингиз, ё урғочи арслонлармисиз?

Арслон тимсоли ўзбекларда фақат ижобий — «ботир», «жасур», «довжурак» маъноларида келади. Умуман, Шарқда бу сўз виқор, олижаноблик, мардликни англатади. (Шоир, шоҳ, ҳарбий саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг тахаллусидан ҳам бу англашилиб туради: арабча «бабр» — йўлбарс дегани).

Инглизчада Альбони Лирнинг бағритош қизи — Гонерильяга tigers дер экан, арслоннинг йиртқичилигига ишора қилинади. Русчада бу тигрица деб берилганида ҳам ана шу маъно тушунарли. Ўзбек тилида мабодо

tigers — арслон деб ўғирилганида, муаллиф назарда тутган салбий маъно (йиртқичлик) таржимада, беихтиёр, ижобий маъно касб этган: разил аёлга — олижаноблик сифати инъом этилган бўларди. Шу сабабдан Гафур Ғулом рус таржимони изидан бориб, буни «урғочи арслон» деб ўғирган, яъни унинг мода, урғочилигини қайд этиш орқали асосий нарса — онгсиз ҳайвон, йиртқич, разиллигига урғу берган, буни ишора билан англатган.

Шунга ўхшаш ҳолни «Отелло» трагедиясида ҳам учратиш мумкин.

Jago:

Sounds, sir, you're robb'd; for shame, put on your gown  
Your heart is burst, you have lost half your soul;  
Even now very now, an old black ram.  
Is tupping your white ewe.

(1938, 349).

Русча таржимаси

Яго:

Вас обокрали. Всѣ ж халат наденьте,  
Разбито сердце, полдуши погибло.  
Вы — здесь, а вашу белую овечку  
Там кроет черный матерый баран.

(1950, 469).

Яго:

Шайтон урди! Таландингиз! Уят, кийининг!  
Қалб эзилиб, жонингиздан ажраб қолдингиз!  
Шу пайтда, шу минутда, қора ва қари  
Битта қўчқор қўзингизни босди...

(1960, 182).

Ғарб тилларида қўй образи фақат салбий маънони билдиради. Шунинг учун ҳам маккор Ягонинг тилида an old black ram қора, разил қўчқор билан white ewe оппоққина қўзичоқ бир-бирига контраст қўйилган. Ўзбек тилида бўлса қўчқор, аксинча, фақат ижобий маъно англатади. Шунинг учун ҳам юкоридаги ўзбекча таржимани у қадар мақсадга мувофиқ деб бўлмайди.

Шуниси қизиқки, ҳатто генетик томондан яқин тилларда ҳам айрим ҳайвон номларининг мажозий тимсол сифатида қўлланилишида услубий фарқ кўзга ташланади. Масалан, ўзбек ва туркман тилларида қўчқор (гач) умуман ижобий маънода келишидан ташқари, кейингисида ҳатто гўзал маъшуқани ҳам... қўчқорга нисбат бериш ҳодисаси учрайди.

«Овозингдан» номли шеърдан бир мисол.

Бу ашрат чоғ ичинде,  
Воз гач каби ичинде,  
Андали сан боғ ичинде,  
Соз очмайин овозингдан.

Таржимаси

Бу айшу-ишрат кечинда,  
Бўз қўчқордай тоғ ичинда,  
Бир булбулсан боғ ичинда,  
Сўз очмайин овозингдан.

Ўзбекларда маъшуқани булбулга, оҳуга, гулга ўхшатилиши маълум, аммо уни ҳеч қачон эркак жинсидаги жониворга (бўз қўчқорга!) нисбат берилмайди. Бундай вақтларда ўхшатиш, сифатлаш, нисбат беришга асос бўлган, аммо айни тилда анъанавий мажозий образ тарзида қабул қилинмаган сўзни бошқа, анъанавий тимсол-образ билан алмаштиришга тўғри келади. Масалан, «Бўз қўчқордай тоғ ичинда» мисрасини «Мисли оҳу тоғ ичинда» деб ўзгартирилса, айни муддао бўларди.

Ҳозирги замон тилларида ҳаддан ташқари кўп ва хилма-хил «ҳазил»лар мавжуд (масалан, грамматик род, муайян родга мансуб отнинг феъл билан бирикиши: «қуёш чиқади» тахлит мажозлар ва ҳоказо).

Дунё тиллари ўз тузилиш таснифотлари бўйича бир-бирларидан фарқланадилар. Чунончи, баъзи тилларда грамматик род категорияси бор, бошқалари эса бундай хусусиятга эга эмас. Айтайлик, Ванту негрлари тилида рус тилидаги родга мувофиқ келадиган 24 категория бор. Арабларда туянинг 5.714 та номи мавжуд.

Шундай бўлгач, таржиманинг оригиналга нисбатан ожизлиги нақд нарса экан, энди... таржима равнақи ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Бунинг сабаби шуки, таржима — бадий асарнинг дубликати эмас, балки асл нусха сари олиб борадиган йўл, унга яқинлашишга имкон туғдирадиган қўшимча воситадир (Ортега-и-Гассет).

Энг муҳими, биз «бошқа тилдан ўз тилимиз даргоҳига киришга эмас, балки, аксинча, ўз тилимиздан бошқа тил даргоҳига чиқишга» эришимиз керак. Баъзан таржима билиш аҳамиятига молик бўлишдан ташқари, эстетик қимматга ҳам эга бўлади. Лекин бу камдан-кам содир бўладиган ва нореал нарсадир.

Таржима бўлмаслик назариясининг мазмуни ана шундан иборат.

Дастлабки таржима асарлари пайдо бўлган кунлардан бошлаб таржима бутун бошлиқ бир адабиётга, илм ва санъат даргоҳининг катта бир соҳасига айланган ҳозирги давргача босиб ўтилган нотекис йўл мушоҳада қилинса, ҳозиргача бўлган таржималар тарихи бир-бирига зид икки хил қараш — таржима бўлиш ва таржима бўлмаслик назариялари ўртасидаги қурашлар тарихидан иборатмикан, деган фаройиб бир хаёлга боради киши. Мутлақ таржима бўлиш назарияси ҳам ўта оптимистик ва бир ёқлама назария\*, унинг акси ўлароқ, таржима бўлмаслик ақидаси ҳам зарарли, ғайриилмий, мавжуд таржи-

---

\* Таржима бўлмаслик назариясининг акси ўлароқ, XVII асрда пайдо бўлган ва ҳозиргача ҳукм суриб келаётган универсализм (бошқа номи р а ц и о н а л и з м ёки л о г и з м) назариясига кўра, барча халқлар учун воқелик билан мантиқ бир хил бўлиб, тиллар бир-бирига нисбатан бамисоли шартли белгилар мажмуаси — кодларга ўхшаб қолади. Рационалистларнинг даъвосига кўра, дунёдаги барча тилларни ягона бир тил (кўпинча лотин тили)нинг грамматик категориялари ҳамда терминлари билан таърифлаш ва тавсифлаш мумкин. Дарвоқе, бир замонлар ана шундай қараш асосида аллақанча амалий ишлар ҳам бажарилган: қадимги Русияда рус тилини юнонча грамматика асосида тавсифлаш тажрибаси рўй берган. Бундан ташқари, XIX асрнинг бошларида немис олимлари И. Х. Аделунг билан И. С. Фатер «Отче наш» оятини 500 тилга таржима қилган эдилар. Унда ғалла ва шоҳ тўғрисида ҳам гапирилади, ваҳоланки, шоҳ нималигини билмайдиган ва ғаллакор бўлмаган халқларнинг тилларига ҳам мазкур оят ўгирилган. Уларга бу таржималар бутунлай тушунарли бўлмай қолганлиги ўз-ўзидан равшан.

ма амалиётига зид қарашдан иборат. Бунда қуйидаги бир қанча ҳолатларни эътиборга олмоқ лозим.

Одатда, бир тилдан бошқасига таржима қилиб бўлмаслигини исботлаганда, улар ўртасидаги жиддий лексик-грамматик фарқлар билан биргаликда ўша тилларда сўзлашувчи халқлар яшаётган табиий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар ҳамда кишилар онгида шу омиллар тақозоси билан туғилган тасаввур, тушунча, эътиқодлар ўртасидаги катта тафовутлар далил келтирилади. Чиндан ҳам, айтайлик, Ванту негрлари тилида жинс тушунчасини ифодаловчи 24 категория бўлиб, арабларда туя номи билан боғлиқ 5.714 та сўз мавжуд экан, ана шу тиллардан умуман лисоний жинс тушунчасига эга бўлмаган ёхуд туя ҳақида минглаб сўзлар у ёқда турсин, умуман бу ҳайвон ҳақида ҳеч қандай тасаввури бўлмаган халқларнинг тилларига ўгирганда таржимон қаршисида ўтиб бўлмас ғовлар пайдо бўлади.

Қадимги Русия фуқароси туяни кўрмаган, бу жониворни инжилдан, ҳарбий юришлар вақтида ўлжа сифатида қўлга киритилганлиги ҳақида ахборот берувчи тарихий асарлар орқалигина номини эшитиб билган эдилар, холос. Туяни у замонларда «вельбоду» ёки «вельбуд» деб аташган. Ёзма манбаларда бу беозор жониворни қаҳрли, ярамас махлуқ деб маҳобат қилганлар. Инжилда ва бўлак диний нашрларда туя гўшти макруҳ, ҳаром деб эълон қилинган.

Туя ҳақидаги бундай анъанавий салбий тасаввур Иосиф Флавийнинг «Иблисона уруш тарихи» асарининг қадимги рус тилига қилинган таржимасида ўша давр таржимонини қандай чалғитганлигига доир бир далил бор. Асарда шакли туяга ўхшаб кетадиган қоя устига жойлашган Гамала номли шаҳар тасвирланади. Шунинг учун ҳам шаҳарга «Камелос», яъни Туя деб ном берилган, лекин шаҳарликлар бу сўзни тўғри талаффуз қилмай, Гамала деб атаганлар. Русча таржимада эса бу бошқача, бузиб талқин қилинган: гўё шаҳар халқи туядан нафратлангани туфайли уни ўзгартириб Гамала деб юборган эмиш!

Халққа яхши маълум бўлмаган ёхуд унда турли сабабларга кўра салбий тасаввур, нафрат ҳисси туғилган ҳайвон номларини бу тариқа ўзгартириб талқин қилиш ҳодисаларини ҳинд эртаклари «Стефанит ва Ихниллат» («Калила ва Димна»нинг Ғарбда ўзгарган номи) асарининг русча таржималарида ёки «Анвори Суҳайлий» («Калила ва Димна»нинг Шарқда ўзгарган номи) китобининг туркий ва ўзбекча таржималаридан ҳамда ўзга манбалардан (Лафонген, И. А. Крилов, Муҳаммадшариф Гулханий масалларининг таржималари ва ҳоказо) истаганча топиш мумкин.

Ҳозир бизга «Калила ва Димна» номи билан маълум бўлган машҳур ҳинд эртакларининг ибтидоси «Панчатантра»га бориб тақалади. Агар ана шу «Панчатантра» китобини «Стефанит ва Ихниллат», «Анвори Суҳайлий» ҳамда ҳозирги «Калила ва Димна» билан муқояса этиб қаралса, уларда жуда кўплаб паррандаю дарранда, ҳайвон номларининг бошқа жонивор номлари билан «айирбошлаб» юборилганини кузатиш мумкин.

«Панчатантра»нинг тўртинчи бобида маймун билан дельфин ҳақида ҳикоят бор. Муҳаммад Темур таржима қилган «Анвори Суҳайлий»да маҳаллий халққа нотаниш бўлган дельфин — тошбақа билан алмаштирилган.

Маълумки, ҳиндларнинг одатига кўра, марҳумнинг жасади ўтда куйдириб, кули Ганг дарёсининг муқаддас сувига сочилади. «Панчатантра»да

<sup>1</sup> Н. А. Мещерский. История Иудейской войны Иосифа Флавия. М.-Л., 1958, стр. 319.



учинчи бобнинг саккизинчи ҳикоятда ҳиндларнинг бу маросими мажозий бир тарада тасвирланади. Бу ҳикоятнинг қаҳрамонлари нар ва мода кабулардир. Очликдан азоб чекаётган одамга емиш бўлиш учун нар кабулар қурбон бўлади — ўзини ёниб турган гулханга уради. Мода кабулар ҳам ўз жуфтига садоқатини изҳор этиб, гулханга отилади.

Мусулмонларнинг эътиқоди ва дафн маросимига бутунлай зид бўлган бу ва шунга ўхшаш бир қанча ҳикоятлар ҳинд эртақларининг инқилобдан олдинги ўзбекча таржималарида тушириб қолдирилганига ажабланмаса ҳам бўлади<sup>1</sup>.

Фалсафий, лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан назарий жиҳатдан тиш-тирноғигача қуролланган агностик таржимашунос олимлар бир тилдан иккинчи тилга умуман таржима қилиб бўлмаслигини даъво қиладилар. Уларнинг назарида, таржима — бу ҳар гал имкондан ташқари бир уринишдир. Қизиғи шундаки, бундай олимлар, аксарият, амалда таржима заруратини инкор этмайдилар. Уларнинг фикрича, «бир тилдан иккинчи тилга, умуман, таржима қилиб бўлмайди, лекин, айна вақтда, таржима қилиш ниятидан ҳам қайтишнинг иложи йўқ».

Албатта, асос эътибори билан ҳар қандай асарни ҳам бир тилдан бошқа тилга ўгирса бўлади. Одатда, таржима бўлмаслик ақидасига зид тезис қўйилганда у ёки бу тилга жаҳон фани ва адабиётида шуҳрат топган машҳур олим ва ёзувчиларнинг маълум шоҳ асарлари амалда таржима қилинганлиги бирма-бир саналади. Чиндан ҳам, бу жуда асосли далил. Таржима тилларнинг имкониятини намойиш этувчи жуда мақбул мезон, ажойиб барометр бўла олади. Зотан, бирон тилга Гомер, Шекспир, Шиллер, Бальзак, Пушкин, Данте, Гоголь, Толстой, Руставели, Маъаррий, Хайём, Фирдавсий, Навоий, Бедил, Тагор каби шоир ва ёзувчилар, Аристотель, Птоломей, Цицерон, Веруний, Ибн Сино, Улуғбек, Бобир, Галилей, Коперник, Дарвин, Ньютон, Эйнштейн, Лобачевский, Павлов, Циолковский, Тимирязев, Королёв, Опарин каби олимларнинг ўлмас асарлари таржима қилингани ёки қилинмагани жуда чуқур маънога эга. Чунончи, марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, жумладан, «Капитал», «Анти-Дюринг», «Табиат диалектикаси», «Немис идеологияси», «Коммунистик партия манифести», «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши», «Фалсафа дафтларлари», «Материализм ва эмпириокритицизм», «Имперализм капитализмнинг юқори босқичи», «Давлат ва революция», «Бир қадам олға, икки қадам орқага» ва бошқа шу каби юзлаб китобларни халқ ўз она тилида мутолаа қилиш имкониятига эгами ёки йўқми деган масала ҳам ўзини баркамол миллат деб ҳисобловчи ҳар бир халқ ва унинг тили учун катта имтиҳондир. Шу сабабдан бўлса керак, тар-

<sup>1</sup> М. Каримова. «Калила ва Димна»нинг ўзбекча таржималарида миллий адаптация масаласи. «Вадий таржима — дўстлик қуроли» мақолалар тўплами. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1974, 30—31-бетлар.

жимачилик ҳаракати инсоният тараққиётининг ҳамма босқичида унга доимо ҳамроҳ бўлиб келган.

Турган гап, таржимада ҳам таржима бор. Бу ерда чинакам адекват таржима билан баҳоли қудрат, яъни имкон чегарасидаги таржимани бир-биридан фарқламоқ даркор. Ҳамма гап таржима тушунчасига қандай маъно юклатилишида. Борди-ю, таржима — бу бошқа тил стихияси ичида яратилган юксак санъат намунаси ёки буюк ақл эгаси томонидан бунёд этилган мислсиз илмий обида мазмунидан ўзга тилда сўзлашувчи кишиларга бир нав дарак берувчи восита деб қаралса, бундай ҳолда, чиндан ҳам, дунёда таржима қилиб бўлмайдиган ёзувчи ёки олим, таржима қилиб бўлмайдиган бирон нарса-да йўқ. Бироқ, агар таржима — бу бир тилда бино қилинган адабий, ижтимоий-сиёсий ё илмий асарнинг таржимон сиймосида мужассамлашган ёзувчи, жамоат арбоби ёинки олим даҳоси, қалби, билими билан қайта яратилган, асл нусхага тенг қийматли муқобил нусха деб тушунилса, бундай тақдирда, умуман бўлмаса-да, тил тараққиётининг муайян босқичида, ўқувчи тайёргарлигининг маълум вақтида, юз берган бирон объектив шароит, аҳвол, ситуациянинг белгили бир даврида ҳали таржима қилиниши мумкин бўлмаган ёки таржима қилинмай тургани мақсадга мувофиқ топиладиган асарлар, шубҳасиз, бор.

### 8-§. Лингвистика — таржима — экстралингвистика

Асл нусха билан таржима тили бевосита бир-бирига тенг эмас. Икки тилнинг лисоний имкониятлари бир-бирига «эквивалентлик» ҳолатида бўлмайди. Шу сабабдан кўр-кўрона таржима қилиш мумкин эмас. Сўзларнинг аниқ мазмуни билан эстетик сифатлари ўзаро бир-бирининг ўрнини қоплай олмайди. Шунинг учун ҳам текстнинг тили қанчалик сермаъно, бадий тарафдан сержило бўлса, таржима шунчалик қийинлашади.

Халқларда қавм-қариндошликнинг турли даражалари ва хилларини фарқлашда тафовутлар бор.

Ўзбек тилида	Рус тилида	Венгер тилида	Инглиз тилида	Немис тилида	Индонезия тилида
ака	брат	bätua	brother	Bruder	sudara
ука		öccs			
она		néne			
сингил	сестра	nug	sister	Schwester	

Шеърый образлиликда ҳам воқеликнинг турлича сегментациялашуви қўзга ташланади: чех олими Иржи Левийнинг кузатишича, Георг Тракл шеърларини қизил рангнинг турли тов-

ланишлари номини дуруст акс эттирмайдиган бир тилга ёки Шеллини қора ва оқ ранглар ўртасидаги контраст тусларга унчалик бефарқ бўлган тилга ўгириш жуда қийинлиги ўз-ўзидан равшан<sup>1</sup>.

Умуман айтганда, турли тилларнинг луғатлари воқеликнинг турли-туман соҳаларини ифодалашда ҳар хил терминлар концентрациясига эга, бинобарин, икки тилда сўзлашувчи кишилар мавқеидан қаралса, уларда воқелик турлича нозиклик билан фарқланади.

Моҳият эътибори билан олиб қараганда, яхши таржима деганимиз бу компромиссдир, дейди чех таржимашуноси. Асл нусхада баён қилинган фикрнинг ифодавий тарзи, шакли, оқими кўпинча ўша асар мансуб бўлган тилнинг синтактик имкониятлари ва луғавий ресурсларига боғлиқ.

Алоҳида олинган жуфт тилларнинг таржимонлар учун қиёсий стилистикаси яратилмоғи даркор. Ҳар бир тил ўзининг бутун лисоний воситалари комплекси билан бошқа тилларда ҳам унга тахминан мувофиқ келадиган ахборот системасини ташкил этади. Икки лисоний системани чоғиштириш билан қуйидагича натижаларга эришиш мумкин: а) икки тилнинг қайси ахборот воситаларини тахминан эквивалент ҳисобласа бўлиши; б) асл нусха тилида мавжуд бўлган қандай ахборот воситаларининг таржима тилида мавжуд эмаслиги; в) асл нусха тилида мавжуд бўлмаган қандай ахборот воситалари таржима тилида мавжудлиги.

Психолингвистик таҳлил йўли билан<sup>2</sup> шу нарса аниқланганки:

1) А тилдан Б тилга муттасил таржима қилувчи кишилар А тилда гаплашиш қобилиятини йўқотадилар; 2) А тилдан Б тилга ҳам, Б тилдан А тилга ҳам таржима қилувчилар ҳар иккала тилнинг тузилишига хос тафовут белгилари хусусидаги тасаввурни йўқотадилар, натижада уларда ўхшовсиз жумлалар кўпая бошлайди; 3) кўп йиллик таржима малакасига эга бўлган таржимонлар А тил ҳамда Б тил бирликлари ўртасида бевосита ассоциация алоқалари, стереотип пайдо қиладилар, бу ҳол уларнинг таржимани услубий жиҳатдан фарқлашларига халал етказди.

Таржиманинг тилга боғлиқлик даражаси автор ва асарнинг характериға вобаста: автор савияси ва асар сифати қанчалик юксак бўлса, таржима шунчалик қийин бўлади. Сэпир барча авторларда ҳам тил билан тафаккур бир-бири билан бирдай маҳкам боғланган бўлавермайди, деб кўрсатади. «Ҳамонки ҳар бир тил ўзига хос хусусиятларга эга экан, ҳар бир адабиётнинг табиий шаклий чегараланганлиги — ҳамда имкониятлари —

<sup>1</sup> Иржи Левый. Искусство перевода. Изд-во «Прогресс», М., 1974, стр. 80—81.

<sup>2</sup> Psycholinguistics (Психолингвистика). Baltimore, 1954, p. 144—145.

бошқа адабиётларникига мос келмайди. Она тили образига ҳамда унга монанд ҳолда яратилган адабиёт ўз нухасининг бўёғи ва тахлитига эга бўлади»<sup>1</sup>.

Уитмен, Браунинг асарлари ўз санъатлари нафосатидан кўра руҳнинг қудрати билан ўқувчини мафтун этади. Гейне, Суинберн ёки Шекспирда эса образлилик она тилининг фазилат ва имкониятларига асосланган. В. Г. Белинский Н. В. Гоголь асарларининг французча таржималарини танқид қилиб, бус-бутун миллий ҳамда камроқ миллий хусусиятли образлар системасига эга асарлар мавжуд эканлигини қайд этган эди. «Криловнинг масалларини таржима қилиб бўлмайди, бинобарин, хорижий киши бизнинг буюк масалнависимизнинг истеъдодига тўқис баҳо бериш учун рус тилини ўрганиши ҳамда Россиянинг турмуш тарзига кўникиш учун бу ерда яшамоғи лозим. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» асари ўз афзалликларидан унчалик маҳрум бўлмагани ҳолда таржима қилиниши мумкин эди; лекин бундай меҳнатни удалай оладиган таржимонни қаёқдан топамиз?.. Бу тарафдан Гоголь умумий қоидадан тамомила мустасноли ҳолдир»<sup>2</sup>.

Таржима сифатига қўйиладиган талаб юзасидан ҳар бир тилнинг, таъбир жоиз бўлса, таржимавий қувватига баҳо берганда бир қанча объектив ва субъектив ҳолатларга эътибор қилмоқ лозим. Тилнинг таржимавий қувватини белгилайдиган объектив ҳолат унинг адабий тил сифатида қандай ишланганлик даражасига боғлиқ. Чунончи, агар бирон киши муайян бир асарнинг тилимизга таржима қилинишини шубҳа остига олган бўлса, бунда унинг нимага асосланганини аниқлаш зарур. Агар бу автор ва унинг ижоди олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиш ва тилнинг маълум даврида ҳали услубий, луғавий ёки терминологик жиҳатдан етарли ишланмаганлиги билан асосли равишда далилланган бўлса, бундай важни инobatга олишга тўғри келади. Универалист таржимон учун, албатта, таржима қилиб бўлмайдиган тил ҳам, ёзувчи ҳам, адабиёт, жанр, муаллиф, асар ва ҳоказолар ҳам йўқ. Лекин ҳақиқий таржимон доим автор танлайди, китоб саралайди, давр, жанр, мавзу, услуб талабларига кўра ўзининг стратегик таржима сиёсатини белгилайди. Тўғри, дафъатан қараганда, баъзан истеъдодли, забардаст ижодкор таржимонларнинг ҳам «таржима репертуарлари» бойлиги, «камрови» кенглиги кўзга ташланади. Масалан, шоир Миртемир қадимги юнон адабиётидан ҳам, немис адабиётидан ҳам, рус, қирғиз, озарбайжон ва бошқа қардош адабиётлардан ҳам кўп асарларни ўзбекчалаштирган. Лекин у қандай адиблар ва уларнинг қандай дoston, шеърларини ўгирганига диққат қилинса, бу ерда таржимоннинг қатъий белгиланган ижодий

<sup>1</sup> E. Sapir. Language (Тил) New York, 1921, p. 237—239.

<sup>2</sup> В. Г. Белинский. Собр. соч., т. IX, М., 1955, стр. 370.

йўли борлиги дарҳол маълум бўлади. Юнон адабиётидан — машҳур «Одиссея», рус адабиётидан — А. С. Пушкиннинг поэма ва шеърлари, Н. А. Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди» асари, қирғиз адабиётидан — улкан «Манас» ва ҳоказо асарлар — буларнинг бари чуқур халқчиллик руҳи билан суғорилган, дарвоқе, бошқа тилларга ўгирилиши бағоят қийин бўлган адабий обидалар.

Шу ўринда «Евгений Онегин» шеърининг романининг чуваш тилида босилиб чиқиши муносабати билан бир француз газетасида айтилган мана бу гаплар жуда ғалати туюлади: «Пушкиннинг шаклан шундай нафис, ритми шундай мусиқий, чунон нозик ишланган поэмаси чувашларнинг табиий равишда қўпол бўлган тилига ўгирилгандан сўнг ҳоли не кечди экан, ажабо?» Аммо чувашлар А. С. Пушкинни ўзларининг халқ шоири П. Хузангай амалга оширган ажойиб таржимасида ҳам, шунингдек, кўпчилик французларнинг тиши ўтмайдиган русча асл нусхасида ҳам ўқий оладилар. Бу зўр ҳақиқатни француз газетачиларига эслатиб қўйган Н. Илбеков буюк рус шоирининг гўзал ашъори чуваш тилига ўгирилиши натижасида сира ҳам «оҳорсизланиб қолмаганини» қайд этади.

Тилнинг таржимавий қувватини аниқлашдаги субъектив ҳолат ҳар бир алоҳида олинган таржимоннинг қобилияти билан ўлчаниши лозим бўлган проблемага бориб тақалади. Масалан, бирон асар ўзбек тилига асл нусхасига қараганда бўш ағдарилган бўлса, бу — тилнинг қусури эмас, балки таржимоннинг нўноқлигидир. Чунки ҳар бир таржиманинг сифати, аксарият, таржимоннинг истеъдодига боғлиқдир. Зотан, бир вақтнинг ўзида тилимизга ўгирилган айни бир асарнинг икки таржимаси бир хил бадий қимматга эга бўлиши қийин. (Агар бунда ҳар иккала таржимон ҳам забардаст ижодкор бўлса-да, барибир, бир асарнинг зўр, аммо бир-биридан жиддий фарқ қиладиган иккита интерпретацияси пайдо бўлади). Айни бир асар таржимада сифат эътибори билан ё сустроқ, ё кўркамроқ бўлиб чиқади.

Реалистик таржиманинг методологик дастурини белгилашда испан олими Ортега-и-Гассетнинг «тил сукутдан иборат» деган формуласи эмас, балки Карл Маркснинг «тил — амалий воқеий онгдир» деган чуқур илмий таърифи асос қилиб олинади. Чунки марксизм-ленинизм таълимотига кўра, табиат тилни инсониятга... «сукут сақлаш учун» эмас, балки фикр баён этиш, муҳим алоқа воситаси сифатида ато этган. Алексей Максимович Горький асос солган совет реалистик таржима мактаби принципаал равишда таржима бўлиш назариясига асосланади. Бизда таржима назариясининг намояндалари К. И. Чуковский, А. В. Фёдоров, Г. Р. Гачечиладзе, И. Кашкин, В. М. Россельс, В. Тоҳирбоев, П. И. Копанев, Ж. Шарипов, М. Расулий, Н. Владимирова, Н. Комилов, Г. Ғафурова, атоқли таржимонлар Мих. Лозинский, В. Пастернак, С. Маршак, Мир-

темир, М. Исмоилий, Л. М. Пеньковский, С. Н. Иванов ва бошқалар ўз илмий, амалий фаолиятида таржима бўлмаслик ақидаларини узил-кесил рад этдилар.

...Лекин, шу билан бирга, таржима санъати билан хоҳ назарий, хоҳ амалий томондан муайян даражада боғлиқ бўлган ҳар бир олим, ҳар бир ижодкор таржима қилиб бўлмайдиган «нарсалар» борлигини ҳамма вақт эътироф этади. Чунки таржима бўлмайдиган нарсаларни кўрмаслик умуман таржима нималигини тушунмаслик демакдир. Шу сабабдан ҳар икки ҳолда — таржима бўлмаслик ақидасини «назарий дастак» қилиб олган тадқиқотчиларнинг қарашларини ишнинг кўзини билган ҳолда рад этиб бўлмайдиган далиллар билан бартараф этиш, бу билан таржима амалиётига кенг йўл очиш, иккинчи томондан, амалий таржимачилик олдида турган объектив лисоний тўғоноқлар, профессионал қийинчиликларни аниқлаш, бу соҳадаги проблемани ҳал қилиш учун ҳам таржима бўлмаслик назариясининг асосий аргументларини жиддий суратда ўрганиш керак. Холисона айтганда эса, таржима универсализмининг ялпи таржимачилик шиоридан кўра, таржима бўлмаслик назарияси намояндаларининг даъволарини марксистик назарий заминда туриб ўрганиш фойдалироқ.

...Касбдош ходимлардан бири Саодат исмли икки яшар қизчасининг қандай «таржимонлик» қилганини сўзлаб берганди.

Турли ҳайвонларнинг расми солинган китобчани варақлаётиб, ойиси ҳар гал «бу — нима?» деб сўраган. (Қизча рус тилида жавоб бераётган экан). Гал олмахонга келганда, қизча бир оз ўйлашиб қолган ва унинг номи... «яблочка» деб атаган. Демак, икки яшар бола олмахоннинг рус тилида «белка» деб айтилишини ҳали билмайди, аммо у ўша ҳайвоннинг ўзбекчасига «олмахон» деб аталишидан хабардор. Шунинг учун рус тилида ҳам унинг номи, ҳойнаҳой, олма (яблоко) билан боғлиқдир деб ўйлаб, ўзича «таржима» қилган: *олмахон — яблочка!*

Гарчи ҳикоя қилинган воқеа содда ва «кулгили» бўлса-да, аслида унинг замирида чуқур маъно бор: тилларни лисоний томондан бундай таржима қилиб бўлмайди. Чунончи: *ер юзи* — «лицо земли» эмас; ёки акс таржимада *солнце встало* — «қуёш турди» дейилмайди. Исталган жуфт тиллар мисолида юзлаб, минглаб бундай ҳодисаларни келтириш мумкин.

Кичик Антиль ороллари группасига мансуб Доминика оролида яшовчи аёллар эркакларникига қараганда бутунлай бошқа тилда сўзлашадилар.

Гарбий Аризонада яшовчи моҳаве тилида сўзлашувчиларда «аёл кишининг отаси» билан «эркак кишининг отаси» фарқланади, бинобарин, уларда ҳар иккала жинснинг «отаси»ни англатадиган бошқа-бошқа сўзлар мавжуд.

Бундай сон-саноқсиз «тил ажойиботлари» улар билан ҳар қадамда тўқнашиб турадиган таржимонларни лол қолдиради, чунки бошқа тилларнинг луғатидан уларга «эквивалент» топишнинг иложи йўқ.

Таржима соф лисоний ҳодиса эмас экан, унинг «тилдан ташқарида» яна қандай ғайрилисоний (экстралингвистик) омиллари бўлиши мумкин?

Маълумки, халқларнинг турмуш тахлити, тирикчилик шароитлари, урф-одат, расм-русм, ирим-чирим, удумларида жуда катта фарқлар борки, мавжуд росмана луғатлардан уларнинг номларига муқобил сўз топиб бўлмайди, башарти, топилган тақдирда ҳам улардан фойдаланиш қийин, негаки, бундай сўз асарда тасвирланган воқеага ўзгача миллий маъно бериши мумкин.

Гарчи келиб чиқиши бир хил бўлса ҳам, рус *Василийси* билан инглизча *Wasil* бир хил статусга эга эмас. Инглизча *James ёки Thomas* кўп учрайдиган номлар жумласига кирса-да, улар русча *Яков ёки Фомага* сира ҳам муқобил эмас; худди шунингдек, *Johann* ва ундан ясалган *Hans Иван* билан ундан ясалган *Ваняга* тўғри келмайди.

Турли халқлар ҳаётига алоқадор қўйидаги хабарлар билан танишайлик.

Америкалик профессионал Эдди Шоу жароҳатланиш бўйича ўтказилган жаҳон мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган. 13 йиллик спорт фаолиятида унинг 14 марта бурнини уриб синдирганлар, 5 марта жағини пачақ қилганлар, баданида 987 та чандиғи бор. Бу «рекордчи»нинг ҳамма тишлари уриб синдирилган.

Парижда 6 мингта фолбин, мунажжим ва башорат қилувчилар бор. Бир кунда улар 50 минг сеанс берадилар ва ҳар йили ўзларининг анойи мухлисларидан 500 миллион янги франк миқдоридан даромад топадилар.

«Озод дунё» аталмиш капиталистик тузумнинг бу сингари «оддий» воқеалари биз учун фавқулудда ҳодисадир. Бунинг аксича, бизда ғайрияхлоқий саналадиган нарса буржуа жамияти шароитида — жамийки нарсанинг, жумладан ор-номус, нафсоният, иффат ва виждоннинг ҳам қадр-қиммати зар, пул, мол-дунё билан ўлчанадиган чиркин муҳитда — «оддий» бир гапга ўхшаб қолади. Масалан, «японлар Толстойнинг персонажларига сираям ўхшамайдилар, — деб ёзадилар В. Шкловский билан Б. Тетива. — Улар бошқа тоифадаги одамлар. «Тирилиш» романида японларни ҳайратга солган нарса нима? Катюшанинг фоҳишалиғи эмас. Бу хил ишларга уларнинг парвойи фалак. Катюша Нехлюдовни севгани ҳолда, худди шу муҳаббати ҳақи шундай нуфузли киши билан турмуш қуришдан бош тортганлиғи японларни ҳайрон-ҳайрон қолдирарди»<sup>1</sup>.

Ёр юзида яшовчи турли-туман халқлар тановул қиладиган озиқ-овқат, ичимлик, ширинликларнинг хилма-хиллиғи, уларнинг номланиши ҳам бир-биридан фарқланиши маълум. Аммо шуниси қизиқки, бир тоифа халқлар истеъмол қилиш у ёқда турсин, тановул этишни хаёлига ҳам келтирмайдиган, ҳаром деб биладиган нарсалар билан озиқланадиган элатлар ҳам топилади. Бир нечта мисол.

<sup>1</sup> В. Шкловский, Б. Тетива. О несходстве сходного. М., 1970, стр. 75.

Заҳарли чинқироқ илондан тайёрланган хўрак АҚШ нинг Оклахома штатидаги Окин деган жойда маҳаллий аҳолининг байрам дастурхонидаги энг лаззатли таом ҳисобланади.

Катта байрамлар ва тантаналар арафасида чандаст илонгирлар чинқироқ илон овига отланадилар. Уларни минглаб кишилар тўда-тўда бўлиб кузатиб қоладилар. АҚШ да махсус тайёрланган, консервланган ва музлатилган чинқироқ илон гўшти савдоси чаққон.

Мисрда чигирткахўрлик авжида. Бундан 25 аср илгариги замонда ҳам қадимги мисрликлар чигирткадан тайёрланган овқатни лаззатли таом ҳисоблаганлар.

Австралияда чигирткани овқатга масаллиқ сифатида ишлатиш расм бўлган. У ерда ҳатто «Агар чигирткани — сен эмасанг, сени — чигиртка ейди» деган матал ҳам машҳур.

Қадимги форс ривоятида айтилишича, одамлар шолғомдан тарқаган эмиш, — форсларнинг бу сабзавотни яхши кўришларини шундан ҳам билса бўлади. Юнонлар эса шолғомни хушламас ва уни фақат қулларга едирардилар. Аммо румоликларда аҳвол бутунлай бошқача эди. Император Тиберий, масалан, жуда шолғомхўр бўлганидан, Рейн ёқасига жойлашган вилоятлардан ўлпон эвазига шолғом олган. Румо шоирлари ўз асарларида шолғомни хўб мадҳ этишган.

Ўрта асрларда, ҳатто XVI асргача, картошка кенг тарқалгунга қадар, шолғом Ғарбий Европа аҳолисининг қашшоқ қатламларида асосий эмиш ҳисобланган.

Россияда ҳам шолғом жуда қадим замонлардан буён маълум ва машҳур бўлган.

Африкаликларнинг айтишича, улар норжил пальмасидан фойдаланишнинг 99 хилини билишаркан.

Ҳали пишиб етилмаган норжил нордонроқ, хуш ҳидли суюқлик беради, пишганидан қуюқ сут олинади ва ундан турли-туман таомлар тайёрланади. Ёнғоғининг мойидан хушбўй атир совун қилинади. Ёнғоғининг мағзидан мураббо қайнатилади. Янги олинган шарбатидан — мусаллас, ачиганидан — сирка тайёрланади. Баргларининг ёш куртакларидан салат ҳозирланади. Барг толасидан кийим тўқиш, арқон ўриш ҳамда қоғоз тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ёнғоғининг қобиғидан идиш-товоқ ясалади, даракт танасидан уй қурилади, мебель ясалади. Пишган мевасининг ёғини лампа мойи ўрнида ёқадилар. Ёнғоқнинг қобиғидаги толадан дастурхон ва палос тўқилади, пальма қипиғидан эса сиёҳ олинади.

Араб саҳросида туя шунчаки бир «фауна намунаси», «улов» ёки «чўл ярашиги» эмас, балки ҳаётий зарур жонивордир. Шунинг учун ҳам арабларнинг моддий яшаш тарзи, тирикчилиги, хўжалигидагина эмас, балки маънавий олами, маданияти, тили, шеърлятида, мусиқаси, қўшиқларида туя бир тимсол бўлиб қолган. Ҳиндларда — фил худди шундай жонивор ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳиндлар ҳар қандай ҳайвонга ҳам муқаддас мавжудот деб қарайдилар. Масалан, улар сигирнинг сутини ичганлари учун уни «онамиз» деб биладилар — Ҳиндистонда сигир гўшти ейиш қатъий таъқиқланган.

Ўзбекларда хўжалиқнинг асосий тармоғи — пахтачилик. Шундай экан, ўзбек тилида минглаб пахтачилик терминлари борлиги ва бу луғавий бойликни бошқа тилларда акс эттириш гоят мушкул эканлиги маълум.

Хуллас, бир тилнинг луғавий бойлиги бўлган нарсани бошқа тилларга ўгирганда, бир неча умумий ҳолларни назардан соқит қилганда, «реалий», яъни ағдарил мушкул бўлган, қўшимча изоҳталаб х о с с ў з л а р, миллий ёки маҳаллий колорит «компонент»ларига айланиб қолади.



## 9-§. Лисоний мамлакатшуносликнинг таржимага муносабати

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари ва удумларини таржимада бериш қийинчилик туғдириши юқорида эслатилди. Масалан, биринчи апрель куни етказилган хабар ва ҳар қандай гапга ишонмаслик одати кўпчилик халқларга маълум. Аммо буни уларнинг ҳар бири ўзларича атайдилар. АҚШ да биринчи апрель — «аҳмоқлар куни», Шотландияда — «какку куни», Францияда — «балиқ куни», Японияда — «қўғирчоқ куни», Испанияда — «лақмалар куни» деб айтилади.

Кўпгина Шарқ халқларида аёлларнинг паранжисиз ташқарига чиқишларини қатъий ман этадиган одат бор. Шимолий Судан ва жанубий Сахарада эса туарег аталмиш кичик бир халқ яшайдики, уларда эркаклар юзларини яшириб юрадилар.

В. Овчинниковнинг мақоласида рус маданиятида кундалик ахлоқ нормалари билан японларнинг анъанавий одоб-ахлоқи чоғиштирилган<sup>1</sup>.

Танишини кўриши биланоқ, япон дарҳол жойида таққа тўхтади — мабодо кўчанинг қоқ ўртасида бўлиб, рўпарасидан трамвай келаётган бўлса ҳамки, у турган жойида қотиши лозим. Сўнгра дарҳол бели икки букилиб, очиқ кафти оёғи узра тиззасига сирғалиб тушади, бир неча секунд ана шундай букилган ҳолатда таъзим қила туриб, фақат кўзларини юқорига тикади. Биринчи бўлиб қадни ростлаш одобдан ҳисобланмайди, бинобарин, таъзим ҳолатида рўпарама-рўпара турганлар бир-бирларини жуда зийраклик билан кузатадилар. Ташқаридан кузатган кишига бу манзара жуда қизиқ: улар тўсатдан бел оғриғи тутиб қолиб, қаддини ростлаёлмаётган белангига ўхшаб кўринади. Русларда бир-бири билан дийдор кўришиш манзараси бўлакча. Бир ҳолатда, агар учрашганлар эркак киши ва дўст бўлсалар-у, бирон расмий жойда дуч келсалар, бир-бирларининг елкасига қоқиб-қоқиб қўйишади, бошқа ҳолатда, агар учрашганлар аёл кишилар бўлса, бир-бирларининг юзларидан ўпадилар, учинчи ҳолатда — учрашганлар қўл олишиб, бараварига бошларини эгадир. Ниҳоят, учрашганлар жамиятда бошқа-бошқа мавқега эга ёки уларнинг тутган ижтимоий роли ўзгача (бири — раҳбар, иккинчиси — унга итоаткор) бўлса, бош кийимини ечиб (ёки ечмай) қўл олишмаган ҳолда бош эгилади, холос.

Ўзбекларда иккита қадрдон эркак учрашганида қўлтиқлашиб кўришадилар ва галма-галига елкаларини-елкаларига текизадилар. Агар учрашганлар жудаям қадрдон бўлсалар, «оғиз-бурун» ўпишадилар. Бошқа вақтларда эса танишлар такаллуф билан дучлашадилар: ўнг қўл кўкракка қўйилиб,

<sup>1</sup> В. Овчинников. Ветка сакуры. Журн. «Новый мир», 1971, № 2—3.

таъзим билан ўтиб кетилади ёинки икки томон ҳам бараварига икки қўлини чўзиб, тўртала қўл бир оз силкишилади, барава-рига ҳол-аҳвол сўралади. Ҳол-аҳвол сўрашишнинг мундарижа-си кенг ва батафсилдир: ҳар иккала томон, навбати билан: ота-она, бола-чақа, қавм-қариндошлар, уй-рўзғор, мол-ҳол, кай-фият ва қарийб қозон-товоқ, бошқа узоқ таниш-билишлар, қў-ни-қўшниларнинг ҳол-аҳволигача бирма-бир сўраб чиқилади. Башарти, вақт зиқлигиданми ёки бошқа бирон сабабга кўра-ми, муфассал кўришиб-сўрашилмаса, томонлар бир-бирлари-дан ранжийдилар.

Ўзбекларнинг бир-бирларига такаллуфи ва мулозамати ҳам, айтайлик, японларникидан қолишмайди. Умуман, киши-ларнинг ўзаро муносабатига қараб қайси миллатга мансублиги-ни билса бўлади. Чунки уларнинг ўтириш-юриш-туриши, ўзи-ни тутиши, кўз қараши, муомаласи ва ҳоказоларнинг барчаси халқнинг миллий-психик ҳолати билан боғлиқдир. Ёзувчи-лар бундан жуда усталик билан фойдаланадилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романидан олинган қуйидаги парчалар бу жиҳатдан жуда характерли:

1. «Сидиқжон ундан (чолдан — F. C.) бундай гап чиқишини кутма-ган бўлса керак, қаттиқ изза тортди, нима дейишини билмай, бошидан дўписини олиб, у ёқ-бу ёғига чертди, тиззасига қўйиб жиягини тортди» (учинчи бобнинг иккинчи қисмидан).

2. «Шу чоқ эшик очилиб кимнингдир ғайритабиий «ҳа-аҳа-ўҳу!» деб йўталган товуши эшитилди-ю Тўлаган ака кириб келди. Бўтабой ака бу йўталнинг маъносига дарров тушунди, ранги оқариб, йўталиш эшитмаган ва Тўлаганни кўрмаган бўлиб деразадан ташқарига қаради. Бу йўтал Са-фаровга ҳам тегиб кетди. У, гаши келиб бир нима демоқчи бўлди-ю, нима-нидир мулоҳаза қилиб айтмади ва хатдан бошини кўтармай:

— Ғалати йўтал чиқарибсизми, Тўлаган ака? — деди.

— Табъим-да. Пошшо одам эканман! — деди Тўлаган ака ва ўзини гурс этиб диванга ташлади, узун кекирди; нос отди, лабида қолган юқини пуф-лаб, кафтини тиззасига артди. — Энди, ўртоқ Шапаюп, шигиймиж билан отимижни бешаларинг ҳам бўлар...» (олтинчи бобнинг иккинчи қисми-дан).

3. «Орқада турган Болтабой уни имо билан чақирди. Сидиқжон, юраги «шув» этиб, қўлини қовуштирганича оёқ учига югуриб борди.

— Қаерликсиз? — деди Самандаров хиёл жилмайиб, — қўлингизни ту-ширинг!

— Ваҳрободлик...

— Қўлингизни туширинг! Нега қўл қовуштирасиз?

Сидиқжон қўлини туширди, лекин қаерга қўйишини билмай яна қор-нига қўйди.

— Урганиб қолганмиз, мулла ака...

Самандаров кулди

— Урганиб қолганмиз? Кимга қўл қовуштириб ўргангансиз?...» (Тўқ-қизинчи бобнинг иккинчи қисмидан).

Дўппини қўлга олиб у ёқ-бу ёғига чертиш, тиззасига қўйиб жиягини тортиш, йўталиш, қўл қовуштириш ва ҳоказолар май-да, аммо шунчалик нозик ва сермаъноки, булар фақат ўзбек-нинг миллий қиёфасига хос. Ёзувчи бир ёки бир нечтагина аб-зацда ана шундай майда тафсилот ва деталлар орқали тасвир-

лаган воқеа, англаган маънони бошқа бирон адиб, эҳтимол, ўнлаб саҳифаларда ҳам беролмас.

Оёқларни чалкаштириб ўтириш японлар учун бетакаллуфлик ҳисобланади, оёғини суҳбатдоши томонга узатиш эса ўтакетган ҳақорат деб қабул қилинади. Дарвоқе, ўзбекларда ҳам худди шундай. Америкаликлар эса бемалол оёқларини стол устига узатиб, бошқа миллатга мансуб суҳбатдошнинг авзойи айниётганини бутунлай пайқамаган ҳолда, бамайлихотир гаплаша берадилар.

Шуниси қизиқки, японларнинг одоби ўз суҳбатдошига тўғридан-тўғри рад жавобини беришга йўл қўймайди. Суҳбат давомида улар «йўқ», «иложи йўқ», «билмайман» деган сўзларни сира қўлламайдилар, гўё булар кишининг хотирасини ранжида этувчи калима ҳисобланади. Улар бўлак воситалар, қочирма ва ишоралар билан рад маъносини ифода этадилар. Ҳатто иккинчи пиёла чой узатилганда уни қайтариш учун ҳам «қуллуқ, бошқа ичмайман» дейиш ўрнига, «жуда сероб бўлдим» қабилидаги иборани қўллашади.

Агарда токиолик бирон танишингиз: «Сизнинг таклифингизга жавоб қайтаришдан олдин хотиним билан бир маслаҳатлашиб олай» деса, қаршингиздаги кишини рафиқасига жуда меҳри баланд ёки хотинлар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги тарафдори экан деган хаёлга бориб ўтирманг. Бу «йўқ» сўздан бош тортишнинг кўпгина йўллари билан бири.

Айтайликки, Сиз японга сим қоқиб, у билан соат олтида пресс-клубда учрашмоқчи эканингизни билдирганингизда, у: «Ҳа, соат олтида денг-а? Ҳа, пресс-клубда денг-а?» деб жавоб қайтарса-ю, яна аллақандай тушунарсиз товушлар чиқара бошласа, сиз дарҳол гапни пайқаб, «Майли, агар сизга унча қулай бўлмаса, бошқа вақтда ва бошқа жойда гаплаша қолайлик» деб жавоб қилишингиз лозим.

Шу заҳотиёқ суҳбатдошингиз «йўқ» сўзини айтишдан қутулганига шукурлар қилиб, ўзига қулай бўлган жой ва фурсатдан дарров бирини қабул қилади-да, бажони-дил «хўп» дейди. Фикрларнинг ошкор тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлардан, ўзганинг иззат-нафсини оғритишга сабаб бўладиган очиқ тасдиқлардан сақланиш учун японлар мазожий гапларни ишлатишга авлоддан-авлодга одатлантириб келинган<sup>1</sup>.

Бу — бир-биридан хийла кўп фарқ қиладиган халқларнинг маданиятларини чоғиштирганда юз берадиган ҳолат ва ҳодисалар. Европа халқларининг урф-одат ва одоб қоидаларини қийёслаганда ҳам анча-мунча фарқлар борлигини пайқаш мумкин. Чунончи, бир қанча Европа мамлакатларида кафе ёки ресторанда кишилар маъмуриятнинг телефонида фойдаланишса, бунинг учун официантга ҳақ тўлашлари даркор.

<sup>1</sup> В. Овчинников. Ветка сакуры. Журн. «Новый мир», 1971, № 2, стр. 220.

Бизда эса фақат автомат-телефондан фойдаланганда ҳақ тўланади, холос. Бир хил Европа мамлакатларида тухумни килолаб ўлчаб сотишади, бизда — доналаб сотилади. Шунинг учун Финляндиядан келган студент сотувчига юзланиб: «Менга, марҳамат қилиб, ярим кило тухум беринг» деса, бунга ажабланмаслик керак.

Руслар овқатланганда қошиқ, пичоқ, вилка ишлатадилар, Шарқий Осиё халқлари эса чўплардан фойдаланади, эскимослар фақат пичоқ қўллайди, ўрта осийликлар бир қанча овқатларни (масалан, палов) қўлда ейишади.

Руслар кутиш вақтида эркакларга ҳам, аёлларга ҳам гул тутаверадилар, Австрияда фақат аёлларга гул тақдим этилади, Ҳиндистонда бўлса меҳмоннинг бўйнига гулчамбар илинади.

«Хитойда мен биринчи марта расм-руслар, урф-одатлар, ахлоқ-одоб қоидалари хусусида бош қотирдим,— ёзади Илья Эренбург.— Нега Осиёнинг одатлари европаликларни таажжублантиради?.. Европалик киши кўришаётиб, қўлини узатади, хитой, япон ёки ҳинд бегона киши узатган қўлнинг учини сиқишга мажбур бўлади... Веналик киши ўзи нима деяётганини ўйламай-нетмай, «қўлингизни ўпаман» дейди, варшавалик эса уни бирон аёл билан таништираётганларида, беихтиёр, ўша аёлнинг қўлини ўлади. Ўз рақибининг қилмишларидан даргазаб бўлган инглиз унга: «Муҳтарам жаноб, сиз лўттибозсиз» деб ёзади, «муҳтарам жаноб» ламасдан у хатини бошлаши мумкин эмас. Христианлар черков, костёл ёки киркага кира туриб, бош кийимларини қўлларида ушласалар, синагогага қадам қўяётган яҳудий бош кийимини калласига илиб олади. Католик мамлакатларда аёллар ибодатхонага бошларини ўрамасдан киришлари мумкин эмас. Европада аза ранги — қора, Хитойда эса оқдир. Европалик киши аёлнинг қўлтиғидан ушлаб кетаётгани, гоҳо уни мучилаётганини биринчи бор кўраётган хитойликка бу — фавқулодда уят, беҳаё бир нарса бўлиб кўринади. Японияда дёқ кийимини ечмай туриб уйга кириш мумкин эмас; ресторанларда европача костюм ва пайпоқ кийган эркаклар полда ўтирадилар. Пекин меҳмонхонасига европача мебель жиҳозлари қўйилган, лекин хонага хитойликларнинг одатига кўра қадам ранжида қилинади — рўпарага илинган парда у ерга тўғри кириб боришга йўл қўймайди; бу «иблис тап тортмай тўғри кириб боради», деган бир ақида билан боғлиқ; бизнинг тасаввуримизча эса, иблис маккор, унинг ҳар қандай тўсиқни четлаб ўтиши ҳеч гап эмас. Агар европалик кишиникига меҳмон келиб, деворга илинган сурат ҳамда гулдон ёки бўлак майда-чуйда безаклар билан қизиқсинса, соҳиби хонадон бундан кўп мамнун бўлади. Европалик киши хитойликнинг уйида бирон нарсасини мақташга тутинса, уй эгаси унга ўша буюмни дарҳол совға қилади — одоб шундай. Менинг онам меҳмонга борганда тарелкадаги овқатни қолдирмай, пок-покиза ейиш кераклигини ўргатар эди. Хитойда овқатдан сўнг узатиладиган бир коса қуруқ гурунчга ҳеч ким қўл урмайди — қорнинг тўқлигини кўрсатишинг керак. Дунё турфа одатлар, расм-русмларга тўла, булар ҳақида бош қотириб ўтириш ортиқча: ҳамонки бегона бутхоналар мавжуд экан, демак, бегона ақидалар ҳам бор»<sup>1</sup>.

Таржимон бўлса ўша одатлар-у расм-русмларни ҳам, ўзга халқларнинг черков, монастырь, кирка, синагога ҳамда мачит ва хонақоҳлари-ю, уларнинг бегона ёинки таниш ақидаларига-ча барини билиши лозим, бу — унинг шунчаки қизиқсиниши

<sup>1</sup> И. Э р е н б у р г. Люди, годы, жизни. Собр. соч., т. 9, 1969, стр. 693.

аломати эмас, балки турфа халқлар, эл-юртларнинг ҳаётини тасвирлаган бадий, иқтисодий-жўғрофий, илмий, тарихий китобларни ўз тилига ўгирганида унга керак бўлади.

Ҳар бир халқнинг урф-одатлари, миллий ўзига хос ҳаракат ва қилиқлари, юмор хусусиятлари, қўшиғ-у лапарлари ва ҳоказолардан хабарсизлик таржимонга панд беради. Бадий асарни таржимада ширасиз ва бефайз қилиб қўйиш учун кўп-лаб қўпол луғавий нуқсонларга йўл қўйиш шарт эмас, балки бир нечта нозик лаҳзани чиқара олмаслик, нишонга урадиган бир-иккита характерли детални ташлаб кетиш билан уни издан чиқариш, асарнинг бадий таъсир қувватини сусайтириб қўйиш мумкин.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасида ўқиймиз:

«Эри унинг (Тожиҳоннинг — F. C.) мана шу хилда дўппи тикиб, Фуркат айтмоқчи:

Усмадин қошлар қаро, қўллар кинодин лола ранг,  
Дурранинг оғушидин пешонанинг аҳволи танг...

бўлиб уйда ўтиришини орзу қилар экан»<sup>1</sup>.

Мана шу икки мисрада революциядан олдинги даврдаги ўзбек қиз-жувонларининг типик қиёфаси, диди, аҳволи жуда яхши акс этган. Шундай тасвирни насрда бу қадар ёрқин беришининг иложи бўлмагани учун ҳам Абдулла Қаҳҳор — Фуркатга мурожаат этган.

Мана мазкур парчанинг русча таржимаси:

«Он только и мечтал, чтобы она всю жизнь оставалась такой, как на этом портрете, сидела бы дома, вышивала тюбетейки и вообще, как писал когда-то поэт Фуркат:

В своем наряде, словно в кандалах,  
Сидит с тоской в подкрашенных глазах...»<sup>2</sup>.

Бу ғазалда акс этган гўзалнинг ажойиб миллий қиёфаси, портретини қайта яратишдан кўра, таржимоннинг ундан олган, ҳақиқатга унчалик тўғри келмайдиган таассуроти бўлиб қолган. Ўз навбатида, бундай сийқалашган тасвир қиссанинг русча таржимаси орқали немис тилига қилинган таржимасига ҳам ўтиб қолган:

„Er habe sich gedacht, sie ihr ganzes Leben lang so schön zu sehen wie sie auf diesem Bild War, sie sollte zu Hause sitzen, runde Käppchen stecken und über haupt so Sejn, wie es der Dichter Furkat einst beschrieben hat:

Wie in Ketten, sitzt sie in ihrem prächt'gen Klejd, In gen Augen ejn' stilles Lejd...»<sup>3</sup>.

Таржимон ўзи ўгираётган китобда тасвирланган халқ ҳаётини яхши ўрганмасдан, билмасдан туриб унинг миллий ўзига хос томонларини дуруст идрок эта олмайди.

## 10-§. Ҳаракат, турқ-тароват ва имо-ишоралар «таржимаси»

Имо-ишоралар «таржима»сини ўрганар эканмиз, имо-ишораларни умуминсоний деб ҳисоблаш, улар ҳамма халқларга ва махсус изоҳсиз тушунарли бўлади деб ўйлаш соддаликдир.

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. Синчалак. Т., 1960, 134-бет.

<sup>2</sup> Булла Жаҳҳар. Птичка-невеличка. Т., 1961, стр. 197.

<sup>3</sup> A. K a c h a r. Sekretär Saida. Berlin, 1961, S. 220.

«Хорижий» ишоралар тили баъзан тушунмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, Швециядан келган рус тили курсининг стажери йўловчи машинада Москва ёнидаги Абрамцев деган жойдан Москва шаҳрига етиб бориш учун йўлнинг бўйида туриб, муштининг бош бармоғини тик қилган ҳолда қўлини кўтариб турган. Ғарбий Европа мамлакатларида бу ишора — йўловчининг бирон жойга обориб қўйиш илтимосини англатади. Русларда эса бу «жуда соз!» деган маънони билдиради. Шу сабабли шоферлар бу «ғалати» одамга қараб, кулиб ўтиб кетаверганлар. Ҳафсаласи пир бўлган студент ўйлаганидай, бу — шоферларнинг эътиборсизлиги ва илтифотсизлигидан эмас, балки улар шведнинг ишорасини тушунмаганидан шундай англашилмовчилик содир бўлган<sup>1</sup>.

Туркия билан Болгария ўртасидаги уруш (1877—1878) кунларида болгарлар ерида бўлган рус солдатлари антиқа бир воқеага эътибор қилганлар: бош ҳаракати билан англатиладиган «ҳа» ва «йўқ» маънолари бошқа халқларникига нисбатан уларда тескари эди. Чунончи, русларда бош иргаш — «йўқ» деган маънони билдирса, болгарларда «ҳа» маъносини берар, ва аксинча, русларда бошни юқоридан пастга қимирлатиш «ҳа» маъносини берса, болгарларда бу — «йўқ» дегани экан. Бу эса муомала-муносабат чоғида кишилар ўртасида тушунмовчиликларни келтириб чиқарар эди.

Руслар хайрлашиб қолаётганларида кафтларини олдинга қилиб, қўлларини илгарига ва орқага бир неча марта силкийдилар. Инглизлар кафтларини худди шу ҳолатда тутиб, қўлларини ён-верига ҳаракатлантирадилар. Италиянлар эса кафтларини ўзлари томонга қаратган ҳолда қўлларини олдинга ва ортга қимирлатадилар. Италиянларнинг бундай ишораси бизнингча олганда хайрлашишни эмас, аксинча, «бу ёққа келинг» деган маънони англатади.

Бизда ўқувчи ёки студент машғулот давомида чиқиб гапириш ёхуд баҳсда қатнашишни ихтиёр қилганида қўлини юқорига кўтаради. Немислар бундай вақтда икки бармоғини кўтарадилар. Рус студентлари лекцияни жуда дўндириб ўқиган ўқитувчини олқишлаш маъносида чапак чалсалар, Ғарбий европалик студентлар бармоқларини столга «тақ-тақ» урадилар. Ҳақида гапирганида европалик қўли билан кўкрагига ишора қилса, япон — бурнини кўрсатади<sup>2</sup>. Хитой ёки япон «бошқаларни хафа қилмаслик учун» бошига тушган кулфатни изҳор этишда ...жилмаядилар.

Айрим «хорижий» имо-ишораларнинг бизда ҳеч қандай эквивалентлари йўқ. Масалан, америкаликлар ғалабани англа-

<sup>1</sup> Е. М. В е р е щ а г и н, В. Г. К о с т о м а р о в. Язык и культура. Изд-во МГУ, 1973, стр. 26.

<sup>2</sup> Е. Д. П о л и в а н о в. По поводу звуковых жестов японского языка. В кн. Е. Д. Поливанов. Статьи по общему языкознанию, М., 1968.

тиш учун қўлларини юқорига кўтариб, икки бармоқларини кўрсатадилар. Шунингдек, АҚШда хайрлашаётганда шеригига «омад ёр бўлсин», «олу олдирма» маъносида икки муштини жуфтлаштириб олдинга қилиб, бош бармоқларини кўтарадилар. Шуниси борки, эквивалентлари бўлмаган имо-ишоралар акс маънода талқин қилиниши ҳам мумкин. Масалан, юқорида қайд этилган кейинги хайрихоҳлик ишорасини бошқа миллат кишилари нохайрихоҳлик аломати, таҳдид деб биладилар.

Маълум бир маънони мустақил ифодалайдиган имо-ишоралардан ташқари, нутқий фикрнинг ўрнини қоплай олмайдиган, балки нутқ жараёнида уни «тўлдирадиган», «таъкидлайдиган», унга алоҳида «маъно беришга» хизмат қиладиган имо-ишоралар ҳам мавжуддир. Улар конкрет нутқий ахборотни ифодаламагани ҳолда, гапирувчи киши — «нотиқ» ҳақида муайян маълумот бериши мумкин. Айтайлик, агар бирон киши русча гапирса-ю, итальянча имо-ишоралар қилса, унинг гапи мазмунан тўла тушунарли бўлгани ҳолда, сўзловчи киши — хорижий одам эканлиги ошкор бўлиб қолади. Руслар ва ўзбеклар бармоғи билан «бир, икки, уч...» деб санаганларида чап қўлларининг бармоқларини бирма-бир муштларига бука бошлайдилар — бу вақтда ўнг қўл ҳам ишга солинади. Бир қанча Европа мамлакатларида эса худди шундай ҳолатда мушт қилиб букилган бармоқларини бирма-бир ёза бошлайдилар, аммо иккинчи қўл ишга солинмайди. Шуниси қизиқки, руслар ва ўзбеклар чимчалоқдан бошлаб санасалар, европаликлар саноқни бош бармоқдан бошлайдилар. Руслар ўз нутқини маънодор қилиш учун фақат битта (чап ёки ўнг) қўл билан ишора қилсалар, чет элликлар, айниқса европаликлар икки қўлларини баравар ҳаракатга келтирадилар, бунда ҳар иккала қўл симметрик ҳолатда ишга тушади.

Атоқли совет шоири Н. С. Тихоновнинг «Вамбери» номли қиссасида бошқа халқнинг тили, адабиёти, тарихи, урф-одатларини нозик нуқталаригача чуқур ўзлаштирган олим ҳам турқ-таровати, ҳаракати, юз ифодаси билан ўзининг ажнабий киши эканлигини сездириб қўйиши мумкинлигига алоқадор ажойиб кузатишлар бор<sup>1</sup>.

Итальян, немис, француз, лотин, форс, араб, яҳудий ва бошқа тилларни чуқур билган машҳур венгер шарқшунос олими Герман Вамбери Венгриядан Туркия, Эрон, Афғонистон орқали Ўрта Осиёга «афанди», «ҳожиди», «дарвиш», «шайх» ниқоби остида келиб, «Ҳожиди Маҳмуд — Ришод» номи билан оғир саёҳат қилади. Ана шу «саёҳат» давомида бир неча марта унинг ҳаёти таҳлика остида қолади. Шулардан бири тасвирланган парча қуйида келтирилади:

<sup>1</sup> Н и к о л а й Т и х о н о в. Вамбери. Қисса. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1963, 29—30, 34, 40—41, 43, 49—50-бетларга қаранг. Абдувоҳид Мулламуҳаммедов таржимаси.

«Афгон амирининг ўгли Ёқубхон саройида ўтириб парад ўтаётган майдонни томоша қилаётганда, унинг деразалари рўпарасида машшоқлар тинмай соз чаларди. Ундан нарироқда жулдур кийимли дарвишлар тўп бўлиб туришарди. Улар орасида кўзлари тийрак, юзи жиддий бир киши ҳам бор. У музыка оҳангига мослаб оёғини ўйнатиб турарди.

— Бу одам — европалик, — деди Ёқубхон, — Осиёда ҳеч ким музыка тинглаётганида оёғини ўйнатмайди.

Шундан кейин у ҳалиги дарвишни ўз ҳузурига чақиртирди.

Ёқубхон дарвиш билан турли муқаддас жойлар, дарвишлик таълимоти ҳақида ҳамда... Афғонистон тўғрисида узоқ гаплашди. Кейин Ёқубхон қўлини Вамберининг елкасига қўйиб, паст овоз билан:

— Сен олим одамсан, ҳожи. Сен мен кўрган ҳамма ҳожилардан ҳам ўткир олимсан. Лекин фарангсан.

Бу одам юрак-юрағидагини ҳам пайқаганини Вамбери тушунди. Энди ҳеч қандай илож қолмаган эди, шундай бўлса ҳам у:

— Йўқ, — деди.

Ёқубхон ўзини орқага ташлаб ўйланиб қолди.

— Йўқ, майли шундай бўлсин. Мен сени ўлдирмоқчи эмасман. Тинчгина кета қол. Янглишибман.

Вамбери саройдан қандай чиққани, Ҳиротдан қандай кетганини эслай олмади» (49—50).

Асарда тасвирланган халқ руҳий ҳаётининг ана шундай нозик нуқталарини баъзан бехосдан кўздан қочирган таржимон ҳам ўзга фуқаро музыкасини тинглаб «маза қилаётган Вамбери аҳволига» тушиб қолади.

Бир мисол. Абдулла Қодирининг «Ўтган кунлар» романида шундай тасвир бор:

«Мирзабоши кириб хонга қуллуқ қилди ва Мусулмонқулга қараб қўл боғлади»<sup>1</sup>.

Бу гап немис тилига шундай таржима қилинган:

„Der Mirza-Boschi trat ein und verneigte sich ehrerbietig vor dem Khan und dann vor Mussulmonkul“<sup>2</sup>.

Мазмуни: Мирзабоши кирди ва ҳурмат билан олдин хонга, сўнг Мусулмонқулга таъзим қилди.

Асл нусхадаги қуллуқ қилмоқ, қўл боғламоқ қолатлари тушиб қолиши натижасида мирзабошининг ҳаракатлари «чала ўзбекча-немисча» маъно касб этган.

Ишоралар қўйидагича тасниф қилинади: 1) нутқ ўрнида қўлланувчи ишоралар (масалан, «табриклаш» ёки «хайрлашиш» ишоралари); 2) нутқни маънодор қилувчи, нутқ билан баравар қўлланувчи ишоралар (мас., гапнинг муҳим жойларини таъкидловчи ишоралар); 3) шартли символик ишоралар (мас., ҳарбийларнинг честь бериши); 4) экспрессив ишоралар (мас., «таҳдид» ишораси); 5) тасвирий ишоралар (мас., соқол олишни англатиш, гугурт чақишни билдириш ва ҳоказо)<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Тошкент, 1958, 113-бет.

<sup>2</sup> A. Kadiri. Die Liebenden von Taschkent, Berlin, 1968, S. 106.

<sup>3</sup> Т. М. Николеева. Невербальные средства человеческой коммуникации и их место в преподавании языка. Сб. «Лингвистические исследования по общей и славянской типологии», М., 1966, стр. 55.



**Таржимон имо-ишоралар «тили»ни, хусусан, ҳар бир халқнинг ўзига хос ишоралари, турқи, юз-кўз ифодаларини яхши билиши лозим. Ёзма адабиётда маънодор кулги, йўтал, юз-кўз ифодаси, қўл ҳаракатлари кенг ёритилади ва тавсифланади. Таржимада буларни дуруст англаб, тўғри талқин этиш жуда муҳим.**

Ойбекнинг «Навой» романида ёш олимлар — Султонмурод билан Зайниддин шоирнинг Ҳиротга келишини эшитарканлар, бунга жавобан: «Истиқболларига чиқмоқ керак, — ўрнидан қўзғалди Султонмурод»<sup>1</sup>. Русча таржимаси: «Надо пойти его встречать, — проговорил Султанмурад, тут же вскочив с места»<sup>2</sup>.

Эҳтимол, бу таржимада, дафъатан қараганда, кўзга ялт этиб ташланадиган қусур йўқдир, аммо унда образнинг характери, ички дунёсини қўпол равишда сийқалаштирадиган нуқсонга йўл қўйилганки, тадқиқотчи Гулнора Ғафурова ўз китобида буни ўринли қайд этган<sup>3</sup>.

Бадий тасвир воситаси сифатида *ташриф буюрмоқ* билан *келмоқ, истиқболга чиқмоқ* билан *кутмоқ* ва ҳоказо гарчи моҳият эътибори билан айни бир ҳаракатни ифодаласа-да, аммо улар англаган маъно нозиклиги тарафидан бир-бирдан фарқланади. Шундай экан, ҳазрат Навоийни қаршилаш маросими ҳақида, русча таржимада кўрилганидай, «Уни кутиб олишга чиқиш керак, — деди Султонмурод, апил-тапил ўрнидан туриб» дейилса, бу, бир томондан, ҳурматсизлик, иккинчи томондан эса, Ойбек тасвири ҳам талқинига зид, учинчидан, тарихий колоритни бузиш бўлади. Чунки, гарчи Султонмурод ёш бўлса-да вазмин, салобатли, мулойим ва одобли йигит. Унинг томонидан, юқоридаги русча таржимада қайд этилганидай сохта хатти-ҳаракатлар содир бўлиши ақл бовар қилмайдиган нарса. Муаллиф талқини билан таржимоннинг иши мана бу мисолда ҳам бир-бирига мос эмас: «Мавлоно Лутфий каби, — деб сўзга аралашди Султонмурод, — овозаси оламини тутган кекса шоир...». «Говорят, — перебил Султанмурад, — почтенный старый Лутфи заявил однажды».

Сўзлаётган кишининг гапини чўрт бўлиб суҳбатга аралашиниш умуман тарбиятли кишига хос эмас, айниқса, бу одобли, нозик таъб Султонмуроднинг сифати эмас. — Таржимада... романдаги сўзларнинг умумий мазмуни бор, аммо асл нусханинг услубий ўзига хослиги сақланмаган, — деб тўғри қайд этади Г. Ғафурова. — Бундай мантиқий қарама-қаршиликлар кўп учрайди. Тарихий ва миллий анъаналар руҳида ёритилган асл

<sup>1</sup> Ойбек. Танланган асарлар, III т. Ўздавнашр, Тошкент, 1957.

<sup>2</sup> А. Ёйбек. Сочинения, т. III, пер. М. Салье, Гослитиздат УзССР, Т., 1962.

<sup>3</sup> Г. Ғафурова. Развитие перевода в Узбекистане. Изд-во «Фан», Ташкент, 1973, стр. 84—85.

нусхадаги барча услубий афзалликлар таржимада оддий ҳам да нейтрал-адабий нормага келиб қолган<sup>1</sup>.

Худди шундай муносабат билан ёзувчи ва таржимашунос олим Корней Чуковский ҳўб ёзган эди: «Гекльберри Финн»нинг русча таржимасида Жим деган негрнинг «данг қотиб ухлаши» ҳақида «храпит богатырским храпом» дейилади. Гарчи Миссисипи соҳилларида Қароқчи-булбул (Соловей-разбойник) ва Добриня Никитич ҳақида кишилар бирон нарса эшитганлари эҳтимолдан жуда узоқ бўлса-да, дейди автор, негр... худди рус баҳодирларидай хуррак уради!

«Натижада гўё мистер Сквирс ҳам, сэр Мельбери Гок ҳам, лорд Верисофт ҳам — булар ҳаммалари гарчи ўзларини британияликлар қилиб кўрсатиб юрсалар-да, амалда Коломнада, Пятилобский тор кўчасида яшайдилар ва Шчедрин ёки Островскийларнинг персонажлари Иван Трофимичлардир деган таассурот туғилади»<sup>2</sup>.

Имо-ишоралар «тили»ни, айниқса, синхрон таржима ва кинофильмлар ўғирмаси билан шуғулланувчи таржимон-мутахассислар аниқ фарқламоқлари даркор.

## 11- §. Узоқ ва яқин тиллардан таржима

Ер юзида яшовчи халқларнинг тиллари бир қанча туркумларга бўлинади<sup>3</sup>.

Жаҳон халқлари тиллари харитасида ҳинд-европа, сом, хитой-тибет, дравид, олтой, фин-угор-самодий, австрия-осиё, қойсан ва бошқа тил оилалари ўз аксини топган (21). Шулардан айримлари тўғрисида тўхташга тўғри келади.

Ҳинд-Европа тилларида 1 млрд. 782 млн. киши ёки жаҳон аҳолисининг 47 проценти сўзлашади (1972 йилда олинган маълумот). Бу тиллар славян, герман, кельт, роман, ҳинд (ҳиндарий), эрон туркумларига бўлинади. Булардан славян тиллари туркумида 265 млн. киши, герман тиллари туркумида 415 млн. киши, роман тиллари туркумида 445 млн. киши, кельт тиллари туркумида 9,5 млн. киши сўзлашади.

Рус, украин, белорус, поляк, чех, словак, лужий, словен, серб-хорват, македония, болгар тиллари славян тиллари туркумига мансубдир. Лотин ва литва тиллари ҳам кўп жиҳатлардан славян тилларига яқин.

Дания, швед, норвег, исланд, инглиз, голланд, немис тиллари герман тиллари туркумига киради.

<sup>1</sup> Г. Ғафурова. Ойбек асарлари рус тилида. «Таржима санъати». Мақолалар тўплами. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1973, 177-бет.

<sup>2</sup> К. И. Чуковский. Искусство перевода. Academia, М.-Л., 1936, стр. 78.

<sup>3</sup> А. А. Леонтьев. Что такое язык. Изд-во «Педагогика», М., 1976, стр. 19—26.

**Француз, испан, итальян, румин, португал, провансал, сардин, каталон, молдаван тиллари роман тиллари туркумига мансуб.**

**Ҳиндий тиллар туркумида 570 млн. киши сўзлашади. Шимолий ва Марказий Ҳиндистон, Покистон, Бангладешда яшовчи аҳоли шу тилларда муомала қиладилар. Ҳинд, урду, бенгал, маратха, панжоби тиллари ана шу туркумга киради. Асримизнинг V—X асрларида Ҳиндистондан Европага кўчиб ўтган лўлиларнинг тили ҳам ҳиндий тиллар туркумидан. Ўлик тиллардан санскрит ҳам шу туркумда. Эрон тиллари туркумида 60 млн. киши сўзлашади. Форс, афғон, пушту, форси-қобули, тожик, осетин, курд тиллари ана шу туркумга мансуб. Қадимда шимолий Қора денгиз бўйларида яшаган скифларнинг тили билан қадимги хоразм тили ҳозир ўлик тиллар жумласидан бўлиб, булар ҳам эрон тилларидан ҳисобланади.**

**Сомий-хамит тилларида 172 млн. киши сўзлашади. 110 млн. дан ортиқ киши сўзлашувчи араб, 12,5 млн. киши сўзлашувчи амхар (Ҳабашистон) ҳамда барбар, кушит, хавша, чад тиллари ҳам шу туркумга оид. Ўлик тиллардан осурия-бобил, қадимги миср, финикий ҳамда қадимги яҳудий тиллари сомий-хамит тилларидандир.**

**Кавказ тилларида 5,8 млн. киши сўзлашади.**

**Туркий тилларда муомала қилувчилар сони 78 млн. кишини ташкил этади. Ўзбек, озарбайжон, туркман, қозоқ, қирғиз, татар, усмонли турк ва бошқа тиллар туркий тилларга мансубдир.**

**Тилларнинг ўзаро «узоқ» ва «яқинлиги» шу тилларда сўзлашувчи халқларнинг бир-бирлари билан узоқ ва яқин масофада яшашига баъзан мос келади, айрим вақтларда эса мос келмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркманларнинг ерлари туташ, ўзлари азалий қон-қардош халқлар, тиллари ҳам яқин — туркий тиллар оиласига киради. Бирок Ўрта Осиёдаги бошқа бир ёндош халқ, узоқ асрлардан буён биргаликда яшаб келаётган, муштарак маданият, тарих, адабиёт яратган тожикларнинг тили ҳинд-европа тилларининг эрон туркумига мансуб. Тожиклар билан ўзбекларнинг луғатида ниҳоятда кўп ўхшашликлар бор.**

**Тожик тилида нашр қилинган «Фарҳанги ибораҳои рехта» фразеологик луғатидан биргина «а» ҳарфи билан бошланувчи қуйидаги birlikлар ва уларга мос келадиган ўзбекча муқобилларига эътибор қилинсин:**

аз нўғи хамир фатир — хамир учидан патир,  
аз сарат монад — бошингдан қолсин,  
абжақи касеро баровардан — бировнинг абжағини чиқармоқ,  
авзояш бежо — авзойи бежо (авзойи бузуқ),  
авж гирифтам — авж олмоқ,  
адаби касеро додан — бировнинг адабини бермоқ,  
адаби худро хўрдан — адабини емоқ,  
азоби гўр — гўр азоби,

алам кашидан — алам чекмоқ,  
алам кунад, биниашро газад — алам қилса, бурнингги тинла,  
амакат намешавад — амакинг бўлмайди,  
ангур ангура дида ранг мегирад — чиллаки чиллакини кўриб чумак  
уради, қовун қовундан ранг олади,  
ангурро хўру боғаша напурс — узумини е, боғини сўрама,  
анои набудан — анойи эмас,  
аробаи касеро аз лой баровардан — бировнинг аравасини лойдан чи-  
қармоқ,  
аробаи худро кашола кардан — ўз аравасини ўзи тортмоқ,  
арўси модараш набўсида — онаси ўпмаган келин.

Тожики ва ўзбек тилларининг луғати, фразеологик ҳам идио-  
матик бисотидан бу тахлит муштарак, муқобил иборалар, бир-  
ликларни минглаб келтириш мумкин. Бу икки халқнинг урф-  
одатлари, расм-русмлари, мусиқасида ўхшашликлар жуда  
сероб, уларнинг ёзма адабиёти, айниқса, шеъриятида мушта-  
рак анъаналар ҳам кўп. Лекин грамматик қурилиш томондан  
ўзбек ва тожики тиллари бир-биридан узоқдир.

Ҳозирги европалик яҳудийлар немис тилига жуда ўхшаб  
кетадиган, герман тиллари туркумига мансуб бир тилда сўз-  
лашсалар-да, лекин германлар билан яҳудийлар ўртасида ҳеч  
қандай қон-қардошлик йўқ. Худди шунингдек, тожикилар би-  
лан маҳаллий яҳудийларнинг тили ҳам жуда яқин, лекин бу  
икки халқ ўртасида қон-қардошлик мавжуд эмас.

Тиллар қардошлигининг бир қанча аломатлари бор. Бу ҳол  
гапнинг грамматик қурилиши, лексика, идиоматика, фонети-  
ка, талаффуздаги яқинлик билан белгиланади. Масалан, сла-  
вян тиллари қаторига кирадиган «одам» сўзи шундай ёзилади:

рус тилида — человек  
украин тилида — чоловік  
чех тилида — človек  
поляк тилида — чоловік  
болгар тилида — човек

Мазкур сўз роман тилларида мана бундай ёзилади:

лотинча — homo  
французча — homme  
испанча — х(омбрэ)  
итальянча — у(омо)  
румунча — омо

Туркий тилларда «одам», «киши» сўзлари қўлланилади, ўз-  
бек тилида бу маънода яна араб тилидан кирган «инсон» ҳам  
анча кенг истифода этилади.

Юқорида айтилганлардан мантиқан шундай хулоса келиб  
чиқадики, бир-бирига яқин ҳисобланмиш қардош тиллардан  
ўзаро таржима қилиш ўнғайроқ бўлиб, қардошлик жиҳатдан  
бир-биридан узоқ тиллардан таржима эса мушкулдир. Айтай-  
лик, португал тилидан ўзбекчага таржима қилгандан кўра  
туркман тилидан таржима қулай.

Асос эътибори билан олиб қараганда, албатта, бу тўғри.

Қирғиз халқининг тенгсиз улкан «Манас» достони ва унинг ўзбекча таржимасидан бир мисол. Манас туғилганда унинг отаси Жақип чолга айтилган хушхабар шундай тасвирланган:

Айтканымды туюнчу,  
Арыстаным Жақып, суйунчу!  
Дегенимди туюнчу,  
Дегдеген Жақып суйунчу.  
Карыганда байбиче  
Кабылан тапты, суйунчу!  
Жобогондо байбиче  
Жолборс тапты, суйунчу!  
Жоголордо байбиче  
Жолдош тапты, суйунчу!  
Эриккенде байбиче  
Эрмек тапты, суйунчу!  
Кайгырганда байбиче  
Каралды тапты, суйунчу!

Сўз жўясин тушун-чи,  
Арслоним Жақип, суюнчи!  
Деганимда тушун-чи  
Ҳайроним Жақип, суюнчи!  
Қариганда бойвуччанг —  
Арслон туғди, суюнчи!  
Зерикканда бойвуччанг, —  
Қоплон туғди, суюнчи!  
Йўқаларда бойвуччанг —  
Йўлдош туғди, суюнчи!  
Койиганда бойвуччанг —  
Қўлдош туғди, суюнчи!  
Зерикканда бойвуччанг, —  
Эрмак топди, суюнчи!  
Зўриққанда бойвуччанг —  
Кўмак топди, суюнчи!<sup>2</sup>

Гап фақат қирғизча ва ўзбекчада — бу икки туркий тилда айнан бирдай ёки ўхшаш сўзларнинг мавжудлигида эмас. Икки халқ оғзаки ижодида руҳий яқинлик, икки халқ ижодий фантазиясида уйғунлик, уларда муштарақ мажоз ва афсонавий тимсоллар мавжудлиги, урф-одат ва удумларнинг ўхшашлиги моҳир таржимон Миртемирга жуда қўл келган. Қирғиз халқининг «Манас» достони жаҳон адабиётига ўзининг «Ал-помош»ини берган ўзбек халқининг тилида бамисоли ўз оқини яратгандай баралла жаранглаши сабабларидан бири шу. Турган гап, қариган бойвуччанинг... арслон, қоплон туғиши ҳамма халқларга ҳам барабар «тушунарли» бўлмайди.

Манас ботирга берилган сифатлашлардан унинг маҳобатли портрети ўқувчининг кўз ўнгиде гавдаланади:

Мангдайи жазы, башы кууш,  
Бар боюнда турат тууш,  
Кочкор тумшук, кош киприк,  
Корку калча, козу тик.  
Жалаяк ооз, жар кабак,  
Жаагы жазы ээги узун.  
Эрди калынг, козу ункур, —  
Эр мунозу корунот;  
Алакан жазык, кол ачык,  
Алтанып чыкса жол ачык, —  
Алп мунозу корунот  
Кенг кокурок, жайык тош.  
Аркасы кенг, бели туз.  
Айбаты катуу, заары куч, —  
Пил мучосу корунот.

Супоқ бош, кенг пешона,  
Қўчқор тумшук, қўш киприк,  
Шаддод кўзи қарар тик, —  
Вотирлиқдан нишона!  
Оғзи ёйиқ, жар қобоқ,  
Ияги узун, кўз чуқур,  
Тури совуқ ва ёвқур,  
Лаблар қалин, юз ялноқ —  
Эрлиги аён кўринар,  
Олоқон ёзиқ қўл очиқ —  
Айланар бўлса — йўл очиқ —  
Зўрлиги аён кўринар.  
Кўкраги дўнг, ёйиқ тўш,  
Елкаси кенг, қаҳри жўш —  
Фил мучалик кўринар.

<sup>1</sup> «Манас», Фрунзе, 1958 (1—2-китоблар), 26- бет.

<sup>2</sup> «Манас», Тошкент, 1964 (биринчи бўлим, 1- китоб), 66- бет.

Жолборс моюн, жоон билек,  
Бору кулак, жолборс тош,—  
Болокчо туру бар экен (28).

Йўлбарс бўйин, шер билак,  
Бўри қулоқ, тош юрак —  
Куч шунчалик кўринар (70—71).

Таржимада халқ оғзаки ижодига хос муболағалар ҳам худди асл қирғизча оригиналдаги сингари ишонарли бўлиб чиққан.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг муболағадор тасвири:

Буталари чинордай,  
Чинорлари минордай;  
Чумчуқларин қарасанг —  
Тоғ бошида увлардай  
Илонларин қарасанг —  
Тўққиз қулоч арқондай (41).

Қаҳрамон, унинг иш қуроллари ва фаолиятининг муболағадор тасвири:

Чўқморидан чўқ чиқар,  
Чўқ тутаса — ўт чиқар,—  
Қўл урганда қон чиқар,  
Тикилганда жон чиқар,  
Қўлда тоғдай гурзиси —  
Тоққа урар паҳлавон,  
Тоққа урса гурзисин —  
Бўлар экан тоғ талқон (129).

Ўрта Осиё халқларининг ҳаммасида халқ оғзаки ижодининг маҳсули — эпослар, дostonлар анчагина бор. Уларнинг айримлари муштарақ обидалардир. Масалан, «Алпомиш» — ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқларида, «Гўр ўғли» — озарбайжон, ўзбек, тожик, қозоқ, туркман халқлари орасида кенг тарқалган. Бу халқларда бошқа муштарақ фольклор асарлари ҳам кўп. Қирғизларнинг эса Ўрта Осиё халқлари билан муштарақ катта эпослари йўқ. Бироқ қирғиз эпосида тараннум этилган воқеалар, қаҳрамонларнинг образлари, ғоя ва йўналишлари билан юқоридаги халқларнинг эпосларида кўпгина ўхшашликлар бор.

«Алпомиш»да тасвирланган халқ қаҳрамонларининг ҳам, «Манас»да куйланган ботирларнинг ҳам душманлари босқинчи қалмоқлар, ўз ичидан чиққан хоинлар, халқ қонини ичиб тўймаган хонлардир. Бу икки дostonдаги қаҳрамонларнинг мақсадлари ҳам бир: сочилиб кетган уруғларнинг бошларини қўшиб, босқинчиларнинг зулмидан қутқариб, уларга эрк олиб бериш, тинч ҳаёт қуриш, тингловчиларни мардликка, эл-юрт учун фидойиликка, ватанпарварлик, адолат, ҳалоллик ва дўстликка чорлашдан, одамларни олижаноблик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Асли бир, тарихий юксалиш ёғидан жуда яқин халқларнинг оғзаки адабиёти, фақат тили билангина бир-бирига ўхшаш бўлмасдан, гўзал образларнинг талқини жиҳатидан ҳам анча ўхшашдир. Чунончи, Алпомиш, Манас— умр бўйи тирноқ кўр-

май, фарзанд талаб бўлиб юрган чол ва кампирнинг ўғиллари. Олти-етти ёшданоқ буларнинг ботирликлари маълум бўла бошлайди. Ботирлар таваллуд топган куни уларнинг тулпорлари — Манаснинг Оққуласи, Алпомишнинг Бойчибори, Гурўғлининг Гироти зотдор биялардан туғилади. Инсондай фаросатли, одам каби тил тушунган, қуюндай учқур тулпорлар шу қаҳрамонларга доимо содиқ, вафодор ёрдамчи бўлиб, кўп марта ўлимдан қутқариб, умр бўйи хизмат қилади.

Ўзбек ва қирғиз эпосларида аёл қаҳрамонларнинг характерлари ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. «Алпомиш»даги Барчин, «Манас»даги Хоникей ўзларининг беқиёс гўзаллиги, идроки, уддабуронликлари билан ҳаммани мафтун этадилар.

Бу икки эпоснинг сюжет яқинлиги ҳам сезилади. Хитойдан чиққан Алмамбет Манас билан дўстлашиб, ака-ука бўлгани каби, қалмоқдан чиққан Қоражон ботир Алпомишга туғишган инидай бўлиб, умр бўйи ҳалол хизмат қилади.

Уруғчилик жамияти инқирозга юз тутганлигини билдирган бир вазиятни олайлик: Манас билан аразлашган қариндошлари Кўзқамонлар қалмоқлар томонга кўчиб кетиб, сўнгра ёвлашгани сингари, «Алпомиш»да ҳам Бойбўри билан хафалашган бир туғишган укаси Бойсари қалмоқлар томонига кўчиб кетади.

«Манас» ва «Алпомиш» каби халқ дostonларининг мазмуни, тасвирлаш воситаларининг яқинлиги ўзбек ва қирғиз халқларининг кўп асрлар бўйи иқтисодий ва маданий алоқалари яхши бўлиши, қон-қариндош, оға-ини, аҳил дўст сифатида яшаб келишидандир. Бу халқларнинг бошдан кечирган қайғу-ҳасрати, шодликлари, ўй-фикрлари, орзу-ниятлари бир-бирига яқин, бир-бирига туташ.

«Манас» эпосининг ўзбек тилига таржима қилиниши икки қардош халқ — ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Манас» эпоси ўзбек тилида нашр этилганда Қирғизистон Ёзувчилар Союзининг органи — «Ала-тоо» журнали шундай ёзган эди: «Таржимон, ўзбек ёзувчиси Миртемир асарни зўр бадийий қувват билан юксак даражада таржима қилганлигини қайд этиш керак. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистоннинг ҳамма бурчакларидан таржимонга китобхонлардан келган зўр миннатдорчилик билдирилган юзларча хатлар буни исботлайди»<sup>1</sup>.

Жаҳон таржимачилиги тарихи ва ҳозирги амалиётида жуда хилма-хил тажрибалар учрайди. Бошқа тилда барпо этилган асарни унинг аслидан таржима қилиш, таглама\* (под-

<sup>1</sup> «Ала-Тоо» журн., 1967, № 9, 133-бет. (Абдухалил Усмонов таржимаси).

\* Ўзбек тилида таржимашунослик терминологияси ишланмаган, жумладан, *подстрочник* истилоҳи ҳам турлича: *сўзма-сўз таржима*, *сатрма-сатр таржима* тарзида ўгирилади, баъзан бу русча сўз айнан, таржимасиз қўл-

строчник) орқали таржима қилиш ва асл нусхани унинг бошқа — иккинчи, учинчи тилларга қилинган таржималаридан таржима қилиш ва ҳоказо. Зарурат бор экан, ўзга халқларнинг маданияти даргоҳига элтувчи ҳар бир восита ва тадбир жоиз, барча имкониятлардан фойдаланиш ақл бовар қиладиган ишдир. Лекин таржимачилик амалиётида кам учрайдиган бир тажриба сўзсиз қораланиши даркор: бу — қардош тилларда яратилган китобларни уларнинг грамматик қурилиш жиҳатдан узоқ тилларга қилинган таржимасидан ўгиришдир. Бунга йўл қўйиш мақсадга мувофиқ кўринмайди. Шотланд тилида ёзилган бирон романни унинг русча таржимасидан ўзбекчага ағдарса бўлади, ўзбек тилида яратилган пьесани грек тилига унинг французча таржимасидан ўгириш ҳам айб эмас. Аммо озарбайжон адабининг асарини унинг полякча, украинча ёки бошқа бирон славян тилига қилинган таржимаси орқали ўзбекчаштирилса, бу ерда катта йўқотишлар содир бўлиши турган гап.

Умуман олганда эса, ўқувчининг манфаати тарафидан қараганда, китоб қайси тилдан — қардош ёки қардош бўлмаган тилдан — таржима қилинганининг аҳамияти йўқ: унга сифатли ўгирилган мароқли асар керак. Агар китобнинг таржимаси *сифатсиз* бўлса, у қ а н д а й тилдан таржима қилинганининг нима фойдаси бор?

Баъзан ҳақиқатан ҳам шундай бўладики, қондош-жондош халқнинг шоири ёзган асар ўша тилнинг ўзидан таржима қилинади-ю, аммо у ё ўқувчига тушунарли бўлмайди, ёки муаллифнинг фикрлари бузиб берилади. Мана қўлимизда «Махтумқули шеърятидан» деган жуда чиройли, сифатли қоғозга 150 минг нусхада босилган мўъжазгина китобча<sup>1</sup>.

Туркман шоири Махтумқулининг кўзда ёши билан жўшиб ёзган ажойиб шеърлари халқимизнинг тилига тушган, унинг дилида севиб куйланмоқда. Бу — туркман шоири ва у билан барабар ўзбек таржимонининг ҳам ижоди элга, халққа, шеър ихлосмандларига манзур бўлди, деган сўз.

Шоирнинг «Тўхтамас» номли шеъри жуда яхши таржима қилинган:

Махтумқули айтар ориф дўстига,  
Ким қолар тушмайин ажал дастига!  
Фалак бир кун ташлар ернинг остига,  
Оғиздан тил кетар, забон тўхтамас (122).

7

ланилади. Бироқ, аслида, *сатрма-сатр таржима* — «построчный перевод», *сўзма-сўз таржима* эса «дословный перевод» тушунчаларига тўғри келади. Шундай қилиб, мавжуд терминология чалкашлиги тушунчаларни ҳам аралаштириб юборишга сабаб бўлади. Буни ҳисобга олган ҳолда, биз *построчник* истилоҳини айнан ўгириб, т а г л а м а деб аташни таклиф этамиз. Бу термин илк дафъа «Таржима назариясига кириш»да кенг қўлланилади.

<sup>1</sup> «Махтумқули шеърятидан». Тошкент, 1976.



Қофиялар пухта, тўлиқ, мароқли, охирги мисрада ўзбекча тил билан тожикча забон жуда ўринли қўлланган. Бу — сўзни гоят нозик ҳис қилиш демак.

Уқир бўлсанг, ўқ ур нафсинг кўзига,  
Чин кўз билан қара китоб юзига,  
Алданиб, кирмагил шайтон сўзига,  
Яхшилиқни ҳеч вақт қўювчи бўлма (109).

Жуда мукамал таржима.

Лекин мазкур китобчада бир қанча жиддий нуқсонларга йўл қўйилган.

«Туркманнинг» номли шеърнинг иккинчи банди шундай:

Ҳақ сийламиш, борлар унинг сояси,  
Ёйилар чўлида нори, мояси,  
Ранг-баранг гул очар яшил яйласи,  
Ғарқ бўлмиш райҳонга чўли туркманнинг (90).

Бу ердаги *соя, моя, яйла* қофиядош сўзлардан *моя* икки ўрқачли урғочи туя эканлигини ўзбек ўқувчиси билмайди, албатта; *яйла* эса ясама сўз. Биринчи мисранинг маъноси умуман тушунарли эмас. Шоирнинг фикри ўқувчига бориб етмайди.

Шеър туркман тилида бундай жаранглайди:

Ҳақ сынамыш, бардыр онун сояси,  
Чырпыншар чолунда нери, мояси,  
Ренбе-рен гул ачмыш яшыл яйласы,  
Ғарк бўлмиш райҳона чоли туркменин.

Яқин тиллардан таржима қилишнинг бутун «ўнғайлиги» ҳам, нобоплиги ҳам мана шунда. 19 та сўздан атиги биргина *чырпыншар* сўзи «ёйилар» деб ўгирилган, холос. Қолган нақ 18 таси шундоққина оқизмай-томизмай ўзбекчага ўтказиб қўя қолинган. Бошқача айтганда, 95 процент текст — кўчирилган. Сўзлар, гапнинг грамматик қурилиши, қофиялари билан бирга қўшиб кўчирилган. Шунингдек, биринчи мисрада қўпол нуқсонга йўл қўйилган.

Мана «Англамас» номли шеърнинг охирги банди:

Махтумқули, тилга дoston кетирдим,  
Ҳасрат билан куним, оймим ўтирдим.  
Арзи ҳолим арзимонга етирдим,  
Ўтар-кетар, ойин-йилин англамас.

Таржимон асл нуханинг матнидан, сўзларидан, қофияларидан, муаллиф яратган вазндан чиқолмайди. Биринчи мисрада бутун банднинг қофияларига асос, калит бўлиб келаётган *кетирдим* феълига эътироз йўқ — «тилга дoston кетирдим» бирикмаси жойида (ўзбекчада «тили калимага келмоқ», «имон

келтирмоқ» фразеологик моделлари бор). Иккинчи мисрадаги *ўтирдим* феъли тилимизга қовушмаётганини сезган таржимон сатр остида изоҳ беради: *ў т и р д и м* — ўтказдим дегани экан. Ҳижжалаб ўгириш томон олинган йўл учинчи мисрада яна хатоларни давом эттиришга мажбур қилади: *арзимонга етирдим* сўзлари билан тугайди мисра. Бу нима дегани? Таржимон бу ясама бирикмага изоҳ беришга ботинолмаган.

Умуман, тушунарли бўлмаган айрим сўз, тушунча, истилоҳ, тарих, сўз ўйинлари, мураккаб мажозлар изоҳланади, шарҳланади. Оқилона берилган ҳар қандай изоҳ китобхон учун сув билан ҳаводай зарур. Бу таржимани безайди ва ўқувчини текст мазмуни, нозик қочирмалар ёки ишораларни чуқурроқ билиб олиш томон етаклайди. Лекин... таржиманинг заифлигини-ю, таржимоннинг ожизлигини ҳеч нарса билан «изоҳлаб» ёки «шарҳлаб» бўлмайди: буни фақат бартараф қилиш керак, холос.

Умуман, таржима нима? Агар яқин тиллардан таржима — матнда мавжуд барча т а н и ш сўзларни ўз тилимизга ўтказиб, н о т а н и ш сўзларни сатр остида бу тариқа «изоҳлаш»дан иборат бўлса, ўз-ўзидан, таржиманинг бу тури нуқул нусха кўчиришдан иборат экан, деган хулоса келиб чиқади. Башарти, чиндан ҳам шундай бўлса, яқин тиллардан таржима қилиб ўтиришга ҳеч қандай зарурат қолмайди, деса ҳам бўлади.

Аслида эса, бундай эмас. Қардош тиллар билан иш кўрганда ҳам, қардош бўлмаган тилларга мурожаат этганда ҳам таржиманинг қоидаси битта: асл нусхани бошқа тилга ўтказиб — қайта яратиш. Махтумқули асарлари туркманча асл нусхасидан эмас, балки русча таржимасидан ўзбекчалаштирилди, деб фараз қилайлик. Айтайлик, ўзбек таржимони унинг шеърларини асл туркманчасида умуман кўрмаган ҳам. Хўш, бундай ўзбекча таржимада туркманча шеърлардаги сўзлар учраган бўлармиди? Йўқ, деярли учрамаган, сўзлар — «алмашган» бўларди. Шундай экан, нега бўлмаса бевосита муайян туркий тилдан ўзбекчага ўгирганда тилимизга асл нусханинг сўзлари ўзгармасдан кириб келади?

Шубҳасизки, бу ерда гап м е ъ ё р устида кетяпти. Агарда яқин тиллардан таржимада асл нусхадаги муқобил сўз, ибора, грамматик таркиблар қатъиян қўлланилмасин, фақат уларнинг тилимиздаги «синоним»лари ёки бошқа маънодош сўзлар топиб қўйилсин деган талаб илгари сурилса, бу — масалани диаметрал бошқа томондан ишқал қилиш билан тенг бўларди. Яна такрорлаймизки, гап м е ъ ё р хусусида бормоқда.

«Дўнди» шеърининг номиданоқ изоҳ бошланган: бу *айланди*, *ўтди*, *бўлди* дегани экан (133). Демак, уни — *ўзбекчалаштириш* керак, вассалом. Эҳтимол, бу шеърга «айланди», «ўтди», «бўлди» сўзлари мос келмас. Бундай тақдирда изланишни яна давом эттириш, муқобил ва мувофиқ сўз топмагунча қўймаслик керак. Бутун бошлиқ ўзбек тилидан туркманча бит-

та «дўнмоқ» сўзининг маъносини қоплайдиган калима топилиб қолар...

Тилла тахтада қопилар,  
Давр айланиб ёпилар,  
Эшон, мулла, пир, сўфилар  
Элатга озора дўнди (133).

Қопилар сўзи «эшик» эканлиги айтилиб, тўртинчи мисрага бус-бутун — «Элга озор бергувчига айланди» деб изоҳ берилди.

«Жўш келса» шеъридан:

Бойлар ёпиб саховатнинг қописин,  
Кўпайтирар дўзахнинг заҳар аписин.  
Кўринг бу айёмнинг пиру сўфисин,  
Танламайин ураверар ош келса (107).

Қописин сўзига боз «эшик» деб изоҳ берилгач, аписин «илон-чаён» эканлиги айтилади. Албатта, қофияни алмаштириш, яъни уни ўзбекчалаштириш — бу бутун банднинг тузилишини ўзгартириш, шеърни чин маъноси билан таржима қилиш деган сўз бўлади. Бу эса — меҳнат, ижодий изланишни талаб қилади. Эҳтимол, у ёғи китобхоннинг вазифасига кирди, деб ўйласа керак таржимон. Аммо бу жиҳатдан банднинг кейинги икки мисрасини таржимон анча «дўндирган»:

Кўринг бу айёмнинг пиру сўфисин,  
Танламайин ураверар ош келса...

Китобнинг 77- бетида яна бошқа бир «Дўнар» шеъри берилиб, бу гал мазкур сўз «айланар» деб изоҳланади.

Шер ҳар чоқда бир ов отар,  
Дер: «Жим овимга қўл қотар!»  
Фил бурнини фалакка тутар,  
Карк кўрса, хамирга дўнар.

Сатр остида *карк* — «каркидон» эканлиги айтилади. Бу ерда ҳам на шернинг, на филнинг, на каркидоннинг нима қилиб юрганини таржимоннинг ўзи тушунмаса, бошқа англамас. Тўртинчи мисрада каркидоннинг ...хамирга «айланиши» ўзи бир мўъжиза.

«Айрилдим» шеъридан:

Ёрга ярашар уч муча,  
Сифатин сўйлайин анча.  
Лаби шакар, озги гунча,  
Ул зулфи тордан айрилдим (43).

Сатр остида «м у ч а — йил ҳисоби» деб тушунтирилади. Агар чиндан ҳам шундай бўлса, яъни ёрга «уч мучал ярашса»... бундай «ёр» нақ 36 ёшни урган жувон бўлиб чиқади. Бу қандай изоҳ-у, бу қандай мантиқ? Аслида эса «йил ҳисоби —

мучал» бошқа-ю, муча бошқа нарса; бу — «бўлак, қисм; аъзо»<sup>1</sup> дегани. Мана энди ҳамма *мучалар* жой-жойига тушади:

Ёрга ярашар уч муча,  
Сифатин сўйлайин анча.  
Лаби шакар, оғзи гунча,  
Ул зулфи тордан айрилдим.

Кўринадики, бу ўринда ҳеч қандай изоҳнинг (айниқса, китобхонни чалғитувчи изоҳнинг) ҳожати ҳам йўқ экан: ёрга ярашган ўша уч муча (унсур): 1) шакар лаб; 2) гунча оғиз; 3) зулфи тордан иборат экан. Бу — текстдан шундоққина кўри-ниб турибди.

Мен айтдим бир неча панду насиҳат,  
Билсанг насиҳатдир, йўқса фасиҳат,  
Фасиҳат билмагил, барча насиҳат,  
Ёлғон-яшиқ сўзни айтувчи бўлма (111).

Махтумқулининг донолиги шунчаликки, у ўзининг тўртинчи мисраси билан башорат қилиб, мазкур таржимага ҳам ҳаққоний «диагноз» қўйганга ўхшайди: ёлғон-яшиқ сўзни айтувчи бўлма... Бу тўртликда икки бор қўлланилган *фасиҳат* сўзига... сатр остида «бўш сўз» деб изоҳ ёпиштирилган. Ҳолбуки, Шарқ тилларида умуман ноаниқ формадаги «фасиҳат» сўзи йўқ, балки *фасиҳ* бор. «Фасиҳ *арабча* 1. Очиқ, равшан, равон; ёқимли; 2. Услубият қоидасига мувофиқ сўзловчи, фа-соҳат билан, чиройли сўзловчи»; «*Фасиҳ гуфторлиғ* чиройли, ёқимли ва равшан сўзлашлик» (НАЛ, 636).

Бироқ, ҳамма гап шундаки, Махтумқули ҳеч қандай «фасиҳат»ни айтмаётгани йўқ. Бу ерда *фасиҳ* тушунчасининг тамомила аксини англатадиган бўлак сўз — *фазиҳат* тўғрисида гап борапти: «Фазиҳат 1. Расволик, разолат, шармандалик; уят; 2. Разилона, нораво ҳаракат» (НАЛ, 630).

Атиги биттагина ҳарф — з ўрнига с ёзиш туфайли разолат билан гўзаллик қористириб юборилган — Алишер Навоий таъбири билан айтганда, бамисоли *кўз* — *кўр* бўлган-қўйган.

«Ёмғир ёғдир, султоним» шеърідан:

Бечора бандангман, не бордир манда,  
Раҳм айлагин раҳмон, карам кон санда  
Қараминг бўлмаса, қолдик дармонда,  
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, султоним (80).

«Қолмас-о» шеърідан:

Ҳасратингда қолмишман, ожиз-ғариб банда мен,  
Фарқини билмам ўзим, айвон ё вайронда мен,  
Кимса фаҳм этмас дардим, бўлмишман дармонда мен,  
Соғинар ўлмай туриб, танда жоним қолмас-о! (139).

<sup>1</sup> «Навоий асарлари луғати». Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972, 432-бет. (Бундан кейинги саҳифаларда мазкур луғатнинг номи «НАЛ» деб қисқартириб ёзилади).

Ҳар иккала банднинг учинчи мисрасида келган *дармонда* сўзи ҳозирги китобхонга тушунарли эмас, чунки у эскирган (масалан, ўзбекча-русча луғатда ҳам бу сўз акс этмаган). Шунинг учун бунга изоҳ берилса ёмон бўлмасди. Сабаби шуки, ҳозирги ёш китобхон *дармонда* калимасини эшитганда, буни *дармон* (куч-қувват) билан қориштиради. У «еганлар — дармонда, емаганлар — армонда» ҳамда «дард бору дармон йўқ» фразеологик бирликлар таркибидаги *дармонда* (*дармон*) сўзини эслайди. (Айниқса, иккинчи банднинг учинчи «Кимса фаҳм этмас дардим, бўлмишман дармонда мен» мисрасида *дард* ва *дармон* сўзларининг ёнма-ён келиши бунга туртки бериши турган гап). Аслида эса — «*дармонда* ҳайрон, қийин аҳволда қолган:

Фориғ эл давронда бори қондадур,  
Ким бу давронда дурур дармондадур»;

«дармондалиқ — ора йўлда, қийин аҳволда қолганлик, ҳайронлик» (НАЛ, 181).

Бу сўзнинг этимологик талқинига доир жуда яхши маъно «Айлар» шеърининг таржимасида ўз аксини топган:

Номард ғуссасидан қолибман дарда,  
Кўнгил ором топмас бир пинҳон ерда  
Моли кўп деб, меҳмон бўлма номарда,  
Жўмард фақир бўлса ҳамки, бой айлар (97).

Биринчи мисрадаги *қолибман дарда* бирикмаси тожикча *дармонда* (*дар* — эшик, *монда* — қолмоқ) сўзининг таржимасидир. Бу: *дармон* — қувват, *-да* — ўрин-пайт келишигининг қўшимчаси эмас.

Албатта, ҳар қандай таржима ҳам нуқсонсиз бўлмайди. Аммо «Махтумқули шеърятидан» китобчаси шоир асарлари ўзбекча таржимасининг тўртинчи наشري! Демак, қайд этилган нуқсонлар аллақачонлар тузатилиши ўрнига, роса йигирма йилдан бери нашрдан-нашрга ўтиб, ниҳоят, эндиликда 150 минг нусхада босиб кўпайтирилди, деган гап бу. Танқидчи Ҳ. Абдуллаев кейинги нашр муносабати билан ёзган тақризини шундай сўзлар билан якунлаган: «Биз Махтумқули асарларининг бундан кейинги нашрларида таржималар сифати кескин яхшиланишига ...умид қиламиз»<sup>1</sup>. Умид қилиш ёмон эмас, лекин Махтумқули шеърӣ дурдоналарининг бешинчи нашрида ҳам бу рўйрост кўриниб турган қусурларнинг яна такрорланмаслигига ким кафиллик беради?

Ўзбек тилида усмонли турк адабиётидан Нозим Ҳикмат ва Азиз Несин, татар шоири Муса Ҷалил, қозоқ шоири Абай Қунанбоев, бошқирд шоири Муса Ғали, қирғиз адиби Чингиз Айтматов, туркман носири Хидир Диряевлар ижодидан қилинган

<sup>1</sup> Ҳ а м д а м А б д у л л а е в. Улмас шеърят. «Ўзбекистон маданияти» газ., 1977, 22 апр.

пухта, мазмундор таржималарни халқимиз севиб ўқимоқда. Лекин шу билан бирга, туркман шоири Камина, татар шоири Абдулла Тўқай ва бошқа сўз усталарининг ўзбекча таржималарида, юқорида кўрилганидай, таржимадан кўра кўпроқ кўчирмачиликни эслатадиган нарсалар ҳам анчагина учрайди.

Бу қардош туркий тиллардан таржималар хусусида.

Рус тилидан қилинган таржималарда ҳам аҳвол шундай: мароқли таржималар ҳам, ночор таржималар ҳам истаганча топилади.

Юқоридаги мавзуларда кўриб ўтилганидай, умумий таржимачилик амалиётида рус тилидан қилинаётган таржималар етакчи ўринни ишғол этади: ўзбек тилига ўгирилаётган китобларнинг қарийб ҳар ўнтасидан тўққизтаси русчадан қилинган таржималардир. Бунинг қаршисида туркийзабон республикалар халқларининг тилларидан қилинаётган таржималарнинг миқдори ва салмоғи ҳеч қандай қиёсга келмайди. Таржималарнинг сифати ҳам шу билан белгиланади: қаердаки амалиёт тараққий қилган бўлса, назария ўша ерда ривожланади. Назария чуқур томир отмаган жойда эса амалиётнинг истиқболи сусаяди.

## 12- §. «Тиллар ва таржималар» баҳсида таржима имконияти масаласига муносабат

Тилларнинг генетик қардошлиги, грамматик қурилиш тарафидан узоқ-яқинлиги, экстралингвистик омилларнинг таржима бўлиш ё таржима бўлмаслик проблемасига муносабати мавзуини ўрганишда таржима усталарининг фикрини билиш жуда муҳимдир. Шу сабабдан француз таржимони Роже Кайюа билан немис таржимони Альфред Курелланинг бу хусусдаги фикри қизиқиш туғдиради.

**Роже Кайюа.** Шоир, адабиётшунос, «Диоген» (Франция) журналининг муҳаррири ва ношири. ЮНЕСКО нинг адабиёт ва санъат бўлимида адабиёт секциясининг бошлиғи<sup>1</sup>.

Роже Кайюа ЮНЕСКО да чорак асрдан ортиқ вақт ичида таржима соҳасида иш олиб борди. Ана шу давр ичида турлитуман тиллардан таржима қилиш ишини рағбатлантирган. Чунончи, Ғарбий Европа тилларидан, сўнгра Кавказ (осетин, грузин, арман) тилларидан, шунингдек, қирғиз, тожик ҳамда Осиё қитъасидан малайя, япон, хитой, бенгал, ҳинд тилларидан таржима ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ортирилган ана шу тажриба асосида у муайян хулосага келган.

Аввало, бир-бирларига яқин тиллардан ўзаро таржима қи-

<sup>1</sup> «Актуальные проблемы теории художественного перевода». Материалы Всесоюзного симпозиума (25 февраля — 2 марта 1966 г.). Том II, Москва, 1967, стр. 118—127, 356.

лиги гарчи унчалик қийин бўлмаса-да, аммо бу таржималарга талаб шунчалик катта бўлади. Менда шундай таассурот туғилди, дейди у. Масалан, ҳинд-европа тиллар оиласидаги аналитик тиллардан бир-бирига таржима қилинса, бундай таржималарга катта талаблар қўйилади. Вашарти, таржима қилинаётган жуфт тиллардан бири аналитик тил, иккинчиси эса флектив тил бўлса (масалан, француз ва рус тиллари),— бу ерда бирмунча нормал ҳолат юз беради. Агглютинатив тиллардан таржима қилганда эса аҳвол янада нормаллашади. Бироқ от билан феъл категориялари орасида фарқ бўлмаган хитой тилига ўхшаш тиллардан ўгирганда қийинчиликнинг чеки-чегараси йўқ. Африка тилларидан таржима қилганда эса ниҳоятда мушкул аҳвол рўй беради. Чунки бунда луғат ва синтаксис машаққатларидан ташқари, соф лисоний ҳодисага кирмайдиган бўлак унсурларни ифодалаш машаққати ҳам туғилади. Булар ҳаракат, юз ифодаси, оҳанг, рақс, ҳатто бет, кўз ёки лаблар билан ифода этиладиган белгилар ва имо-ишоралардан иборат. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолларда ҳатто ёзма таржиманинг ўзи билан иш битмайди, балки аудиовизуаль таржимага ўхшаш воситага мурожаат қилишга ҳам тўғри келади.

Бу билан мен тиллар бир-биридан қанчалик узоқ бўлса, улардан таржима қилиш шунчалик ўнғай демоқчи эмасман, лекин бундай ҳолда таржимон учун жуда зарур бўлган эркинлик шунчалик кўпроқ бўлади, деган фикрни баён қилмоқчиман, дейди Роже Кайюа.

Иккинчидан, таржима қилиш қийинчилиги фақат тилларнинг лингвистик тузилишидаги тафовутларга эмас, балки сўзларнинг маъно томондан фарқланишига боғлиқдир. Гап шундаки, турли маданий ёки иқлимий шароитларда бундай қараганда айнан бир хил кўринган сўзлар тамомила бошқа-бошқа кайфият уйғотади.

Бу, айниқса, поэзияда муҳимдир, чунки инсон хотирасида қоладиган, сақланадиган ва мустаҳкамланадиган нарса шеърийликта катта аҳамият касб этади. Менинг ҳаётимда шундай бир таъсирли воқеа бўлиб ўтдики, дейди француз таржимони, бу менинг фикримни тасдиқлаши мумкин.

Мен бразил шоири Анибал Машадуни билар эдим,— деб ҳикоя қилади Роже Кайюа,— Машаду Парижга қизини ўқишга юборганида, у орқали менга хат ёзган. Баҳор фасли эди. Қиз менинг ҳузуримга жуда ҳаяжонга тушган ҳолда шавқ билан келди. Чунки у қуруқ, жонсиз деб ҳисоблаган дарахтлар кўкариб, гунча чиқариб, барг ёза бошлаган эди. Қиз Европада дарахтлар қандай тирилиши, жонланишини кўрсатиш учун бир қанча шох ва новдаларни қирқиб олиб, отасига юборган. Вунинг сабаби шуки, тропик иқлим шароитида баҳор бўлмайди. Вунда юз берадиган қийинчилик фақат «баҳор» сўзини таржима қилишда эмас,— бу сўз португал тилида мавжуд. Қийинчилик умрида ҳеч қачон баҳорни кўрмаган, у ҳақда тасаввурга эга бўлмаган болаларнинг ўй-хаёлларида баҳор тасаввурини туғдириш мушкуллигидадир. Ҳолбуки, баҳор мавзуи шеърийлик оламида қандай ўрин эгаллаши ҳаммага маълум.

Бундай қийинчиликларнинг яна ҳам антиқа намуналарини келтириш мумкин\*. Шулардан бирини олайлик. «Қор» сўзини африка тилларига қандай таржима қилиш мумкин? Буни «кристалланган сув», «осмондан ёғадиган совуқ пахта» ва бошқа шу каби ғаройиб сифатлашлар билан беришга тўғри келади. Куринадики, бу ерда лисоний-луғавий маънодаги қийинчилик эмас, балки табиий шароитларнинг хусусиятлари билан белгиланадиган машаққат юз беради.

Дарвоқе, худди ана шундай қизиқ воқеалардан бирини рус шоири Роберт Рождественский ўзининг «Сингапур шоири Го-Бо-Сеннинг етти яшар ўғли Ҳа-Сан билан қор ҳақида суҳбат» шеърисида ҳикоя қилади<sup>1</sup>. Шеърнинг мазмуни шундай:

Денгиз сайридан зериккан Ҳа-Сан табиат мўъжизаларини суриштира-суриштира, иттифоқо мендан қорни сўраб қолди.

— Қор нималигини айтиб беринг-чи.

Мен қанчалик тасвирлаб бермайин, бундан ҳеч нарса чиқмади.

— Қанақаси? Бу — мороженога ўхшайдими бўлмаса?

— Бир ҳисобда, шундай деса ҳам бўлади, — жавоб бердим мен.

— Йўғ-е?! — озининг таноби қочди боланинг.

— Худди шундай, — гапни илиб кедим мен. — Ўзинг ўйлаб кўр; хоҳ ишов, хоҳ ишонма: бизда, Москвада, қиш фаслида ҳамма ёқни мороженое босиб кетади — кўча-кўйларда, ўтларнинг устида, дарахтларнинг учиде, томларда, одамларнинг ҳовлилари, далаларда — мороженое. У барчага баравар: ўғил-қизлар ҳайвонот боғидаги жониворларгача тепша-тенг тақсимланади. Унинг отини бизда «қор» дейдилар. Бутун Давлат унга муштоқ. Осмондан мороженое ёғаверади-ёғаверади, огайни. Худди эртақлардагидай, енгилгина сирли товуш таратиб, ажиб нашъу-намо билан шивирлаб ёғади. Йўловчи одамларнинг уст-бошларига қўнади...

— Ширинми ўзи? — тоқат қилолмай сўрайди бола.

— Ширин бўлганда қандай! Шундай мазаки, асти қўявер!

Суҳбатдошим дамини ичига ютганча, тамшаниб, узоқ-узоқларга тикилади, ширин хаёллар оғушига чўмади. Тин олмасдан:

— Зап бахтли экансиалар-ку! — дейди ҳавас билан боқиб.

— Баъзан, — дейман мен унинг фикрини маъқуллаб.

Роже Кайюанинг айтишича, Инжил, Тавротни таржима қилганда ҳам жуда жиддий қийинчиликлар туғилади. Масалан, «Мавжудот» китобининг биринчи бобини Арктика халқлари тилларига таржима қилиш масаласини олайлик. Запольярьеда илонлар бўлмаслигининг ўзиёқ бу китобни ўгириш ишини ишқал аҳволга солади.

Лекин фақат табиий шароитлардаги тафовутлар туфайлигина эмас, балки маданият, иқтисодий турмуш шароитидаги фарқлар ҳам бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Битта мисол. Кечуа қабиласидан бир индеец хрис-

\* Мисрда ҳар 200 йилда бир марта момақалдиноқ юз беради.

Ер куррасида яшовчи аҳолининг ярмидан кўпроғи қор нималигини билмайди — улар қорни фото суратлардагина кўрган бўлишлари мумкин.

<sup>1</sup> Роберт Рождественский. Разговор о снеге с семилетним Ка-Саном — сыном сингапурского поэта Го-Бо-Сена. Газ. «Комсомольская правда», 26 января 1972 г.



тиан динини қабул қилиб, испанлар Перуни забт қилганларидан сўнг тез орада руҳоний бўлиб қолади. У перуликларга Инжилни уларнинг ўз маҳаллий тилларида тарғиб қилиши керак эди. Лекин руҳоний оғир қийинчиликларга дуч келади (буни у ўз эсдаликлари ва бошқа руҳонийларга ёзиб қолдирган қўлланмасида қайд этган). Чунончи, ўзига берилган пулни ишлатиб ва ундан фойда олиб яшаган хизматкор билан бири икки бўлмай тирикчилик қилган нўноқ, нотавон хизматкор ҳақидаги масални пул ва хусусий мулк ҳақида тасавури бўлмаган юртнинг халқи тилига ағдариш мушкул бўлган.

Француз таржимони шеърини асарлар интерпретацияси боради орттирган тажрибасидан гапиради. У испан тилидан Пабло Неруда, Габриэль Мистраль, Хорхе-Луис Борхес асарларини таржима қилган.

Шарқ билан Ғарб мамлакатларида шеърини таржима қилиш масаласида жуда катта фарқ борлиги маълум. Бизда, Францияда, дейди у, бир асрдан ортиқ даврдан, тахминан 1830 йилдан буён шеърни насрий йўл билан ағдариш одат тусига кирган. Аксинча, Венгрия, Польша, Россияда шеърни муқаррар шеър билан беришни талаб қилганлар ва ҳозир ҳам аҳвол шундай. Бунинг маъноси шуки, назмнинг структураси, жанрдорлиги, мором, мушиқийлигини таржимада қайта яратиш талаб этилади. Бироқ, бундай ҳолда, шеърнинг маъноси қурбон қилиниб, унинг қолипи, «арматураси», жасадигина сақланади, холос. Нанки гап фақат маъно-мазмунда бўлса! Ахир, шоир чуқур ҳақиқатларни айтиш учун эмас, балки қалбларни ҳаяжонга солиш, қитиқлаш учун ижод қилади-ку. Шеърни шеър билан таржима қилганда жиддий хатар кўндаланг бўлади: бунда шоирнинг такрорланмас интонацияси (оҳанги) ни ўзгартириб қўйиш хавфи туғилади.

Назмни наср билан ўгирганда эса маъно берилади-ю, лекин: автор муддаони наср билан айтса ҳам бўларкан-у, кирои шеър тўқиб ўзини қийнашга уни нима мажбур қилди экан? деган савол туғилади.

Бас, мен шеърни насрга айлантириш ақидасини рад этман. Мен бундай таржимани ғайритабиий деб ҳисоблайман. Лекин шеърини структурани беришга ҳаракат қилганда шуни эсда тутиш лозимки, бунда насрий йўл билан ҳам бериш мумкин бўлган нарсанигина қурбон бериш эмас, балки бошқа унсурлар — сўзнинг шеърини оҳанги, ҳиссиёт, асосий мавзу, бошқача айтганда, шоир яратган асл нуханинг бутун ранг-баранглиги, жилоси, образнинг бутун борлиги ва моҳиятини ташкил этувчи нарсани қурбон қилиб қўймаслик даркор.

Шоир билан таржимоннинг вазиятини бир-бирига қийс қилайлик. Ҳар иккаласига ҳам ниманидир танлаш ва нимадандир воз кечишга тўғри келади. Шоир ўзининг ёрқин ва ифодавийлиги ҳамда қофия, вазн, ҳижо тақозоси билан мувофиқ келадиган образларни, сўзларни танлайди. Лекин ана шу тан-

лашда у эркиндир. Шоир ашъор бунёд қилади ва шу бунёдкорлик давомида доим уни ўзгартириб ва қайта яратиб боради.

Таржимонга гал келганда, у энди бунёд қилиб бўлинган, тайёр санъат асарига дуч келади. Асарни ўзгартиришга таржимоннинг ҳадди сизмайди, у қул. Бу — шоир тўқнашмаган қўшимча қийинчилик. Шеър ёзишдан кўра уни таржима қилиш анча қийинроқ. Бинобарин, ҳамонки шоир яратувчи экан, у каттароқ истеъдод эгаси бўлиши керак, лекин таржимонга кўпроқ қийинчиликларни бартараф қилишга тўғри келади.

Бу ерда санъат асари яратган рассом билан ундан нусха кўчирувчи ўртасидаги муносабатни қиёслаш мумкин. Суратни чизган рассомга қараганда ундан нусха кўчирувчи киши кўпроқ истеъдодли деб бемалол фараз қилса бўлади. Лекин нусха кўчирувчи ўз нусхасини худди автор оригинални тасвирлагани сингари ярата олмайди. Рассом сурат нусхасини яратаётганида худди айни дақиқада қўллаётган бўёқнигина эмас, балки бундан кейин, навбатда ишлатиладиган бўёқларни ҳам танлаш унинг ихтиёридадир, чунки ҳали тасвир йўқ, у яратилиш жараёнида. Ваҳоланки, нусха кўчирувчи киши, ҳатто у буюк рассом бўлса ҳам, истиқола билан секин, эҳтиёткорона ҳаракат қилишга мажбур, негаки, иш давомида қўллаши лозим бўлган ҳамма бўёқлар унга аён. Шу сабабли кўчирилган энг яхши нусхалар ҳам асл нусха таассуротини бермайди. Баъзан шундай бўладикки, нусха кўчирувчи рассом, агар у чиндан ҳам буюк рассом бўлса, истиқолани бир чеккага йиғиштириб, эҳтиёткорлик заруратидан ўзини холи қилиши ҳам мумкин. Масалан, Веласкес яратган суратлардан нусха кўчирганда Сезанн худди шундай йўлни ихтиёр этган эди. Лекин бунинг оқибатида Веласкес нусхалари эмас, балки Сезанн асарлари пайдо бўлди.

Энди Альфред Курелланинг фикри билан танишамиз.

**Альфред Курелла** — ёзувчи, рус классик ва совет адабиёти ҳамда ўзбек адабиётидан бир қанча асарларни немисчага ўгирган, бадий таржима назариясига оид тадқиқотлар муаллифи, ГДР Санъат академиясининг аъзоси<sup>1</sup>.

«Мастерство перевода» (Таржима маҳорати) мақолалар тўпламининг 1959 йилги сонида коммунист ёзувчи, таржимон Альфред Курелланинг «Таржима назарияси ва амалиёти» номи мақоласи берилган. У ҳозирги замон таржимачилиги олдида турган мураккаб проблемаларга ўзининг муносабатини билдиради. Бу тажрибали адибнинг ўзбек адабиёти асарларини немис тилига қандай таржима қилганлиги ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор.

Бошқа адабий муҳит ва бўлак ҳаётий шароитларга мансуб бўлган хорижий текстни турли қўшимча воситалар ёрдамида

<sup>1</sup> «Актуальные проблемы теории художественного перевода», том I, М., 1967, стр. 122—135; т. II, стр. 354.

тушуниш мумкин, деб ҳисоблайди Альфред Курелла. Жуда иложи бўлмаганда, хорижий тилни билмай туриб ҳам мушкулни осон қилса бўлади. Унинг ўзи бу мушкулни қандай «осон» қилганини, яъни ўзбек тилини билмаган ҳолда ўзбекча текстга не тариқа йўл топганини ҳикоя қилади.

Мен шоир Алишер Навоий (XV аср) асарларини эски ўзбек тилидан бу тилни билмаган ҳолда таржима қилдим, дейди Альфред Курелла. Асарнинг асл нусхасини биладиган эътиборли кишиларнинг фикрига қараганда, мен ишни уддалабман.

Қандай қилиб?

Хорижий текстнинг ичига киришнинг бир қанча усуллари бор. Менинг ихтиёримда «воситачи» — русча таглама (подстрочник) бор эди. Совет Иттифоқида ҳозиргача баъзи ҳолларда бундай тағламалардан фойдаланадилар... Мен «кўп қаватли» таглама тайёрлашни: айрим сифатлар, отлар ва феълларнинг остига ва устига уларнинг бир нечтадан синонимларини ёзиб беришларини илтимос қилдим. Башарти, махсус қоғоз бўлганида, шеърнинг қандай жаранглашини ҳам битишларини илтимос қилган бўлар эдим. Лекин мен бошқача йўл тутдим. Машҳур ўзбек шоири Ғафур Ғулом ҳузурига бордим. Мен ўзбекча асл нусханинг мусиқий жарангдорлигини ҳис қилишим учун у бир неча соат мобайнида Навоий шеърларини овоз чиқариб ўқиди. Сўнгра мен шоир яшаган даврни ўргандим, бу даврни тасвирловчи расмларни тўплادим, бошқа манбаларга ҳам мурожаат қилдим — шу тариқа асл нусханинг ичига анча чуқур кириб боришга муяссар бўлдим.

Икки таржима арбобининг келтирган далилларидан шундай хулосалар келиб чиқади:

1. Тилларнинг тузилишидаги чуқур тафовутлар ва уларнинг хусусиятларидан қатъи назар, таржима санъатининг умумий қонуниятлари, талаблари, шартлари мавжуд (бундай омилларни умумий таржимашунослик ўрганади).

2. Шу билан бирга, алоҳида олинган ҳар бир жуфт тил доирасида бир-бирига таржима қилишнинг ўзига хос томонлари ҳам бор (масаланинг бу томонини регионал таржима назарияси ўрганади).

3. Қардош тиллардан таржима жараёни ҳам ўз спецификасига эга. Бунинг қардош бўлмаган тиллардан таржимага нисбатан ўзига хос қулай ва ноўнғай томонлари маълум.

### 13-§. Тиллар бошқа — мантиқ бир

Қадимги юнонийларда ҳўкизларнинг кўзига нисбат бериб айтилган «ҳўкизчашм» сўзи бизнинг тасаввуримиздаги гўзал, шахло кўзларни англаган. Қозоқ ва қирғиз тилларидаги *бўтакуз* сўзида бўталоққа (туянинг боласи) нисбат берилган экан, буни бошқа тилга айнан кўчириш қийин. Ҳиндларда сигир —

нафосат, гўзаллик, сахийлик ва оналик меҳрининг тимсоли бўлгани сабабли, ҳинд адабиётида гўзал маҳбубани *сигирга* ўхшатиш бамисоли бизда довурак ботирни *арслонга* нисбат берилгандай гап. Немисларда бўлса *чўчқа* — омад ёки бахт тимсоли экан, буни бошқа тилга айнан ўтказилса, турган гап, ақл бовар қилмайдиган иш бўлади.

Ана шундай табиий, ижтимоий, тарихий сабабиятлар тақозоси билан туғилган ҳамда ҳар бир халқнинг ўзига хос руҳий ҳаётини акс эттирувчи тасаввур ва тушунчаларни бир тилдан бошқа тилга ўтказиш таржимондан гоят эҳтиёткорликни талаб этади.

Реалистик таржима принциплари асосида шаклланган ва гуркираб ўсаётган совет таржима мактаби тиллар хилма-хил бўлса-да, аммо ер юзининг қайси минтақасида, қандай иқлим шароитида тирикчилик қилишидан қатъи назар, ҳамма жойда инсон — инсондир, гарчи тиллар хилма-хил бўлса-да, тафаккур қонунлари умумий, мантиқ бир экан, ҳар қандай асарни истаган тилга таржима қилиш мумкин, деган эътиқодга асосланади.

Хумбольдт университетининг (ГДР) ўқитувчиси доктор Дорис Шульц бир масалага эътиборни қаратади: бир-биридан жуда узоқ масофада, бошқа-бошқа қитъаларда яшовчи икки халқ тилида — немисчада ҳам, ўзбекчада ҳам *меҳмондўстлик* (гастфроендшафт) калимаси бир хил маънодаги икки: *гаст* (меҳмон), *фроендшафт* (дўстлик) сўзларидан таркиб топган! Бу — шунчаки «лисоний тасодиф»микан? Ёки бундай лисоний ва шунга ўхшаш адабий-эстетик муштарак ҳодисалар, эквивалентлар пайдо бўлишининг бирон қонунияти борми?

Лекин, юқорида қайд этилганидай, турли халқларнинг моддий ва маънавий ҳаётида ўзига хос махсус тушунчалар кўп учрайди. Чунончи, немисча *фракни* ўзбек тилида нима деб бериш керак? Ўзбек *паранжисини* немис тилида қандай тушунтирса бўлади? Шунингдек, украин хутори — ўзбек қишлоғи эмас, ўзбек қишлоғи — қозоқнинг овули эмас, қозоқ овули эса қирғизнинг айилдан фарқ қилади. Булар ўзига хос миллий-территориал хусусиятларга эга бўлган аҳоли ва хўжалик бирликларидир.

Миллийлик тилда ўз аксини топади. Асарга ўймакорлик, жимжимадорлик киритаверган билан миллий руҳ туғдириб бўлмайди. Масалан, Чингиз Айтматов асарларида бундай ташқи нақшинкорликдан дарак ҳам йўқ, лекин шу билан бирга, унинг қисса ва ҳикоялари бошдан-оёқ миллийлик билан суғорилган. Демак, умумий тил воситаларидан ташқари, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос индивидуал услубидан келиб чиқадиган, таъбир жоиз бўлса, «таркибий миллийлик», «услубий миллийлик», «индивидуал миллийлик», «даврий миллийлик», «нутқий миллийлик»ни аниқлаш ва буни таржимада қандай акс эттириш йўллари излаб топиш фақат ташқи миллий-

**этнографик белгилар, миллийлик компонентларини бериш йўллари аниқлашга қараганда беқиёс мураккаб ва муҳим.**

**Таржимада қиёс — тадқиқот мезонидир.**

**Икки буюк ўзбек адиби ва уларнинг икки машҳур романи олиб қарайлик: Абдулла Қодирий ва Ойбек. «Ўтган кунлар» ва «Қутлуғ қон». Кумуш ва Гулнор. Отабек ва Йўлчи. Ўзбек адабиёти осмонининг порлоқ юлдузлари. Бу муқоясада бир олам умумийлик ва муштараклигу, сон-саноқсиз такрорланмаслик ва ўзига хослик мавжуд. Борди-ю, ана шу икки ўзбек миллий романини бўлак тилларга таржима қилганда Кумуш ва Гулнор, Отабек ва Йўлчилар фақат ўз номлари билангина фарқланадиган бир киши бўлиб қолсалар, бу билан тарихий ҳақиқатга ҳам, бадий ҳақиқатга ҳам, миллий-этнографик ҳақиқатга ҳам килоф иш қилинган бўлар эди.**

**Кумуш — зодагон, маърифатли ўзбек оиласида тарбия топган ифбатли, ўқимишли, одобли, номус-иболи қиз. Кумушдаги ана шу инсоний фазилат унинг ёзувчи томонидан мукамал, нафис ишланган ажойиб тилида ўзининг ёрқин ифодасини топган.**

**Тўй куни. Кумушбиби нотаниш куёвни ёвуз «душман» ўрнида кўради, аммо унинг тарбияси ҳатто ўз рақибига нисбатан ҳам кўрс муомала қилишни тақозо этмайди ва «ушламангиз» дейди. Биттагина сўз, аммо унда бир жаҳон маъно бор! Қанчалик олижаноблик! Шу битта сўзда даҳшат ҳам, ғазаб ҳам, ҳаяжон ҳам, изтироб ҳам бор, шу билан бирга, унда бир қадар... ҳурмат ҳам мужассамлашган.**

**Романнинг немисча таржимасида бу «ласст михт!» — «ушлама!» деб берилган. Асар таржимасини тадқиқ этган Раъно Файзуллаеванинг қуйидаги кузатишида чуқур маъно бор: «Тўғри, худо ўз рақиблари билан немис тилида сўзлашган дейдилар. У фонетик ва лексик жиҳатдан бирмунча «дағал» тил. Бироқ, айти ҳолда, немис воқелиги эмас, балки ўзбек миллий турмуши чуқур лирик туйғу билан нафис тасвирланган асар таржимаси хусусида гап боряпти-ку!»<sup>1</sup>.**

**Агар таржима фақат лингвистик проблема бўлганида, ҳамма хорижий ва Иттифоқимиздаги қардош халқлар тилларидан бевосита таржимага кўчиш анча осон бўларди. Ҳолбуки, таржима айти чоқда эстетик проблема ҳамдир. Бошқача айтганда, ҳар қандай бадий асарни бир тилдан иккинчи тилга мукамал ўтказиш учун, шу икки тилни чуқур билишдан ташқари, бир қанча соф эстетик ҳамда жуда кўп экстралингвистик (ғайрилисоний) масалаларни ҳал қилишга тўғри келади.**

**Юксак маҳорат билан яратилган гениал санъат асарларининг қарийб ҳар сатридан балқиб турган чуқур ҳис, ҳаяжон, мусиқа, нафосатни қайси бир луғатдан топиб бўлади? Ёхуд халқчиллик руҳи билан суғорилган ажойиб китобларда тас-**

<sup>1</sup> Кандидатлик диссертациясидан.

вирланган халқнинг миллий ўзига хос урф-одатлари, удум ва қилиқлари, қисқаси, бадий асарнинг руҳини бериш учун фақат тил билишнинг ўзи кифоя қилмайди.

Корней Чуковскийнинг «Олиймақом санъат» асарида қизиқ бир мисол бор. Денгиз бўйида бир йўловчи дам олиб ўтирибди. У ўзича аллақандай қўшиқни хиргойи қиларкан, кўзидан дув-дув ёш тўкади. Воқеанинг устидан чиқиб қолган рус кишиси бу таъсирчан ашулани рус тилида «тушунтириб» беришни сўрайди. Грек бажонидил таржима қилади...

«Бир қуш қўниб турган эди, русчасига унинг номи қандай эканлигини билмайман. У қояга қўниб турганди, жуда кўп турди-турди-да, қанот қоқди, учди-да кетди, ўрмонлар оша узоқ-узоқларга парвоз қилди...» Вассалом. Қўшиқ грек тилидан русчага кўчганда ундан ҳеч вақо қолмади, ҳолбуки асл нусхасида бу жуда ҳам таъсирли бўлган.

Ҳар қанча чуқур лисоний билим ва ихлос билан асл нусханинг ҳар бир ҳарфи ва сўзи кўчирилмасин, масалан, русча «Журавли» (Турналар), ўзбекча «Кўча боғи» ёки «Тановар» қўшиқларининг сўзларини бошқа тилга ўгирганда, уларнинг на маъноси, на таъсиридан бирон нарса қолиши амри маҳол.

Буюк рус революцион-демократ танқидчиси В. Г. Белинский «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» номли асарида эпик поэзия билан лирик поэзиянинг бир-биридан фарқини жуда ёрқин кўрсатган<sup>1</sup>. У В. Шекспирнинг «Отелло», трагедиясидан Дездемонанинг чуқур руҳий ҳолатини ифода этувчи 13 мисрада берилган мунгли қўшиғини мисол келтиради. Бу қўшиқ:

Ўйга толиб турарди бечора қиз сояда,  
Эгар эди ҳасрат уни, берилганди нолага:  
*«Куйлангиз сиз мажнун толни, куйланг менга кўк толни!»* —

мисралари билан бошланиб, қуйидаги сатрлар билан тугайди:

Бу ям-яшил, бу мажнун тол менга гултож бўлажак,  
*«Эй мажнун тол, мажнун тол, эй ям-яшил мажнун тол!»*.

Мана шу охирги мисра қўшиқда тўрт марта такрорланади. «Айтинг-чи,— дейди В. Г. Белинский,— бу ерда мажнун тол сўзининг шеър мавзуига — Дездемонанинг изтиробига қандай алоқаси бор? Дездемона ўз қўшиғини куйлаган чоқда, ўзини мажнун тол тагида ўтирган деб хаёл қилганми, чорасиз ҳасратда, ўзининг чорасиз қайғусини, муқаррар тақдирининг бутун фожиасини сўзлаб беришини истаб унга мурожаат қилдими экан?.. Қандай бўлмасин, ҳеч қандай бир аниқ *маъно*

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. Танланган асарлар. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1955, 131—213-бетлар. («Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» асарини Ойбек таржима қилган).

ифода этмайдиган бу мисра: «Эй мажнун тол, сен мажнун тол, эй ям-яшил мажнун тол», ўз ичида чуқур фикрга, ўзини ифода этишдан оғиз бўлган, сўзни тарк этиб, ҳис ва музика садосига айланган фикрга эга...» (136—137).

Шундан бир абзац юқорида В. Г. Белинский эпик поэзияни — архитектура, ҳайкалтарошлик ва рассомлик сингари санъатларга, лирик поэзияни эса фақат музика билан солиштириш мумкинлигини айтади. Ҳатто шундай лирик асарлар борки, дейди у, уларда поэзияни музикадан айириб турувчи чегара қарийб йўқолиб кетади. Кўпгина рус халқ қўшиқлари халқнинг эсида қоларкан, бунинг сабаби уларнинг мазмунида эмас (чунки уларда қарийб мазмун йўқ), улардаги сўзларнинг маъносида эмас (чунки бу сўзларнинг қўшиливи қарийб ҳар қандай маънодан маҳрумдир ва грамматик маънода олганда эса ҳеч қандай мантиқийлик йўқдир), аммо бу қўшиқлар, сўзларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўлган садоларнинг муסיқийлиги, шеърларнинг вазни ва оҳангдорлиги, ўз «товуши» билан эсда қолади.

В. Г. Белинский Шекспирнинг Н. Полевой русчалаштирган «Ҳамлет» трагедиясидан ақлдан озган Офелиянинг мана бу қўшиғини далил келтиради:

У ётарди тобутда, ёпилмаганди юзи,  
Унинг юзи очиқди, ёпилмаганди юзи.

«Ёпилмаган деган сўз очиқ демакдир, очиқ демак эса — ёпилмаган демакдир; лекин озгина грамматик ўзгариш билан бир хилдаги сўзнинг такрорланиши руҳга қандай чуқур таъсир этади!».

Юқорида қайд этилган парча инглизчада мана бундай жанр-англиди:

Ophelia.

They bore him barefas'd on the bier;  
Hey non nonny, nonny, hey nonny;  
And in his grave rain'd many a tear,—  
Fare you well, my dove!

П. А. Каншин таржимаси:

Офелия (поёт) —

Схоронили его с непокрытым челом...  
Горе мне, горе мне, неутешное горе!  
И поднявшийся холм, холм могилы его,  
Мы потоками слёз оросим...  
Прощай, мой голубчик!<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Hamlet by Shakespeare, William. The works of Shakespeare in 4 volumes. M., co-operative publishing society of foreign workers in the U.S.S.R. print. 1938, S. 238.

<sup>2</sup> «Полн. собр. соч. В. Шекспира в 4-х томах, т. I». Изд-во Южнорусское книгоиздательство Ф. А. Югансона. Киев — Петербург — Харьков, 1902, стр. 369.

## М. Лозинский таржимаси:

### Офелия (поёт) —

Он лежал в гробу с открытым лицом,  
Веселей, веселей, веселее:  
И пролито много слёз по нём,  
Прощай, мой голубь!<sup>1</sup>

П. А. Каншин таржимаси нашри асосида «Ҳамлет»нинг ўзбек тилига қилинган илк таржимасида (Чўлпон) мазкур қўшиқ шундай берилган:

### Офелия (ашула) —

Пешонаси очиқ ҳолда кўмдилар уни...  
Оҳ, қурсин менинг шўрим, шўрим қурсин!  
Кўзимиздан оқиб турган ёшлар тўлқини  
Уни босган тоқ сингари тупроқни юсин!..  
Хайр энди каптарчам!<sup>2</sup>

Ниҳоят, Мих. Лозинский таржимаси асосида ўзбек тилига шеърини йўлда қайта ўгирилган (М. Шайхзода) трагедияда қўшиқ қўйидагича кўринишга эга:

### Офелия (ашула айтади) —

Очиқ эди тобути,  
Олиб кетишди дарҳол,  
Кўп йиғлашди одамлар  
Қўзичоғим яхши қол!<sup>3</sup>

Офелиянинг дилларни ларзага солувчи, В. Г. Белинский айтганидай, аниқ бир маъно-мазмундан холи, лекин чуқур туйғу билан суғорилган мунгли рози рус тилига ҳам, ўзбекчага ҳам такрор таржималарда турлича берилиши лирик асарларни умуман бошқа тилда қайта яратиш ғоят қийин эканлигини кўрсатади. Хусусан, қардошлик томондан бир-биридан узоқ тилларга ўгирганда бундай қийинчиликнинг чеки йўқ<sup>4</sup>.

Му dove рус тилига *мой голубь* (каптарчам) деб ўгирилаверади. Бироқ ўзбек тилида *каптар* деганда фақат қушни, яъни парранданинг бир турини тушунадилар. Бизда бу сўзнинг ҳеч қандай эркаловчи маъноси йўқ. Шу сабабдан Мақсуд Шайхзода му dove (Шекспир) — мой голубь (П. Каншин, Мих. Лозинский)

<sup>1</sup> В. Шекспир. Избр. произв. ГИХЛ, М.-Л., 1950, стр. 285.

<sup>2</sup> Вильям Шекспир. Ҳамлет. Насрий таржима. ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент — Самарқанд, 1934, 101- бет.

<sup>3</sup> Уильям Шекспир. Пьесалар. Ўзбекистон Давлат нашриёти, Тошкент, 1960, 130- бет.

<sup>4</sup> Мамаражаб Сулайманов. Опыт научного обобщения проблем художественного перевода в аспекте сопоставительной стилистики. Автореферат канд. дисс., Ташкент, 1974, стр. 17—18.



кий) — каптарчам (Чўлпон) таржимасидан воз кечиб, уни *қўзичоғим* образи билан алмаштиради. Умуман олганда, бундай тадбир: сўзни — сўз билан эмас, образни — образ билан алмаштириш шу ўринда мақсадга мувофиқ. Лекин масаланинг бошқа томони бор: ўзбекларда ҳеч қачон ушоқ одам ёши катталарни «қўзичоғим» деб эркалатмайди (хусусан, марҳум отага қарата қизи бундай мурожаат қилмайди). Лекин шуни айтиш керакки, таржимонда ҳам етарли асос бор: воқеа нормал шароитда эмас, балки ўзига хос, истисноли бир ҳолатда содир бўлмоқдаки, ақлдан озган Офелиянинг марҳум отага нисбатан бундай мурожаати фожиани янада чуқурлаштиради, таъсирчанликни янада оширади.

#### 14-§. Инъикос назарияси ва таржима баҳси

Марксча-ленинча таълимот таржима ҳақидаги фаннинг ишончли методологик асосидир.

Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ярим асрдан зиёдроқ тарихга эга. 1919—1973 йилларда тилимизга В. И. Лениннинг 338 номдаги асари 5 миллион 900 минг нусхада нашр қилинган. Буюк доҳий қаламига мансуб қарийб 6 миллион ўзбекча китоб — катта маънавий хазина демакдир. Бу — «ленинизм фақат русларгагина қўл келади, уни бошқа халқлар ва мамлакатлар ҳаётида қўллаб бўлмайди», деб жар солаётган ғоявий мухолифларимизга қарши қақшатқич зарбадир.

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларининг таржималари орқали республика меҳнаткашлари марксизм-ленинизмнинг муқаддас ғояларидан баҳраманд бўлдилар. Бу таржималарда халқнинг миллий туйғулари уйғониши ва ўсиши, унинг ғоявий-сиёсий етуклиги акс этади, таржималарнинг тараққиёт йўли ўзбек тили ривожини, унинг луғат состави ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмундаги янги илмий тушунчалар билан бойиб боришини яққол намоиш қилади.

«Ажабмаски, — деб ёзган эди Эдмон Кари, — бир кун келиб, Гёте башорат қилганидек, алоҳида парча-бўлақлардан иборат миллий адабиётларимиз ўрнида ягона жаҳон адабиёти таркиб топар. Ҳозирча бизга қадрли ва ўз зиддиятлари туфайлигина сақланиб келаётган бойликларни алмаштирадиган янада қутлуғ субстанция ва баракали ўзаро таъсирлар билан бойийдиган янада юксакроқ тузум барпо қилинар. Ушанда жаҳонни жанжал ва урушни билмайдиган янги башарият бошқаради. У ўзи билан янги тил олиб келади, лекин унинг тили французча ҳам, инглизча ҳам, русча ҳам, эсперанто ҳам эмас, балки ўша, камолот асрининг тили бўлади. Таржимоннинг бетиним иши ана шу асрнинг етиб келишига замин тайёрлайди. Таржимон гарчи тиллар ўртасидаги тафовутлар ҳисобига яшаса ҳам (аниқ-

роғи, унинг тирикчилиги шунга асосланган), у айнан шу тафовутларни камайтириш устида ишлайди»<sup>1</sup>.

Миллий маданиятларнинг интернационализм ғоялари асо-сида ўзаро яқинлашуви шовинизм ва миллатчилик уруғини се-пувчи империализм мафкурачиларини қутуртириб юборади. Ана шу боисдан халқаро реакция малайлари интернациона-лизм ғояларини дарғазаб бўлиб қарши оладилар.

Модомики, ижтимоий-сиёсий ва илмий адабиёт таржимаси илмий-техникавий ахборот алмашиш ва маданиятларнинг ўза-ро бир-бирини бойитиши манфаатларига хизмат қилар, бадий таржима эса бир халқни бошқа халқнинг адабий ёдгор-ликлари билан таништириш ҳамда улар ўртасида дўстона ало-қалар ўрнатиш, миллий маданиятларнинг интернационал асо-сини мустақкамлашнинг муҳим ва қулай воситаларидан бири экан, худди шу таржима ягона, умумбашар маданиятини яра-тишда ҳам ишончли қуролдир.

Пролетариатнинг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленин му-раккаб революцион вазият, социалистик қурилиш соҳасида оғир аҳвол юз берганида, «Маркс билан маслаҳатлашиб олмоқ, керак», дер ҳамда буюк салафларининг асарларига мурожаат этиб, уларни қайта-қайта мутолаа қилар эди.

В. И. Лениннинг ўлмас асарларини миллий тилларга тар-жима қилганда ҳам энг доно маслаҳатчи — буюк Авторнинг ўзидир. Зероки, доҳийнинг қайси китобини қандай ўгириш на-муналари, таржима қилиш калитини унинг ўз асарларидан то-пиш мумкин. Бошқача айтганда, Ленинни — Лениндан ўрган-моқ керак.

В. И. Ленин асарларини таржима қилиш жараёни халқи-мизнинг шуури ва қиёфасида янги, илғор маслакнинг етили-ши, янги, илғор дунёқарашнинг қарор топиши ва ривожлани-ши, унинг фаолиятида жанговар, инқилобий руҳнинг юзага ке-лиши жараёни билан чамбарчас боғлиқдир.

Ленин ва ленинизм ягона, аммо унинг асарларининг турли даврлардаги таржималари савияси, ифодавий қиммати жиҳа-тидан хилма-хилдир. Аммо бу х и л м а-х и л л и к буюк Л е-н и н ҳ а қ қ о н и й о б р а з и н и н г онгимизда тўғри гавдала-ниши учун х а л а қ и т қ и л г а н и й ў қ, балки илмий барка-мол, адекват таржима яратишга эришиш сари интилишнинг ифодаси бўлди. Зотан, дастлабки содда, доҳий ғояларини т у-ш у н т и р и б, и з о ҳ л а б, т а л қ и н қ и л и б ўгирувчи ибти-доий таржималарсиз бугунги илмий мукаммал, назарий пух-та таржималарнинг яратилиши амри маҳол эди.

Турган гап, доҳий асарларининг ҳозирги таржималари ҳам мутлақ идеал таржима эмас. Зотан, «мутлақ идеал таржима»-нинг бўлиши мумкин эмас. Ўн йиллар ўтади, йигирма йиллар

<sup>1</sup> E. C a r y. Die Übersetzung in der gegenwärtigen Welt. In: „Das Prob-lem des Übersetzens“, hrsg. V. Hans Joachim Störig. Stuttgart. 1963, S. 394

ўтади, асрлар ўтади — миллатлар ва миллий тиллар бор экан, В. И. Ленин асарларини таржима қилиш давом этаверади. Авлодлар унинг қутлуғ меросини ўз даври адабий тилига ўгирадидилар, мавжуд таржималардаги кам-қўстларни тузатиб борадидилар. Таржимада илмий мукамаллик томон интилиш ижтимоий онг ва тафаккурнинг ривожланиши мақсадларига хизмат қилади.

Агарда «мутлақ» таржима яратишнинг чораси топилганида, хоҳ бадиий асар бўлсин, хоҳ фалсафий рисола бўлсин, — уни биринчи ва сўнгги марта ўгириш билан проблема ҳал этилган, шу билан бутун процесс ниҳоясига етган бўлар эди. Аслида эса бирон асарни таржима қилиш — бу аксарият ўша асарнинг аслига, унинг ҳақиқатига эришиш ишининг б о ш л а н и ш и демакдир.

Машҳур чех таржимашунос олими Иржи Левий «Таржима санъати» китобининг (1974) «Классик таржима» бўлимида ёзганди: «...Идеал таржима ёхуд, лоақал, жилла бўлмаганда, бир авлод учун норматив ҳисобланган таржима яратиш бўладими? Бир вақтнинг ўзида бир асарнинг бир нечта таржимаси бунёд этилишини маъқуллаб бўладими?». Автор давом этиб ёзади: «Ҳамлетнинг ягона, бирваракай қарор топган талқини мумкин бўлмагани сингари, бирваракай қабул қилинган таржима талқини ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир янги интерпретация асарга янги таъсир этади, бинобарин, бу орқали таржимон ўз мамлакатидаги ўзи яшаб турган замоннинг маданий-сиёсий жараёнларига ўз муносабатини ифодалайди»<sup>1</sup>.

Рус адабиётида «Ҳамлет» трагедиясининг эллиқдан ортиқ таржима-талқини бор, булар ўртасида Борис Пастернак ва Михаил Лозинскийларнинг замонавий ажойиб таржималари «тенг ҳуқуқ» билан баравар нашр қилиниб келади. Шунга қарамай, рус таржимашунос мутахассислардан бирон киши ҳозиргача: ниҳоят, идеал, классик рус «Ҳамлет»ига эришдик, деган фикрни баралла эшиттириб айтган эмас. Аксинча, трагедиянинг янги русча таржимасига зарурат борлиги аллақачон эълон қилинган. Рус адабиётида бу асар ўзининг журъатли, забардаст янги таржимонини кутмоқда.

Бу гаплар ҳаммаси бадиий таржимага тааллуқли. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар таржимасида аҳвол қандай?

Маълумки, В. И. Лениннинг «Нима қилмоқ керак?», «Давлат ва революция», «Бир қадам олға, икки қадам орқага», «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси», «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Ёшлар Союзининг вазифалари» ва бошқа кўп китоблари турли даврларда қайта-қайта, баъзан ўн марта лаб нашр қилинган. Албатта, булар, асосан, қ а й т а н а ш р ҳисобланади. Лекин бундай

<sup>1</sup> Иржи Левый. Искусство перевода. Изд-во «Прогресс», М., 1974, стр. 107—108.

«қайта нашр»лар гоҳо шу даражада фарқ қиладики, бу — асарнинг қайта нашри эмас, балки бўлак, янги таржимасига айланиб қолади.

Асл нусха (оригинал)нинг матнигина ҳамма даврлар учун ягона, ўзгармас бўлиб қолиши мумкин. Лекин авлодлар янги, янада «замонавий», мукамал таржималарга эҳтиёж сеза борадилар.

«Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» китобининг 1927 йилги нашри билан кейинги нашрини олайлик. Салкам ярим аср давомида тил ва услуб нуқтаи назаридан бу таржима таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Яна эллик йиллардан кейин — айтайлик, 2027 йилда мазкур асар таржимаси қандай бўлишини ким башорат қила олади?

Бу муаммони ҳал қилишда ленинча инъикос назарияси энг мувофиқ ва энг мақбул назарий калит бўлиб хизмат қилади.

«Билиш тафаккурнинг объектга абадий, чексиз яқинлашиб боришидир. Табиатнинг киши фикрида инъикос этишини «ўлик» ҳолда эмас, «абстракт» ҳолда эмас, ҳаракатсиз, зиддиятларсиз ҳолда эмас, балки мангу ҳаракат процессида, зиддиятларнинг юзага келиши ва уларнинг ҳал этилиши ҳолатида тушуниш керак»<sup>1</sup>.

Таниқли файласуф олим Ф. И. Хасхачих ёзади: «Инъикос — бу сезги ва фикрнинг объектив борлиққа мос келиши (ёки мувофиқ, тўғри келиши ва ҳоказо) демакдир. Инъикос — бу объектив дунёнинг образи (яъни картинаси, сурати, нусхаси) дир. Бамисоли, рассом яратган сурат тасвирланаётган предметни тугата олмагани сингари, билиш образи ҳам предметни тамомлай олмайди»<sup>2</sup>.

Инъикос назариясини таржима санъатига нисбатан қўллашга уриниб кўрган олим Г. Р. Гачечиладзе бу хусусда қуйидагича фикр юритади: «Ҳозиргача қўлланилиб келаётган «адекват» ёки «мукамал» таржима тушунчасини, у мавҳумлиги туфайли, методологик жиҳатдан янада аниқроқ, конкрет ва идрок қилиш ўнғай бўлган реалистик таржима тушунчаси билан алмаштирамиз. Бу асл нусханинг таржимада мутлақ тўла такрорланишини назарда тутмайди»<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган далиллар умуман таржиманинг методологик асоси, моҳияти, фалсафий-назарий таг заминига алоқадор бўлиб, таржима практикасида мавжуд чигал масалаларни ойдинлаштиришга хизмат қилади. Бироқ бундан, зинҳор, аксинча хулоса чиқариш, яъни таржимачилик хўжалиги-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 38- том, Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1962, 198- бет.

<sup>2</sup> Ф. И. Хасхачих. О познаваемости мира. Госполитиздат, 1950, стр. 50.

<sup>3</sup> Г. Р. Гачечиладзе. Введение в теорию художественного перевода. Изд-во Тбилисского университета. Тб., 1970, стр. 126.

да ҳар хил чалкашликлар, бошбошдоқлик бўлиши табиий ҳол экан, деб ўйламаслик керак. Бу — жиддий назарий проблема-ни анархистларча, бачкана талқин қилиш бўлур эди. Ҳар қандай таржимада — бу хоҳ бадиий таржима бўлсин, хоҳ, айниқса, илмий-техникавий китоблар таржимаси бўлсин, хоҳ, хусусан, марксизм-ленинизм классиклари асарлари таржимаси бўлсин — асл нусхада акс этган илмий, бадиий ҳақиқатни, авторнинг фикри, муддаосини тўқис рўёбга чиқариш бош вази-фа, таржима санъатининг муқаддас қонуни, таржимонга қўйиладиган асосий талаб эканлигини унутмаслик керак.

Маълумки, доҳий асарларида ҳавола қилинган аксарият ил-мий, фалсафий, иқтисодий-сиёсий мазмундаги асарлар, бадиий манбалар эндигина ўзбек тилига ўгирилмоқда, бинобарин, биз-да бу манбаларга эндигина кўникма ҳосил қилинмоқда. Де-мак, В. И. Ленинда қўлланилган «эски» илмий, тарихий-этно-график факт ва классик бадиий манбалар ўзбек маданияти-нинг ҳозирги, замонавий ҳодисаси бўлиб қолмоқда (масалан, В. И. Ленинда М. Е. Салтиков-Шчедрин, И. А. Кри-лов, И. С. Тургенев, А. П. Чеховнинг роман, масал, ҳикоялари-дан берилган намуналар таржимаси билан шу ёзувчилар асар-ларининг бадиий таржималарини қиёс қилинг). Бу доҳий асар-ларининг қайта таржима қилиниши ёхуд қайта нашр этилиши-га зарурат туғдирувчи омиллардан биридир.

Бундан ташқари, тилнинг луғат составида юз берадиган ўзгаришлар ҳам, шубҳасиз, таржиманинг тақдирига таъсир ўтказади. Масалан, бу жиҳатдан доҳий асарларини ўгириш юзасидан ўзбек тилида йигирманчи йилларда кўндаланг бўл-ган проблема — ўттизинчи йилларда бартараф қилинган, ўт-тизинчи йилларда туғилган муаммо эса ҳозир ҳал қилинган бўлиши табиийдир.

## II БОБ. ТАРЖИМА САНЪАТИ

### 15- §. Таржима ҳақида умумий тушунча

Таржима нима?

— Бир тилда ёзилган китобни иккинчи тилга ўгириш, — деб жавоб беради бир киши. Бошқа одам эса бу таърифга эъти-роз билдиради:

— Таржима қилинаётган нарса, борди-ю, китоб эмас, бал-ки оғзаки нутқ бўлса-чи? Бундай тақдирда: таржима — бу бир тилда баён қилинган фикрни ўзга тилда сўзловчи киши-ларга тушунтириб беришдан иборат.

— Ўгирилаётган нарса униси ҳам эмас (китоб), буниси ҳам эмас (оғзаки нутқ), балки — кинофильм, деб фараз қилай-лик, — баҳсга аралашади учинчи шахс. — Фильмлар ҳам тар-жима қилинади-ку, шундай эмасми? — дейди у. — Бас, таржи-

ма бир тилда роль ижро этаётган актёрнинг нутқини иккинчи, учинчи ва ҳоказо тилларга ўтказиш демакдир. Бунда ўша актёрнинг нутқига унинг ҳаракатлари, ички кечинмалари, юз ифодаси мос келиши лозим. Акс ҳолда...

Хуллас, баҳс шу тарзда давом этади. Бундан маълум бўладики, таржимани ҳар ким ўзича тушунаркан.

Таржима хусусида юқоридаги мулоҳазаларни билдирган кишиларнинг даъволарида жон бор. Гап шундаки, уларнинг ҳар бири таржимани бир томондан таърифлаб, бу ҳақдаги умумий тушунчани тўлдиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, баҳсда қатнашаётганларнинг далилларида таржима кўп соҳали, сертармоқ, мураккаб нарса эканлиги ҳам маълум бўлади.

Таржиманинг бош хоссаси унинг бошқа тил воситалари билан қ а й т а я р а т и ш д а н иборат ижодий жараён, сўз санъати эканлигидадир. Масалан, балет ҳам санъат, аммо сўз санъати эмас, у ерда умуман нутқ иштирок этмайди ҳам. Авторнинг муддаоси, асарнинг гоёси, балеринанинг маҳорати — булар ҳаммаси музика, рақс, ҳаракатлар билан ифода этилади. Тасвирий санъатнинг асосий қуроли бўёқ, санъаткорнинг дастури — мўйқаламдир. Винобарин, балет, тасвирий санъат обидаси, музика асари, ҳайкалтарошлик намунаси ва ҳоказоларни бир тилдан бошқа тилларга «таржима қилиш» ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Сўзнинг фикрни ифодалаш хусусияти, таъсир қувватига асосланган санъат соҳасигагина таржимани татбиқ этиш мумкин.

Бадий таржима — бадий ижод соҳасидир. Чунки таржиманинг бўлак соҳаларидан фарқли ўлароқ, бадий таржиманинг ўз хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар бадий адабиётнинг табиатидан келиб чиқади. Чунончи, агар фанда асосий нарса факт, таҳлил, схема бўлса, бадий асарда образ, тасвир ва ҳикоя қилинаётган воқеанинг таъсирчанлиги муҳим роль ўйнайди. Худди шу омиллар бадий таржима учун ҳам муқаррардир.

Таржима қилиш учун нечта сўзни билиш керак?

«Человек сажает дерево». Бу гапни таржима қилиш учун учта сўзнинг ўзбекча муқобилларини билиш кифоя: «Одам дарахт ўтқазяпти». Бироқ гап баҳорда ёш дарахт новдаларини кўчириб ўтқазиш ҳақида бораётган бўлса, *дарахт* ўрнига *ниҳол* сўзини қўллаган маъқул: «Одам ниҳол ўтқазяпти». Горькийнинг «Человек звучит гордо!» ҳикматли гапини ҳам «Одам (ёки киши) мағрур жаранглар!» деб бўлмайди. Бу ўринда *человек* сўзини *инсон* деб олишга ва жумла таркибига «ташқарида» бир сўз «қўшиш»га тўғри келади: «*Инсон сўзи мағрур жаранглар!*».

Атиги учта сўздан ташкил топган биринчи гапда бир сўз (*дерево*) унинг муқобили бўлган *дарахт* сўзининг синоними — *ниҳол* билан ўзгартирилди; учта сўздан иборат иккинчи гап-

да эса бир сўз — унинг бошқа синоними билан алмаштирилиб, яна бир сўз «қўшилди». Бошқача айтганда, гапнинг тузилиши тахминан 50 фоиз ўзгартирилди. Мана энди ўнлаб сўзлардан иборат катта гаплар, ўнлаб гаплардан тузилган абзацлар, минглаб абзацларни ўз ичига олган боблар, бутун бошлиқ асарларни ўз тилида қайта яратиш учун таржимондан қанақа лисоний кашфиётлар талаб этилишини кўз олдингизга келтириб кўринг!

Энг содда ва енгил ёзилган кичкина китобчани ўзбек тилига ўгириш учун тахминан 3.500—4.000 та сўзни билиш талаб этилади (миқдорий луғат асосида тилда энг кўп ишлатиладиган сўзлар назарда тутилади). Л. Н. Толстойнинг «Анна Каренина» романини ўзбек тилига ёки Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» достонини рус тилига ағдариш учун таржимон қанча сўз билиши керак? Бу таржималарда қўлланилган сўзларнинг сони ҳисоблаб чиқилгани йўқ ва бунинг ҳисобига етиш ҳам амри маҳол. Таржима — миқдорий тушунча, ҳисоб-китобиши эмас, балки сифат проблемасидир. Бундан ташқари, «Лисонут-тайр»даги аллақанча сўзларни ҳозир рус таржимони туғул, кўпчилик ўзбек китобхонларининг ўзлари ҳам «таржимасиз» тушунмайдилар.

Шундай экан, таржима қилиш учун сўзнинг муайян луғавий маъноларини (*человек — одам, дерево — дарахт, вода — сув* каби) билишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун сўзнинг айни шу контекст ичидаги сифати, эскирганлик, янгилик, мажозийлик, ҳурматлаш, эъзозлаш, пардалаш, пичинг, ғазаб, ҳақорат ва ҳоказо маъноларини билмоқ, сўнгра ўзбек тилидан ўша кўрсаткичга мувофиқ келадиганини топа олмоқ керак. Бунинг учун эса тилни фақат «билиш»гина эмас, уни туйиш, ҳис қила олиш лозим.

Бироқ қайд қилинган бу масала — сўз проблемасидир. Бу эса умумий таржима муаммосининг кичик бир улушини ташкил этади, холос.

Таржима қилинаётган асарнинг жанр хусусиятларини ҳисобга олиш, тарихийлик, миллийлик, бадийлик, услуб қийинчиликларини ҳам бунинг устига жамланса, ўшандагина сўз санъатининг бу тури ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Таржимада икки халқ ва икки тил, икки дид ва икки моддий-маънавий ҳаёт, икки миллий санъат ва адабиёт, икки давр ва икки адиб ўртасидаги бир-бирига чирмашиб кетган муносабатларнинг ўзига хос кўринишини ҳам ҳисобга олинса, ана ўшандагина инсоният қўлидаги бу ажойиб воситанинг мазмуни тўла аён бўлади.

Таржима — тил проблемасими?

Қадимги Юнонистоннинг машҳур масалнависи Эзоп файласуф Ксанфнинг ғуломи эди. Бир куни Ксанф уйига меҳмон чақирмоқчи бўлиб, Эзопга энг яхши таом тайёрлашни буюрган. Эзоп тил харид қилиб, улардан уч хил овқат пиширган. Ксанф Эзопдан нима сабабдан у нуқул тилдан хўрак

тайёрлаганини сўраганида. Эзоп жавоб берган: «Сен энг яхши нарсани харид қилишни буюриб эдинг. Жаҳонда тилдан аъло нарса борми! Тил воситаси билан шаҳарлар бунёд қилинади, халқларнинг маданияти равнақ топади. Тил воситаси билан биз илм ўрганамиз, билимли бўламиз, тил воситасида одамлар бир-бирлари билан муомала қиладилар, турли масалаларни ечадилар, илтижо этадилар, тарбиялайдилар, ярашадилар, тақдим этадилар, оладилар, илтимосларни бажо қиладилар, жасурликка даъват этадилар, қувонадилар, таскин топадилар, ишқи роз қиладилар. Хуллас, тилдан яхшироқ нарса йўқ дейишга тўғри келади».

Бу мулоҳаза Ксанф ва унинг меҳмонларига кўп маъқул бўлди.

Бошқа бир гал Ксанф Эзопга амр қилиб, овқатга энг бўлмағур нарса ҳозирлашни айтди.

Эзоп яна тил харид қилишга жўнади. Ҳамма ҳангу-манг бўлди. Шунда Эзоп Ксанфга тушунтира бошлади: «Сен менга энг ёмон нарса топиб келишни буюриб эдинг. Дунёда тилдан ҳам баттароқ нарса борми? Тил билан одамлар бир-бирларининг дилини хуфтон, ҳафсаласини пир қиладилар, тил билан мунофиқлик, риёкорлик, ёлғончилик, муғамбирлик қилиш, жанжаллашиш мумкин. Тил кишиларни бир-бирига ғаним қилиши, уруш чиқариши мумкин, у шаҳарларни ва ҳатто бутун бошлиқ давлатларни вайронага айлантиришга амр қилади, ҳаётимизни заҳарлаши, бошимизга ғам-кулфатлар келтириши, сотқинлик қилиши, таҳқирлаши мумкин. Дунёда тилдан ҳам ёмонроқ бирон нарса борми?!».

Ривоят қилишларича, Эзопнинг бу жавоби айрим меҳмонларга унчалик хуш келмаган.

Келтирилган бу ривоятда жуда чуқур маъно бор. Тил меҳнат асосида яратилган экан, у инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча томонларини акс эттиради. Лекин тилни илмий ўрганиш билан уни амалий билиш ўртасида фарқ бор. Бир халқнинг тилидан бошқа халқнинг тилига таржима қилиш учун эса ҳар иккала тилдан ҳам чуқур хабардор бўлиш талаб этилади. Бундан ташқари, таржимон ўзи ўгираётган китобда тасвирланган халқ ҳаёти, тарихи, маданияти, унинг урф-одатларигача билиши лозим. Булар эса, юқорида айтиб ўтилганидай, умумий таржима проблемасининг ғайрилисоний (экстралингвистик) масалаларидир.

## 16-§. Таржима тушунчасининг мазмуни ва мундарижаси

*Таржима* тушунчасининг маъноси жуда кенг. Бир тилдан иккинчи тилга бадий адабиёт: шеър, драматик ва насрий асарлар, фаннинг турли-туман соҳаларига доир илмий ва илмий-оммабоп китоблар, дипломатия ҳужжатлари, расмий қоғозлар, сиёсий арбобларнинг мақолалари ва нотиқларнинг нутқлари, газета материаллари, бошқа-бошқа тилларда сўзлашувчи, «тилмоч»нинг хизматига муҳтож бўлган кишиларнинг суҳбатлари таржима қилинади, кинофильмлар ўгирилади.

Таржима қилинаётган текст ёки нутқнинг қандайлигидан қатъи назар, бир тилдан бошқасига ўгирилаётган ҳар қандай иш, яъни ҳар қандай таржима учун умумий бўлган икки ҳолат бор:

1. Таржимоннинг мақсади — асл нусха тилини билмаган



**китобхон** (ёки тингловчи) ни ўша асар тексти (ёки оғзаки нутқ мазмуни) билан иложи борича тўла, мукамал таништириш.

2. Таржима қилиш — муайян тил воситалари билан бир карра ифода этилган нарсани бошқа тил билан аниқ ва тўла ифодалаш демакдир. (Таржима — қайта ишлаш, қайта ҳикоя қилиб бериш, қисқартириб баён этиш, назира, татаббу, тақлид, ҳар хил «адаптация»лардан ўзининг худди ана шу аниқлиги ва тўлаллиги билан фарқ қилади).

Адаптация — содалаштириш; қийин текстларни содалаштириб бериш демакдир.

#### Таржиманинг хиллари:

1. Бир тилдан иккинчисига — қардош ёки қардош бўлмаган тилга таржима қилиш.

2. Адабий тилдан — унинг бирон шеvasига ва бирон шевадан — адабий тилга ёхуд бир тилнинг шеvasидан бошқа адабий тилга таржима қилиш.

3. Қадимий давр тилидан ўша тилнинг ҳозирги замонавий ҳолатига таржима қилиш (масалан, қадимги француз тилидан — ҳозирги французчага, қадимги ўзбек тилидан — ҳозирги ўзбекчага табдил этиш).

Асл нусхада ифодаланган фикр бўлак тилда ҳам худди аслидагидай тўла, аниқ ва таъсирчан бўлиши лозим. Бундан ташқари, таржима ўша асар ўгирилган тилнинг нормасига мос, мувофиқ бўлиши даркор.

Таржима процессида икки ҳолат рўй беради. Биринчидан, таржима қилиш учун даставвал ўгирилаётган нарсани тушуниш, аниқлаш ва талқин қилиш керак. Бу эса она тилида рўй беради. Бошқача айтганда, бунда таржима унсурлари содир бўлади. Иккинчидан, таржима қилиш учун асар ўгирилаётган тилда мувофиқ ифода воситаларини топиш лозим. Булар: сўз, сўз бирикмалари, грамматик формалар.

Таржимоннинг асл нусхага субъектив, холис бўлмаган муносабати асл нусхага, беихтиёр, ўзгача маъно бериб қўйиши, ё бўлмаса уни кўра-била туриб сийқалаштириши мумкин, буларнинг ҳаммаси шунга олиб келадики, асарга номақбул, яъни аслида бўлмаган мазмун бағишланади, асл нусхадаги сўзларга контекст тақозоси билан англашилган объектив мазмун ўрнига ўзгача маъно бериб юборилади<sup>1</sup>.

Таржима — форсча «тарзабон» сўзидан арабийлашиб ўзгарган («тарзабон» — чиройли сўзловчи, нотиқ, тили бурро киши). Араб тилига «таржумон» шаклида қабул қилинган, ундан «таржима» ёки «таржума» ҳосил бўлган. Ўзбек адаблари бундай тушунчани «чевуриш», «ўтказиш», «қайтариш», «ағдарш», «ўгириш» сингари атамалар билан ифода этганлар. Кўп

<sup>1</sup> А. В. Фёдоров. Основы общей теории перевода (Лингвистический очерк). Издание 3-е Изд-во. «Высшая школа», М., 1968, стр. 155—157.

йиллар давомида «таржима» *шарҳ, тафсир, баён қилиш, тушунтириш* маъноларида ҳам қўлланиб келинган<sup>1</sup>. Фақат совет даврида бу сўз бадий ижоднинг бир турини ифодалаш маъносини касб этди ва илмий-филологик терминга айланди. Умуман, *таржима* деганда бир тилда ёзилган матн ёки айтилган нутқнинг бошқа тилда қайта яратилиши тушунилади. Шу маънода таржима халқлар, миллатлараро алоқа воситаси ҳисобланади. Таржима ҳозирги жамятимизнинг жуда кўп соҳаларида амалда қўлланиб келади: телеграф ахборотидан тортиб, илмий-техникавий маълумотларгача таржима воситасида бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга етказилади. Шунга кўра, таржиманинг турлари ҳам кўп: расмий хабарлар ва газета материаллари таржимаси, сиёсий-публицистик адабиёт таржимаси, илмий-техникавий адабиёт таржимаси, бадий адабиёт таржимаси. Бу соҳаларнинг ҳар бири ўзига хос услуб ва талабларга эга. Булар орасида бадий таржима ўз талаблари, шартлари, хусусиятлари билан ажралиб туради.

Таржима асари ватан адабиётининг факти бўлгандагина муваффақият қозонади. Бу эса таржимон истеъдоди орқали қўлга киритилади. Таржимон истеъдодининг кучи билан асар оёна тилида қайта туғилади.

Таржима жараёнининг моҳияти тил фактларининг қийосидан иборат бўлса-да, лекин бунда «қайта ифодаланишнинг» (Пушкин) мураккаб руҳий жараёни содир бўлади. Бадий таржима оригинал ижоддан тайёр объектнинг мавжудлиги билан фарқ қилади. Таржимон мавжуд асарга янги ижтимоий, адабий ва миллий муҳит шароитида янги ҳаёт бағишловчидир. Адабий ҳаётда, кўпинча, оригинал ижод билан таржима орасида фарқ кам сезилади. Махсус кўрсатилмаса, таржима эканлиги билинмайдиган асарлар ҳам бор. Бундай пайтларда «эркин», «ижодий», «авторлаштирилган», «ўша мотивда» каби аниқловчилар ишлатилади.

Таржима тарихий ва диалектик тушунча, ҳар бир давр унга ўз мазмунини қўшган. Унинг оригинал адабиёт билан муносабати ҳам ҳар хил бўлган. Реалистик таржима талабларига кўра, таржимон асл нусханинг санъат асари сифатида шакл ва мазмун бирлигини қайта яратиши, миллий ва индивидуал услуб хусусиятларини сақлаши лозим. Бу принциплар қанчалик изчиллик билан амалга оширилгани сари, таржима жараёнининг ички диалектик зиддиятлари шунчалик муайянлаша боради. Чунки бу талаб бир вақтнинг ўзида асарни ҳам «ўз» адабиётимиз ҳодисасига айлантиришни, ҳам унинг ўзга халқ ижоди намунаси эканлиги, «хорижий келиб чиқишини» кўрсатишни назарда тутаяди.

<sup>1</sup> Н. Комилов. Бу қадимий санъат. «Таржима санъати» мақолалар тўплами. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976, 55—61-бетлар.

**Бундай қараганда, таржимон ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар қаршисида туради:** а) у ижодкор, лекин ўзганинг ижоди билан иш кўради; б) ватан адабиёти равнақи йўлида раҳмат чекади, айти вақтда оригиналнинг миллийлигини сақлаши лозим; в) у ўтмиш обидасини замонага хизмат қилдиради, шу билан бирга, китобхонда ўтмиш тўғрисида тасаввур бериши талаб қилинади.

Бадиий таржима нусха кўчириш эмас, балки интерпретациядир. Таржимоннинг эстетик эътиқоди, унинг ихтиёридан ташқари, таржимада из қолдиради. Психологик нуқтаи назардан таржима жараёнида анализ ва синтез босқичлари воқе бўлиб туради. Бу босқичларнинг мунтазам, кетма-кет содир бўлиши шарт эмас, улар беихтиёр, интуитив равишда юз беради. Аммо таҳлил иш пайтида доим иштирок этади ва таржиманинг бунёд этилишига шароит яратади. Амалда ижодий жараён, аксарият, «кўп зинали» бўлади. Таржимон «ўз жумласини» (мисра, байтини) мияда пишитиб, айти вақтда параллел равишда асл нусхадаги жумлани ҳам дилга жо қилиб, узлуксиз солиштириб, текшириб, тузатиб туради. Бунда ҳар бир унсур умумий контекст билан қиёслаб борилади. Таржима давомида таржимон ҳамма вақт ўз она тилида фикрлайди, она тили унга таҳлил қуроли, синов мезони бўлиб хизмат қилади. Айти вақтда худди шу она тили ижодий синтез қилишга ҳам ёрдам беради. «Асл нусха тилининг сеҳри»дан қутула билиш таржима шартларидан биридир.

Таржима ўз табиати билан ҳам оригинал ижод жараёнидан фарқ қилади. Ёзувчи ҳаёт воқеаларидан олган мушоҳадаларини тилда бадиий ифодаласа, таржимон асл нусха матнини янги тил воситасида қайта гавдалантиради. Таржимон авторнинг ғоявий-эстетик дунёси, китобхонни ром этган жозибани янги ўқувчиларга етказишга бел боғлаган киши. Бунинг учун у муаллиф даражасида предметни пухта билиши даркор. Бундан ташқари, муаллифнинг бошқа адиблардан фарқ қиладиган жиҳатлари, бадиий услубини чуқур идрок қилиши лозим. Шундай бажарилган таржима ижодий аниқ таржиманинг талабига жавоб беради. Таржимонлик истеъдодининг ўз хусусиятлари бор.

### 17- §. Таржимада иллюзионизм ва шартлилик\*

Иллюзионистик усул асарда ҳамма нарса худди «чиндан содир бўлаётгандай тўғри», ишонадиган қилиб тасвирлашни талаб этади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида иллюзионистик

\* Бу масала чех таржимашунос олими, фалсафа фанлари доктори Иржи Левийнинг рус тилида нашр этилган «Таржима санъати» номи монографиясида муфассал ёритилган. Иржи Левый. Искусство перевода. Изд-во «Прогресс», М., 1974, стр. 49—58.

театрни кўрсатиш мумкин. Бунда актёрга дид билан тарихий уст-бош кийдирадилар, декорациялар ясайдилар. Романда ҳам гўё авторнинг дахлсизлиги орқали воқеа содир бўлган фактларнинг объектив равишда ёзиб олинганидан иборат қилиб кўрсатилади.

Таржимон-иллюзионист асл нусха ортидан бориб, гўё китобхонга уни бевосита курсатмоқчи, ўқувчи қаршисида таржима эмас, балки асл нусханинг ўзи турганига уни хаёлий йўл билан ишонтирмоқчи бўлади. Ҳамма ҳолларда ҳам китобхон ёки томошабин билан иллюзияга асосланган муросасозлик воқеа бўлади: театрда томошабин унинг қаршисидаги саҳнада воқеликнинг ўзи кўрсатилмаётганини яхши билса-да, лекин у тасвирланаётган барча воқеаларнинг худди ҳаётдаги сингари рост бўлишини талаб қилади; роман ўқувчиси биладикки, унинг қаршисида тўқима қисса тасвирланяпти, лекин у бунинг рост бўлишини талаб этади; таржиманинг ўқувчиси биладикки, у мутолаа қилаётган нарса асл нусха эмас, лекин у асл нусханинг сифатларини сақлашни ва чиндан ҳам «Шоҳнома», «Илиада», «Фауст», «Улик жонлар»ни ўқиётганига ўзини ишонтиргиси келади.

«Чинлик» тасаввурини ҳосил қилиш фақат таржимага эмас, балки умуман бадий ижодга тааллуқли эканлиги айтилди. Аммо оригинал асар муаллифи билан унинг таржимонидан бундай «чинлик»ни талаб қилиш ўртасида фарқ бор. Оригинал асар ижодкори ўз романида тасвирлаётган воқеа ҳодисаларнинг «айнан ўзидай» эканлигини таъминлашда реал ҳаётда чиндан ҳам содир бўлган воқеаларни асос қилиб олади. Турган гап, ёзувчи ҳаёт ҳодисаларини қуруқ баён этмайди — у натуралист эмас. Адиб бадий тўқималар ёрдамида воқеалар тасвирини замон ва макон ичида — ўзга жой ва бошқа вақтга кўчирганида ҳам ўз ўқувчисини бунга ишонттиради.

Таржимон бўлса иккиламчи воқелик — автор оригинали доирасида иш куради. Бунда асл нусха ортидаги ҳаётни билиш таржимонга қўл келса ҳам (ундан бу нарса қаттиқ талаб қилинади), аммо у бирламчи воқелик — асарда тасвирланган воқеаларнинг «ҳаётий асли» асосида ўз таржимасига қандайдир ўзгаришлар, тузатишлар кирита олмайди. Бошқача айтганда, тасвирланган воқеалар талқинига бевосита аралашишга унинг ҳадди сизмайди.

Антиллюзионист дафъатан оммага чин воқелик эмас, балки тўқима (ясама) воқеа тасвирлаб кўрсатилаётганини хабардор қилади. Роман муаллифи ўз ҳикоясини тўхтатиб, ўқувчига мурожаат этади ва у билан персонажларнинг тақдирини ҳақида олдиндан келишиб олади. Таржимон ҳам иллюзияга барбод бериши мумкин: ўз дунёқараши тақозоси билан асл нусхага тақлид қилмасдан, уни шарҳлашга берилиб кетади ва ўзи ёхуд даври учун долзарб бўлган масалаларга ўқувчининг диққатини қаратади. **Ғ а й р и и л л ю з и о н и с т и к т а р**

**Ж и м а** кам учрайди (бу кўпроқ пародия жанрига хосдир), чунки таржиманинг мақсади, одатда, р е п р е з е н т а т и в\* хусусиятга эга — у асл нусхани «тўғри етказиши» керак; «абстракт», «номавзуий» таржима, аслида, аксил таржимадан иборат бўлиб қолар эди (47—48).

Оригинал бадий асар объектив воқеликни акс эттириш ва уни субъектив тарзда ўзгартириб тасвирлаш натижасида пайдо бўлади. Ижодий жараён натижасида тил материали асосида юзага келган ғоявий-эстетик мазмун пайдо бўлади. Бу ҳар иккала унсур ўзаро диалектик бирликни ташкил этади.

Бадий асарнинг автор субъектив талқинига боғлиқлиги фақат индивидуал омил эмас, у аксарият тарихий тақозо натижасида содир бўлади. Чунончи, тарихий романда фактларни саралаш ва ўзгартириш муаллифнинг муайян тарихий даврнинг дунёқарашига мансублиги, унинг сиёсий эътиқодлари ва қандай бадий маҳорат босқичида турганлигига боғлиқ. Баъзан асарда бошқа мамлакат ва бўлак тарихий даврга боғлиқ воқеа-ҳодисалар ёзувчи яшаётган замонга ва унинг юртига кўчириб талқин этилади. Бу муаллифнинг субъектив талқинига боғлиқ. Масалан, Алишер Навоий ва Вильям Шекспирнинг кўпчилик асарларида воқеалар Мовароуннаҳр ва Англиядан ташқарида юз беради. Объектив тарзда «Қийиқ қизнинг қуюлиши»да воқеалар содир бўлган жой — Италия, «Юлий Цезарь»да — Рим, «Лайли ва Мажнун»да — Арабистон, «Фарҳод ва Ширин»да — Арманистондир. Ҳолбуки, инглиз драматурги билан ўзбек шоири ўз уйида яшади ва уларнинг субъектив ижодий талқини белгиси ўлароқ барча дostonлари ва пьесаларига теуурийлар даври Мовароуннаҳри ва Хуросони (Навоий) ҳам Елизавета Англиясининг (Шекспир) хусусиятлари сингдирилган. Чунончи, XII асрда Даниядаги сарой аҳли ўртасидаги муносабатлар XVI асрдаги инглиз саройидаги муносабатларнинг ўзгинаси; қадимги Рим граждaнлари ўзларини Уйғониш даври инглизларидай тутадилар. Шекспир жузбий ва тафсилий нарсаларда тарихий ҳақиқатдан чекинади, бунинг эвазига унинг тарихий концепцияси кенг қулоч ёзади, чунки у қадимги Рим воқеаларига ўз шахсий ҳиссиётлари нуқтаи назаридан эмас, балки ўзига замондош бўлган инглизнинг нигоҳи билан қарайди\*\*.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, объектив воқеликни — бадий воқеликдан, турмушда учрайдиган фактни — бадий фактдан фарқламоқ керак. Цезарь ҳукм-

\* Муайян предметдан олинган таассуротни эмас, балки бевосита предметнинг ўзини тасвирлаш демак.

\*\* Худди шунингдек, «Садди Искандарий»да тасвирланган Искандар Зулқарнайн ҳам македониялик Искандарнинг қуруқ нусхаси эмас. Бу образда Алишер Навоий ўзининг буюк эстетик идеали — мамлакатни одил шоҳ идора қилиши лозимлиги ҳақидаги ҳаётий орау-умидларини мужассамлантиради.

ронлик қилган Рим Шекспирнинг Римидан бошқача эди. Бадиий асарда бизнинг кўз ўнгимизда объектив воқелик эмас, балки унинг автор интерпретацияси гавдаланади, таржимон бўлса худди ана шу «иккиламчи воқеликни» эгаллаши лозим.

Бу нарсани назардан соқит қилиш асл нусхани тузатиш ёки «яхшилаш»га сабаб бўлади. Иржи Левийнинг қайд этишича, Лонгфеллонинг «Гайават ҳақида қўшиқ» асари таржимасининг нашр этилмаган янги таҳририга ёзилган муқаддимасида чех таржимони китобнинг бир неча саҳифасида йўл қўйилган ботаник ва зоологик қусурларни тузатиб чиқади. Таржимон ўқувчиларга Америкага европаликлар келгунга қадар тустовуқлар, ёввойи эчкилар, қоплонлар, хонаки товуқлар бўлмаган, у ерда тарвузлар етиштирилмаган, деб ўргатади. Чех таржимони Сладек шу сабабдан тарвузни қовоқ билан алмаштирганини маъқуллаш баробарида, буни жуда ҳам ўринли деб топмайди, чунки қовоқ тропик Осиёдан келиб кирган, дейди. Шунингдек, у товуқни «америка чўл товуқлари билан алмаштириш лозим эди» деган хулосага келади. Мазкур муқаддимада таржимоннинг поэмадан *мовий кўзларни* чиқариб ташлаши талаб этилади, чунки Шимолий америкалик ҳундулар (индеецлар) сираям кўк кўз бўлмаганлар, аксинча, улар кўк кўз оқ танлиларнинг нигоҳида мовий осмон акс этганига дастлаб ҳайрон қолганликлари далил келтирилади. Воқелик билан бадиий асар ўртасидаги тафовут эътиборга олинмаса, ана шундай ҳол юз бериши мумкин. Баъзи таржимонлар санъаткордан кўра кўпроқ филолог бўлганларида, асл нусхада турмуш фактларидан четга чиқилган ўринларда уни тузатиш майли пайдо бўлади. Бироқ, Иржи Левийнинг фикрича, барҳаёт муаллиф билан ҳамкорликда айрим майда-чуйда нарсаларни тузатса бўлади, лекин табиатнинг шоирона тасвири аро «ботаник ва зоологик тадқиқот»лар ўтказиш ғирт бемаъниликдир.

## **18- §. Таржима ва интерпретация. Таржимоннинг интерпретацияви мавқеи**

Таржима қилишдан мақсад асл нусхани (ахборот) эгаллаш, сақлаш ва етказишдир, лекин ўз прототипига эга бўлмаган янги асар яратишдан иборат эмас; таржиманинг мақсади қ а й т а я р а т и ш д и р. Таржима жараёнида бир тилнинг материали ўрнини бошқа тилнинг материали эгаллайди, бинобарин, тилга алоқадор барча бадиий воситаларни таржимоннинг ўзи, ўз она тилида, янгидан яратади; шундай қилиб, тил жабҳасида таржима — чинакам оригинал ижод демакдир. Барча санъатлар ичида актёрнинг маҳорати таржимага яқин туради.

Таржима қайта яратишдан иборат, таржима жараёни эса ижодий жараёндир деб тасдиқлаш билан биз н о р м а т и в

**тарифлар** берамиз ва таржима қандай бўлиши кел-  
раклигини тайин этамиз.

Таржима жараёни уч босқичдан иборат<sup>1</sup>:

- 1) асл нусхани идрок этиш;
- 2) асл нусха интерпретацияси;
- 3) асл нусхани қайта ифодалаш.

Яхши таржимон даставвал яхши ўқувчи (китобхон) бўли-  
ши лозим.

Асарни ўз тилига ўгириш мақсадида қўлга олган таржи-  
моннинг асл нусхани англаши уч босқичда содир бўлади:

Биринчи босқичда матн сўзма-сўз, яъни филологик тарзда идрок қилинади. Бу босқичда бир қанча таржима қу-  
сурлари рўй бериши мумкин: бошқа тилдаги бир сўзни худди шундай жаранглайдиган бўлак сўз билан қориштириш; яқин тилларда сохта эквивалентлар домига тушиб қолиш; контекст-  
ни нотўғри ўзлаштириш, айрим хос сўзларнинг маъносига ту-  
шуниб етмаслик; муаллифнинг муддаосини англамаслик;

Иккинчи босқичда — услубий омилларга эътибор қи-  
линади. Текстни тўғри ўқиган китобхон лисоний ифоданинг услубий омилларини ҳам англайди, яъни кайфият, пичинг ёки фожиавий маъно, оҳангдорлик ёхуд воқеани қуруқ баён қи-  
лишга мойиллик ва ҳоказо. Росмана китобхон барча бу сифат-  
ларни англаб етиши шарт эмас, таржимон эса автор қандай қилиб тегишли натижага эришаётганини аниқлаши, тадқиқ этиши лозим. Таржима оддий ўқишга нисбатан китобга анча юқори талаб билан онгли муносабатда бўлишни талаб қи-  
лади;

Учинчи босқич — айрим тил воситаларининг услубий ва маъно-мазмунини англашдан таржимон асарнинг бадийий яхлитлигини, бадийий воқелик ҳодисаси, характерлар, уларнинг муносабати, авторнинг ғоявий ниятини англашга ўтади. Текстни англашнинг бу йўли анча мураккаб ва оғир — муаллиф яратган бадийий воқеликни тўлалигича идрок этиш учун таржи-  
мон кенг мушоҳада қувватига эга бўлмоғи даркор. Асл нусха-  
ни тўлалигича қамраб олиш, идрок этиш учун, айтайлик, ре-  
жиссёрга қандай тасаввур қуввати талаб этилса, таржимонда ҳам ана шундай тасаввур қобилияти бўлиши зарур (Иржи Ле-  
вий).

Санъаткор-таржимон билан ноқобил, ношуд таржимон ўр-  
тасидаги фарқ шундан иборатки, биринчиси асл нусха билан таржима масофаси орасида текст ортидаги характерлар, вази-  
ятлар, ғояларнинг маъно-мазмунини чақади, иккинчиси бўл-  
са фақат китоб матнининг ўзинигина кўр-кўрона қабул қилади ва фақат сўзларни ўгиради, холос. Айтилган гаплардан тар-  
жимонларни бадийий тарбиялаш вазифаси келиб чиқади: «Асл

<sup>1</sup> Иржи Левий. Искусство перевода. Изд-во «Прогресс», М., 1974, стр. 49—77.

нусха текстидан — таржима текстига ўтишдан иборат мухтасар психологик жараёндан анча мураккаб, лекин ягона ижодий мукамал: «Асл нусха текстидан — тасаввур қилинган воқелик орқали — таржима текстига ўтиш». Турган гапки, таржимонни мухтасар жараён ўзига кўпроқ ром қилади, чунки у анча қулай: воқеликни қайта яратиш эса таржимондан кенг тасаввурга эга бўлишни ҳамда текст интерпретацияси устида ижодий меҳнат қилишни талаб этади.

Воқеликни қайта яратиш методикасини ишлаб чиқиш таржима эстетикасининг илк шартларидан биридир. Гап таржимоннинг персонажлар, улар ўртасидаги конфликт сабаблари, воқеа содир бўладиган муҳит ва ҳоказолар ҳақида умуман конкрет тасаввурга эга бўлиши хусусидагина эмас, балки таржимоннинг анча кенг хабардорлиги масаласида боряпти: тасвирланаётган воқеалар ортида нима турибди, чинакам характерлар, ҳақиқий мотивировка нимадан иборат? Хуллас, вақт-соати келгунча китобхондан пинҳон сақланган ва уни аста-секин воқиф қилиниши, кўзда тутилган нарсалар ҳақида гап боради. Масала шундаки, конфликтнинг бориши ва ечимидан хабардор бўлгани, характерларни равшан тасаввур қилгани ҳолда, таржимон муаллифнинг булар барчасини китобхонга дарҳол айтиб қўя қолмаслигини, вақти келгунга қадар муаллифнинг персонажга ёки персонажлар ўртасидаги алоқаларга ўз муносабатини пинҳон тутганини унутиб қўйгани ҳолда, адибнинг умумий ниятини англаб етмай, буларнинг барчасини китобхонга барвақт айтиб қўйиши мумкин. Таржимон ўзининг воқеалардан воқиф эканлигидан фойдаланиб, ҳали ёзувчи айтмай турган нарсани ошкор этиб, оғзидан гуллайди-қўяди. Яна шундай ҳам бўладики, таржимон услубий воситаларнинг ўзи биланоқ асарнинг семантик (маъновий) алоқаларини керагидан олдин очиб қўяди.

Таржимон воқеликни асарда кўрсатилгани даражасида билсагина бадиий чин, ҳаққоний таржима ярата олади.

Иржи Левий қизиқ бир тезисни илгари суради. Унинг фикрича, асл нусха билан таржима тилининг материали бир-биридан жиддий фарқ қилганлиги туфайли улар ўртасида фикрни ифодалаш тарзида семантик ўхшашлик бўлмайди, бинобарин, лисоний аниқ таржиманинг бўлиши мумкин эмас, асарни фақат интерпретация\* қилиш мумкин. Кўпинча шундай бўладики, таржимоннинг тили асл нусха тили сингари кенг ва ранг-баранг ифодалашга имкон бермайди; бундай ҳолда таржимон фақат маънонинг бир қисмини ифода эта оладиган бирмунча тор семантик бирликни танлайди. Бунинг учун ҳам у текст ортида турган воқеликни билиши лозим.

\* Лотинча interpretatio сўзидан олинган бўлиб, «тушунтириш» маъносини беради; интерпретациялаш — изоҳлаш, шарҳлаш, талқин қилиш демакдир.



Асл нусха муаллифидан воқеликни тўғри интерпретация қилиш талаб этилса, таржимондан — асл нусхани тўғри интерпретация қилиш талаб қилинади. Бунда қуйидаги уч нуқтага эътиборни қаратиш лозим: а) асарнинг объектив маъносини аниқлаш; б) таржимоннинг интерпретациявий мавқеи; в) шу мавқедан туриб асарнинг объектив моҳиятини интерпретация қилиш — асарни таржима қилиш концепцияси ва нималарни ўзгартириш заруратини аниқлаш.

Демак, таржима ҳамма вақт муайян даражада интерпретациядир. Таржима интерпретацияси тўғри бўлиши учун унинг ибтидо нуқтасига асарнинг бош хусусиятларини асос қилиб олмоқ керак, унинг объектив қимматини сақлаш эса таржимоннинг мақсади бўлиши лозим.

Башарти, таржимон, китобхон сингари, енгил сентименталлик ва таъсирчанликка берилмасдан иш кўрсагина, унинг асарни идрок этиши холис аҳамият касб этади.

Китобхонлар ўртасида шундай бир ҳол кенг тарқалган: ўқувчига асарнинг персонажи кўпинча таниш кишини, унда тасвирланган муайян макзара ёки эпизод — турмушда ўзи бошидан кечирган ёки ўз кўзи билан кўрган воқеани эслатади. Асар китобхон учун унга объектив равишда сираям боғланмаган ҳаёт билан алоқага киришади. Китобхон асарга ўзининг проблематикасини мослаб ёпиштиради. Бундай таъсирчанлик, китобхонда содир бўладиган бундай субъективизм таржимачилик иши учун хатарлидир, чунки бу асарнинг объектив мазмуни билан зид келиши мумкин. Шу сабабдан таржимон матнга ўз юртига хос сўзлар ёки уларга ишора қилувчи бўлак парчаларни ҳадеганда киритавермаслиги лозим. Бундан ташқари, асл нусхани сийқалаштиришнинг энг сезиларли усули — бу услубий номуносибликни пайдо қилиш, асарга унда мавжуд бўлмаган, лекин таржимон севадиган эстетик сифатларни бағишлашдир. Таржимоннинг бурчи матнга ўзининг субъектив муносабати ва алоқадорлигини минимумга келтириш, таржима қилинаётган асарнинг моҳиятига максимум яқинлашишдан иборат.

Тасвирга мос бўёқларни танлай олмаган рассом ўз тасаввуридидаги манзарани қоғозга тушира олмайди; яратмоқчи бўлган образнинг ички руҳий дунёсини тушуниб етмаган актёр «ўз» ролини тузук талқин эта олмайди; воқеалар ёки ҳиссиётлар мазмунига мос оҳанг топа билмаган шоир ёхуд бастакор кўнгилдагидай санъат асари бунёд қила олмайди.

Таржимон ҳам бамисоли шундай.

Шеърда жуда мароқли қофиялар, ёрқин мисралар топилган, — лекин яхлит сўз санъати асари яратилмаган бўлиши мумкин. Бирон воқеабанд музикада тингловчининг эсида узоқ вақт сақланиб қоладиган бир таъсирчан лавҳа илғаб олинган, лекин мунтазам, тугал, етук мусиқий асар таркиб топмаган бўлиши мумкин.

Таржима ҳам бамисоли шундай.

Катта актёр кичик ролни ҳам фавқулодда зўр ижро эта олади. Аммо кичик актёрнинг катта ролни уддалаши амри маҳол.

Ленин мукофоти лауреати, украин адиби Олесь Гончарнинг «Ҳаёт навоси» романининг ўзбекча таржимасида бир қанча фазилатлар билан бирга, катта бир камчилик бор: бу унда асл нусхага мувофиқ у с л у б к а л и т и топилмагандир. Ижодкор сифатида ёзувчи билан таржимон ўртасидаги «масофа» ҳаддан ташқари катта. Асарда тасвирланган воқеалардан таржимон жуда узоқ. Романда ҳикоя қилинган турмуш тасвирининг мазмуни ва моҳиятини тушуниб етиш учун зарур бўлган ҳаётий тажриба таржимонда етишмайди. Ана шулар ҳаммаси жамланиб, мазкур роман таржимасини хийла фэйсиз қилиб қўйган.

Аслида, «Ҳаёт навоси» содда, ширали тил билан ёзилган. Таржимон асл нуханинг тил бойлигини иложи борича акс эттиришга ҳаракат қилган. Баъзан мароқ билан ўз жойига топиб қўйилган сўзлар, иборалар, оҳори ярқираб чиққан жумлалар, мақол ва мажозлар ҳам учраб қолади.

«Морзе алифбоси» новелласида «Виталий заупрямилася, совета не послушал»<sup>1</sup> деган тўртта сўздан иборат гапни ўқиймиз. Русча-ўзбекча луғатда биргина *упрямый* сўзининг *ўжар*, *қайсар*, *терс*, *тихир*, *саркаш* сингари бешта муқобили берилган. Лекин буларнинг биронтаси ҳам таржимоннинг дидига ўтирмайди — у жонли тилдан «қайсарлик қилиш»нинг салбий маъносини тўлароқ ифода этадиган бошқа бир сўзни қидириб топади: «Виталийнинг ҳам гошлиги тугиб, Ядубанинг маслаҳатига қулоқ солмади»<sup>2</sup>. Жонли, бой тилимизни кузатиб, ўз луғатини ундаги дуру гавҳарлар ҳисобига бойитиб борадиган кишининг тилидагина бундай сўзни учратиш мумкин.

Капитан Дорошенконинг ички ҳис-кечинмалари зиддиятли: «Фикринг тиниқ... Оқшоминг эса яқинлашиб келяпти... Наҳотки киши шунга кўникиб кетаверса? Мовий осмонни кўрадиган кўзларинг басир бўлиб, узоқ океан шовқинини эшитадиган қулоқларинг кар бўлиб қолаверса-я».

*Басир* сўзи довурак капитаннинг зиддиятли ички ҳис-кечинмалари замирида худди индивидуал «услуг узуги»нинг ёқут кўзидай порлайди. Шуниси қизиқки, *басар* — арабча «кўз», *басир* эса «кўрувчи», «ўткир кўзли», «ўта сезгир» маъноларини англатади. Ажабо! Араб тилида «кўз» ва «кўриш» маъноларини берган айни бир сўз ҳозирги ўзбек тилида, аксинча, «кўздан қолиш», «кўр бўлиш» маъносини ифода этадиган бўлган.

Лекин таржимада ҳаракат — жисмга, таъриф — образга, тавсиф — мијозга, сифат — объектга услубан мос бўлиши керак.

«Тронка» романи билан унинг таржимаси — «Ҳаёт навоси»ни қиёс қилинса, тахминан, шундай бўлиб чиққан: ёзувчи кул рангда тасвирлаган чўл осмонини таржимон пушти бўёқлар билан, ёзувчи тўғ қизил бўёқда акс эттирган воқеликни таржимон ним сарғиш ранг билан бермоқчи бўлади...

Ҳозорнинг чанқовузини — украиннинг сивизғаси, руснинг трубасини — ўзбекнинг сурнайи билан бериб бўлмайди. Ҳар бир нарса таржимада, одатда, ўз номи билан аталади.

«Ҳаёт навоси»... Айтайлик, Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасини худди шундай номласа бўларди. Дарвоқе, бир вақтлар шундай мулоҳаза айтилганди ҳам. Чунки Чингизнинг ўзи қирғиз тилида унга «Обон» — «Куй» деб ном берган. Бу асарнинг мазмуни, чиндан ҳам, уни ўзбек ти-

<sup>1</sup> О л е с ь Г о н ч а р. Тронка. Роман в новеллах. Авторизованный перевод с украинского. Изд-во ЦК ВЛКСМ «Молодая гвардия», 1964, стр. 31.

<sup>2</sup> О л е с ь Г о н ч а р. Ҳаёт навоси. Новеллалардан иборат роман. Русчадан Лола Тожиева таржимаси. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972, 28-бет.

лида ҳатто шунчаки «Куй» эмас — «Наво», шунчаки «Наво» эмас — «Ҳаёт навоси» деб аташни тақозо этар эди.

О. Гончар ҳам ўз романига «Тронка» деб ном берган. Аслида, тронка ҳам — куй. Аммо... куйдан — куйнинг фарқи бор.

Тронка — қўнғироқ садоси дегани. Қўйлар бир-бирларидан узоқлашиб, адашиб кетмаслиги учун уларнинг бўйнига қўнғироқ илиб қўйилади. Аммо қўнғироқ садоси — шунчаки «сигнал» эмас, балки қўйлар қўнғироқнинг ана шу «жингир-жингири»ни ёқтирар экан. Шуниси борки, бу қўнғироқлар отилган снарядларнинг мис қобиғи — гильзалардан ясалади. Ўзи қўпол ишланган. Аммо ёқимли садо таратади. Бошқача айтганда, қаърида ажал уруғини сақлаган снаряд гильзаси... мусиқий куй чиқаради. Нарсалар, воқеалар замиридаги ана шу *зиддият* ёзувчининг эътиборини ўзига қаратади. О. Гончарнинг мақсади, нияти, ушбу асарни ёзишдан мурдааси, романнинг услуби — ҳаммаси гўё китобнинг *номидан* бошланади. Бамисоли бу ном асарда тасвирланган воқеаларнинг умумий фалсафий маҳражини ташкил этади, уларнинг ривожига «туртки» бериб туради. Қайси бир новеллани олиб қарамаган, унда воқеалар мураккаб зиддиятлар ичиди олиб кўрсатилган: ҳаёт ва ўлим, висол ва ҳижрон, эрк ва тутқунлик, олижаноблик ва тубанлик, маъсумлик ва жоҳиллик ёнма-ён туради. Чўпон Горпишченконинг «Бизнинг замонамизда чўпоннинг таёғи билан ракета ёнма-ён туради» деган оддий сўзларида чуқур маъно, ҳикмат бор). Кишилар баъзан ўзининг ёнгинасида жилва қилаётган бахтга қўл узата олмайди. Ҳаёт қандай бўлса — ўшандайлигича, бўямасдан, пардозламасдан олиб тасвирланади. Чунки ҳаёт қандай бўлса — ўшандайлигича: ўзининг бутун роҳат ва ташвишлари, қувонч ва қайғулари, зиё ва кўланкалари, ўтмиши ва келажаги билан — гўзал. Соф, ясама, «тинитилган» бахт йўқ ва бўлмайди ҳам. Сохта эстетизм, юзаки ялтироқлик, дабдабали баландпарвоз нағмадорлик Олесь Гончар ижодига ёт.

Тронка — қўнғироқ садоларини, чиндан ҳам, «ҳаёт навоси» деб баҳолаш мумкин. Аммо романга берилган ном таржимоннинг баҳоси, таассуроти, хулосаси ёки таърифини эмас, балки ўша номга асос бўлган нарса, предмет, ҳодиса ёки тушунчанинг ўзини акс эттирмоғи даркор.

Дарвоқе, тронка сўзини мавжуд академик, икки тилли луғатлардан топиб бўлмайди. Ёзувчи уни луғатдан эмас, ҳаётдан, оддий кишилар, «аъзойи баданини чўл шамоли қотириб юборган...», офтобда куйиб кетган серажин юзи худди бир парча эски терига ўхшаб қолган», «бир умр ерда пиёда юрган» чўпонлар тилидан олган. (Романда тасвирланган ўқимишли рус ва украин кишиларининг ўзлари ҳам бу сўзни билмайдилар).

— Тронка...

— Умрим бино бўлиб бу сўзни эшитмаган эканман, — дейди маъюслик билан Уралов. — Ҳали мен яна қанча нарсаларни билмайман (290).

Шундай қилиб, 332 саҳифадан иборат катта романнинг 301-бетигача ўқувчи «тронка» нима экан деб қизиқсиниб бораверади, ниҳоят, *ҳамма нарса* деярли «ҳал бўлиб», китоб тугай деб қолгандагина у (Уралов билан «биргаликда») тронка нималигини билиб олади: мана шу биттагина сўзнинг замирида қанчадан-қанча сир, меҳнат, фаолият, бурч, хавф-хатар, дарак, биргалик, ҳамкорлик, чорлаш ва, ниҳоят, ўша наво, ҳаёт навоси, ёқимли куй ётганлигини тушуниб этади.

Хуллас, романнинг ғоявий-эстетик мундарижаси, бош сюжет жўналишида ўзига хос ҳикматли-драматик интрига вужудга келигувчи «тронка» сўзнинг маъноси оригиналда роман мазмунига табиий йўғрилган бўлиб, китобхонда бавосита чуқур мажозий маънодор ҳиссиёт пайдо қилса, таржимада унинг ана шу муҳим ғоявий-услубий қиммати асар сарлавҳасидаёқ ечиб олинди, яланғоч ҳолда тақдим этилади, ёзувчининг машаққатли изланиш асосидаги кашфиёти бўлган зиддиятли образ таржимада сийқа иборага айлантирилган. Бошқача айтганда, автор услубан, бамисоли, тронкани Ердан олиб — осмонга кўтаради, таржимон эса, баайни, навони осмондан олиб — Ерга туширади.

Ажаб эмаски, ўзбек чўпонлари тилида ҳам «тронка»га яқинроқ бирон сўз бордир. Бўлмаслиги мумкин эмас. Бунинг учун таржимон оддий меҳ-

наткаш кишилар, чорвадорлар, сут соғувчилар, чўпонлар, деҳқонлар, ғаллакорлар орасига бориши, уларнинг яшаш тарзи, психологияси, тилини ўрганиши керак. Вадий таржима ижодий ярагувчилик иши саналишининг сабабларидан бири ҳам шунда.

## 19-§. Таржима концепцияси. Таржимон ва китобхон

Таржима концепциясининг таянч нуқтаси интерпретация-вий мавқедан иборат. Асарга қандай априор шарт-шароитлар юзасидан ёндашувимиз, унда нимани кўришни ёхуд қандай нарсани топишни мақсад қилиб қўйган ҳолда яқинлашувимизга қараб, асарнинг моҳияти ҳар хил бўлиб гавдаланади.

Асарнинг ўткир жойларини у ёки бу даража интуиция билан ажратадиган оддий китобхондан фарқ қилароқ, таржимон ўз интерпретациявий мавқеини яхши ўйлаб туриб белгилайди, бунда у ўз таржимаси билан китобхонга нима демоқчилигини билиб туриб иш кўради. Марксист-таржимонлар, деб ҳисоблайди Иржи Левий, асарнинг марксистик дунёқараш ва адабиётда реалистик йўналишдан дарак берувчи, бевосита ё билвосита ижтимоий танқид ўз аксини топган компонентларини иложи бор қадар ўқувчига бориб етадиган қилиб беришга интиладилар<sup>1</sup>.

Асарга қараш, уни қандай ўқувчига мўлжаллашдан асл нухани талқин қилиш, таржима концепцияси, яъни таржимон ижодий методининг ғоявий асоси келиб чиқади. Интерпретациялаш эркинлигининг чегарасини қандай белгилаб бўлади? Агар таржимоннинг мақсади адабий эрмак эмас, балки асл нухани реалистик тарзда қайта яратишдан иборат бўлса, у оригинални ошкор ёки пинҳоний тарзда характерлайдиган ғоявий ва эстетик омилларга қараб иш кўрмоғи лозим, демак, унга таржимон ўзининг субъектив ғояларини юқтирмаслиги даркор. Бироқ у асарга янгича қарашни кашф этиши, китоб мазмунининг айрим аспектларини алоҳида ажратиб ёхуд ишонарли тарзда таъкидлаб кўрсатиши мумкин.

Шекспир «Ўн иккинчи кеча» асарини ёзган пайтда унинг асосий ғояси драматургининг сиёсий ва иқтисодий рақиблари бўлмиш лондонлик мешчанларга қарши қаратилган бўлиб, бу уларнинг пуритан идеологиясини ҳажвий йўл билан танқид қилиш формасида намоён бўлган эди. Бу ғоявий мазмун ҳозирги томошабин учун жонсиз, баъзан ноаниқ бир тарихий реминесценциядир, холос. Шунинг учун тарихий асарларнинг ҳозирги саҳна талқинида конкрет ўтмиш воқеаларига нисбатан қўлланган ҳажвийёт орқага сурилиб, умумий ижобий ғоя юзага қалқиб чиқади: пуританизмни инкор этиш Виоланинг характерида мужассамлашган мукамал ҳаётий оптимизмни ҳамда навқиронликини тараннум этишга айланади. Бундай талқин таржима талқинига ҳам асос қилиб олинмоғи мумкин. Таржимон иш давомида Шекспирнинг пуританларга қарши кураши билан боғлиқ майда-чуйда тафсилотларни аниқ беришга интилиши шарт эмас. Чунончи, Шекспир пуританларнинг саҳнада тангри номини тилга олишни таъқиқлашларини масхаралаш ниятида христиан худоси (God) номини атайин рад қилинган мажусийлик тангрисининг номи Jove — Юпитер билан алмашти-

<sup>1</sup> Иржи Левый. Искусство перевода, М., 1947, стр. 73.

риб тилга олади. Вироқ ҳозирги томошабин учун «Юпитер мадҳияси» ҳеч қандай киноявий маъно касб этмайди. Агар бу ерда таржимон умумистеъ-  
молдаги «худого шукур» иборасини қўлласа ёинки умуман бу сунъий  
ялоқий шаккокликни қисқартириб юборса ҳам ҳеч нарса бўлмайди (74).

Асарни идрок этишдаги бу тариқа силжишларга фақат унинг реал ёки потенциал мазмуни чегараси доирасидагина йўл қўйилиши мумкин. Оригиналга узвий равишда қовуш-  
майдиган, унда илгари сурилаётган объектив ғояга зид туша-  
диган унсурларни киритган ҳолда ўзгача таржима талқини  
беришни на назарий ва на ижодий мулоҳазалар билан оқлаб  
бўлмайди. Ўз шахсий ғоясини асл нусханинг ғоясига қарама-  
қарши қўйган таржимон, истабми-истамайми, маънога янгича  
талқин беради, бу билан янги асар бунёд этади.

Таржима матнини яратиш билан ижодий жараён ниҳояси-  
га етмайди, текст — таржима яратиш ишининг интиқойи мақ-  
садига кирмайди. Таржима ҳам, худди асл нусха сингари, уни  
китобхонлар ўқиган тақдирдагина ўзининг ижтимоий функ-  
циясини бажаради.

Аввал воқеликнинг муаллиф талқини мавжуд бўлса, сўн-  
ра асл нусханинг таржимон талқини пайдо бўлади ва, ниҳоят,  
таржиманинг китобхон талқини келиб чиқади. Таржимон учун  
асосий дастмоя, бошланғич материал — асл нусханинг матни  
эмас, балки унда ифодаланган ахборотдир, бинобарин, таржи-  
моннинг мақсади таржима текстини яратишдан эмас, балки  
оригиналда акс этган мазмунни ифодалашдан иборат. Бунинг  
маъноси шуки, таржимон китобхонга қараб мўлжални олиши  
лозим.

Асарнинг миллий ўзига хослигини қай даража акс эттириш  
лозимлигини белгилашда таржимон ўша китобни тақдим этиш  
мўлжалланаётган ўқувчи хорижий маданиятни қанчалик би-  
лишига қараб амал қилади. Шу билан биргалликда, ўз таржи-  
маси билан китобхонни тарбиялайди. — Биз кўникмаган ва бу-  
нинг устига ҳаддан ташқари шартли шарқ поэзиясининг  
формаси (масалан, форс қасидаси) билан илк марта танишаёт-  
ган европалик китобхонни бу форманинг оригиналлиги ва янги-  
лиги лол қолдиради, — дейди Иржи Левий, — шундай экан,  
китобхон қўлидаги тўплам билан биринчи топқир танишаётга-  
нида унинг объектив бадий сифатига баҳо беришдан ожиз  
бўлади (103—104). Фақат бешинчи ёки ўнинчи нашрларга бо-  
риб, ўқувчи бу форманинг шартлилигига кўникма ҳосил қи-  
лиши, уни ўзлаштириши мумкин. Таржима имкониятлари  
фақат таржима усулининг пухталигига эмас, балки ўқувчи-  
нинг ҳам етуклигига вобастадир. Мукамал таржима моҳир  
таржимоннигина эмас, балки баркамол китобхонни ҳам талаб  
қилади. Таржимон китобхоннинг хорижий маданият соҳаси-  
даги билимларининг кенгайишига жуда яхши таъсир ўткази-  
ши мумкин ва шу билан у ўз мамлакатида ўша маданият тар-  
ғиботчилари бўлган бошқа таржимонларнинг мушкулини осон

қилади, — энди улар анча билимдон китобхонларга мўлжаллаб ижод қилишларига имкон туғилади. Таржимон муайян тарихий вазият тақозоси билан атайлаб маданиятларнинг яқинлашуви ёхуд узоқлашувига хизмат қила олади.

Китобхоннинг тайёргарлиги ўзгариши билан таржимага бўлган талаб ҳам ўзгара боради.

## 20-§. Бадий адабиёт ва бадий таржима

Инсон ақлий фаолиятининг икки соҳаси — фан ва адабиёт, бу соҳаларда қалам тебратувчи икки қалб эгаси — олим ва адибнинг меҳнати ўртасидаги умумийлик табиат ва жамият ҳодисаларини тасниф қилиш ва тасвирлаш, тараққиёт ва маънавий камолот йўлида жамият манфаатларига хизмат қилишдан иборат. Бироқ фан билан адабиёт ва санъатнинг ўзига хослиги уларнинг ўз қонуниятлари, мақсади, вазифаси, тадбир ва воситаларга эга эканлиги билан белгиланади. Фан ва адабиёт ҳақида гап борганда, уларга муқобил равишда *тадқиқ* ва *тасвир*, *факт* ва *образ*, *таҳлил* ва *мушоҳада*, *материал* ва *сюжет*, *структура* ва *композиция* хусусида кўпроқ гапирилади. Масалан, фанда бирон илмий ҳодиса ёки проблема *тадқиқ* қилинса, адабиётда кишилар ўртасидаги муносабатлар *тасвирланади*; фаннинг асосий дастмояси — *факт*, адабиётнинг ашёси эса *образдир* ва ҳоказо. Албатта, фан билан адабиётнинг ўзига хослигини бу тарзда фарқлашда маълум шартлилик бор. Масалан, таҳлил ва мушоҳадани олинса, фанда фақат таҳлил, адабиётда нуқул мушоҳада қилинар экан, деб тушунмаслик даркор. Гап шундаки, фан таҳлили — *илмий таҳлилдан*, адабиётда эса бу *бадий таҳлилдан* иборат. *Илмий мушоҳада* билан *бадий мушоҳада* тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Илмий тадқиқот учун асос бўлган фактлар билан бадий асарга асос бўлган омиллар бир-биридан жиддий фарқ қилганидек, бадий адабиёт образи билан фандаги шартли символлар бир-бирига сира ҳам ўхшамайди. Чунончи, математика, физика, техника, кимё каби фанларда қўлланиладиган формула, чизмалардаги шартли белгилар ҳам, аслида, ўзига хос «образ», тўғрироғи, фикр, муддао, ғояни абстракт тарзда умумлаштирувчи тимсоллардир. Лекин бирон роман ёки дostonдаги образ билан илмий монография ёинки рисоладаги шартли тимсолларда зоҳирий қиёсга йўл қўйилса-да, улар ўртасида чуқур ботиний тафовут бор.

Демак, бадий адабиётнинг ўзига хослиги юзасидан баҳс очганда, *образ* ва *образлилик*, *тасвир* ва *тасвирийлик*, *мажоз* ва *мажозийлик* ҳақида гапириш ўринлидир.

Бир наво оқади —

Ҳаётбахш;

Бир дарё оқади —

Мавжли;

Бир орзу кезади —

Эзгулик.

Бир инсон яшайди —

Умр боқий;

Бу наво,

Бу дарё,

Бу орзу,

Бу инсон — Ленин!

**Эш шоир Тилак Жўранинг** бу шеърда сифатлар, аксарият, бир сўздан иборат (*ҳаётбахш, мавжли, эзгулик, умрбоқий*), мисралар ниҳоятда мухтасар. Умуман, бутун бошли шеър қуйидаги сўзлардан иборат: *Ленин, наво, дарё, орзу, инсон; ҳаётбахш, мавжли, эзгулик, умрбоқий; бир; оқмоқ*. Жами 11 та сўз. Лекин бу кичик шеърда катта бадий тадбир қўлланган: формал семасиологик (маъновиёт) нуқтаи назаридан олиб қараганда бир-бирига қойилмақом келмайдиган табиий, ижтимоий, мантиқий тушунчалар параллел қўйилиб, гўзал бир услуб яратилган. Шоирнинг доҳийга бўлган ихлоси гоят содда, бетакаллуф, самимий ифодаланган.

Бадий таржиманинг бошқа турдаги таржималар — илмий-техника китоблари, ижтимоий-сиёсий асарлар таржимасидан фарқи бадий адабиётнинг фан соҳаларидан фарқланишига ўхшайди. Бошқача айтганда, бадий таржиманинг ўзига хослиги бадий адабиётнинг ўзига хос сифатлари билан белгиланади. Лекин бадий таржиманинг оригинал бадий адабиётдан фарқи унда филологик таҳлил ва лисоний-услубий қиёснинг иштирок этиши билан белгиланади. Чунончи, ёзувчи, шоир ёки драматургдан шу жанрлардаги асарларни ўз тилига ўгириш иши билан шуғулланувчи ижодкорнинг фарқи шундаки, у (таржимон) авторнинг муддаосини бошқа тилда қайта ифодалайди, унинг асарини қайта тиклайди. Бунда эса, тасвирдан ташқари, қиёс ва таҳлил ҳам иштирок этади. Тўғри, ёзувчи ҳам баъзан соф услубий мақсадларда — ўзи тасвирлаётган давр ҳамда турли ижтимоий табақаларнинг тил хусусиятларини, персонажлар тилининг ўзига хослигини берганда ички лисоний-семантик таҳлил ҳодисаларига дуч келади. Бунда у бир тил доирасида унинг турли қатламларини чоғиштиради, бамисоли бир тилда сўзлашувчи персонажлар ҳам бир-бирларининг «тил»ларини «таржимасиз» тушунмагандай бир ҳол рўй беради. Аммо бундай ҳолни *таржима* жумласига киритиб бўлмайди.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида бош қаҳрамоннинг номи туркий тилда қуйидагича талқин этилади:

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди.  
Ҳуруфи маъҳазин беш қисм қўйди.

Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард  
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард<sup>1</sup>.

Авалло, мазкур сўзларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирги ўзбек ўқувчисига таниш эмас. Бу ерда маъноси тушунарли бўлмаган сўзлар: *фарзона, ҳуруф, маъҳаз, фард*. «Навоий асарлари луғати»дан: *фарзона* — оқил, доно (633); *ҳуруф* — ҳарфлар (781); *маъҳаз* — бирор нарсанинг олинган жойи, манбаъ (380); *фард* — 1) якка, ёлғиз; 2) ажралган (632).

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 7-жилд. «Тошкент» нашриёти, 1964, 15-бет.

Келтирилган икки байтдаги сўзлар ҳозирги ўқувчига гарчи тушунарли бўлиб, юқоридаги эскирган калималарнинг маъносини билиб олгандан кейин ҳам, муаллифнинг муддасини тўла-тўқис ўқиш учун бирмунча бош қотириш керак, чунки навбатда — қадимги ўзбек тилининг жумла тузилишидаги ўзига хослик қийинчилик туғдиради. Чунончи, бу ўзбек тилига қуйидагича табибли қилинган: «...Унга доно «Фарҳод» исми қўйилди. Бу исмнинг ҳарфлари келиб чиқиши ҳам беш қисмга бўлинди. Беш сўзнинг бошида биттадан ҳарфни ажратганда, «фироқ»дан «ф»ни, «рашк»дан «р»ни, «ҳажр»дан «ҳ»ни, «оҳ»дан «о»ни ва ниҳоят «дард»дан «д»ни севги устози бир-бирига бириктирганда «Фарҳод» исми тартиб топди»<sup>1\*</sup>.

Саҳифада сатр остида рақам қилинган изоҳ — *фироқ, рашк, ҳажр, оҳ, дард* сўзларининг араб ёзувида битилиши назарда тутилганлигини қайд этиш жуда муҳим. Достонни асл туркий нусхасида ўқувчилар учун ҳам, уни русча таржимасида мутолаа қилувчилар учун ҳам бу қайд зарур. Русча таржимасида ҳам китоб охирида қуйидагича изоҳ берилган: «Араб ёзувида Фарҳод номи бешта ҳарф билан ёзилади (иккинчи қисқа «а» унлиси ёзилмайди)»<sup>2</sup>. Юқоридаги икки байтнинг русча таржимаси:

«Фирак» — разлука. «Ах» — стенаний звук,  
«Рашк» — ревность, корень самых горьких мук.

«Хаджр» — расставанье. «Дард» — печали яд,  
Сложи пять первых букв, прочтешь: «Фархад» (32).

Таржимон «Фарҳод» исмининг талқинини беришда ниҳоятда нозик иш олиб борган. Умуман, таржимода асл нусхада акс этган бу сингари талқин ва шеърӣ санъатларни акс эттириш жуда қийин.

Алишер Навоӣ «Фарҳод» исмига асос бўлган бешта сўзнинг ўзини беради-ю, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида шарҳлаб ўтирмайди. Ба-шарти, рус таржимони ҳам шу йўлдан бориб, матн ичида ўша бешта сўзни келтириб, сўнгра сатр остида уларнинг маъносини берганида (баъзан шундай ҳам бўлади), бу таржимадан кўра шарҳ бўлиб қолар эди. Л. Пеньковскийнинг усталиги шундаки, у текст ичидаёқ сўзларни бирма-бир айнан келтириб, ўша заҳотиёқ ёнма-ён уларнинг таржимасини ҳам беради.

Лекин Л. М. Пеньковский таржимасида кичик бир қусурга йўл қўйилганки, бу — тиллар ва таржималар; муаллиф ва таржимон; бадиӣ адабиёт ва бадиӣ таржима муносабатлари баҳсида зарур нуқтадир.

Арабий имлода *Фарҳод* номи «Фрҳод» шаклида ёзилади. Бунда биринчи бўғиндаги қисқа «а» унлиси графикада қайд этилмайди. Араб ёзувининг бу хусусиятидан хабардор бўлмаган киши юқоридаги сўзни, дарҳақиқат «Фарҳод» деб ўқиши мумкин. Бироқ шундай ўринларда қандай унли келишини (и, у, а), гарчи ёзувда махсус ҳарф билан қайд этилмасида, китобхоннинг ўзи интуиция, фаросат билан топиб, «тўғрилаб» ўқиб кетаверади. Чунончи, «Фарҳод» сўзида ҳам биринчи бўғинда «а» келишини ўқувчи дилдан билади. Лекин шуниси борки, араб ёзувида ифодалаганда ҳозирги имлодаги сингари 6 та эмас, балки 5 та ҳарф иштирок этади. (Шунинг учун ҳам Навоӣ «Хуруфи маъҳазин беш қисм қўйди» дейди).

Русча таржимода эса масала бошқачароқ талқин қилинган. Бу фарқни аниқлаш учун аслида ва русча таржимасида ўша сўзларнинг ёзилишини алоҳида ажратиб кўрсатайлик.

Алишер Навоӣ. Фарҳод ва Ширин. Насрий баён муаллифи Ғафур Ғулум. Насрий текстни айрим тўлдиришлар билан қайта нашрга тайёрловчи А. Ҳайитметов. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1975, 23-бет.

\* Сатр остида: «Бу сўзларнинг араб ёзувида ёзилиши кўзда тутилади» деб изоҳ берилган.

<sup>2</sup> Алишер Навоӣ. Сочинения в десяти томах, т. IV. Фархад и Ширин. Перевод Льва Пеньковского. Изд-во «Фан» Узбекской ССР, Ташкент, 1968, стр. 392.



фироқу	фирак
рашку	ах
ҳажру	рашк
оҳ	хаджр
дард	дард

Шақлан олиб қараганда, «Фарҳод» номи аслида «Фрҳод» ёзилган бўлса, русча таржимасида, аксинча, «Фархд» бўлиб қолган. Аслини олганда, ҳозирги ўзбек имлосида ифодалаганда ҳам «Ҳуруфи маъҳазин беш қисм қўйди» дейиш тўғри бўлмайди, негаки бизда бу — 6 та ҳарф бўлиб кетяпти. Лекин ўқувчи махсус изоҳ берилиши натижасида гап араб алифбосига асосланган қадимги ўзбек ёзуви ҳақида бораётганини билиб олади. Русча таржимада ҳам шу ўринда берилган изоҳ жоиз, аммо у тўғри эмас. Чунки Л. Пеньковский иккинчи қисқа унли «а» ёзилмайди деган, аслида эса бу — қисқа «а» унлиси эмас, балки чўзиқ талаффуз этиладиган ва ёзувда алиф билан бериладиган «о» унлисидир. Иккинчидан эса, худди шу чўзиқ «о» билан бошланган «оҳ» сўзи русча талаффузга олиниб, биринчи бўғинга ўтказилган («ах») ва ...эски ёзув қоидаси бузилган — худди шу ўринда қисқа «а» ёзилмаслиги керак эди.

Юз берган аҳволдан чиқишининг бир қанча йўллари бор: араб ёзувининг қоидасини йиғиштириб қўйиб, соф русча графика ва талаффуз асосида «Фархад» ёзиб, сўнг муаллиф талқинига яна бир унсурни қўшиш. (Фарҳод образига терс тушмайдиган, «а» ҳарфи билан бошланадиган бирон «беозор» сўзи — *ашк, амр, азм, айн* ва ҳоказо — қўшиб, унинг талқиний таржимасини берса бўларди). Аммо бундан ҳам чиройлироқ йўли — муаллиф концепцияси ва талқинига ўзгариш киритиб ўтирмай, асл нусхада иккинчи бўғинда келган ва алиф билан битилган «оҳ» сўзини таржимада биринчи бўғинга олмай, «ох» тарзида иккинчи бўғинда берилaversa-ю, сўнгра изоҳланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Албатта, бу соф назарий-лисоний мулоҳазалар. Бундай тўғри илмий рецепт, назарий технология асосида тайёрланган нарса таржимада танланган вазн, мисра, қофиянинг ҳажми, мусиқасига ҳамоҳанг келадими ёки йўқми, деган муаммо пайдо бўлади. Ҳар ҳолда, ҳамма ўринларда бўлма-са-да, ҳозир қайд этилаётган сингари муҳим жойларда шакл билан мазмун бирлигини таъминлашга кўпроқ эътиборни қаратишга тўғри келади.

Алишер Навоийнинг ушбу дostonи қирғиз тилига «Фархад менен Ширин» деб ўгирилган<sup>1</sup>. «Фарҳод» номининг талқинига доир мисралар қирғизчага бундай ўгирилган:

«Фирак» — дейт айрылууну, «Ах» — ый делет,  
«Решк» — болсо ичи тардык эссиз демек.

«Хежр» — болсо ажырашып мунду тартат,  
«Дерд» — азап. Беш тамгадан чыгат Фархад (40).

Қирғиз тилида ҳам дostonнинг русча таржимасида берилган нотўғри изоҳ айнан такрорланган: «Беш создон атты койду»... арабча Фархаддын аты беш тамга менен жазылып, аяккы «а» тамгасы жазылбайт» (426). Ана шундай «қоида»га асосланиб ўгирганда «Фарҳод» номи қирғизчада қуйидагидай бўлиб чиққан:

фирак  
ах  
решк  
хежр  
дерд

<sup>1</sup> Алишер Навои. Фархад менен Ширин. Которгон Смар Шимеев. Кыргыз мамлекеттик басмасы, Фрунзе, 1962, 40- бет.

Ушбу китобга таржимон С. Шимеев томонидан берилган «Сўз боши»ни ўқиганда масала батамом равшанлашади. «Достонни таржима қилишда мен, кўпинча, унинг ўзбекчасидан фойдаландим,— деб ёзди таржимон,— ҳозирги ўзбек ўқувчиларига тушунарли бўлсин учун китобнинг бир бетида — Навоийнинг асл нусхаси (қадимги ўзбек тилида) босилган бўлса, ўша саҳифанинг қаршисида унинг маъноси соддалаштириб таржима қилинган. Менга ўша таржима қўл келди. Негаки, қадимги ўзбек тилини тушуниш менга қийинлик қилди. Шу сабабдан Лев Пенъковскийнинг русча таржимасидан ҳам фойдаланганимни эътироф этмасам бўлмас.

Достонни таржима қила бошлаганимда, ўзбекчасини дуруст тушунмаганимдан, кириш сўз билан бошдаги тўрт бобни русчасидан ўгирдим. Кириш сўз русчага қисқартиб ағдарилган экан. Қирғизчаси ҳам шундайлигича қолди. Ундан сўнгги бобларни кейин ўзбекчасига солиштириб қараб чиқдим. Бора-бора ўзбекчага тушуна бошлагач, асл нусхадан фойдаландим. Нега деганда, русчада асл нусха хийла қисқартирилиб, айрим жойлари ўгирилмай қолиб кетибди. Уларнинг барчаси қирғизчага таржима қилинди. Мен достоннинг охириги қисмидан ҳам бир оз қисқартирдим. Зеро, достоннинг охириги қисмида, сўнгги бобдан кейин «Шаҳзода Абулфаворис шоҳга бир неча сўз билан насиҳат айтгани» номли бобнинг ҳикояси достоннинг сюжетига сира боғланмаганлиги туфайли русчада таржима қилинмай қолди. Мен ҳам уни ўгиришни лойиқ топмадим» (21).

Алишер Навоий асарларини ҳозирги ўзбек адабий тилига шеърӣ таржима қилишга зарурат тугилди, деб фараз қилайлик. Мабодо, шундай иш амалга оширилса, юқорида қайд этилган икки байтни ўзбек тилига ҳам ундаги ҳар бир сўзни, рус ва қирғиз тилларида қилинганидай «қўшалоқ таржима-талқин»да беришга тўғри келармиди? Йўқ, чунки *фироқ*, *рашк*, *ҳажр*, *оҳ*, *дарт* сўзларининг барчаси ҳозирги адабий тилда ҳам ҳеч бир ўзгаришсиз қўлланилади. Рус тилига эса фақат зарурат орқасидагина шарҳлаб ўгирилган. Бироқ нега энди туркийзабон халқ бўлган қирғизларнинг тилига ҳам бу сўзма-сўз шарҳлаб ағдарилган? Наҳотки ҳозирги қирғизларга бу калималар тушунарли бўлмаса?

Қирқ мингта сўзни ўз ичига олган қирғизча-русча луғатни<sup>1</sup> варақлаганда, дарҳақиқат, унда юқоридаги сўзларнинг кўпчилиги йўқлиги маълум бўлди. Чунончи, «ф» ҳарфида жами 151 та сўз акс этган бўлиб, уларнинг 148 таси Ғарб тилларидан кирган сўзлар. Фақат учта сўз шарқий маъбалардан олинган, аммо улар орасида *фироқ* учрамайди; *рашк* сўзи ҳам луғатда мавжуд эмас; қирғиз тилида «ҳ» товуши йўқ, «х»да эса ҳаммаси бўлиб 58 та сўз акс этган. Улардан 38 таси — интернационал терминлар, қолганларининг орасида *ҳажр* кўринмайди. Қирғиз тилида *оҳ!* ундови йўқ. Виргина *дарт* сўзи учрайди, холос (186).

Лекин русча таржимага эргашиш натижасида унда йўл қўйилган айрим нуқсонлар айнан ёки ҳатто бир оз қабарган ҳолда қирғизча таржимага ҳам кўчган. Аввало, асар қаҳрамони номининг нотўғри талқини сақлаган. Бундан ташқари, русча таржимада биринчи байтнинг иккинчи мисраси: «Рашк» — ревность, корень самых горьких мук» деб ўгирилса, қирғиз таржимони бунди: «Решк» — болсо ичи тардык эссиз демек» тарзида бериб, мазкур сўзга ҳаддан ташқари ориқча қора бўёқ суркаб юборади; *ичи тар* ибораси қирғизчада — «зиқна», *эссиз эса* «эси паст» маъноларини ифода этадики, Фарҳодга нисбатан бундай қаришлар Навоий талқинига ҳам, асарнинг умумий ғоясига ҳам тамоман зиддир.

Бадий таржимада *интуиция* билан *тахлил*, *илҳом* билан *қийёс*, *интерпретация* билан *аниқлик* доим бирга юради. Қуруқ «илҳом»га асосланган таржима меъёрсиз эркинликнинг дояси бўлгани сингари, фақат тил билишнинг ўзига таяниб қилинган

<sup>1</sup> Киргизско-русский словарь. Составил проф. К. К. Юдахин. Изд-во «Советская энциклопедия», М., 1965.

таржима ҳам бадий ижод намунасини шира, завқ, эстетик маънодан маҳрум этиб қўйиши мумкин.

Асл нусхадан қилинган таглама (подстрочник) билан унинг бадий таржимаси қиёс қилинса, таржимоннинг тадбири, маҳоратининг сири нимада эканлиги аён бўлади.

Алишер Навоийнинг «Девони Фоний»сидан бир нечта рубоийлар таржимаси билан танишамиз.

Лоф аз дониш нест ба жуз нодони,  
Донишгани жаҳл илм шуд то дони,  
Мушқил ба худат кор чаро гардони,  
Чун бошад як нею ҳазор осони.

Профессор Ҳамид Сулаймоннинг насрий таржимаси:

Донишмандликдан лоф уриш нодонликдан бошқа нарса эмас,  
Агар билсанг, нодонликни билишнинг ўзи илмдир,  
Нима учун ўз ишингни оғирлаштирасан?  
Битта «йўқ»дан мингта осонлик юзага келади<sup>1</sup>.

Профессор Шоислом Шомуҳамедовнинг шеърий таржимаси:

Билимдан лоф урмоқ асли нодонлик,  
Нодонлигинг билсанг, шу билимдонлик.  
Ўз бошингга ўзинг солма ҳайронлик,  
Бир «йўқ» келтиради минглаб осонлик<sup>2</sup>.

Насрий баъндан шеърий таржиманинг фарқи кўришиб турибди — бу ҳар бир жанрнинг ўзига хослиги билан изоҳланади. Бироқ шеърий таржима асл нусханинг ҳам «шундоққина» такроридан иборат эмас, аксинча, агар таржимон-шоир асл нусханинг матнига асир бўлиб, муаллифнинг сўз ва жумлалари таъсиридан чиқа олмаганида, форс-тожик тилида гўзал ашъор айтган Фонийнинг — ўзбек тилида Навоий эканини кўрсата олмасди. Чунончи, иккинчи мисрадаги *жаҳл* сўзини айнан олинганида, «ғазабнок бўлиш» деган маънони берар, бу эса фикрни бузган бўлар эди. Масалан, ўзбекча-русча луғатда жаҳл сўзи «ғазаб», «алам», «зарда», «ўпка» маъноларида изоҳланган (152). «Навоий асарлари лугати»да эса мазкур сўзнинг биринчи, асосий маъноси сифатида «билимсизлик, нодонлик, билмаслик» (223) қайд этилган. Бас, Алишер Навоий замонасида қўлланилган «ўша» сўзлар гарчи ҳозир ҳам «айнан» бўлса-да, уларни (шоир яшаган замонларда яратилган, хусусан, унинг ўз қаламига мансуб асарлар таржимаси ва талқинида) бефарқ ишлатиб бўлмайди. Шунинг учун бу ўринда *жаҳл* сў-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ун беш томлик. Бешинчи жилд. Девони Фоний (II китоб). «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, 1965, 431-бет.

<sup>2</sup> «Алишер Навоий шеъриятидан». Тузувчи — халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати Шоислом Шомуҳамедов. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, Тошкент, 1977, 111-бет.

зини ҳозирги кенг маънода *нодонлик* деб олингани жуда ўринли.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам,  
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам,  
Кўзларни олишмоқға чекиб тиғи ситам,  
Эл кўзини ҳам ўйгаю ўз кўзини ҳам.

Алишер Навоийнинг рубоийларидаги вазн бўлиқлиги, ялпи қофияланган мароқли мисраларни ўзбек тилига шоирнинг буюк номига муносиб бир тарзда ўтказиш гоят масъулиятли, машаққатли иш.

Омад зи насими субҳ бўйи ту маро,  
Дар равза намуд жилваи кўй ту маро,  
Гул дидаму шуд нишони рўи ту маро,  
Маълум нашуд ва лек хўи ту маро (412).

Насрий таржимаси:

Тонг шамолдан (димоғимга) сенинг исинг келди,  
Ва боғдан кўчанг жилваси кўринди.  
Гул кўрдим, (аммо у) юзинг нишонаси бўлди,  
Лекин менга феъл-атворинг қандайлиги маълум бўлмади (413).

Шеърий таржимаси:

Тонг ели кетурди димоққа бўйинг,  
Жаннат жилвасида бор кўча-кўйинг,  
Гулда кўра олдим мен сенинг рўйинг,  
Аммо билолмадим, надур феъл-хўйинг! (108).

Бу каби сўз жилвалари, маъно теранлиги, сўз ўйинларини, айниқса, генетик жиҳатдан узоқ тилларда бериш ниҳоятда қийин. Негаки, бу ерда луғавий яқинлик, ҳамоҳанглик, шеърий системада муштараклик йўқ. Масалан, туюқларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш амри маҳол. Лекин айрим совет шоирлари ҳатто туюқлар таржимасига ҳам журъат этмоқдалар, ўз қаламлари кучини синаб, дурустгина натижа-ларга эришмоқдалар.

Э нигоро, кўзларингдек кўз қани!  
Йиғлабон ҳажрингда оқти кўз қони;  
Телмурибон йўлингга, э бағри тош,  
Интизорингда оқибдур кўз, қани? (91).

Профессор С. Н. Иванов таржимаси:

Никто таких, как у тебя, ввек не имел очей,  
Мир без тебя исполнен слез, обид и мелочей,  
Жестокая, когда в тоске я выплакал глаза,  
Любимый образ пред собою ты имел чей?!

<sup>1</sup> Алишер Навои. Стихотворения в поэмы, М. Л., 1965, стр. 233.

Маълум бир шоирнинг турли даврларда яратган асарларида ёки бир қанча шоирларнинг ижодида бир-бирига зид келувчи фикрлар илгари сурилган бўлиши ҳам мумкин, аммо бу — адабнинг ижодий эволюцияси, дунёқараши, замонлар ўртасидаги тафовут, миллий ўзига хослик каби объектив омиллар билан изоҳланса, бундай асарлар барабар таржима қилинаверади.

«Девони Фоний» да замон ва замона аҳлидан ижтимоий нозилик мотивлари кучли бадий эҳтирос билан ифодаланган рубоийлар бор.

Эй дил, рўзат тира шуд аз аҳли замон,  
З-он сон, ки бувад шабат ҳамон, рўз ҳамон.  
Аз жабри замон чу як замон нест амон,  
Гар хоҳи амон, жоми май аз даст намон (428).

### Насрий таржимаси:

Эй дил, кунинг қаролиги замона аҳлидандир,  
Шу сабабли кечанг қандай бўлса, кундузинг ҳам шундай,  
Замона жабридан бир лаҳза ҳам амонлик йўқ,  
Амонлик истасанг, май жомини қўлдан қўйма.

Лекин шу билан бирга, «Девони Фоний» да мана бундай кайфият билан яратилган бадий гўзал рубоий ҳам учрайди:

Ҳар чиз расад зи аҳли даврон махурўш,  
В-аз қисми азал зиёдаро беш макўш,  
Бар банд зи ношундани рахнаи гўш,  
В-аз ҳарчи нагуфтани, забон дор комўш (422).

### Насрий таржимаси (Ҳамид Сулаймон):

Даврон аҳлидан бошингга ҳар қандай иш келса, исён қилма,  
Тақдирнинг берганига кўнгину ундан ортигига уринма,  
Эшитиш лозим бўлмаган гаплардан қулоғингни бекит,  
Айтилиши лозим бўлмаган ҳар қандай гапдан тилингни тий (423).

### Шеърий таржимаси (Шоислом Шомуҳамедов):

Даврондан не келса, айлама исён,  
Тақдиринг не берса, сабр айла, инсон.  
Бўлмағур гаплардан қулоғингни тий,  
Номақул сўзлашдан тийилсин забон (110).

Оташин венгер шоири Шандор Петефининг эса *сабр, бардош, итоат, тоқат* тушунчаларига муносабати бутунлай бошқача:

Не хочу я гнуться, как ива  
На болотных кочках где-то.  
А хочу сгореть от молнии  
Словно дуб в разгаре лета.

## Шукрулло таржимаси:

Истамайман мажнунтол каби  
Ботқоқликда чиришни мутлоқ.  
Қани энди чинор бўлсаму  
Куйдирса ҳам розиман чақмоқ.

(«Оташ» шеърдан).

Терпение, ты добродетель  
Ослов и ласковых ягнят!  
Тебе мне выучиться что ли?  
А, выучим, провались ты в ад!

Коль шляешься ты словно нищий,  
И там и тут, в дома стучась,  
Там у моих дверей не кланчи,  
И уходи-ка лучше с глаз!

## Шукрулло таржимаси:

О, сабру қаноат, марҳаматингни  
Эшак ва қўйларга қилишинг мумкин.  
Наҳотки, мен тушсам сенинг измингга?  
Йўқ, йўқ жаҳаннамнинг қаърига чекил!

Дарбадар гадодек эшикма-эшик,  
Ўлжа илинжида юрасан беҳол.  
Менинг остонамдан марҳамат кутма,  
Менинг кўзларимга кўринма, йўқол!

Олимларнинг кузатишича, ўсимликлар орасида ҳам «йиғлаш» хусусияти мавжуд экан. Масалан, одам қаттиқ йиғлаганида кўздан минутига икки чой қошиги миқдоридан ошаркан. Йиғлоқи ўсимликлар эса кунига бир литрдан тортиб (ток новдаси) то ўн литргача (журмо дарахти) шира оқизар экан. Оқ қайин кунига беш литрлаб «ёш» тўкади. Мажнунтол ҳам «йиғлоқликда» бошқа дарахтлардан қолишмайди.

Мажнунтол шеърят оламига «йиғлоқи» образ бўлиб кирган. «Оташ» шеърда Петефи боши доим ҳам бўлиб турадиган мажнунтолнинг ботқоқликларда чиришига нисбат берган ҳолда, чақмоқ ёндириб юборса ҳам эман дарахтидай қаддини тик тутиб ўлишни афзал кўради.

Сабр-қаноатга бағишланган шеърда ҳам шоир бу хислатнинг эшак ва қўйларга «ярашиши», инсон эса ўз бахти йўлида доим матонат билан кураш олиб бориши лозимлигини айтади.

Шандор Петефи илғор инқилобий ғояни ифодалаганда буни қуруқ «тарғибот», «сўзамоллик», «суханварлик» билан эмас, балки қисқа шеърый формада изҳор этаркан, унинг танлаган образлари жуда характерлидир (ботқоқлик — мажнунтол; эман (чинор) — чақмоқ; эшак, қўй). Бундан ташқари, объектив равишда олганда, инсон табиатининг олижаноб хислатларидан ҳисобланмиш сабр, бардош («сабр туби олтин» дейди халқимиз) ҳам конкрет замон, тарихий давр, Венгрияда ишчилар синфининг аҳволига нисбатан татбиқ этилиб, ана шу мавқедан туриб қораланади. Чунки асрлар мобайнида «ўнг бетингга урсалар — чап бетингни тут» деган мафкуравий ақи-

да таъсирида тарбияланиб келган омма қўлга қурол олиб, ўз бахти учун фаол синфий курашга отланаркан, у ўз тирикчилик шароити, эрк-қуқуқсиз муҳити билан «қаноатланиб» қола олмас, бундай вазиятда уни «сабр-бардош»га даъват этиш эса меҳнаткаш халқнинг манфаатларига хоинлик қилиш билан баробар эди.

Образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик, тасвир ва тасвирийлик бадий адабиётнинг бош хусусияти бўлгани сингари, бундай адабий-эстетик компонентларни бадий таржимада мукамал акс эттириш таржимон олдида турган асосий вазифалардан биридир.

«Лайли ва Мажнун» достонининг XXXV бобида Алишер Навоий маъшуқанинг вафот этганини шундай образли тасвирлайди: «Хазон ели боғ зеболари ҳаёти шамъин ўчурганда Лайли ҳаёти баҳорининг гулларини ажал хазони тундбоди кўкка совуруб Мажнуннинг доғи булбули руҳи бадан қафасин гулбун узра ташлаб ул ҳаволангон гул барги сўнгинча ҳаво тутқони».

А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» романидаги қуйидаги мисраларни олиб кўрайлик:

Бўрон энди тинди тонг шафагинда,  
Гўзал, тоза чечак сўлди бемаҳал.  
Сўниб қолди бирдан меҳробда машъал.

Агар Пушкин бу ўринда «Ленский ўлди» деб қўя қолса, фикр образсиз, таъсирсиз ифодаланган бўлар эди. Шоир эса, жўшқин йигит сифатида, Ленскийнинг қазо қилганини бўроннинг тинишига, унинг бевақт вафотини энди очилган тоза чечакнинг сўлишига, машъалнинг ўчишига ўхшатади ва бу билан ўқувчининг шуурига, қалбига кучли таъсир этади.

Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасида биронта ортиқча ашё, ноўрин ёки кераксиз образ, бемақсад такрорланган сўз йўқ. Ундаги ҳар бир образ пухта ишланган, ҳар бир жонсиз предмет муаллифнинг талқини ва тасвирида гўё «тилга киради», сермаъно, сержилва бўлиб қолади. Гўё: Мўмин чол — «шунчаки» кекса одам, Бола — «киройи» гўдак, Ҳузқул — «одатдаги» тошбағирлардан эмас. Шунингдек, унда тасвирланган *денгиз, оқ кема, буғулар, тоғ-тошлар, дурбин, бузоқ* ва бошқа барча жонли ва жонсиз предметлар ўқувчининг кўз ўнгида узоқ вақтлар сақланиб қолади.

Қиссанинг кириш қисмида Мўмин чаққон невараси оқиб кетмаслиги учун унга дарёнинг саёз бир жойидан кўлча ясаб беради. Невараси дарё оқимига ўтмайди, доимо шу кўлчада сузади. Бобоси буғуни отгач, ҳаммадан ҳафсаласи пир бўлган бола кўлчага ҳам ишонмайди — дарёнинг оқимига қараб кетади ва ғарқ бўлади. Ёзувчи шу *кўлча* орқали нима демоқчи? Асарни беҳафсала ўқиган кишига бу — оддий бир кўлча. Балки муаллиф у орқали «бир нима» айтмоқчидир? Худди

шундай: ҳар бир нарсанинг чегараси бор демоқчи. Агар оддийгина қилиб, «ҳар бир ишнинг қонун-қоидаси бор», «чегараси бўлади» деса-чи, унда бу гап ўқувчи ҳар кун эшитадиган «насиҳат» бўлиб қоларди, холос\*.

Ҳар бир деталь, ифода ва ишора орқали ёзувчи, шоир бир гап айтиш, бир манзара чизишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Таржимон буни илғамас, аниқ таржима қилмас экан, асар ўз қиммати, маъносини йўқотади. Муаллиф ўқувчи кўз олда янги бир нарса кўтариб чиққан новатор эмас, оддий «қаламқаш» бўлиб қолади. Ҳолбуки, «ҳақиқий шоирнинг қалби то тиниш белгилардан тортиб ҳамма нарсаларни акс эттириши керак»<sup>1</sup>. Асил Рашидовнинг Чингиз Айтматов ижодидан қилган таржималари, аксарият, деталларнинг аниқ, бадий тафсилотларнинг пухта берилиши тарафидан ибратлидир.

## 21- §. Адабий алоқа ва бадий таржима

XX аср — тарихга илмий-техника революцияси асри бўлиб кирди. Ер юзида ҳар 25 секундда бир илмий кашфиёт рўй бериб турганини<sup>2</sup> кўз ўнгимизга келтирсак, фаннинг ҳозирги тараққиёт суръати ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Фан беқиёс тараққий этди, техника бениҳоя юксалди.

Рус совет ёзувчиси Сергей Залигин (Москва) СССР Ёзувчиларининг V съездида сўзлаган нутқида фанда ва санъатда юз берадиган кашфиётнинг ўзига хослиги ҳақида гапирган эди.

— Фанда ҳам, санъатда ҳам юз берган ҳар бир катта ҳодиса, — деб ёзганди у, — айни вақтда катта кашфиёт ҳам демакдир.

Иван Ползунов биринчи буғ машинасини яратди, лекин бу машина нусхаси Барнаулда, музейда сақланиб турибди, бинобарин, ҳозир унинг бирон-бир амалий, замонавий қиммати йўқ. Ўша нусханинг асбоб сифатида муҳимлиги қолмаган бўлса-да, шу машина ёрдамида буғ воситаси билан ҳаракатга келтириш *принципи* кашф қилингани муҳим.

Санъат кашфиётининг тақдири эса бунинг аксидир. Бунда кашфиётнинг дастлаб яратилиши, конкретлиги ҳеч қачон ўз оҳорини йўқотмайди, доим порлаб туради. Бирон поэма ёки роман яратилган экан, уларни кашф қилиш принципи эмас, балки шу санъат асарлари, уларнинг ўзи абадий қолади.

Менделеев қонуни бор, бироқ Толстой қонуни ёки Достоевский қонуни йўқ. Илмий кашфиёт ўша кашфиётдан сўнг биз фойдалана оладиган принципнинг туғилишига олиб келса,

\* Тилак Жўранинг кузатишларидан.

<sup>1</sup> В. Орлов. «А. Блок». Государственное изд-во «Художественная литература», М., 1959.

<sup>2</sup> «Литература и современный мир» китобида Владимир Мачавариани нутқидан. Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 38-бет.



адабий анъанада даставвал конкрет ёдгорликлар — конкрет асарларнинг ўзлари, уларнинг мавжудлиги муҳим, биз уларга улкан, қўл етмас чўққи деб қараймиз.

Сергей Залигиннинг кузатишича, бутун рус классикаси худди бирдан туғилгандай: 1799 — Пушкин; 1809 — Гоголь; 1811 — Белинский; 1812 — Герцен ва Гончаров; 1814 — Лермонтов; 1818 — Тургенев; 1821 — Достоевский ва Некрасов; 1823 — Островский; 1826 — Салтиков-Шчедрин; 1828 — Толстой ва Чернышевский. Шуниси қизиқки, бу улкан адиблар бир онанинг фарзандлари бўлиши, улар бир волидадан таваллуд топиши мумкин эди. Ўша аёл 17 ёшида биринчи Пушкинни дунёга келтириб, 46 ёшида Толстойни кўриши мумкин эди.

«Толстой асарларини ўқир эканман, шу нарсани ҳис қиламан: ёзувчи ўз-ўзига ҳам, ўз ижодига ҳам ҳайратланиб қарагандай туюлади»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Пушкин, Гоголь, Толстой, рус адабиётининг бошқа намояндалари ҳам, агар ўзлари ҳамда ўз ижодларининг ҳозирги тақдирини кўрганларида, жуда ажабланган бўлар эдилар. Чунки уларнинг ижоди ҳозирги вақтда Россиянинг миллий чегараларидан чиқиб, жаҳондаги жуда кўп халқларнинг тилларида ўқиладиган бўлди. Бугина эмас, рус адабиётининг намояндалари ижоди Иттифоқимиздаги кўпгина миллий ёзма адабиётларнинг ташкил топиши, ривожланишида катта роль ўйнади.

Бутун буюк Русияни чулғаб олур овозам,  
Ундаги ҳар бир улус мени ёдлайди ҳар чоқ.  
Мағрур славян зоти, букун ваҳший тунгус ҳам,  
Фин ҳам, ҳатто ўша сахройи қалмоқ.

А. С. Пушкин башорат қилиб айтган бу мисралар бизнинг замонамизда ўзгача, катта ижтимоий маъно касб этади.

Рус ёзувчилари қандай қилиб тунгус, фин, қалмоқнинг дилига жо бўлдилар? Қирғиз, туркман, қорақалпоқ хонадонига йўл топдилар? Ўзбек, қозоқ, татар, озарбайжон, бошқирдининг сеvimли ёзувчиси бўлиб қолдилар. Молдаван, ёқут, украин, белорус, авар, даргин, қумиқ ва бошқа жуда кўп халқларнинг қадрдон меҳмони; устодига айландилар?

Рус ёзувчиларини жаҳондаги барча халқларнинг сеvimли адибларига айлантирган восита — бадий таржимадир. Бинобарин, юксак сўз санъати ҳисобланмиш бадий таржима ҳам инсоният ихтиёридаги ўзига хос, ажойиб ижтимоий-бадий кашфиётдир.

Улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горький ёзган эди:

«Сўз санъати бўлган бадий адабиёт одамларга ўзаро бир-бирларини тушунишга ёрдам беради. Совет социалистик Итти-

<sup>1</sup> «Литературная газета», 1971, 7 июль.

фоқимиздаги ишчилар ва деҳқонлар бошқа тилда сўзловчи ўз қўшнилари билишлари керак, мақсадларнинг бирлиги, янги ижтимоий ҳаёт формаси шунга даъват этади. Турли қабилаларнинг одамлари бир-бирларининг психологияси — «руҳи»ни қанчалик яхши билиб олсалар, уларнинг белгиланган улуг мақсад сари ҳаракатлари шунчалик яқдил, қудратли ва муваффақиятли бўлади»<sup>1</sup>.

Ёзувчининг бу орауси амалга ошди. СССРдаги катта-кичик барча халқлар таржима орқали бир-бирларининг маданий-маънавий бойликларидан баҳра олмоқдалар. Кўп миллатли адабиётимизнинг интернационал хусусиятларидан бири ҳам унинг барча совет халқи учун муштарак адабиётга айланиб қолганлигидир. Миллий тиллардан — рус тилига ва рус тилидан — миллий тилларга таржима ягона совет адабиётининг қудратли тараққиёт омилларидан бири. Бизнинг мамлакатимизда ҳар бир совет кишиси, у қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, мамлакатимиздаги барча халқларнинг адабиётини ўқиш ва ўрганиш имкониятига эга. Совет адабиёти турли тиллардаги кўп миллатли адабиёт, айна вақтда у рус тилига қилинган таржималар асосида бағри дарё, кенг уфқли яхлит адабиёт ҳамдир. Фирдавсий ва Навоий, Низомий ва Руставели асарларининг таржималари ўзлари мансуб бўлган халқнинг маданиятини рус китобхонига етказиш билан бирга, бу таржималар рус шеърятининг, бинобарин, умумиттифоқ адабиётининг ҳам олтин фондига айланди. Расул Ҳамзатов — Доғистон шоири. Бироқ уни рус китобхони доғистонликлардан кам севмайди — у рус шоири ҳам. Айна пайтда Ҳамзатов — умумиттифоқ халқларининг ардоқли куйчисидир.

Совет адабиёти кўп овозли, хилма-хил услубларга бой адабиёт сифатида тез ривожланмоқда. Совет китобхонининг диди, руҳи, идрокининг ўсиши, билим ва қизиқиш доирасининг кенгайиши ҳам, аксарият, таржима шарофатидир. Таржима орқали адабиётлар фақат мазмунан эмас, мавзу ва форма жиҳатдан ҳам бойийди. СССР халқлари адабиёти мисолида ғарбу шарқ адабий анъаналарининг тобора яқинлашув жараёнини кузатиш мумкин, кўпгина адиблар ижодида бунинг синтезлашиш ҳодисаси кўзга ташланади. Миртемир: «Шеърларимдаги жиндай пафос, шаклий янгилик, оптимистик руҳ, жиндай ҳайқиреқ ана шу мен таржима қилган рус ва бошқа қардош халқ шоирларининг таъсиридир» деганда бу ҳаётбахш ижодий ҳодисани ҳаққоний қайд этган.

Шундай қилиб, бадий таржима кўп миллатли совет адабиётининг ажралмас таркибий қисми, ажойиб мўъжизакор хусусияти бўлиб, интернационал турмушимизнинг туб моҳиятидан келиб чиқадиган маънавий камолотимиз мазмуни белгилайди.

<sup>1</sup> М. Г о р ь к и й. Собр. соч., т. 24, ГИХЛ, М., 1953, стр. 423.

КПСС Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов 1975 йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган рус тилини ўрганиш масалаларига бағишланган бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида қилган докладыда бадий таржиманинг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида жуда яхши гапларни айтди:

«Бутун дунё прогрессив инсонияти арбобларининг умумий фикри шуки, Совет Иттифоқида ҳозирги замоннинг иккита атуал проблемаси — адабиётни, шу жумладан, бадий адабиётни таржима қилиш проблемаси билан, ягона алоқа воситаси бўлган умумий тил проблемаси мувафақиятли ҳал этилган.

Маълумки, бадий адабиёт ҳар бир халқнинг маънавий дунёси, ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари билан, унинг маданиятидаги жамики яхши, илғор нарсалар билан танишиш имкониятини беради. Бизнинг мамлакатимизда миллий тиллардан рус тилига ва рус тилидан миллий тилларга бадий таржима қилиш иши кенг йўлга қўйилганлиги туфайли қардош адабиётлар ва санъат асарлари СССРдаги ҳамма халқларнинг мулки бўлиб қолди»<sup>1</sup>.

Бадий таржимага эътибор кучаймоқда, таржима адабиётининг салмоғи ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Ўзбек шоир ва ёзувчилари таржимачиликни ўз ижодий фаолиятларининг доимий табиий йўлдоши, таркибий қисми деб ҳисоблаган ҳолда, атоқли адибларимиз Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзодаларнинг анъаналарини давом эттириб, янги-янги сўз санъати хазиналарини очмоқдалар. Жаҳон адабиётининг ажойиб бадий обидалари тилимизда янграмоқда. Бадий таржима туфайли ватан адабиётининг бағри беҳад кенгайди. Таржима адабиёти оригинал адабиёт билан қўлтиқма-қўлтиқ одимлаб бормоқда.

Мамлакатимизда бадий таржима адабиётининг мундарижаси бениҳоя кенгдир. Бу ўртоқ Л. И. Брежневнинг мана бу қиёсида яққол кўзга ташланади:

«Ҳозир Туркменистон ёки Молдавиядаги ўн минглаб ва юз минглаб кишилар Пушкин ва Шевченко, Горький ва Маяковский, Шолохов ва Твардовский, Федин ва Стельмах асарларини ўз қадрдон ёзувчиларининг асарлари каби ўқимоқдалар, билдилар ва севадилар. Шота Руставелининг қадимий ва абадий навқирон эпоси, Вилис Лацис, Абай Қунанбоев, Чингиз Айтматовнинг ажойиб асарлари, Янка Купала, Самад Вурғун, Расул Ҳамзатов, Эдуардас Межелайтис, Мустай Карим ва бошқа кўпдан-кўп шоирларнинг жўшқин шеърлари рус ёки украин маданий бисотининг ажралмас мулки бўлиб қолган».

<sup>1</sup> Ш. Р. Рашидов. Рус тили — Совет Иттифоқидаги ҳамма миллатлар ва элатларнинг ўзаро муомала ва ҳамкорлик тили. «Совет Ўзбекистони» газ., 1975, 23 октябрь.

Ўзбек таржимачилиги жўғрофиясининг харитаси бой ва ранг-баранг. Эндиликда «таржима» деганда фақат муайян бир «бегона» тилдан — ўзбек тилига китоб ўгириш жараёни тушунилмайди, балки бадиий таржималаримиз ўзбек адабиётининг халқаро ва бутуниттифоқ миқёсидаги *кўп томонлама* муносабатларини акс эттириб, кўпинча, маънавий бойликларни ўзгара олмайди принципига асосланган. Масалан, Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи ўзбек тилига ўгирилган экан, рус китобхонлари ҳам Алишер Навоийнинг «Хамса»сини ўз тилларида ўқимоқдалар. Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи озарбайжон тилига ўгирилган бўлса, ўзбеклар Самад Вурғуннинг «Комсомолнома» достонини ўз тилларида мутолаа қилмоқдалар. Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедияси — грек тилига, қадимги юнон адабиётининг ўлмас обидаси «Илиада» — ўзбекчага, Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» достони — форсийга, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си эса ўзбек тилига таржима қилинган. Таржимачилигимиз қамраб олаётган тиллар, адиллар, жанрлар, даврларнинг ҳаммаси қайд этиладиган бўлса, бу рўйхат бениҳоя кенгайиб кетади. Аммо келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам ўзбек адабиётининг бугунги кундаги хорижий ғарбу шарқ ҳамда Иттифоқимиздаги қардош адабиётлар билан бўлаётган ўзаро *ички ва ташқи таржимачилиги сиёсатини* намоён эта олади.

Улуғ арман шоири Аветик Исаакяннинг машҳур араб мутафаккири Абул Аъло ал-Маъаррий ҳаётига бағишланган шу номли ажойиб достонини<sup>1</sup> ўзбек шоири Асқад Мухтор Валерий Брюсов ва Павел Антокольскийларнинг русча таржималари орқали ўзбек тилига ўгирди. Ҳажман кичик бир дoston таржимасининг мавзуи, мазмуни ва таржимаси заминидан турли замонлар, турлича тарихий-эстетик анъана ва шеърий системалардан ташқари, араб, арман, рус ва ўзбек адабий-ижтимоий муҳити ҳамда тиллари иштирок этганлиги ҳайратомуз бир воқеадир. Асқад Мухтор дostonни тамомила янги бир мақомга солиб, қизиғи шундаки, ўз ижодида илгари айтарли қўллаб кўрмаган шеърий вазн — арузга ўтказиб таржима қилган! Бу китобчани, одатдагидай, шунчаки текст деб қабул қилиб, сидирғасига ўқиган одам ундан ўзига керакли нарсани ололмайди, ҳатто ҳафсаласи пир бўлиши ҳам мумкин. Йўқ, бу таржима — росмана шеърий матн эмас, балки куй, мусиқа-дир.

<sup>1</sup> «Абул Аъло ал-Маъаррий» достони италян (1913), немис (1914, 1919), рус (1916, 1956), инглиз (1925, 1958), эсперанто (1926), яҳудий (1927), япон (1928), испан (1929), грузин (1931, 1963, 1968), араб (1940), чех (1946, 1966), француз (1952, 1955), венгер (1964), болгар (1967), серб (1967), ўзбек (1976) тилларига таржима қилинган. Булар орасида французча таржимаси Франция академияси томонидан таъдирланган (1955). Асарнинг русча таржималари ҳам халқ орасида кенг шуҳрат топган.

Умуминсоний мақсадни кўзлаб қалам тебратган ҳар қандай ёзувчи ва шоирнинг асари фақат бир халқнинг мулки бўлиб қолмай, балки бутун инсониятнинг ҳам бойлигидир. Винобарин, барча халқлар бир-бирининг маънавий бойлиги, яъни адабиёт ва маданияти билан узвий алоқа ўрнатган тақдирдагина ўзларининг адабиёти ва маданиятини *ҳаракатга* келтира оладилар.

Алоҳида олинган ҳар бир миллий адабиёт мавқеидан туриб қаралса, таржима кўпроқ ра н г-б а р а н г л и к, хилма-хилликка қулайлик туғдирувчи омил сифатида намоён бўлади. Лекин, иккинчи томондан, таржима бир қанча етакчи насрий, шеърий ёки драматургиявий услубларнинг бутун жаҳон бўйлаб тарқалишига кўмаклашади ва, шунга кўра, ж а ҳ о н а д а б и ё т и мавқеидан туриб қараганда, б и р л а ш т и р и в ч и омил сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, таржима жаҳон адабиёти тараққиёти томон йўналтирувчи кучдир. Бироқ шу билан бирга, оригинал адабиёт тараққиёти бу жараёнга қаршилик кўрсатади: ҳозирча биз миллий адабиётларнинг қўшилишидан кўра уларнинг парчаланиши, мустақиллик ҳосил қилиши томон бораётганининг шоҳиди бўламиз. Масалан, Осиё ва Африка мамлакатларида миллий адабиётлар сони ошганлиги ва Европада ҳам шунга ўхшаш аҳвол содир бўлаётгани маълум: чехословак адабиёти чех ва словак адабиётларига бўлинди, ҳатто Буюк Британия сингари анъанавий маданиятга эга бўлган мамлакатларда ҳам миллий адабиётлар сонининг ошаётганлиги кўзга ташланади: у ерда ҳам шотланд, валлий ва корнуэль авторларининг ижодида нисбатан кучли марказдан қочирма куч майли сезилади<sup>1</sup>.

Ўзбек халқи жаҳон цивилизациясида маданий миллат аталмиш буюк халқлар билан бир қаторда инсониятнинг эзгу орзу ва истаклари акс этган асарлардан баҳраманд бўлиш баробарида, унинг ўзи ҳам жаҳон афкор оммасининг талаби ва дидига мос юксак бадиий тафаккур намуналарини яратиб, жаҳон маданияти хазинасини бойитмоқда.

Бу ўринда бадиий таржима ишига алоқадор баъзи масалаларга аниқлик киритиш зарур. Аввало, қардош халқлар адабиётларини ўз тилимизга таржима қилишдан кузатиладиган мақсад нима? Бўлак адабиётлар асарларини таржима қилишга куч сарфлангандан кўра, оригинал ўзбек адабиётини ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор қилиш мақсадга мувофиқ эмасми? Таржима туфайли нимага эришилади? Таржима қандай хусусиятларга эга? Бадиий ижод соҳасида нима учун таржиммага катта эътибор берилмоқда?

Таржимани мевали дарахт ниҳолига қиёс қилса бўлади. Чунончи, бир заминда ўсиб турган ниҳол бошқа ерга ўтқазил-

<sup>1</sup> Иржи Левый. Искусство перевода. Изд-во «Прогресс», М., 1974, стр. 234—235.

ганда кўкариб, мева беради. Жаҳон адабиёти дурдоналари ҳам таржима туфайли бир тилдан бошқа тилга кўчирилганда, ўша тилнинг эгаси бўлган халқнинг миллий онгини ўстиришда, янгича эстетик дид пайдо қилишда, дунёқарашини тарбиялашда фаол роль ўйнайди.

Таржима тарбиявий, маърифий ва донишй (билиш) аҳамиятига эга. Оригинал адабиёт орқали, асосан, ўз халқимизнинг ўтмиш, ҳозирги ва келажак ҳаёти, тарихий турмуш шароитларини ўргансак, бадий таржима асарлари орқали бошқа халқларнинг ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари, иқтисодий турмуш шароитларининг бадий инъикоси билан танишамиз. Ҳар иккаласи: оригинал адабиёт ҳам, таржима адабиёти ҳам баб-баравар аҳамиятга эга, улар изма-из, қўлтиқма-қўлтиқ баравар ривожланади, бирини иккинчисидан устун қўйиш мумкин эмас.

Н. В. Гоголнинг «Тарас Бульба» қиссаси мазмуни ўн битта операга асос бўлган. Бу операларнинг авторлари қаторида — аргентиналик А. Верутти, инглиз Д. Девис, француз М. Самюэль-Руссо, немис Э. Рихтерларнинг номлари бор. Булар орасида Н. Лисенконинг «Тарас Бульба» операси машҳурдир.

Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» трагедияси мотивлари асосида француз композитори Гуно «Ромео ва Жульетта» операсини, рус композитори Чайковский — «Ромео ва Жульетта» симфоник поэмасини, совет композитори Прокофьев — «Ромео ва Жульетта» балетини яратганлар.

Сервантеснинг маъжур романида тасвирланган Дон-Кихотнинг саргузаштлари 40 дан ортиқ опера либреттоларига асос бўлган. Буларнинг биринчиси испан композитори К. Сайон қаламига мансуб бўлиб, «Дон-Кихот Ломанчий» деб аталади. Шу сюжет асосида яратилган операларнинг авторлари орасида — инглиз Г. Перселли, италян А. Сальвери ва Д. Панзиелло, австриялик К. Диттерсдорф, швейцариялик Э. Жак-Далькрозларнинг номлари учрайди. Француз композитори Ж. Массененинг «Дон-Кихот» операси маъжур бўлиб, унинг бош партияси Ф. И. Шляпин учун ёзилган эди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» комедияси асосида яратилган шу номли опера чет элларда, мамлакатимиз пойтахти Москвада ва бошқа қардош республикаларда намоёиш этилмоқда.

Адабий алоқа, адабий таъсир ва бадий таржима... Булар ўртасида ички, узвий боғланиш борлиги юқоридаги мавзуларда айтилди. Бироқ адабий алоқа, адабий таъсир ва бадий таржиманинг ўзаро диалектик муносабатини ўрганишда улар ўртасида яқинлик борлиги қайд қилинаркан, бу ана шу уч тусунчанинг бир нарса эканлигини ҳам билдирмайди. Буларнинг ҳар бири ўз вазифаси, предмети ва хусусиятларига эга. Улар ўртасига оддий миқдорий тенглик белгисини қўйиш мумкин эмас.

Ўз фольклори ва ёзма анъаналари асосидагина ривожланадиган, ҳар қандай «ташқи» таъсирдан холи «соф» миллий адабиётни топиш қийин. Хусусан, халқлар ҳамдўстлиги барқарор бўлган, интернационал мазмун миллий ранг-баранг формаларда тобора чуқурлашиб бораётган кўп миллатли ва кўп тилли совет адабиёти кўламида қардош адабиётларнинг таъ-

сиридан четда, нуқул «Ўз» ташвишлари билан ўралашиб яшаётган адабиётни топиш мумкин эмас. Ўзбек совет адабиётига қардош халқлар адабиётлари, биринчи галда рус адабиётининг таъсири кучли эканлиги юқорида айтиб ўтилди.

Иоганн Вольфганг Гётенинг ижоди, турган гап, немис адабиёти учун улкан ҳодисадир. Лекин унинг асарлари дунёдаги юзлаб халқларнинг тилларига таржима қилиниши натижасида немис халқининг бу улуғ фарзанди бошқа миллатларнинг ҳам маънавий тарбиясида камарбаста бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, бу ажойиб шоир ўзга бир қанча европалик сўз усталаридан фарқ қилароқ, Шарққа катта ҳурмат билан қараган. У Фирдавсий, Анварий, Саъдий, Низомий, Румий, Ҳофиз, Жомийнинг ижоди билан яқиндан таниш бўлган. Ҳофизни устоз деб билган. Унинг «Ғарбу Шарқ девони» Ҳофиз ғазалларига тақлидан яратилган.

Кейинги йилларда шоирнинг шоҳ трагедияси «Фауст» ўзбек тилига ўтирилди. «Еш Вертернинг изтироблари» романи биринчи марта бевосита немис тилидан таржима қилинди. Гёте ижоди ўзбек китобхонларининг маънавий тарбиясига сезиларли таъсир кўрсатибгина қолмай, ўзбек шоирларининг бадий тафаккур оламида ҳам чуқур из қолдирган. Асарнинг саҳналаштирилиши эса театр тараққиётида муҳим воқеа бўлди. Буларнинг барчаси яхлит ҳолда олиб қараганда бир бутун адабий-эстетик жараёндр.

«Мен бир умр Пушкиндан ўрганиб келдим ва ўрганаман, — деб ёзган эди озарбайжон шоири Самад Вурғун. — Унинг ижоди мен учун ҳамма вақт буюк ижодий мактаб бўлиб келди. Агар шоир ўз ижодининг Пушкин поэзиясига ички яқинлигини ҳис этса, агар унинг идеаллари ва ижодий интилишлари Пушкин поэзиясининг идеаллари ва ижодий интилишларига мувофиқ келса, агар у Пушкинни жон-дилидан севса, бу мактаб унга кўп нарсаларни ўргатиши мумкин. Борди-ю бундай ички алоқа бўлмаса, ҳар қандай ўрганиш ҳам ўзининг ижодий аҳамиятини йўқотади ва жонсиз, кўр-кўрона бемаъниларча тақлид қилишга айланиб қолади.

Мен «Евгений Онегин»ни шунинг учун ҳам таржима қилишга киришдимки, у мени фақат китобхон сифатидагина эмас, балки шоир сифатида ҳам ўзига мафтун қилган эди... Бу асарни таржима қилиш менга жуда кўп нарса берди. Буни мен кейинчалик равшан ва аниқ кўрдим. Бу таржима менинг «Комсомолнома», «Воқиф» ва «Ханлар»ни яратишимда кенг бадий имкониятлар ва бой тажриба бахш этди».

«Аркадий Кулешов белорус шеърий анъанаси билан чамбарчас боғлиқ, унинг асосини ташкил этган ғоят бой фольклорни яхши билади, лекин у бошқа ҳаётбахш манбаларга ҳам ташналик билан кириб борди, — деб ёзган эди А. Твардовский. — Ёшлигида у Пушкин, Лермонтов, Шевченко асарларини кўплаб завқ-шавқ билан таржима қилди. Ҳозирги ўқимишли

белорус «Евгений Онегин»ни қайта ўқигиси келиб қолса, Кулешовнинг таржималарига мурожаат қилиши даргумон-ку, лекин ўз вақтида бу иш катта маданий аҳамиятга молик эди. Ёш шоир учун бу қандай мактаб бўлгани, бундай қудратли таъсир остида у қандай фавқулодда кашфиётлар қилганини айтмайсизми! «Бригада байроғи» асарининг ўзига хос оҳангини эслаш кифоя, бунинг учун у, ўзи эътироф этганидай, Лермонтовга қуллуқ қилади. Рус совет поэзияси ҳам Кулешов ижодида из қолдирди»<sup>1</sup>.

Бу сўзлар ёзувчиларнинг ижодлари ўртасидаги ички яқинлик, адабий таъсир ва бадиий таржиманинг табиати, ўзига хос томонларини гоят аниқ очиб беради. Кўзга кўринган бошқа йирик адибларнинг ўз ижодлари мисолида таржима ҳақида билдирган фикрлари ҳам бу ҳақиқатнинг ҳаётийлигини тасдиқлайди.

Абдулла Қаҳҳор ижодини олайлик. Одатда камсухан адиб ўз ижодига рус ёзувчиларидан Н. В. Гоголь билан А. П. Чеховнинг чуқур таъсири ҳақида мароқ билан кўп гапирди.

«Ёвуз ниятли киши» ҳикояси атиги бир неча саҳифадан иборат кичиккина асар бўлса ҳам, унинг мазмуни катта романга татийди. Абдулла Қаҳҳор «Чеховдан ўрганайлик» номли мақоласида бу ҳикоя унда чуқур таассурот қолдирганини ёзади. Унинг таърифича, ўқувчи ҳикоядаги «ёвуз» ниятли Денис образи орқали подшо Николай даври чор ҳокимиятида кишиларнинг аянчли аҳволи билан танишар экан, одамларнинг тақдирини таҳликадан қутқариш учун «жинояткор» Денисни эмас, балки одамларни «денис» қилган ва қилаётган ижтимоий тузумнинг ўзини суд қилиш ва бу тузумни емириш керак, деган хулосага келади.

Ана шу кичик ҳикоянинг таъсирини Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» асаридаги Бабар образида кўриш мумкин, бошқа йирик асари — «Қўшчинор чироқлари» романида бизнинг кишиларимизни ўша «бултурги эшмат» ҳолига солиб қўйган ижтимоий воқеликка ёзувчининг муносабатида сезилади.

Абдулла Қаҳҳор 1939 йилда Гафур Ғулом, Ҳусайн Шамс ва Ғайратий каби ёзувчилар эришган ижодий муваффақиятлар, ёшларнинг адабиётга кичик ҳикоялар билан кириб келаётгани ҳақида гапирар экан, «ҳозир бизда чеховчилик бошланаётир» деган эди<sup>2</sup>.

1965 йилда ёзган «Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага» номли мақоласида Абдулла Қаҳҳор Чехов таъсирининг ўзига хос «хавфли» томони ҳам борлиги ҳақида гапирди. Чунончи, «Миллатчилар» ҳикоясида жариданинг ношири билан шоир

<sup>1</sup> «Правда», 1964, 16 август.

<sup>2</sup> А. Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик, 6-жилд. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 240-бет.



ри — икки киши чақчақлашиб бораётганларида темир дарво-ва остида чўзилиб ётган каттакон ит уларга қараб ириллайди. Жон аччиғида аранг қочиб қутулишади-ю, уларнинг ҳар бири ит эгаси — бойга ўзининг яқинроқ эканини исботламоқчи бўлади.

«Асар босилиб чиққандан кейингина, — деб ёзади Абдулла Қаҳҳор, — бу ит Чеховнинг ити эканини пайқадим. («Буқала-мун» ҳикоясини эсланг)».

Таъсир ёзувчининг оригиналлигига халал етказмайди, аксинча, унинг маҳоратини оширади, ҳаётнинг чуқур қатламларини ва узоқни кўришга ўргатади. Бу ижодий ишнинг ички жараёнидир. Тақлид эса, аксинча, бошқа ёзувчига кўр-кўрона эргашиш, унда тасвирланган ҳаёт лавҳаларини «ўзлаштириб», механик суратда қўчиришга олиб келади, бунинг натижаси ўлароқ, тақлидчининг ёзувчи сифатида бурди кетиб қолади.

Адабиётшуносликка доир ишларда адабий таъсир масаласини ўрганишда эҳтиёт бўлиш кераклиги уқтирилади. Бу жуда тўғри. Адабий таъсир масаласини ўрганиш илмини турли ёзувчилар ижодидаги ҳамма ва ҳар қандай ташқи ўхшашлик ва монандликни қидиришдан иборат эрмакка (бу эрмак қанчалик қизиқ бўлмасин) айлантириб қўйиш ярамайди. Лоақал А. П. Чеховнинг «Ёвуз ниятли киши» ҳикояси билан Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» асаридаги Денис ва Бабар образларини олайлик. Бунда таъсир нимадан иборат? Фақат мавзу танлашдами? Йўқ. Чехов одамларни «денис» қиладиган ёвуз ниятли тузумни фош қилар экан, Абдулла Қаҳҳор одамларни «бултурги эшмат» қилиб қўйган эски тузум даҳшатини тасвирлайди. Бироқ бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, зеро, ёвузликнинг шакл ва хиллари турли-туман бўлса-да, моҳияти бир. Денис билан Бабарнинг ота-онаси, эл-юрти, қишлоғи, табиий ва иқлим шароитлари, ҳатто касб-кори ҳам бошқа-бошқа, лекин уларнинг ижтимоий аҳволи қарийб бир хил. Ҳар иккаласи ҳам мавжуд ёвуз ижтимоий тузумнинг «маҳсули». Шундай бўлгач, Чеховнинг Денис ва денислар ҳақида ёзиши қанчалик табиий бўлса, Абдулла Қаҳҳорнинг Бабар ва бабарлар ҳаётини тасвирлагани ҳам шунчалик тушунарлидир.

Масофани бир оз қисқартириб, совет воқелигидан олиб ёзилган айрим асарларни олиб кўрайлик. Совет адабиётида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даври воқеаларини бадиий тасвирлашга бағишланган бир қанча асарлар бор. М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ», М. Стельмахнинг «Катта оила», Т. Сидиқбековнинг «Замонамиз кишилари», Н. Зарянинг «Ацаван», К. Лордкипанидзеининг «Колхида тонги», А. Саксеннинг «Юксакликка», Жалол Икромийнинг «Шоди», Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Катта ижтимоий-сиёсий воқеаларга тўлиб-тошган давр — қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даври воқеаларини

кeнг пландa тaкрoрлaнмaс бaдиий лaвҳaлaрдa жудa устaлик билaн тaсвирлaгaн М. Шoлoхoвнинг «Oчилгaн қўриқ» рoмaнидa яратгaн бoй тaжрибaси бoшқa қардoш aдaбиётлaрдa худди шу дaврни тaсвирлaшгa бaғишлaнгaн aсарлaрни бунёд қилишдa ёзувчилaргa қўл кeлдими? Шoлoхoв ижoдининг юқoридa нoмлaри тилгa oлингaн ёзувчилaр ижoдигa тaъсири бўлдими? Шубҳасиз.

М. Шoлoхoвнинг «Oчилгaн қўриқ» рoмaни — кoллективлaштириш дaврининг бaдиий қoмусидир. Бу рoмaндa тaсвирлaнгaн вoқeалaр, бунёдқoрлик дaврининг қудрaти, партиямизнинг дoҳиёна программaсини турмушгa тaтбиқ этиш бoрасидa йўл қўйилгaн қўпол хaтoлар фaқaт Россия тарихигaгинa хoс эмaс эди. Дeмaк, aнa шу дaврни бaдиий тaсвирлaшдa турли миллaт ёзувчилaри oлдидa муштaрaк ҳaётий тaжрибa, бир-биригa яқин турмуш лaвҳaлaри, ижтимоий-сиёсий вoқeалaр тургaн.

...«Oчилгaн қўриқ»дaги вoқeалaр юз бeргaн йиллaрдa мeн Қирғизистоннинг Тaлaс рaйoнидaги Oқчaй кишлoғининг Янгичeк жaмoасидa тoғaмининг қўлидa яшaб турaрдим,— дeб ҳикoя қилaди рoмaни ўзбeк тилгa ўгиргaн тaржимoн Вaҳoб Рўзимaтoв.— Кoллективлaштириш бoшлaнгaндa Юқoри вa Янгичeк мaҳaллaлaридa яшaйдигaн ўзбeк, қирғиз, рус, украин, немис, уйғур, тoжик, тaтaр вa бoшқa миллaт мeҳнaткaшлaри «Ш Интeрнaциoнaл» кoлхозини тузгaнлaрини кўргaнмaн. Бу вoқeалaрни тўққиз-ўн яшaр бoлa aқли билaн идрoк этгaнмaн. Aгaр мeн ўшa кoлхозни, ўшa кoлхоздaги кишилaрни кўрмaгaнимдa, aсардaги вoқeа қaндaй жoйдa ўтaётгaнини тaсaввур қилoлмaгaнимдa, aгaр ўшa кишилaр тeрмин вa иборaлaрни ўзбeк вa қирғиз тиллaридa aтaмaгaнлaридa, хуллaс, ўшa жaрaёнлaрни кўрмaгaнимдa aсaрни тaржимa қилa oлишимгa кўзим eтмaсди. Дaрвoқe, рaйoннинг Дмитриевкa кишлoғидaги ҳaёт вa кишилaр (у eрдa украинлaр, кaзaклар яшaр эди) мeнгa Дoн стaницaлaрини тaсaввур этишгa ёрдaм бeрдди. Тaржимa процессидa ўйлaб кўрсaм, Янгичeкдa Дaвидoв, Нaгульнoв, Рaзмётнoв, Шчукар бoбo, Шaлий кaби ижoбий қaҳрaмoнлaрни вa aсардaги сaлбий пeрсoнaжлaрни эслaгувчи шaхслaр ҳaм бoр экaнки, иш вaқтидa ўшaлaрнинг сўзлaри қuloғим oстидa, aъмoллaри кўз ўнғимдa жoнлaнди. Мaълумки, «Oчилгaн қўриқ»дa Пoлoвцeв сингaри oқ гвaрдиaчи душмaнлaр кoллективлaштиришни бaрбoд этиш учун қўзғoлoн кўтaришгa тaйёргaрлик кўрaди. Ўшa кeзлaри Oқчaйни ҳaм бoсмaчи қoлдиқлaри бoсгaн. (30 йилчaдaн кейин тaржимoн Никoлaй Eфимoвич Ивaшeвнинг мeнгa ҳикoя қилиб бeришичa, ўшaндa кoллективлaштиришни бaрбoд этиш учун чет эл импeриaлизмнинг Фaрғoнa вoдийсидa яширин иш кўргaн aгeнти Нoсирхoн тўрa дeгaн дин пeшвoси eтaкчилигидaги бoсмaчи қoлдиқлaри Тaлaс вoдийсидa хуруж қилиб қaттиқ зaрбaгa учрaгaн экaн)!.

Михaил Шoлoхoвнинг тaжрибaси бoшқa қардoш ёзувчилaрнинг шу дaврни тaсвирлaшгa бaғишлaнгaн aсарлaр яратилaридa дaлдa, мaдaдқoр, йўл кўрсaтувчи юлдуз бўлди. (Aдaбиётдa қишлоқ хўжaлигини кoллективлaштириш дaври вoқeaлaрини тaсвирлaгaн aсарлaрни қиёсий плaндa ўргaниб,

<sup>1</sup> Вaҳoб Рўзимaтoв. Бaҳрaмaндлик бaхти. «Тaржимa сaнъaти». Мaқoлaлaр тўплaми. 3-китoб. Ғaфур Ғулoм нoмидaги Aдaбиёт вa сaнъaт нaшриёти, Тoшкeнт, 1976, 267—268- бeтлaр.

таъсир масаласини ёритиш адабиётшунослик нуқтаи назаридан жуда муҳим мавзу бўлиб қолмоқда).

Аммо бир мавзуда ёзилган юқоридаги романларни таҳлил қилганда бу асарларнинг биридан иккинчисини «келтириб чиқариш» керакми? Уларни айна бир мавзуда яратилган қўшалоқ асарлар деб қараш тўғрими? Ёки улар айна бир романинг турли тиллардаги вариантларими? Бу китоблардан Нагульнов, Давидов, Лушка, Шчукаръ боболарнинг эгизаклари — «хусан» ва «зуҳра»ларини қидириш ҳақиқатга қанчалик тўғри келади?

Башарти, аҳвол чиндан ҳам шундай бўлганда, «Очилган қўриқ» романидан кейин шу мавзуда ёзилган романларнинг ҳаммаси бир пуллик бўлиб қолар эди<sup>1</sup>.

Муштарак тарихий-ҳаётий воқеалар, тақдирлар, давр талаблари ҳақида турли миллат ёзувчилари асар яратишлари ва булар такрорланмас, оригинал, юксак санъат намунаси бўлиб қолиши мумкин. Башарти, бир давр воқеаларини бадиий тасвирловчи асарлар бир-бирини такрорлаганида эди, улар муайян миллий адабиёт намунаси даражасига кўтарилмасди. Бундай ҳолда, айна бир мавзуда ёзилган асарларни бир тилдан бошқа тилга ўтказишнинг ҳам қизиғи қолмасди. Масалан, рус тилида Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романи бўлгани ҳолда, Абдулла Қаҳҳорнинг «худди шундай» «Қўшчинон чироқлари» асарини рус тилига таржима қилишнинг ҳожати қолмасди, ёки аксинча, ўзбек тилида «Қўшчинон чироқлари» романи бўлгани ҳолда, «худди шундай» «Очилган қўриқ» асарини ўзбекчага таржима қилишга зарурат сезилмаган бўларди.

Адабий таъсирни ўрганиш кўп миллатли совет адабиёти шароитида жуда муҳим аҳамиятга эга, муштарак мавзулар, муштарак воқеалар, муштарак образларни қидириб толиш ҳам жуда қизиқарли машғулот, лекин бундай чоғиштириш илми бир ёзувчини иккинчи адибнинг «соясига» айлантириб қўймаслиги, бир миллий адабиётда яратилган санъат намунасини бошқа адабиётда мавжуд бадиий ёдгорликнинг «варианти» деб қарашга олиб келмаслиги, балки адабий ҳамдўстлик қонуниятларини очиш, илмий принципларини аниқлашга, адабий алоқа ва таъсир моҳиятини марксча-ленинча методология асосида ёритишга хизмат қилмоғи даркор.

Адабий таъсир жуда мураккаб ҳодиса. Бунга механик муносабатда бўлиш проблемани ёритишга эмас, балки чалкаштиришга сабаб бўлади. Кўпгина ўзбек ёзувчилари ўзларининг ижодларига қайси қардош адабиётлар вакилларининг ижоди кўпроқ таъсир қилганини айтадилар. Масалан, Садриддин Айний ижодида Горькийнинг, Ойбек поэзиясида Пушкиннинг, Ғафур Ғулум шеъриятида Маяковскийнинг, Шайхзода асарларида Шекспирнинг, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида Чеховнинг

<sup>1</sup> Г. Л о м и д з е. Интернациональный пафос советской литературы. «Советский писатель», М., 1970, стр. 180—182.

таъсири борлигини ҳеч ким инкор этмайди. Бу ёзувчилар ижодининг, Самад Вурғун таъбири билан айтганда, «ички яқинлиги»ни ўша «таъсирга учраган» адибларнинг ўзлари ҳам эътироф қилганлар. Бироқ агар бундай «дубль-вэ» принципи билан иш тутиладиган бўлса, «таъсирланувчи» ҳар бир миллий ёзувчига биттадан «таъсир ўтказувчи» йирик ёзувчини «тақсим қилиб», шу билан адабий таъсирни ҳам ана шу жуфт ёзувчилар ижодидан қидириш билан мушкулни осон қилиш мумкин бўларди. Ҳолбуки, адабий алоқа ва адабий таъсир ўз хусусияти эътибори билан анча мураккаб.

Ҳамид Олимжон ижодига Пушкиннинг таъсири борлиги аниқ. Хўш, Лермонтов, Маяковский, Шевченконинг таъсири йўқми?

Абдулла Қаҳҳор ижодини олайлик. «Мен қўлимга қалам олиб рус адибларидан мадад сўраган вақтларимда буларнинг кўпига эргашганман, лекин услубда менга ҳеч ким домла Чеховчалик таъсир кўрсатган эмас». (Танланган асарлар, 6- том, 280).

Шу билан бирга, Абдулла Қаҳҳор Н. В. Гоголни ҳам «биринчи домлам» деб атайди. Чунончи, шу номли мақоласида гапни бундай бошлайди: «Мен биринчи сабоқни Гоголдан олган эдим»; сал нарироқ бориб ўзининг бошқа рус «домла»лари номини ҳам тилга олади: «Гоголдан кейин Салтиков-Шчедрин, Тургенев, Чехов, Горький асарларига буткул шўнғиб кетган вақтларимда ҳам Гоголга тақлиддан холи эмас эдим» (267).

Йирик адабиётшунос олим Георгий Ломидзе «Совет адабиётининг интернационал пафоси» номли монографиясида Чингиз Айтматовнинг ижодига қайси ёзувчиларнинг таъсир қилгани ҳақида муҳим бир мулоҳазани ўртага ташлайди. Унинг ёзишича, асарлари миллий бўёқ билан жимжимадор қилиб безатилган қирғиз ёзувчиларига қараганда у кўпроқ миллийдир. Чунки Чингиз асарларида ҳозирги қирғизнинг характери, но-зик ҳиссий кечинмалари, туйғулари, мушоҳада ва мулоҳазалари замонавий мавқеидан кўриб ҳаққоний тасвирланган.

Чингиз Айтматов рус, қардош халқлар адабиётлари ва жаҳон адабиёти хазинасидан нималарни олди? Бундай таъсирнинг кўзга яққол ташланиб турадиган изларини унинг ижодидан топиш қийин. Умуман, юксак талант билан ёзилган асарларда бошқа қардош адабиётларнинг таъсири борлиги сезилса-да, бу таъсир кирои «нималардан» иборат эканлигини айтиб бериш осон эмас.

Айтматов ҳеч кимдан кўчирмаган, ҳеч қандай асардан нусха кўтармаган. Бироқ унинг ижодига хос барча фазилатларда рус ва бошқа қардош халқлар адабиётлари тўплаган тарихий тажриба билиниб туради. Шундай экан, унинг «домла»си ким? Пушкинми? Толстойми? Тургеневми? Чеховми? Шолоховми? Аvezовми? Кербобоевми? Ҳар қалай, буларнинг биронтаси ҳам

бўлмаса керак. «Лекин бу ёзувчиларсиз, эҳтимол, Айтматов сингари ёзувчининг бўлиши мумкин ҳам эмас эди» (Г. Ломидзе, 177).

Демак, ёзувчилар ижодининг бир-бирига таъсирини схематик ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Бизнинг кўп миллатли совет адабиётимиз ҳақида гапирганда бир ёқлама адабий алоқа эмас, балки ўзаро адабий алоқалар назарда тутилади, миллий адабиётларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитиши тушунилади. Масалан, буюк ва қудратли рус адабиётининг ўзбек адабиётига таъсири ҳақида гапириш ўринли ва тушунарли. Аммо бу, бир томондан, бошқа қардош адабиётларнинг ўзбек адабиётига таъсирини инкор қилмайди, чунки бизнинг адабиётимизга озарбайжон, татар, украин, қирғиз ва бошқа миллий адабиётларнинг ҳам таъсири сезилади; иккинчи томондан, бошқа қардош халқлар адабиётлари сингари, ўзбек адабиёти ҳам рус адабиётига муайян таъсир ўтказди. Масалан, Ойбек, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби йирик ёзувчиларнинг ижодий тажрибалари кўпгина рус ёзувчилари учун мактаб бўлганлиги ўз-ўзидан равшан. Бошқа қардош адабиётлар намояндаларининг ижоди хусусида ҳам шундай дейиш мумкин\*.

Кўп миллатли Советлар мамлакатаида катта ва кичик ҳамма миллатлар, эл ва элатлар ҳамда уларнинг тиллари баб-баравар, тенг ҳуқуққа эга бўлгани сингари, барча миллий адабиётлар ҳам, катта ёки кичиклигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли, улар ўртасида мустаҳкам адабий алоқа ўрнатилган, бу адабиётлар бир-бирига ўзаро таъсир ўтказадилар ва бир-бирларини ўзаро бойитадилар.

Адабий алоқа ва таъсир ҳақида гап кетганда «таъсирланувчи» ёзувчининг «таъсир этувчи» адиб ижодидан ўз тилига таржима қилганлиги кўзга яққол ташланади. Бизнингча, бу ўринда «таржима — халққа» ва «таржима — ёзувчиларга» деган икки тезисни илгари суриш мумкин. Албатта, бадий таржима — миллий ёзувчилар учун катта ижодий майдон ва маҳорат ҳосил қилиш мактаби экан, буни сўз усталарининг қандайдир тор ижодий машғулоти, «адабий эрмаги» маъносида талқин қилмаслик керак. Таржима — маълум бир гуруҳ кишилар ёки халқнинг бир қисми, аҳолининг бир тоифаси учун эмас, балки бутун халқ учун яратилади. Агар, шартли равишда, таржимани буюртма деб олинса, буюрувчи — халқ, таржимон эса адабий ижрочидир. Бироқ ана шу таржима жараёнида, объектив суратда, таржимоннинг маҳорати ошади, у ёзувчининг бадий тасвир «сир»ларини очади, уларни ижодий ўзлаштиради, тили ва услуби бойийди, ўткирлашади.

\* Бу хусусда Озод Шарафиддиновнинг «Адабий этюдлар» китобида анча пухта гаплар бор. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 53—54-бетлар.

Маълумки, ҳар бир ёзувчи — ички ижодий ҳамоҳанглик ҳис этган ёзувчининг, ҳар бир шоир — ўзи «эътироф этган», севган шоирининг асарини таржима қилади. Акс ҳолда, зўрма-зўраки, қандайдир мажбурият юзасидан қилинган таржимадан, аввало, санъат асари ҳосил бўлмайди, иккинчидан, таржимон-ёзувчи ёки шоирнинг ўзи ундан ижодий нафланмайди.

Балиқ сув ичида бўла туриб, сувдан «фойдаланмаслиги»ни ақл бовар қилмагани сингари, ўз дилингга яқин ёзувчининг асарини таржима қила туриб, ундан баҳра олмаслик мумкин эмас. (Албатта, бундай таъсирнинг самарасини сезиш учун таржима қилувчи кишининг ўзи яратувчи, и ж о д к о р бўлиши керак, акс ҳолда, ўнлаб қалин китобларни ўз тилига ўнгирган киши ҳам ҳеч қандай «таъсир»ни ҳис қилмаганича, оддий тилмоч бўлиб қолаверади). Аксинча, бирон ёзувчининг таъсирини ўз ижодида ҳис қилиш учун «таъсирланувчи» адиб унинг асарларини муқаррар таржима қилган бўлиши шарт эмас. Бошқача айтганда, таржима қила туриб — таъсирланмаслик мумкин эмас, аммо таъсирланиб туриб — таржима қилмаслик мумкин. Масалан, Абдулла Қаҳҳор Чеховнинг бутун ижодий маҳсулини адиб сифатида пухта ўзлаштиргани ва унинг таъсирини ўз ижодида чуқур ҳис қилгани ҳолда, бу улугъ ёзувчининг нари борганда 10—15 та ҳикоясини ўзбек тилига таржима қилган, холос. Садриддин Айнийнинг ижодида Горькийнинг чуқур таъсири яққол сезилгани ҳолда, Айний улугъ пролетар ёзувчисининг бирон асарини ўзбек тилига таржима қилгани маълум эмас.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижодкорларнинг ўзлари бевосита таржима билан шуғулланишларида катта гап бор: бу таржималардан биринчи галда китобхон фойда кўради — ижодкор ижодкорни бошқа кишига қараганда нозикроқ ҳис қилади, тўғрироқ тушунади ва бир-бирининг фикрини чуқурроқ англата олади. Қуш тилини қуш тушунади. Қолаверса, бундай таржимадан ёзувчиларнинг ўзлари ҳам манфаатдор, чунки улар оригинал роман ёки қисса ёзаётганидагина эмас, балки жаҳон адабиёти ёки қардош халқлар адабиётлари хазинасидан ўз ҳамкасбларининг роман ёки қиссасини она тилига таржима қилаётганида ҳам и ж о д и й и ш билан машғул эканликларини ҳис этадилар. Ниҳоят, ижодкорлар ўзга адабиёт намояндаларининг асарларини таржима қилишга сарфлаган вақтларини қизганмасалар ҳам бўлади, негаки, уларнинг ўзлари ҳам ўз оригинал ижодий маҳсулларининг дунё тилларига таржима қилинишидан м а н ф а а т д о р ва бунинг учун бошқа миллий тилларда ижод қилувчи адабиёт арбоблари ҳам ўз вақтлари (эҳтимол, умри)ни сарфлашларига муҳтождирлар.

Бадий таржима қардош халқлар адабиётларини бир-бири билан чамбарчас боғлаб турган, шунингдек, социалистик

мамлакатлар ва чет эл капиталистик давлатларида яратилаётган прогрессив адабиёт асарларини мамлакатимиз ичкарасига олиб кирадиган, оригинал ижод намуналарини бошқа халқларга тақдим қиладиган, синалган, муъжизакор воситалардан биридир.

## 22-§. Ватан адабиёти ва бадий таржима

Таржима асарини монографик планда ўрганиш таржиманинг асл нусха билан боғлиқлигини аниқлашдангина иборат эмас. Кўп тадқиқотчилар таржима билан асл нусха нисбати ва қиёсига диққатни йўналтирган ҳолда, таржима в а т а н а д а б и ё т и ҳ о д и с а с и сифатида намоён бўлганлиги масаласига бефарқ қарайдилар. Албатта, таржима жараёнининг генетик қисми, бунинг таҳлили ҳам катта аҳамиятга эга, лекин бу юксак таржима маданиятининг яратилишида фақат тайёргарлик давринигина англатади, холос. Аслида, масаланинг иккинчи томони ҳам жуда муҳим: ватан маданиятида ўша таржима ўз қадрини топа олдими, унинг таъсири қандай бўлди, бошқа оригинал ва таржима асарлар қаторидан қандай жой эгаллади, ватан адабиётида у қандай вазифани бажарди, ана шу вазифани амалга ошириш жараёнида асар танлаш ва таржима методини аниқлаш қандай содир бўлди? Таржима адабиёти билан оригинал адабиёт ўртасидаги муносабатларнинг баъзи аспектларини билиш керак: а) бир авторнинг оригинал ва таржимавий ижод йўналиши; б) таржима адабиёти асарининг оригинал асар билан боғлиқлиги; в) умуман таржима адабиёти билан миллий адабиёт соҳаларининг ўзаро муносабати.

Алоҳида таржималар таҳлилининг мақсади, худди оригинал асарлар таҳлилида бўлгани сингари, айрим олинган таржима даврлари ва мактабларининг методини аниқлаш, бир давр таржима методи ва таржима эстетикасининг ўша давр оригинал адабиёт методи ва эстетикасига муносабатини аниқлашдан иборат, ниҳоят, таржимада даврлаштириш, таржима методлари ва назарияларининг тараққийсини аниқлаш билан якунланиши даркор.

«Ҳозирча бирон-бир адабиётда таржима тарихи бўйича фундаментал тадқиқотлар яратилган эмас. Ҳолбуки, бадий ижоднинг кўп томондан ўрганилмаган бу типини тарихий-адабий жиҳатдан ёритмай туриб, адабиёт тарихини ўрганиш мукаммал бўлмайди»<sup>1</sup>.

Таржима таҳлилининг мақсадини аниқлашга қаратилган бу фикрлар ўзбек таржимашунослигига ҳам тааллуқлидир. Таҳлилда доим «асл нусха — таржима» муносабатини ўрга-

<sup>1</sup> И р ж и Л е в ы й. Искусство перевода. Изд-во «Прогресс», М., 1974, стр. 231.

ниб, текстлар қийёсидан ташқарига чиқа олмаслик бу соҳадаги тадқиқотларнинг асосий камчилигидир. Таржима тарихи юзасидан эса бир қанча дастлабки натижалар олинди. Айниқса, академик В. А. Абдуллаев, профессор Ғ. К. Каримов, профессор Н. М. Маллаевларнинг олий ўқув юртлари учун чиқарган ўзбек адабиёти тарихининг уч китоби, академик В. Й. Зоҳидовнинг ўзбек адабиёти тарихига доир монографияларида ҳар бир давр оригинал адабиёт тарихи ўша даврда яратилган таржималар тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этилганлигини мамнуният билан қайд этмоқ керак. Хусусан, профессор Жуманиёз Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан (революциядан олдинги давр)» номли монографияси бой таржимачилигимиз тарихини ўрганишда илк ва алп қадам бўлганлиги жуда қувонарлидир. Бу китоб, унда бир қанча ноаниқликлар, фактик чалкашликлар мавжудлигига қарамай<sup>1</sup> (буларни бартараф этса бўлади), катта таржима тарихини яратишда зарур манба, дастур бўлиб қолади. Муҳими шундаки, кенг илмий жамоатчилик инқилобдан олдинги даврда ўзбек тилига қилинган бадиий, тарихий, фалсафий, илмий китоблар тарихидан воқиф бўлди.

Таржима тарихини адабий, лисоний-услубий аснода ўрганишда Ҳ. Ҳамидов («Шоҳнома»), В. Раҳмонов («Гулистон»)ларнинг хизмати катта бўлди. Шунингдек, «Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати» мавзуида тадқиқот яратган, бир қанча пухта илмий мақолалар ёзган Н. Комилов Хоразм таржима мактабини чуқур ўрганди, унинг атоқли намояндалари ижодини назарий томондан ёритди.

Таржима асари ватан адабиёти ҳодисаси бўлиб қолади ва оригинал асар қандай маданий-маърифий қимматга эга бўлса, у ҳам шундай вазифани бажаради. Бундан ташқари, олдинги мавзуларда қайд этилганидай, оригинал асарга қараганда таржима дониший (билиш) хусусиятига ҳам эга: у асл нусха ва умуман хорижий маданият ҳақида ахборот беради. Баъзан китобхон таржимавий китобни ўқиётганини билгиси келади, асл нусхада аке этган колоритни сақлаш билан бунга ишора қилиш мумкин.

Чех таржимашунос олими Иржи Левий кўпинча таржима адабиётининг вазифаси бир-бирига тўқнаш келиб қолади, деб ҳисоблайди: бир тарафдан, биз «Рамайна» таржимаси ватан адабиётининг оригинал асаридай жаранглашини истаймиз, бошқа томондан, ҳинд эпосининг характерли томонларини қайта яратиш лозим, қадимги Ҳиндистон халқларининг ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатларини билгимиз келади. Таржима қилинаётган асар китобхонга қанчалик ёт бўлса, таржиманинг дониший функцияси шунчалик катта кучга эга бўлади (103).

<sup>1</sup> Ёқубжон Исоқов. Ўзбекистонда таржима тарихидан. «Ўзбек тили ва адабиёти» журн., 1966, 4-сон, 48—50-бетлар.



Таржима адабиёти оригинал адабиёт билан мураккаб муносабатга киришади. У оригинал жанрларнинг ўрнини босиши ва унинг мавқеини мустаҳкамлаши мумкин (масалан, миллий адабиётларнинг пайдо бўлиш даврида), айниқса, ватан адабиётининг ўз маҳсулоти ҳали унчалик етарли бўлмаган вақтларда шундай ҳол рўй беради ёки, аксинча, таржима адабиёти билан оригинал адабиёт ўртасида рақобат пайдо бўлиши мумкин. Таржима, айниқса, тил соҳасида, ватан адабиётининг янги имкониятларини рўёбга чиқариши (масалан, Инжилнинг Лютер таржимаси) ёки уни ноўхшов унсурлар билан тўлдириб юбориши мумкин.

Таржиманинг маданий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятини тайин этишда бунини буюк ижодкор таржимонларнинг ўзлари қандай тушунганларини билиш жуда мароқлидир.

### АЛИШЕР НАВОЙ:

Доим ошуфта хотирга келур эрди ва паришон хаёлга эврулур эрдиким, ул китоб (Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳатул унс мин ҳазаротил қудс» асари — F. C.) алфози форсийдур, арабийга пайваста ва иборати ишорат аҳли тилига вобаста ва ул тиллар вуқуфидин баҳраварлар ва ул иборат ва ишоратдин бохабарлар, ул алфоздин ўз қобилиятлари хурдийда (қобилиятлари етгунча) ва иштиғоллари муқобаласида (машғул бўлиш чегарасида) нафъ топарлар ва файз элтурлар.

Аммо турк улусидин баъъики, кўнгул сидқу сафосига баҳрамаддурлар, бу кимевий асар сўзлар таъсирига тенгри иноятидин аржуманд ул алфозга вуқуф қиллатидин (кам хабардорликдан) ул файзлардин маҳрум ва бу ҳақойиқининг дақойиқи оларга номаълум. Хотирга кечмишким, агар саъй қилсам, бу китобни туркий тилига таржима қила олғаймумен, ул дақойиқ мушқилотини равшанроқ алфоз ва очуқроқ адо билан ўткара олғаймумен, деб мутааммил эрдим (андишада эдим). Ва не бу хаёл муддаодин ўзумни ўткара олур эдим (кечолмасдим) ва не ишнинг азимлиги ва душворлиги жиҳатидин шуруъ (бошлаш) қила олур эрдим.

То тарих тўққуз юз бирдаки, ул китобнинг таълифидин йигирма йил ўтуб эрди, тенгри таоло тавфиқи бирла бу улуг ишга илик урдум ва бу азим амрға қалам сурдум. Ва ҳазрати Шайх Фаридулдин Аттор битиган «Тазкирагул авлиё»дин баъзи кибори машойихким, «Нафоҳатул унс»га дохил бўлмайдур эрди ҳар қайсини муносиб маҳалда дохил қилдим. Ва ҳинд мушойихи шарҳи ҳам оз маъқур эрди, мумкин бор, тилаб-топиб ҳазрати қутбул авлиё Шайх Фарид Шакарғанжидин ва сўнги машойғача илҳоқ қилдим (қўшдим). Ва турк машойихи зикри ҳам озроқ эрди, ани доғи ҳазрати шайхул машойих Хожа Аҳмад Яссавийдин бу замонғача улча мумкин бор, тилаб-топиб, ул мутубаррак китобда йўқ эрди, мунда қўштум. Ва ул китоб доғи авлиё уллоқ зикридин баъзи сўз замон аҳлига кўп муҳтожун илайҳ эрмас эрди (зарур эмас эди) итноб ваҳмидин таркин туттим ва бу таржимадин ўқсутум (чиқариб ташладим). Ва чун бу валоат риёзи (валийлик машаққатлари) муҳаббат насимиға ва футувват шамимиға (олижаноблик хуш бўйлиги) сабаб бўлди, анга «Насойимул муҳаббат мин шамойимул футувват» от қўйдим...<sup>1</sup>

<sup>1</sup> А л и ш е р Н а в о й и. Асарлар. Ўн беш томлик, 15-жилд. Ғафур Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 65—66-бетлар.

## ШОҲАКИМ ХОЛИС:

(«Ғазоти ҳазрати шоҳ Жарир» номли асарнинг ўзидан олдинги таржимаси ҳақида):

Ки мандин илгари бир румий зот,  
Қилиб эркон буни турки била ёд.  
Очиб кўрдум ани бошдин-аёқин,  
Билолмайду алиф қайси — таёқин.  
Қилибдур назми турки маснавийсин,  
Билолмайду валекин маънавийсин.  
Агарчи кўнглида жонин ўқубдур,  
Валекин кўпини булгаб юрубдур.  
На анда баҳр бор, на қофия бор,  
Рисолани қилиб гўёки мурдор<sup>1</sup>.

## САТТОРХОН:

Охир, бир мажлисда (шарқшунос олимларнинг 1876 йилда Петербург шаҳрида бўлиб ўтган учинчи халқаро конгрессида — F. C.) менга бир неча сўз айтмоққа таклиф қилдилар. Мен нима хусусида сўз айтмоқдин қийна-либ, лекин ул мажлис аҳлининг нияти хусусида ўйлаб, форсий тилида бир неча калима бирлан айтдимким, биз Туркистон вилоятининг мусулмонлари Туркистон вилояти Русияга тобе бўлмасдин илгари Европо халқининг тарбиятлик халқларидин мутлақо бегона ҳолда туруб эрдилар, лекин худонинг иродасига мувофиқ биз алҳол русия халқининг васотати бирлан Европо халқиға яқинлашиб, шу тариқа бирлан одамиятнинг асл мақсуди ва матлаби ва илм ривожини ҳосил қилмоқда шерик бўлурмиз деб.

Европо уламолари ўз илмларини ўзлари бирлан босма қилдурур эканлар. Андин кейин ул таснифотлар ҳар бир халқнинг тиллариға таржима қилиниб, шул тариқа бирлан Европо халқининг ҳар хил уламоларининг билган илми барча тарбиятлик мамлакатларда иштиҳор топар экан.

Биз, Туркистон вилоятининг одамлари, бир неча юз йиллар ўз тарафимизда туруб, хаёлға олур эрдикким, биздан яхшироқ ва ақллироқ ва биздан кучлик халқ дунёда йўқдур деб. Ўз хусусимизда бул тариқа ўйлаб, биз табаррук бўлиб, бурунғи ҳолда қолдуқ. Бул тариқа бирлан бизнинг аҳволимиз ёш болалар аҳволидек экан<sup>2</sup>.

## ҒАФУР ҒУЛОМ:

Ёски Шарқ жўғрофиюнлари, сайёҳлари Осие, Африка, Европадан иборат бўлган қадим дунёни шарқдан ғарбга қараб тахминий етти баб-баробар хаёлий чизиқларга тақсим қиладилар. Бу чизиқлар ўртасини иқлим деб атайдилар.

Шу етти иқлимдан чиққан олим бўлсин, шоир бўлсин, санъаткор бўлсин, давлат арбоби бўлсин, ҳеч қачон кишилар ўртасидаги диний, иркий ва миллий айирмалар ёки омийлик ва тубанлик тўғрисида сўз юритмадилар.

Улуғ Эрон шоири, мутафаккир, файласуф Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий айтганидек:

Бани одам аъзои як-дигаранд,  
Ки дар офариниш зи як жавҳаранд,  
Чу узвба дард оварад рўзигор,  
Дигар узвҳоро намонанд қарор.

<sup>1</sup> УзССР Фанлар академияси Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. 884, 100-варақ.

<sup>2</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1890, 30-сон.

Шу етти иқлим халқларининг тарихлари, маданиятлари, маишатлари бир-бирлари билан шериклик, бир-бирларига оҳангдош эди.

Вунинг учун жуда қадим мисолларга бориб Утирмасдан машҳур ҳинд эртаги «Калила ва Димна» ва «Тўтинома», «Баҳордониш»лар бизда қарийб минг йиллардан буён маълумлигини, Фирдавсий, Саъдий, Хайём, Ҳофиз асарларининг ҳатто дарслик қаторида ўқилишини, «Алфлайла ва Лайла» қиссаси, Абул-аъло Маърий ғазалларининг энг севиб ўқийдирган китобларимиз эканлигини баён қилмоқ кифоядир.

...Азал-азалдан бир-бирига қондош-қариндош, дўст, биродар бўлиб келган халқларимиз, ота-боболаримизнинг тарихий-традицион биродарлик қарвонлари изидан юрмак навбати бизникидир. Хусусан биз — ёзувчилар... классикаларимизнинг ўлмас руҳларидан илҳомланиб, бир-биримиз билан яқин муносабатда бўлишимиз, бир халқнинг овозини иккинчи бир халқ қулоғига етказишда ёрдам беришимиз, бир-биримизни таржима қилишимиз, бир-биримизни тўлдиришимиз, давом қилдиришимиз лозим<sup>1</sup>.

### ҲАМИД ОЛИМЖОН:

Буюк ўзбек халқи Пушкин асарлари орқали бадиий ижоднинг энг буюк намуналари, кишилик маданиятининг энг муҳташам ҳайкаллари билан танишади. Ўзбекистон ҳукуматининг жуда катта ғамхўрлиги билан 1936 йилда Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш бобида жуда катта тарихий иш қилинди ва бу ишнинг натижасида буюк шоирнинг асарлари ўзбек халқининг мулки бўлди. Унинг маданий даражасини юқори кўтаришда катта роль ўйнаяжак бир фактор ўзбек халқи тилига ўтказилди. Бу кичкина иш эмас. Бу ўзбек халқининг маданий тарихида ҳеч қачон унутилмас тарихдир.

Пушкин асарларининг таржимаси билан ўзбек адабиёти, ўзбек маданияти бойиди. Жаҳон адабиётининг энг юксак намуналаридан бўлган Пушкин асарининг ўзбек тилида бўлиши бу кичкина гапми?..

Бу каттакон маданий бир факт. Бу бадиий адабиётга ўрганиб келадиган ҳар бир меҳнаткаш ўзбек ўз тилида эркин равишда Пушкиннинг асарларини ўқий олади деган сўз. Чунки бу асарларни ўқиганда унинг кўз олдида бутун Россиянинг тарихи, дворянлик жамиятининг гуллаш ва чириш манзаралари, Россияда деҳқонлар қўзғолонининг қаҳрамонлари ўлмас образларда жонланажак. Бу Пушкин яшаган, Пушкинни қатл этган замонни яхши билмоқ ва буюк социалистик ватанга нисбатан оташин муҳаббат туйғусини тарбияламоқ учун ҳам зарурдир<sup>2</sup>.

### АБДУЛЛА ҚАҲҲОР:

Буюк Пушкин ҳозир тирик бўлса «Ҳаёт қўшиғи» деган ҳикоялар тўплами чиқарган Маъруф Ҳакимнинг қулоғидан чўзиб, юзига бир тарсаки урар ва: «Пушти гуллаган ўриклар ўз гулларини тўкиб, довучча тугар эди», «Отнинг жиловини силтаб, тезлашини қистади» («Учрашув») дема, «Ўрик гулини тўккан эди», «Отни жадаллатди» дегин, дер эди. Пушкиннинг ўзи шундай ёзган. Бунга унинг ҳамма проза асарлари далил. Шундай ёзгангина эмас, замондош бўлган адиблардан ҳам шуни талаб қилган эди<sup>3</sup>.

### НАБИ АЛИМУҲАММЕДОВ:

«Илмий, адабий ва умуман маданий ёқдан юксалишимиз, адабиётимизнинг бойиши тилимизнинг фанний асосга қурилиб, системали равишда ўсиши билан узвий боғлангандир»...

<sup>1</sup> «Тарихий муносабатлар» мақоласидан.

<sup>2</sup> «Салом, Пушкин!» мақоласидан.

<sup>3</sup> «Бадиий очерк тўғрисида» мақоласидан.

...«Ўз тилимизда фанний, илмий ва сиёсий, фалсафий асарлар яратиш-  
да маълум давргача таржима қилишдан кўпроқ фойдаланишга тегишимиз.

Умуман адабиётимиз хазинасида таржима асарларининг бўлиши ёл-  
ғиз маданий ва адабий жиҳатдангина эмас, балки, байналмилал нуқтаи  
назардан ҳам зўр аҳамиятга моликдир. Бу ҳолдан биз тегишли хулосалар  
чиқариб, таржимачиликни ва таржимонлар савиясини юқори кўтаришга  
ҳаракат қилишимиз лозим бўлишига қарамасдан, таржимачилик илмига  
баҳо бериб ета олмаслик касали бор. Таржиманинг сифатига, таржимада  
услуб, маъно, тил ва атамалар масаласига мутлақо кам эътибор қилиш ва  
шулар натижасида китобларимизнинг оммага қийинчилик билан англа-  
ниши кўрилатир»<sup>1</sup>.

Буюк адабиёт арбоби, мутафаккир, ўзбек адабий тилининг  
асосчиси Алишер Навоийдан тортиб барча ижод аҳли, ёзувчи,  
шоир, таржимонларгача таржимачиликнинг катта хайрли иш  
эканлигини эътироф этиш баробарида, нобоп, ғўр, чала, думбул  
таржималар фақат сўз, жумла, таркибнигина бузиб қолмай,  
роман, қисса, дoston, шеър, рисоаларни «мурдор қилиш»га  
сабаб бўлишини алоҳида қайд этадилар. Номлари тилга олин-  
ган ўзбек совет ёзувчилари ва шоирларининг ўзлари ҳам  
ҳозирги адабиётимизнинг таркибий қисмига айланиб кетган  
ёки китобхонларнинг қалб тўридан ўрин олган ижод намуна-  
лари — В. Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир» трагедияла-  
ри, А. С. Пушкиннинг шеър ва поэмалари, «Капитан қизи»  
қиссаси, Н. В. Гоголнинг «Тарас Бульба», «Ревизор» каби  
асарлари, Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», Максим  
Горькийнинг «Она», Н. А. Островскийнинг «Пўлат қандай тоб-  
ланди» романлари, В. В. Маяковский шеърляти, жаҳон, рус ва  
бошқа қардош халқлар адабиётларидан юзлаб бадиий, ижти-  
моий-сиёсий китобларни ўзбек тилига таржима қилганлар.

### 23-§. Бадиий таржимада эстетик дид

Агар бадиий таржима асарларининг нашрлари — китоблар-  
га илова қилинган турли-туман суратлар, рангли расмларга  
эътибор қилинса, уларда маҳаллий рассомларнинг диди ва  
тасавури билан яратилган тасвирлар учрайди.

Чехословакияда словак тилида нашр қилинган ўзбек халқ  
достони «Алпомиш» китобига Иван Вишлопен ишлаган ранг-  
дор суратлар ҳайратомуз, ғўзал, фантазияга бой. Лекин афсо-  
навий образлар тасвирида қандайдир ўзгачалик кўзга ташла-  
ниб туради. Шарқ ижодий хаёлотни оламининг европача  
услубда тасвирланиши жуда қизиқ. Аслида, бу табиий ҳол.  
Агарда жаҳон халқлари тилларига кўплаб таржима қилинган  
«Минг бир кеча», «Қалила ва Димна» китобларига ишланган  
сон-саноқсиз расмлар, Ҳофиз ғазаллари, Умар Хайём рубой-  
ларига илова қилинган миниатюралар ва бошқа суратлар кол-

<sup>1</sup> Н. А л и м у ҳ а м м е д о в. Тил ва атамачилик тўғрисида. «Китоб ва  
инқилоб» журн., 1932, 3-сон, 20—21-бетлар.

лекциясини тўплаб, уларнинг бадиий-тасвирий кўрғазмасини ташкил этишнинг иложи топилганида эди, араблар, ҳиндлар, форсларнинг моддий ҳам маънавий ҳаётини немис, инглиз, француз, испан, итальян ва бошқа халқлар санъаткорлари қандай тасаввур қилганликлари билан танишиш жуда мароқли бўларди.

...Веймар шаҳрида Гётенинг бир бюсти борки, уни шоирнинг ўзини ҳеч қачон кўрмаган француз ҳайкалтароши\* ясаган ва мазкур бюст тасвирини у Гётега хат билан қўшиб юбориб, унинг сиймосини худди шундай тасаввур этишини айтган, деб ҳикоя қилганди А. К. Толстой. Бюст ҳам чакки эмас ва оригиналга анча ўхшар экан... А. К. Толстой давом этиб ёзади: бу менинг таржима борасидаги назариямга дахлдордир, зеро, мен асл нусхадан олинадиган *таассуротни* таржима қилиш лозим деб тушунаман... Бинобарин, баъзи таржималар фикрни шоирнинг ўзига қараганда ҳам яхшироқ ифодалаш мумкин... Гомернинг Неаполдаги бюсти, эҳтимол, унинг қиёфасига (башарти, у ҳақиқатда яшаб ўтган бўлса) кўпроқ ўхшаган бўларди.

Умуман, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат билан бадиий таржима ўртасида яқинлик бор. Айни бир оригиналнинг расмини чизганда ҳар бир рассомнинг услуби ўз изини қолдиргани сингари, таржимон ҳам асл нусхани қанчалик аниқлик билан ўгирмасин, унинг таржимасида ўз индивидуал услубининг излари қолади. Чунончи, совуқ ўлкаларда яшовчи рассомлар доҳий В. И. Ленинни кўпроқ бош кийимида турган ҳолатини, қозоқлар, мўғуллар, бурятлар ва бошқа мўғулсифат (монголоид) халқларнинг рассомлари эса унинг кўз-қовоқларини «салгина» қийиқроқ ва қабарикроқ қилиб чизишлари ҳам беихтиёр содир бўладиган индивидуал услуб чизиғидир.

Ҳар бир халқнинг ўз эстетик диди борлиги маълум. Чунончи, бир халқнинг назарида гўзаллик тимсоли сифатида қабул қилинган нарса бошқа халқ назарида қўпол, хунук, ноўхшов кўриниши мумкин.

Синфий жамиятда турли табақаларга бўлинган тоифа вакиллари ўртасида ҳам гўзалликни идрок этишда тафовут борлиги маълум.

Шарқ ғазалиётида гўзаллик ўзига хос равишда тараннум этилади.

Бўюнғ сарву санубартек, белинг қил,  
Вафо қилгон кишиларга вафо қил.

.....

---

\* Гётенинг 1824 йилда Парижда немис ҳайкалтароши Иоганн Флаттер томонидан ясалган бюсти ҳақида гап боради. Бироқ замондошлари, чунончи, моҳир санъат устаси ва Гётенинг дўсти Сульпиций Буасрэ бу тасвирни «даҳшат» деб таърифлаган эдилар.

Аянинг ким ол энгинда менг яратти,  
Вуйи бирла сочини тенг яратти.

(«Муҳаббатнома»дан\*).

Ул санамким сув яқосинда паритек ўлтурур,  
Ғояти нозуклукиндин сув билан ютса бўлур.

(Отойидан).

Соч, юз, қош, киприк, кўз, қабоқ, дудоқ, бел ва ҳоказо, ёрнинг аъзоларини тасвирлашда муболағадор таъриф-тавсиф, сифатлашлар Шарқ шеъриятида сон-саноқсиздир.

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,  
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.  
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,  
Бир-бир не дейин боштин-аёғинг яхши<sup>1</sup>.

Алишер Навоий гўзал ёрнинг боши анатомиясидаги барча аъзоларни ялпи қофиялар билан мислсиз гўзал бир тарзда тасвирлайди.

Дедим зақанинг тутуб, сақоғингни ўпай,  
Кўз-қошингга суртубон қабоғингни ўпай;  
Гулдек юзинг ислабон дудоғингни ўпай,  
Йўқ-йўқки агар десанг аёғингни ўпай (89).

Жоним жими ул ики долингга фидо,  
Ондин сўнг алиф тоза ниҳолингга фидо,  
Нуни дағи анбарин ҳилолингга фидо,  
Қолгон ики нуқтайки холингга фидо (89).

Мислсиз таъриф, муъжизакор санъат акс этган бу рубоийда.

Арабий ёзувда «жон» сўзининг ёзилишида иштирок этган уч ҳарфни (жим, алиф, нун), шаклий мувофиқлигига монанд ҳолда, ёрнинг уч аъзоси — *зулф*, *қомат*, *қошга* «сарфлаб» бўлгач, шоир жим ҳарфининг остида ва нун ҳарфининг устида «ортиб қолган» иккита нуқтага ҳам «жой» қидириб топади — уларни маҳбубанинг икки юзига икки дона хол қилиб қўндиради!

Ҳар бир халқнинг шеъриятида унинг эстетик диди ёрқин акс этади. Дафъатан қараганда, қардошлик тарафидан яқин ёки муштарак адабий анъана яратган халқларнинг тилларида *дид* билан боғлиқ муаммо туғилмайдиганга ўхшаб кўринади. Аслида эса бундай эмас.

«Лайли ва Мажнун» достони 1948 йилда қирғиз тилида чоп этилган. (Асарни саккиз қирғиз шоири таржима қилган).

Таржимага ёзилган кириш сўзда Аали Тўқумбоев Навоий-

\* Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида бу байт «Муҳаббатнома»га мансублиги айtilган.

<sup>1</sup> «Алишер Навоий шеъриятдан». Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, Тошкент, 1977, 83-бет.

нинг туркча асарлар ёзишни юксак поғонага кўтаришдаги хизматини юқори баҳолаб, «Муҳокаматул луғатайн»дан машҳур бир шеърий парчани мисол келтиради:

Маныздары гул-гул  
Муждалары\* хар  
Кабактары кен-кен,  
Ооздору тар.

Аали Тўқумбоев «муждалары хар» ибораси қирғиз киши-сига тушунарли эмас, чунки у «парс»ча сўзлардан иборат сатр эканлигини далил келтиради. Лекин Навоий замонасида бу ҳол турк шеърияти учун нормал бир нарса бўлганини қайд этади<sup>1</sup>.

Жабинлари гул-гулу киприклари хор,  
Қабоғлари кенг-кенгу оғизлари тор

байтида Навоий Ширин ва унинг канизаклари чиройини таърифлаган. Манглай — гулга, киприк — тиканга қиёслаб чизилган бу тасвир асосида канизакларнинг ажойиб портретини яратса бўлади. Байтда шоир қабоғнинг кенглигига оғизнинг торлигини қарама-қарши қўяди. Пеньковский гўзалларнинг ҳаммасига тааллуқли бўлган бу ташбиҳни фақат Ширинга нисбат беради:

Одна была — как шах, средь всей толпы:  
Как роза — лоб, ресницы — как шипы.

Бу байтни Аминзода тожик тилига ўғираркан:

Жабинҳо гул-гулу чун хор мужгон,  
Даҳантангон, вале синафарохон<sup>2</sup>

деб, «қабоғ» сўзи тожик тилида мавжуд эмаслиги туфайли, оғизнинг торлигига... кўкракнинг кенглигини қарама-қарши қўйган. Аввало, мантиқий номувофиқлик юз берган: кўкрак кенглигининг оғиз торлигига алоқаси йўқ; бундан ташқари, Шарқда кўкракнинг кенглиги ҳеч қачон гўзаллик белгиси сифатида талқин этилмаган (одоб бунга йўл бермайди). Бу қусур бир сўзни бера олмасликдан келиб чиққан. Дарвоқе, «қабоғ»нинг форс-тожик тилида йўқлигини Алишер Навоийнинг ўзи ҳам яхши билар эди.

«Ва хўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, қабоғ дерлар, форсийда бу узвининг оти йўқтур. Маснавийда бир жамоати хўб таърифида шундоқ дейилибдурким,

\* Бу ерда *мижа* (ҳозирги — *мижжа*), яъни «киприк» маъносидаги сўз *мужда* деб бузиб ёзилган. (*Мужда* — хушxabар дeмак).

<sup>1</sup> Алишер Навоӣ. Лайли менен Мажнун. Кыргызмамбас, Фрунзе, 1948, 10-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоӣ. Фарҳод ва Ширин. Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, Сталинобод, 1958, саҳ. 62.

Байт:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,  
Қабоғлари кенг-кенг, огизлари тор»<sup>1</sup>.

Тадқиқотчи Б. Дўстқораев Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмаси таржимони Муҳиддин Аминзода ҳақида маълумот беради. Тожик адиби М. Аминзода Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони, Ғафур Ғулом шеърлари, Комил Яшиннинг «Гулсара», Уйғун ва Иzzат Султонларнинг «Навоий» драмаларини таржима қилган. «Бой ила хизматчи» драмаси унинг таржимасида ўзининг асосий бадий қимматини сақлаган.

Жамиланинг «Бечора Гулбаҳор, карвондан ажралган бўтадай бўзлайди, шўрлик»<sup>2</sup> гапидаги *карвондан ажралган бўтадай бўзлайди* ибораси «гўсфанди аз рама жудо афтодаги барин фарёд мекунад»<sup>3</sup> (сурувидан ажралиб қолган қўйдай фарёд қилади) тарзида берилган. Тожик кишиси учун туяга қараганда қўй маиший турмушда яқинроқ. Мабодо ўзбек халқ ибораси айнан ўзидай («бўта»ни — «шутурбачча» деб) таржима қилинганида, бу аёл кишига, айниқса, бечора Гулбаҳордай ифбатли жувонга нисбатан қўпол, хунук чиққан бўларди.

Бойнинг «Хўш деганингиздан билсак, ҳалиги энг яхши қандак ўрикдан уч пут, Каттақўрғон мағизидан беш пут» (40) гапидаги ўрик билан мағизнинг сорти — етиштириладиган жойи тожикчада ўзгартирилган: «Қоқи қандаки навъи аълои Хўжанд» (73).

Таржимон гоҳи ўринларда ўзбек тилида гўзаллик маъносини берувчи сўзларнинг тожик тилида шу маънони англатмаслигини ҳисобга олиб, ижодий эркинликларга йўл қўяди. Масалан, бойнинг Жамила ҳақида айтган «Ҳисобсиз кокил, қўнғир сочларига нима дейсан» (44) гапидаги *қўнғир* сўзи айнан таржима қилинса, тожик ўқувчисининг наздида гўзаллик... хунуклашиб қолиши турган гап. Шу сабабли Жамиланинг сочига тааллуқли сифат — миқдор билан алмашган (*қўнғир соч* — «узун соч» деб берилган). Бу усул Сифатбувининг «Кел, ҳу ўша дўндиқ қўлларингдан ўргилай!» (50) гапининг таржимасида ҳам қўлланилган. Тожиклар учун «дўндиқ»дан кўра, кўпроқ, «нозиклик» гўзаллик тушунчасига яқин: «Биё, ҳу, аз ҳамин дастҳои нозукат гардам!» (78).

Умуман олганда, *дид* халқларда қотиб қолган тушунча эмас, балки тарихан ўзгарувчан категориялар жумласига киради. Вадий асарда акс этган бир халқнинг ҳамда муаллифнинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурини нуқул бошқа халқ, ўзга

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Асарлар, 15 томлик, 14-жилд, 112-бет.

<sup>2</sup> Ҳамза. Асарлар. Икки томлик, 2-жилд. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1960, 40-бет.

<sup>3</sup> «Шарқ сўрх» журн., 1961, 2-сон, 73-бет.



тил, бўлак ижодкор-таржимоннинг дидига мослаштиравириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Таржимага алоқадор бошқа тушунчаларда кўрилгани сингари, бу ерда ҳам меъёрни билиш жуда муҳим. Бундан ташқари, мазкур масала таржима анъанаси билан ҳам боғлиқдир. Чунончи, муайян бир асарнинг илк таржимасида бошқа халқнинг дидини акс эттирган бирон тушунчани ўз тасаввуримизга мослаштирган бўлсак, ўша китобнинг кейинги таржималарида асл нусха вариантига кўчиш ҳам мумкин.

## 24-§. Таржима қусурлари

Бадий таржимачилик ишида аллақанча вақтлардан буён давом этиб келаётган бир қанча жиддий камчиликлар бор.

Энг асосий нуқсон, иллат — бу бирон миллий адабиётнинг фахри, кўрки ва дурдонаси бўлмиш ажойиб асар таржимага кўчганда қандайдир *ўртача* китобга айланиб қолаётганидир. Шуниси ёмонки, ана шундай зуваласи хом таржималар онда сонда учраб қоладиган мустасноли ҳол бўлмай, балки умумий китоб маҳсулотининг хийла катта улушини ташкил этади. Бунинг сабабларидан бири шундаки, нашриётларда бирон таржимонга иш топширилаётганда ҳамма вақт ҳам ўша таржимоннинг қобилияти ва имконияти ҳисобга олинавермайди. Таржимон китоб муаллифини ижодкор сифатида яхши танийдими? Унинг тошини кўтара оладими, у билан «беллашишга» ярайдими? Айни ёзувчининг ижодидан хабардорми, унинг асарини ўгиришга тайёргарлиги борми? Бу ҳақда ўйлаб кўрилайми.

Масъулиятни ҳис этмайдиган таржимон эса меъёр, миқдор ва чегара билмайди: автор — социалист, интернационалист ёки оппортунистми? Романтик ёки реалистми? Қайси тилда, қандай ёзган? Классикми ёки ҳозирги замон ёзувчисими? Ва ҳоказо — унга буларнинг деярли дахли йўқ.

Санъаткор таржимон билан бадий ижоднинг «қора нони» ни татиб кўрмаган «чапдаст» таржимон ўртасида нозик бир фарқ бор. Айтайлик, Миртемир ҳеч қачон Пушкинни ҳам, Некрасовни ҳам, Нозим Ҳикматни ҳам бир хил «тил» билан таржима қилмайди — у ҳар бир даврга, ҳар бир миллий-адабий анъанага, ҳар бир адиб ва унинг ҳар бир асарига мувофиқ келадиган услубни шоирона зийраклик, усталик билан топа билади. Асқад Мухтор учун Маяковский — бир даҳо, Муса Ғали — бошқа бир дунё, Исаакян бўлса — бунинг ўзи лирика олами ичра бир олам. Мирзакалон Исмоилий Лев Толстой таржимасида синаб кўрган тадбирни Михаил Шолохов ижодида нисбатан қўлламайди. Эркин Воҳидов таржимасида Гёте, Есенин, Леся Украинка, Ширвонзодалар бир-бирларидан услубан аниқ ажралиб турадилар.

Таржимани «ризқ-рўз» қилиб олган киши учун эса Толстой ҳам, Чехов ҳам, Флобер, Достоевский, Тургенев, Паустовский, Аvezов, Иван Ле, Бубеннов, Гончар, Қаипбергенов ҳам... «бир хил қолип»да сидирғасига кетаверади. Бир ёзувчи, эҳтимол, умр бўйи ёзган трилогиянинг ҳамма жилдларини (ёки бўлак қалин-қалин китобларни) устаси фаранг таржимон бирикки йилдаёқ ағдариб ташлайди! (масалан, И. С. Тургеневдай даҳо адибнинг бир романида таржимон қуйидаги ноўхшов гапни буюк рус ёзувчиси номидан айтилган деб ишонтирмоқчи бўлади: «Аллақаёқдан иккита кучук боласи югуриб чиқиб, қаттиқ, аммо, жаҳлсиз ҳура бошлади. Уйдаги одамлар ҳаракатга келишди»). Бундай бетаъсир таржималарнинг фойдасидан зиёни кўпроқ: ўқувчининг кўз ўнгида авторни бурдсиз қилиб қўйишдан ташқари, бадий дидни ерга уради, ўн минглаб кишиларнинг эстетик гўзаллик ҳақидаги тасаввурига шикаст етказади, бадий китоб бозорини касод қилади, тилни шафқатсизларча бузади.

Румо муаррихи Светоний ўзининг «Маълум ва машҳур грамматистлар ҳақида» номи рисоласида ҳикоя қилишича, ўз услубини мукамал ҳисобловчи император ТибериЙ нутқларидан бирида бехосдан чучмал иборани ишлатиб юборди. Ваъзхонликдан сўнг у ўзининг барча дўстларини ҳузурга чорлади-да: — Нима дейсизлар, император хатога йўл қўйдими ёки йўқми? — деб сўради.

Шунда хушомадгўйликни хатм қилиб олган Атей Капито деди: «О, Цезарь, бу ҳатто хато бўлган тақдирда ҳам, сенинг оғзингдан чиққандан сўнг, энди ўзининг хатолигидан маҳрум бўлди!».

«Йўқ, Цезарь, — қатъий жавоб қилди довьорак Маркелий — сен одамларга гражданлик ҳуқуқини беришинг мумкин, аммо сўзга келганда ҳукминг ўтмайди».

Ҳали жиддий таҳрир чиғириғидан ўтмай туриб, шоша-пиша босиб чиқарилган таржима китобларга нисбатан бундай қатъий «йўқ» жавобини қиладиган ўша довьорак «таржима маркелийлари» йўқми бизда? Бор, булар — адабий танқидчилардир.

Бизда таржима танқидчилиги соҳасида ўзларининг ўткир, сермазмун мақолалари, тақризлари билан танилган мутахассислар бор. Н. В. Владимирова, Г. Ғафурова, Н. Комилов, С. Саломова, П. Тартаковский, М. Қўшмоқов, Пошали Усмон ўғли ва бошқалар бадий таржиманинг амалий ҳамда назарий масалаларига оид қимматли адабий-танқидий мақолалар, тақризлар ёздилар. Умуман олганда эса, таржима танқиди адабий танқидчиликнинг бўш соҳаси бўлиб қолмоқда. Аввало, босилиб чиқаётган ҳар ўнта таржима асаридан биттасига ҳам матбуотда тақриз берилмайди. Катта таржима оқими танқидчиликнинг назаридан четда. Таржима адабиётининг умумий аҳволи қандай? Босилаётган таржима асарлари савия, сифат жиҳатдан умумий бадий ижод талабларига жавоб берадими? Умуман, таржимага қараб асарнинг авторини *таниш* мумкинми, унинг ижоди ҳақида муҳокама юритса бўладими? Бу каби саволларга адабий танқидчилик ҳали узил-кесил жавоб берганича йўқ.

Адабий танқидчилик билан таржима танқидчилиги орасида узилиш сезилмоқда. Таржима — ижодий иш, таржимачилик — адабий жараённинг ажралмас қисми бўлса, унда таржима танқиди ҳам адабий танқиднинг муҳим соҳаси деб қаралиши лозим. Матбуотда эълон қилинаётган тақриз ва тақризнамо мақолаларнинг барчаси ҳам таржимачилик амалиётидаги асосий масалаларни қамраб ололмайди, умумий мулоҳазалар, юзаки кузатишларга асосланиб (баъзан «бурчдорлик» юзасидан) ёзилади. Таржима таҳлилининг ўзига хос томонлари борлиги ҳисобга олинмайди. Аксари тақриزلарнинг мундарижаси тахминан шундай бўладики, кузатилаётган таржимада асл нусха мансуб бўлган адабиётнинг ўзига хос ривожланиш йўли, автор мансуб бўлган адабий оқим хусусиятлари, жанр спецификаси, адибнинг дунёқараши, ижодий биографиясининг асосий белгилари, асарда тасвирланган образлар ва уларни ўраб турган муҳит, миллий колорит, миллий характер, ёзувчининг ўзига хос услуби ва бошқа шу каби омиллар қанчалик акс этганлигини аниқлаш каби муҳим нарсалар бир ёқда қолиб, уларда бирон персонажнинг эғнидаги кийими, тановул қиладиган ҳўраги ёки айрим қилиқ-одатлари «чуқур илмий» асосда ўрганилади, таржимонга луғатдан тез-тез фойдаланиб туриш ҳақида «маслаҳатлар» берилади ва ҳоказо. Бу тақриزلарда ғўр, тезпишар, «бир амаллаб» чиқарилаётган таржималарнинг иллатлари очиб берилмайди, бунинг акси ўлароқ, бақувват таржималар ўзининг муносиб баҳосини ололмай қолаверади. Таржимачиликдаги нуқсонлар ўз вақтида кўрсатиб берилмагани учун заиф таржималар ҳеч қандай тўсиққа учрамай, ўзгаришсиз нашрдан-нашрга ўтиб келмоқда.

Зикр қилинаётган мавзу «Таржима қусурлари» деб номланган. Умуман бадий ижод соҳасида учраб турадиган хато ва камчиликлардан ташқари, таржиманинг ўзигагина ёки, лоақал, кўпроқ таржимага «хос» қусурлар ҳам бўладими? деган савол туғилиши табиийдир. Таржимачилик амалиётида ҳам, таржимашунослик юзасидан яратилаётган назарий, танқидий ишларда ҳам кўпроқ учрайдиган ёки уларнинг ўзига «хос» камчиликлар, дарҳақиқат, мавжуд (буларнинг бир қисми юқорида кўриб ўтилди).

Таржимачилик ишида учрайдиган хатоларни қатъий фарқламоқ керак. Бу ерда *камчилик*, *кўст*, *чалкашлик*, *ноўғри талқин*, *хато*, *нуқсон*, *иллат* борки, уларнинг баъзиларини таҳрир давомида йўл-йўлакай бартараф эттиш мумкин, лекин агар унда чуқур хатолар бўлса, таржимоннинг ижодий методи айни асарнинг интерпретациясига номақбул келиб, муаллиф билан таржимон бошқа-бошқа ижодий мавқени ишғол қилиб турган, бинобарин, ҳали мутаржимнинг ўзи муаллиф билан умумий тил топиш учун «таржимон»га муҳтож бўлса, бундай таржиманинг баҳридан ўтмоқ керак.

Таржима қусурларидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Асар услубини тушунмаслик, ўз тилидан унга мувофиқ ифода тарзини топа олмаслик (буни *услубий бепарқлик* ёки *услубий ожизлик* иллати деб таърифлаш мумкин).

2. Таржимонда ҳаётий тажрибанинг етишмаслигидан келиб чиқадиган нуқсонлар (масалан, таржимон китобда тасвирланган хўжалик соҳасини, ишлаб чиқаришни, халқ ёки мамлакат ҳаётини билмаслиги мумкин).

3. Таржимоннинг бадий ижодга лаёқатсизлиги, тилни билгани билан, уни ҳис қила олмаслигидан келиб чиқётган иллат.

4. Асл нусхада тасвирланган халқ ҳаётининг миллий ўзига хос томонларини дуруст акс эттира олмаслик.

5. Таржимада сўз танлашда, сўз қўллашда юз берадиган чатоқликлар ва ҳоказо.

Ҳар бир таржима асл нусха фазилатларининг маълум бир «туркуми»ни акс эттиради, аммо ўша асарни бошқа тилда бус-бутун, узил-кесил тақрорлай олмайди. Қимки, бошқа тил стихияси ичида туғилган бадий ижод намунасини айнан ўзидай, ҳеч бир ўзгаришсиз кўришни истаса — уни ўша тилда, асл нусхасида ўқисин. Асл нусха фазилатидан муайян даражада «камомат» бўлиши бадий таржима ижодига хос тушунчадир. Шундай экан, ҳар бир танқидчи ўзи ўрганаётган таржимадан (таржимондан) *нимани* талаб қилишни билиши даркор. Таржима танқидчиси холис бўлиши, таҳлилга олдиндан қатъий ҳукмлар билан «чоғланиб» киришмаслиги керак.

«Алишер Навоий шеърятидан» китобчасида (1977 йил) «Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек» мисраси билан бошланган рубоий икки жойда берилган (85, 90-бетларга қаралсин). Бу оригинал асарлар нашрида кам учрайдиган, тасодифий нарса. Чунки айни бир хил матн ноширларни, одатда, чалкаштирмайди. Лекин таржимада эса бундай ҳоллар тез-тез содир бўлиб туради. Бу ерда гап оддий «чалкашлик» ҳақида бораётгани йўқ. Масала шундаки, шеърый асарлар таржимасида баъзан ҳаддан ташқари эркин интерпретация ва бир-биридан жиддий фарқланадиган талқинга йўл қўйилади: бир асарнинг икки шоир томонидан яратилган таржимаси қарийб бир-бирига ўхшамай, бошқа-бошқа шеърдай бўлиб қолади. Буни ҳатто мутахассис тўпловчи ва муҳаррирлар ҳам пайқамайдилар.

Навоийда «ишқ» мавзуида ёзилган иккита рубоий бор. Бири — туркий тилда, иккинчиси — форсийда.

Кўнглумни гаму дард ила қон айлади ишқ,  
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ,  
Ҳар қатрани билмадим қаён айлади ишқ,  
Бедил эканин бўйла аён айлади ишқ!

<sup>1</sup> «Алишер Навоий шеърятидан». Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, Тошкент, 1977, 85-бет.

## «Девони Фоний» дан:

То монд қазо бар сари ман афсари ишқ,  
Дар даҳр дилам сохт ниҳон гавҳари ишқ,  
З-он афсарам афтод ба каф кишвари ишқ,  
З-он гавҳарам афрӯхт ба дил ахгари ишқ.

## Насрий таржимаси:

Тақдир бошимга ишқ тожини қўйгандан буён,  
Дунёда ишқ гавҳарини кўнглимга яширгандир.  
У тождан ишқ кишварига эга бўлдим,  
Бу гавҳардан танимни ишқ чўғи ёндирди<sup>1</sup>.

Бу — бир шоирнинг бир мавзуда икки тилда ёзган иккита бошқа-бошқа асари. Аммо, ҳамма гап шундаки, муайян бир асарнинг бошқа бир тилга икки таржимон томонидан қилинган таржимаси ҳам бир-биридан қарийб шу даражада фарқланувчи иккита мустақил, бошқа-бошқа асар бўлиб қолмаслиги керак\*.

Баҳоланки, таржимачилик амалиётида бундай ҳоллар тез-тез юз бериб туради. Масалан, «Кавказ қўшиқлари» тўпламининг (1973) биринчи бетидан жой олган «Ленин Самгорида» шеъри шу китобнинг 14-бетига Мукаррама Муродова таржимасида «Ленин Грузияда» сарлавҳаси билан босилган.

Шуниси қизиқки, «Ленин Грузияда» шеъри билан «Ленин Самгорида» бир-биридан жиддий фарқ қилади. Аслида улар бир шеърнинг икки хил таржимасидир. Муҳаррир бунинг фарқига бормаган.

Ғафур Ғулومнинг рус тилида чоп қилинган (Тошкент, 1966) «Встречая будущее» (Истиқболни қаршилаб) тўпламида «Куз келди» шеъри «Осенние дни» (Куз айёми) номи остида — С. Северцев таржимасида ҳамда «Моя золотая земля» (Олтин заминим) сарлавҳаси остида — С. Сомова таржимасида берилган (127, 220-бетлар).

Авторнинг ижодий сиймосини баъзан таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборадиган «эркинлик» билан бадий асарни расмий-идоравий услуб исканжасига оладиган формализм сўз санъатининг бу соҳасида доим воқе бўлиб турадиган икки офатдир. Таржима танқидчилиги ҳамма вақт ижодий меъёрни аниқлаган ҳолда ана шу икки «фронт»да кураш олиб бормоғи лозим.

<sup>1</sup> А л и ш е р Н а в о и й. Асарлар. Ун беш томлик, бешинчи жилд. Девони Фоний (II китоб). «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, 1965, 425-бет.

\* Бадий таржиманинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, муайян бир асарни айни бир ёзувчи ёки шоирнинг ўзи ҳам турли даврларда ўзгача бир йўсинда, услубда ўгириши мумкин. Масалан, бир шеър умрнинг турли фаслларида турлича таржима қилиниши ҳоллари маълум; ёки бирон романи аввалига восита тил ёинки тагламадан ўгирган адиб кейинчалик асл нусха тилини махсус ўрганиб, китобни аслидан — оригинал тилидан қайта таржима қилади. Унинг таржималарида ҳам фарқ бўлиши турган гап. Бироқ бу — бошқа мавзу.

## ТАРЖИМА. ТАРЖИМОН. ТАРЖИМАШУНОСЛИК

### III БОБ. ТАРЖИМАДА ТАҲЛИЛ, ТАҲСИЛ ВА ТАДҚИҚОТ

#### 25-§. Таржима назарияси предмети

Таржимашунослик проблематикасида қуйидаги муносабатлар ҳақида гап боради: 1. Асл нусха билан таржима тиллари ўртасидаги муносабат (бу ерда қиёсий тилшунослик эришган ютуқлардан фойдаланилади). 2. Асл нусха билан таржима ўртасидаги мазмун ва шакл муносабати (бошқа тиллардаги формаларнинг эстетик функцияларини акс эттириш) — бу ерда адабиётшунослик, қиёсий стилистика ва поэтика ютуқларидан фойдаланилади. 3. Умуман асл нусха билан таржиманинг бадиий қиммати ўртасидаги муносабат — бу ерда адабий танқид методлари қўл келади.

Таржима жараёнининг моҳияти асл нусхада акс этган шакл билан мазмуннинг бирлигини, яхлитлигини сақлаш учун бўлак тилдан муқобил воситалар қидириб топишдан иборат. Бундан ташқари, асл нусха мазмунини бошқа тилда беришнинг мавжуд бир нечта имкониятлари орасида энг муқобил ва мувофиқ вариантини танлаш ҳам адекват таржиманинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ана шу муқобил тил воситаларини қ и д и р и б т о п и ш ва мувофиқ вариант т а н л а ш ижодий характерга эга бўлиб, таржима қилувчи киши, яъни таржимондан онгли меҳнатни талаб этади. Тилнинг ифодавийлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган илмий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар таржимасида ҳам муайян бадиий-ижодий масалаларни ечишга тўғри келади. Бу таржимондан адабий маҳоратни талаб қилади. Бундай таржима с а н ъ а т жумласига киради.

Ижодий жараён ёки санъат ҳисобланган таржимадан маҳсус фан ҳисобланмиш т а р ж и м а ш у н о с л и к н и бир-биридан фарқламоқ лозим. Таржима халқлар ўртасидаги маданий, сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг қудратли воситаси сифатида жуда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, ҳозирги даврда у беқиёс катта аҳамиятга эгадир. Турган гап, амалий тарафдан бу қадар муҳим аҳамият касб этган фаолият ўзининг назарий заминига эга бўлиши керак. Таржима назариясининг вазифаси — асл нусха билан таржима ўртасидаги нисбатнинг қону-

ниятларини кузатишдан, алоҳида, хусусий характердаги таржима ҳодисаларидан туғилган хулосаларни илмий маълумотлар асосида умумлаштиришдан ҳамда таржимачилик амалиётига билвосита таъсир ўтказиш, унинг сифатини яхшилашга кўмаклашишдан иборат. Таржима амалиёти мақбул ифода воситаларини топиш ҳамда муайян конкрет таржима масалаларини ҳал қилишда муқобил модель, қоида, далил ва исботларни таржима назариясидан олади. Шундай қилиб, асл нусха билан таржима ўртасидаги муносабат ҳамда конкрет ҳолларда юз бериб турадиган, изоҳлаш, тушунтириш ва умумлаштиришни талаб этадиган фарқланувчи, тафовут қилувчи формалар таржима назариясининг а с о с и й п р е д м е т и ҳисобланади<sup>1</sup>.

Таржима назарияси фан сифатида яратилмаган тақдирда ҳам амалда бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш мумкинми? Бу — масалани: грамматика бўлмаган тақдирда ҳам кишилар бир-бирлари билан муносабатга кириша оладиларми, яъни сўзлаша биладиларми ёки адабиёт назариясидан холи бадий асар — роман, драма, шеър ёзиш мумкинми? — деган тарзда қўйишга ўхшайди.

Ўзбекистонда таржима назарияси мустақил фан сифатида Октябрь революциясидан кейин туғилган бўлса-да, таржимачилик амалиёти минг йиллик тарихга эга. Бундан ўзбек таржимачилиги минг йиллар мобайнида назариясиз ривожланиб келган деган хулосани чиқариб бўладими? Йўқ. Аввало, араб, форс, ҳинд, турк, рус тилларидан жуда кўп илмий, тарихий, сиёсий, диний, фалсафий, адабий китобларни ўзбекчалаштирган бизнинг таржимонларимиз гарчи ёзилмаган, системалаштирилмаган, умумлаштирилмаган бўлса-да, қабул этилган, уқилган, риоя қилинган маълум таржимачилик ақидаларига асосланиб иш кўрганлар. Масалан: назм — наср билан ёки гоҳо, аксинча, проза — шеърый мақомга солиниб ўгирилган; қижжалаб ёки эркин, қисқартириб ёки қўшиб, локализация ёки модернизация йўли билан таржима қилинган ва ҳоказо. Ҳатто баъзан таржималарга ёзилган анъанавий муқаддималарда нима сабабдан у ёки бу таржимачилик ақидасига, назарий принципларга риоя қилинганлиги таржимонлар томонидан асосланган ҳам. Бу эса таржима назариясининг ибтидоси Октябрь инқилобидан олдин туғила бошлаганидан, қадим замонлардаёқ назария куртаклари пайдо бўла бошлаганидан далолат беради.

Таржима назариясининг аҳамияти шундаки, у айрим практик таржимонларнинг субъектив майлига ҳамда «интуиция» йўли билан ўзбошимчалик қилиб ўгиришларига чек қўяди.

<sup>1</sup> А. В. Фёдоров. Основы общей теории перевода (Лингвистический очерк). Издание 3-е, переработанное и дополненное. Изд-во «Высшая школа», М., 1968, стр. 155—157.

Ҳар қандай назарий фаолият қонуниятлар жорий қилишга ва назарий умумлашмалар яратишга зарурат сезади, булар эса кенгроқ миқёсда хулосалар чиқаришга, уларни бир қанча таржима ҳодисаларига татбиқ этишга ҳамда эмпиризм ва кустарчиликка чек қўйишга ёрдам беради. Худди шунинг учун ўтмишдаги ва ҳозирги буюк таржимонлар таржимачилик соҳасида маълум назарий қарашлар системасига асосланиб иш кўрганлар. Бу назарий қарашлар уларнинг тил, адабиётга муносабатлари ҳамда дунёқарашлари билан боғлиқ ҳолда туғилган, ривожланган.

Таржима ижодий фаолият сифатида, бир томондан, тил ва адабиёт билан, иккинчи томондан эса икки тилнинг бир-бири билан дуч келиши, муносабатга киришувига, асл нусхани бўлак тил воситалари билан қайта яратишга асослангандир. Таржима ва тилларни қиёслаш жараёнида ҳар бир тилнинг ўзини алоҳида олиб текширганда туғилиши мумкин бўлмаган бир қанча масалалар кўндаланг бўлади, уларни таҳлил қилиш эса ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ аниқлашга кўмаклашади.

Таржимани ҳар томонлама тадқиқ қилиш мумкин. Масалан, тарихий-маданий, адабиётшунослик аспекти (бу, хусусан, бадиий таржимага тааллуқли), тилшунослик аспекти, психологик аспект ва ҳоказо.

Бироқ бу назарий йўналишларнинг ҳаммаси ҳам, профессор А. В. Фёдоровнинг фикрича, ё бевосита, ё билвосита лисоний аспектда ўз ифодасини топади, негаки таржима ҳамма вақт тил билан иш кўради, тил билан ишлашни англайди, бинобарин, таржима назариясида икки тил ва уларнинг услуб воситалари нисбати масаласи билан боғлиқ бўлган лисоний аспект алоҳида ўрин эгаллайди. Негаки, таржимани ҳатто адабиётшунослик аспектида ўрганиш ҳам, кўпинча, тил ҳодисаларини таҳлил қилишга олиб келади.

Профессор Г. Р. Гачечиладзе эса бу тезисга эътироз билдириб, аслида, оригинал адабиёт ҳам тил билан иш кўради, лекин бунга асосланиб, бадиий адабиёт тилшунослик фанининг объекти деб эълон қилинган эмас, деган фикрни илгари суради.

Кейинги йилларда барча мамлакатларда таржимачилик фаолияти тобора ривожланмоқда. Шу билан бирга, аста-секин таржималарнинг сифати ҳам яхшиланиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Таржималарнинг сифати яхшиланаётганига сезиларли туртки бераётган сабаблардан бири шуки, таржима назарияси сўнги даврда жиддий тарзда олдинга силжиди. Эндиликда, аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, деярли ҳеч ким таржима ҳақидаги фаннинг мавжудлиги ва зарурлигига шубҳа билдирмайди. Бизнинг кунларимизда мунозаралар юқсри, амалий босқичга кўтарилиб, бу соҳадаги тадқиқотларнинг предмети, унинг ўрни ва таҳлилини, оптимал усулларини



тайин этишга қараб юзланди. Шунини айтиш лозимки, бу соҳада ҳам ўз-ўзини рад этувчи, баъзан нотўғри ҳал қилинаётган масалалар мавжудки, бу ҳозирги замон таржимашунослигининг тараққиётига салбий таъсир қилиш баробарида, унинг бошқа илмий соҳалар билан фойдали ва зарур алоқалар ўрнатишига халал беради, унга янги, аниқ тадқиқот методларини жорий этишдек фойдали ишга лат етказди.

Ана шундай бир-бирига зид, аммо моҳият эътибори билан хато фикрлар мужассамлашган, ўз навбатида, таржима назарияси фанининг ўзига ҳам, таржимачилик фаолиятига ҳам зарар етказадиган асосий проблемалардан бири таржима назарияси ва амалиётида адабиётшунослик ва тилшунослик аталмиш тадқиқот методикасининг аҳамияти ҳақидаги проблемадан иборат.

Қирқинчи йилларнинг охирларида таржима назариясида лисоний йўналиш пайдо бўлди. Бу йўналишнинг моҳияти шундан иборат эдики, таржимага, асосан, ҳамма ҳолларда ва барча жанрларда лисоний фаолиятдан иборат, деб қаралади. Таржима проблемаси предметини бундай талқин қилганда, умумий таржима назариясини тилшуносликка мансуб соҳа деб қарашни, таржима проблемаларини тадқиқ қилишга ёндашиш эса лисоний аснода бўлишини тақозо этади.

Мазкур йўналишни танқид қилиш асносида а да б и ё т ш у н о с л и к й ў н а л и ш и аталмиш янги бир қараш пайдо бўлди. Бу йўналиш намояндаларининг даъвосича, бадий ва нобадий таржима ўртасида жиддий тафовут бор: бадий таржима — адабиёт соҳасидаги ижодий фаолият, нобадий таржима эса тил соҳасидаги ноижодий фаолиятдан иборат. Проблемани бу тарзда талқин этиш ўз-ўзидан шунга олиб келадикки, бунда таржимашунослик гўё икки «таржима назариясидан» иборат бўлиб қолади: бири — *бадий таржима назарияси* бўлиб, у а д а б и ё т ш у н о с л и к соҳаси ҳисобланмоғи даркор, иккинчиси эса *ноадабий таржима назарияси* бўлиб, буниси т и л ш у н о с л и к соҳасига мансуб бўлмоғи лозим. Винобарин, бадий таржима назарияси — адабиётшунослик соҳаси, бадий адабиёт таржимонининг фаолияти — адабий ишнинг ўзига хос тури бўлгандан сўнг, бадий таржима проблемаларига муносабат ҳам адабиёт соҳасига мансуб, адабиётшунослик характерида бўлмоғи лозим.

Бадий ва нобадий таржима ҳамда таржимашуносликда адабиётшунослик ва лисоний ёндашиш совет мутахассислари И. И. Ревзин ва В. Ю. Розенцвейгларнинг асарларида асосланган ва чуқурлаштирилган. Машинавий таржима соҳасида орттирилган тажриба ҳамда семиотика ва структурал лингвистика фанлари эришган ютуқларни ҳисобга олган авторлар ягона таржима тушунчаси ўрнига иккита турлича тушунчани жорий этиш лозим деган хулосага келдилар: «таржима-1» (ёки интерпретация) ва «таржима-2». Таржима-1 да таржимон

асл нуска ортидаги воқеликни қайта тиклайди ва шу воқелик асосида эквивалент текст яратади. Бундан фарқли ўлароқ, таржима-2 да икки тил ўртасида олдиндан аниқланган корреляциялар\* системаси асосида таржимон муқобил тил воситаларини аниқлашга ҳаракат қилади, бунда у ҳар гал нолисоний (тилдан ташқаридаги) воқеликнинг мувофиқлигига риоя қилишга интилмайдди. Таржима-1 бус-бутун ижодий, таржима-2 эса ноижодий характерга эгадир. Бадий таржимада гарчи таржима-2 нинг унсурлари ҳам мавжуд бўлса-да, аммо бадий таржима, асосан, таржима-1 жумласига киради. Таржима-2 тўлалигича илмий-техникавий адабиётга тааллуқли бўлиб, ноижодий характерга эга, бинобарин, авторларнинг фикрига кўра, маълум даражада алгоритмлаштиришга мойил ва у ЭҲМ (электрон-ҳисоблаш машинаси) ихтиёрига топширилиши мумкин.

Таржима ҳақидаги бундай антиқа қарашлар назарияда анча кескин тус олиб, ягона таржима тушунчасининг пароканда бўлишига ҳамда икки таржима назарияси — адабиётшунослик соҳасига мансуб бадий таржима назарияси билан тилшунослик соҳасига мансуб лисоний таржима назариясининг бир-биридан ажралиб кетиши, парчаланишига олиб келади.

Аслида эса таржимага кенг семиотикавий\*\* нуқтаи назардан қараб, бу термин остида бир табиий тилдан бошқа табиий тилгагина эмас, балки истаган белгилар системасидан бўлак исталган белгилар системасига ўтишни тушунмоқ керак<sup>1</sup>. Бундай тақдирда таржима қилиш ишини қуйидагича таърифлаш мумкин: таржима мувофиқлаштириш жараёни ҳамда кириш ахбороти символларини бошқа бир код символлари билан ифодалаш мажмуасидан иборат бўлиб, бунда ахборотларни ҳисобга олиш системалари бир-бирига муқобил бўлиши даркор. Бу таъриф таржима жараёнини абстракт тахлитда тушунтиради, яъни қайси тилдан ёхуд қайси тилга ўгирилаётган кодлар ҳамда бу жараён субъектлари қандайлигини (одамми ёки автомат) инobatга олмайди. Сўнгра таржима қилувчи ва таржима қилинувчи код (тил)ларнинг ўзига хос хусусияти асосида умумий ж и н с тушунчасидан шунга мувофиқ келадиган тур тушунчаларини келтириб чиқариш мумкин. Масалан, сунъий тиллараро таржима, табиий тиллар-

\* Тилдаги бир ёки бир нечта birlikларнинг маъно томондан ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этишига *корреляция* дейилади. Қаранг. О. С. А х м а н о в а. «Словарь лингвистических терминов». Изд-во «Советская энциклопедия», М., 1966, стр. 209.

\*\* Тилнинг турли birlikлари ўртасидаги маъно тафовутларини ўрганиш билан шуғулланувчи соҳага *семиотика* дейилади. Тилнинг ифодавийлиги асосини семиотикавий аснода тадқиқ этиш мумкин. (О. С. Ахманова лугати, 402).

<sup>1</sup> А. Л ю д с к а н о в. О литературоведческом и лингвистическом подходе в теории художественного перевода. Журн. «Славика словака», 1971, 390—393- бетлар.

аро таржима; сунъий тиллардан — табиий тилларга таржима ёки табиий тиллардан — сунъий тилларга таржима ва ҳоказо. Барча таржима турларининг умумий таржима жинсига хос белгиси — барча ҳолларда таржима қилиш иши бир код (тил)-дан бошқа код (тил)га ахборот инвариантлигини\* сақлаган ҳолда ўтишдан иборат. Таржима турлари ўртасидаги тафовут таржима қилаётган ва таржима қилинаётган кодларнинг ўзига хослигига вобастадир.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқади:

1. Ҳозиргача қабул қилинган таржима жанрлари «бир табиий тилдан бошқа табиий тилга таржима»дан иборат яхлит умумий тушунчанинг турларидир.

2. Ҳамонки улар айни бир умумий жинс тушунчасининг турлари экан, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш (биринчи галда бадийи ва нобадийи таржима каби) ярамайди, аксинча, уларнинг умумий жинс хусусияти ва тур тафовутларини аниқлаш лозим.

3. Бир табиий тилдан бошқа табиий тилга барча таржима жанрларининг бу умумий жинс хусусияти охир оқибатда худди ўша тилларнинг ўзига хослигидан келиб чиқади.

Бу хусусиятлар нималардан иборат? Маълумки, табиий тиллар омонимия, кўп маънолилиқ, синонимия, грамматик қурилиш жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Улар орасида бошқа тафовутлар ҳам кўп. Табиий тилларнинг бу хусусиятлари шундай омилларни туғдирадики, натижада уларнинг воситалари барча лисоний даражаларда бир хил бўлмасдан, контекст тақозосига боғлиқ бўлиб қолади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, табиий тиллар формасида тақдим этилган ҳар қандай хабарни тушуниш учун даставвал ўша хабарнинг тил воситалари аниқ маъносини белгилаш лозим. Бу эса барча ҳолларда ҳам т а н л а ш д а н иборат. Сунъий тиллардан фарқ қилароқ, табиий тилларнинг бундай хусусиятидан қўйидагича хулоса келиб чиқади: табиий тиллараро таржима қилиш хийла кўп танлашни талаб этади.

Мазкур проблемани тадқиқ этишда яна шу нарса жуда муҳимки, таржима жараёнида танлашлар олдиндан бирон қатъий регламентга солинган бўлмайди. Бинобарин, бир табиий тилдан бошқа тилга барча жанрлар таржимаси лисоний воситалар танлашнинг и ж о д и й х а р а к т е р д а бўлишини тақозо этади. (Бу ерда *ижодийлик* деганда шундай жараён назарда тутиладики, уни амалга ошириш олдиндан қатъий регламентга солинмаган бир ёки бир нечта танлаш орқали содир бўлади). Бундан яна шундай хулоса келиб чиқадикки, таржиманинг туб моҳияти бадий таржимани — ижодий фаолият, нобадий таржима эса ноижодий фаолият деб, уларни

\* Тил системасидаги конкрет мазмундан ажратилган абстракт элемент. (О. С. Ахманова лугати, 176).

бир-бирига қарама-қарши қўймасликни талаб қилади. Бу таржима хилларининг ҳар иккаласи ҳам *ижодий* характерга эга, бироқ уларда ана шу ижодийликнинг воқе бўлиши бир-бирдан тубдан фарқ қилади.

Таржимани назарий томондан ўрганиш бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишга эҳтиёж туғилган кундан бошланган. Чунки фикрни бир тилдан иккинчи тилга қандай узатиш фақат амалий иш эмас, балки мураккаб назарий масаладир. Бинобарин, ҳар бир таржимон маълум даражада «таржима назариячиси» ҳамдир.

Иш жараёнида ҳар қадамда туғилиб турадиган назарий муаммоларни у кўпинча мустақил ўзи ҳал қилишга мажбур бўлади. Бунинг сабаби шуки, таржиманинг умумий, типик, муштарак қийинчиликларидан ташқари, ҳар бир конкрет асарни таржима қилишнинг индивидуал, ўзига хос инжиқликлари борки, буларнинг ҳаммасини олдиндан «назарда тутадиган» ёки уларни ҳал қилиб берадиган қандайдир универсал назарий қўлланма ёки универсал луғат йўқ. (Ҳар бир ёзувчининг ижоди бўйича тузилган махсус луғатлар — масалан, «Шекспир луғати», «Пушкин луғати», тузилиши мўлжалланаётган «Навой луғати» таржимонларнинг мушкулини бир қадар осонлаштиради. Хусусан, ҳар бир ёзувчининг ижоди бўйича икки тилли луғатлар тузилса, бу таржимонларга жуда қўл келган бўлар эди).

Таржима муаммоларини қуйидагича дифференциация қилиш мумкин:

1. Турли ёзувчиларнинг ҳар хил асарларини таржима қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар. Масалан, Гётенинг «Фауст» трагедиясини таржима қилиш билан Анна Зегерснинг «Барҳаёт ўликлар» романини таржима қилиш ўртасида катта фарқ бор. Бинобарин, «Барҳаёт ўликлар» романини ўгирган киши «Фауст»ни таржима қилолмаслиги мумкин.

2. Бир ёзувчининг айна бир асарини таржима қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар. Масалан, М. Ю. Лермонтовнинг «Демон»ини Усмон Носир билан Мамарасул Бобоев, Б. Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» қиссасини Наби Алимұхаммедов билан Шукур Саъдулла таржима қилган бўлсалар-да, бу таржималар ўз савияси эътибори билан бир-биридан жиддий фарқ қилади.

3. Бир ёзувчининг бир қанча асарларини таржима қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар. Михаил Шолоховнинг «Тинч Дон» романини ўгириш билан унинг «Инсон тақдири» ҳикоясини таржима қилиш қийинчиликлари бир хил эмас. Ёки В. И. Лениннинг «Россияда капитализмнинг тараққийси» ҳамда «Материализм ва эмпириокритицизм», «Бир қадам олға, икки қадам орқага» асари билан «Фалсафа дафтари», А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» қиссаси билан «Евгений Онегин» шеърини романи, Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гул-

сари» қиссаси билан «Оқ кема» асарларини таржима қилишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор.

4. Турли жанрларга оид асарларни таржима қилиш қийинчиликлари. Масалан, Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси билан «Қийиқ қизнинг қуйилиши» комедияси ёки Данте-нинг «Илоҳий комедия»си билан М. А. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романини таржима қилиш мушкуллиги бир хил эмас.

Бундай проблемалар жуда кўп. Бунинг устига, ҳар бир тилдан таржима қилишнинг ўзига хос «қалтис томонлари» бўлади. Ҳар бир ижодкорнинг индивидуал услубини акс эттириш зарурати билан боғлиқ мушкулот мавжуд. Тарихий давр, миллий, адабий анъаналардаги тафовутлар ва бошқа объектив омиллар тақозоси билан туғиладиган муаммолар сон-саноқсиз.

Аксари ҳолларда бу проблемаларни ҳал қилиш таржимоннинг гарданига тушади. Яқин вақтларгача Гётенинг «Фауст»ини ўзбек тилига таржима қилиш проблема бўлиб келган эди. Эндиликда бу ажойиб бадиий-фалсафий асарни ўзбек тилида қайта яратиш билан Эркин Воҳидов улкан сўз санъати намунасини кашф қилди. «Илоҳий комедия» асарининг Абдулла Орипов таржимаси, «Лисонут-тайр»нинг Сергей Иванов таржимаси ва бошқалар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Ҳамид Олимжон ўзининг «Пушкин ва ўзбек адабиёти» номли мақоласида: агар бирон шоир бутун йил мобайнида А. С. Пушкиннинг атиги биттагина шеърини таржима қилган бўлса, уни ижодий маҳсулот бермаганликда айблаб бўлмайди, деганида ҳақли эди. Бизнинг ватан адабиётимизнинг фахри бўлган Ойбек ўз ижодий фаолиятининг жуда катта улушини жаҳон ва рус классик адабиёти асарларини ўзбек тилида қайта яратишга бағишлади. Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун ўзбек халқига Вильям Шекспир ижодини ҳадя қилдилар. Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Миртемир яратган таржималар уларнинг ўз оригинал асарлари сонидан ҳам ошиб кетади. Ўзбек тилига Карл Маркснинг «Капитал» асари таржима қилинди, В. И. Лениннинг Тўла асарлар тўплами ўзбек тилида босилиб чиқмоқда. Биз эндиликда ўз она тилимизда В. И. Лениннинг бебаҳо меросига эга бўлиб турибмиз. Ҳозирги вақтда бемалол бадиий таржимада *Ойбек мактаби*, *Абдулла Қаҳҳор мактаби*, *Миртемир мактаби* ҳақида гапириш мумкин. Зотан, улар ўзларининг бутун оригинал ижодий фаолиятлари билангина эмас, балки жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган айрим йирик асарлар таржимаси билан ҳам гоят қимматли сўз санъати сабоқларини яратдилар. «Евгений Онегин» (А. С. Пушкин) шеърый романининг Ойбек таржимаси, «Уруш ва тинчлик» (Л. Н. Толстой) романининг Абдулла Қаҳҳор таржимаси, А. С. Пушкин, Н. А. Некрасов асарлари, «Одиссея» ва «Манас»нинг Миртемир таржимаси, «Фарҳод ва Ширин», «Алпомиш» достонининг Лев Пеньковский таржимаси, «Лайли ва Мажнун» достони-

нинг Семён Липкин таржимаси ва бошқа кўп бадиий таржима асарлари орқасида тўпланган улкан тажриба фикримизнинг далилидир.

Бироқ рус адабиётида «Уруш ва тинчлик» романининг бунёд қилиниш тарихи кенг ёритилгани ҳолда, ўзбек тилида бу асарни таржима қилиш тажрибаси ойдинлашган эмас. «Анна Каренина» романининг яратилиш тарихи рус ва жаҳон адабиётшунослигида мукаммал ўрганилган, ammo унинг ўзбек тилига таржима қилиниши туфайли эришилган бой тажриба етарли тадқиқ қилинмаган.

Бизда таржима адабиёти фақат Октябрь революциясидан кейингина туғилган эмас, балки классик адабиётимизда ҳам таржима ўзига муносиб ўринни эгаллаб келган. Адабиётимиз тарихида таржима мактаблари шаклланган. Рус, араб, форс, ҳинд, турк тилларидан кўпгина асарлар ўзбек тилига ўтирилган. Алишер Навоий, Бобир, Огаҳий, Гулханий ва бошқа ўнлаб ўзбек шоирлари ўзга адиблар яратган асарларни таржима қилибгина қолмай, балки ўзлари ҳам икки-уч тилда баравар ижод қилганлар. Ўзбек классик адабиётида таржимани ватан адабиётидан мутлақо ажратиб бўлмайди: улар ҳамма вақт изма-из, қўлтиқма-қўлтиқ ривожланиб келди. Таржима туфайли ўзбек адабиёти асарларидан бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўлдилар, янги адабий анъаналар яратдилар, бошқа халқларнинг адабиётларига мансуб йирик асарлар эса ўзбек адабиётининг таркибий қисмига айланиб кетди, бизда янги анъаналарнинг туғилиши ва ривож топишига сабаб бўлди. Шунинг учун буюк шоирларимиз мавжуд адабий анъаналар асосида ўзлари барпо қилган оригинал асарларини камтарона «таржима» деб аташдан ор қилмадилар ёки чинакам таржима қилинган асарларнинг охирига муаллиф билан бир қаторда ўз номларини ҳам ёзиб қўйиш ила фахрландилар. Бу эса уларнинг ўз номларига қўйилган абадий барҳаёт маданий ёдгорлик бўлиб қолди.

Демак, ўзбек адабиётида таржима асарларини фақат таржима тарихини ёритиш учунгина эмас, балки ватан адабиётининг ривожланиш давлари ва хусусиятларини аниқлаш учун ҳам ўрганишга мажбурмиз. Шу билан бирга, адабиёт тарихи билан таржима тарихининг узвий боғлиқлиги, бир-бири билан чамбарчас алоқадорлиги қайд этиларкан, буларнинг ўртасига тенглик аломатини ҳам қўйиб бўлмайди. Таржиманинг ўз тарихи, анъаналари, ривожланиш хусусиятлари бор.

## 26-§. Таржимашунослик фанларининг таснифи

Таржима масаласи, у билан шуғулланувчи фанлар учунгина тадқиқот объекти бўлиб қолмасдан, бошқа, ўзаро яқин ва бир-биридан узоқ фанлар учун ҳам турли баҳсларга сабаб бўлади, уларнинг тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг ҳозирги тараққиёт босқичида «дурагай» илмлар борган сайин кенг тармоқ ёйиб бормоқда. Ф. Энгельс фанларнинг айна туташган еридан «энг катта натижаларни кутиш мумкин», деб таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Директива ҳужжатларида табиий, техникавий ва ижтимоий фанлар соҳаларида иш олиб бораётган олимларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустақкамлаш зарурлиги тўғрисида гапирилади<sup>2</sup>.

Ҳозирги вақтда таржимашунослик мустақил фан сифатида таркиб топган, унинг асосий тушунчалари ишлаб чиқилмоқда. Бироқ турли ихтисосликдаги олимларнинг таржима борасидаги ҳамкорлик ишлари қўйидаги сабабларга қўра қанузгача оғир силжияпти: 1) бу олимларнинг кўпчилигида ўрганилаётган объектнинг моҳияти тўғрисида яққол тасаввур йўқлиги; 2) таржимашунослик предметини тушуниб етмаслик; 3) таржимага унга «хизмат кўрсатувчи» фанлар томонидан ёндашувнинг ўзига хослиги.

Филология фанлари доктори, профессор Б. Тоҳирбоевнинг (Боку) кузатишларига қараганда, эстетиклар тилшунослардан ҳафсаласи пир бўлиб, «таржимон-автомат»дан фавқулодда юз берадиган мўъжизани кутмоқдалар; автоматик таржима мутахассислари эстетик назарияларни самарасиз ҳисоблаб, электрон-ҳисоблаш техникаси билан муомала қилиш учун махсус тил ўйлаб топмоқдалар (ҳозир бундай сунъий «тиллар» табиий тиллардан ҳам кўп бўлса керак, боз устига-устак, улар мўр-малахдай ошиб боряпти\*); тилшуносларнинг кўпчилиги абстракцияни тасвирлаш билан банд бўлиб, ўз фанларининг объекти — инсонларнинг реал муомаласи жабҳасини ташлаб қўйганлар; адабиётчилар, ниҳоят, таржима натижаси билан таржима жараёни ўртасидаги тафовутларни ҳис этиб, шу ҳолларга тегишли бўлган икки масала — бир томондан, оригинал ва таржима адабиёти масаласини, иккинчи томондан, бадий ижод психологияси масаласини муҳокама қилишга киришдилар; психологлар ҳозирча индивиддан (шахс психологияси ёки умумий психологиядан) социумга (ижтимоий ёки социал психологияга) ўта олмаяптилар ва ўз эътиборларини таржима ишининг феноменологик хусусиятларига (фавқулодда ўзига хос томонларига) қаратганлар; файласуфлар бу фаннинг методологик қийинчиликларини билибми-билмайми инкор этиб, таржимашуносликнинг гносеологик проблематикасини «сезмаяптилар».

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 20, стр. 90.

<sup>2</sup> «Материалы XXIV съезда КПСС», М., 1971, стр. 206.

\* Йирик сунъий тиллардан эсперантони 1887 йилда польшалик врач Людвиг Змонгоф жорий этган. Ҳозир бу халқаро тилда қарийб 100 журнал, шу жумладан, «Польша», «Ҳозирги Болгария» деган журналлар нашр қилинмоқда.

Таржимонларнинг ўзлари эса ўз ёғларига қовурилиб иш кўрмоқдалар: улар таржима қилмоқдалар.

«Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида (бошқа мамлакатларда ҳам) ғалати вазият юзага келган, — деб ёзади озарбайжон олим, — амалда таржимонлик ихтисоси (аниқроғи, бутун бошли касблар мажмуаси) мавжуд (зеро, мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин эмас). Бу — де-факто; расман эса: бундай ихтисос гўё йўқ (олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрланишига, тегишли кафедралар, бўлимлар, факультетлар бўлишига, турли йўналишдаги таржима курслари ўқишига қарамай). Бу — де-юре. Илмий даражалар бериладиган ихтисослар ичида ҳам таржимашуносликни кўрмаймиз. Бизнингча, бир қанча ихтисосликлар ичида, диссертациянинг мазмунига қараб, ўзаро яқин ва яқин бўлмаган фанлар бўйича илмий унвонлар берилгани каби, фалсафа, психология, педагогика, филология, санъатшунослик, математика, техника (бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин) бўйича илмий даража бериш ҳуқуқи бўлган «Таржима тарихи, назарияси ва амалиёти» ихтисослиги ҳам бўлиши керак»<sup>1</sup>.

Таржимачилик ишининг жадал тараққиёти сўз санъатининг бу ўзига хос турини назарий жиҳатдан жиддий, асосли ва чуқур тадқиқ этиш ҳамда уни такомиллаштиришни талаб қилади. Ўзбекистонда, кўп тиллилик, билингвизм ва интернационализмнинг чуқур илдизи, тарихий анъаналари азалда мавжуд бўлган кўп миллатли республикада, таржима соҳасидаги назарий фикрларни умумлаштириш учун барча асослар, энг қулай шарт-шароитлар муҳайёдир.

Таржимашунослик фанини қуйидаги қисмларга бўлган ҳолда тараққий эттириш мумкин:

1. Таржима тарихи.
2. Таржима назарияси.
3. Таржима танқиди.
4. Синхрон таржима.
5. Автоматик таржима асослари.

Назарий таълим курсини ана шу йўналишлар бўйича олиб бориш лозим.

**Таржима тарихи** — адабиёт тарихи билан тенгдош. Ўзбек таржимачилиги бой, қадимий тарихга эга. Ўзбек классик адабиётининг шаклланиши ва ривожида таржима адабиётининг роли катта бўлган. Шарқнинг улуғ бадий обидалари асрлар давомида халқимизнинг маънавий-эстетик камолоти учун хизмат қилиб келди. Қутб ва Ҳайдар Хоразмий, Сайф Саройи, Хомуший, Муҳаммад Темур, Диловархўжа, Огаҳий, Алмайи, Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий каби атоқли таржимон-адибларнинг номи маданиятимиз тарихида фахрли ўринни

<sup>1</sup> Таирбеков Байрам Горун-оглы. Философские проблемы науки о переводе (гносеологический анализ). Учебное пособие. Изд-во АГУ, Баку, 1974.



ишғол этади. Айниқса, XIX асрда Хоразмда ўз анъаналарига эга бўлган катта таржима мактаби ташкил топиб, кўплаб шеърый, насрий ва тарихий асарларнинг ўзбек тилига ўгирилиши сезиларли адабий воқеа бўлди. (Ўлканинг бошқа музофотларида ҳам шундай таржима мактаблари қарор топган). Ўзбекистонда таржима тарихи икки даврга бўлинади: 1) Октябрь инқилобига қадар бўлган давр ва 2) Октябрь революциясидан кейинги давр. Инқилобдан олдинги даврда форс-тожик ва араб тилидан қилинган таржималар асосий ўринни эгаллайди, рус адабиётидан илк таржималар қилина бошланган. Революциядан кейинги йилларда рус классик ва совет адабиёти, қардош халқлар адабиёти ва жаҳон прогрессив адабиётининг энг яхши намуналари кўплаб таржима қилинди.

**Таржима назарияси** — таржима қонуниятлари, таржима қилиш принципларини ўрганадиган филологик фан. Бадиий таржима назарияси ўз хусусиятларига эга. У таржимачилик тажрибаси, йирик таржимонларнинг маҳоратини таҳлил қилиб, умумий хулосалар ишлаб чиқади ва таржима амалиётининг равнақига ижобий таъсир кўрсатади.

Чет элларда таржима назарияси икки йўналиш бўйича ривожланмоқда. Ж. Кэтфорд (Англия), Ю. Найда (АҚШ) ва бошқаларнинг ишлари лингвистик аспектда бормоқда; Ж. Мунен (Франция), И. Левий (ЧССР), А. Курелла (ГДР) каби олимларнинг асарлари таржима назариясининг адабий-эстетик проблемаларини ёритишга бағишланган.

Таржима назарияси ёки таржимашунослик совет даврида янги мазмунда ривожланади. Совет таржима мактаби маркча-ленинча таълимотга асосланган реалистик методга суянади.

Совет Иттифоқида ҳам таржима назарияси икки йўналиш бўйича ривожланмоқда: К. Чуковский, Г. Гачечиладзе, И. Кашкин, В. Россельс (адабиётшунослик аспекти), А. Фёдоров, В. Комиссаров, Л. Бархударов, А. Швейцер, Я. Рецкер (лисоний аспект). Айрим олимлар таржиманинг барча проблемаларини комплекс ҳолда олиб қарайдилар. Иржи Левий билан Байрам Хорун ўғли Тоҳирбоевнинг тадқиқотлари методологик жиҳатдан бир-бирига яқин.

Ўзбекистонда ҳам таржимашунослик фанлари тез ривожланмоқда, таржима тарихи ва назариясини тадқиқ этувчи ўнлаб монографиялар, юзлаб мақолалар чоп этилган. Бу ишда республика Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг таржима назарияси сектори билан Тошкент университети таржима назарияси кафедраси олимлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Республикамизда таржимашунослик соҳасида ўзига хос *ички ихтисослашув* юзага келмоқда. Чунончи, таржима тарихи соҳасида Ж. Ш. Шарипов, Ш. М. Шомухамедов, Н. Комилов, А. Ҳожиаҳмедов, Ҳ. Ҳамидов, В. Раҳмоновлар илмий текшириш олиб борадилар. Т а р ж и м а н а з а р и я -

си юзасидан Н. Владимирова, М. Расулий, Ю. Пўлатов, Г. Ғафурова, Р. Файзуллаева, С. Очиллов, М. Сулаймонов, Б. Отабекова, Қ. Мусаев, А. Нарзиқулов, А. Клименко, С. Саломова, М. Исроилова, Ш. Рўзиев, К. Жўраев, С. Зокирова, Я. Эгамова, П. Усмонов, Н. Отажонов, О. Кузин, Т. Жўраев, М. Каримов, М. Каримова, Л. Абдуллаева ва бошқаларнинг ишлари маълум. Номлари зикр этилган мутахассислар Ғарб ва Шарқ тилларидан таржималар бўйича ҳамда таржимашуносликнинг турли аспекти юзасидан илмий иш олиб борадилар. Бу эса таржимашунослик соҳасида тиллар, даврлар, проблемалар, объектлар бўйича янада *ички тармоқланиш* қарор топаётганидан дарак беради.

**Таржима танқиди** — таржима жараёнини кузатиб, чоп этилаётган асарларни баҳолаб боради, таржималар сифатининг яхшиланишига кўмаклашади. Таржима танқиди таржимачилик ишининг амалий ва ташкилий масалаларини кўтариб чиқади, адабий танқид билан ҳамкорликда ривожланади. Таржима танқидининг адабий танқиддан фарқ қиладиган талаблари, хусусиятлари мавжуд.

Ўзбекистон бой таржима тарихига эга, бу тарихни схематик тарзда қуйидагича тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ:

1) соҳалар ва жанрлар бўйича — аниқ ва гуманитар фанларга доир китоблар таржимаси; таржима ва луғатшунослик (икки тилли ва кўп тилли луғатлар тузиш тажрибаси);

2) тил принциплари бўйича (арабча-ўзбекча, форсча-ўзбекча, туркча-ўзбекча, русча-ўзбекча ва ҳоказо таржималар); билингвизм ва таржима;

3) тарихий анъаналар ва маҳаллий шароитга оид типик белгилар бўйича (Хоразм таржима мактаби, Тошкент таржима мактаби ва ҳоказо);

4) даврлар бўйича (XI—XII асрлар таржима тарихи, XV аср таржима тарихи, XIX аср таржима тарихи...).

Таржимани назарий ва адабий-танқидий жиҳатдан ёритиш муҳим вазифа ҳисобланади, бунда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

1) соҳалар бўйича тадқиқ қилиш: бадиий адабиёт, ижтимоий-сиёсий ва ўқув-педагогика адабиёти, илмий-техникавий китоблар таржимаси; терминология;

2) жанрлар бўйича тадқиқ қилиш: проза, поэзия, драматургия; дубляж;

3) тил белгилари бўйича: русча-ўзбекча, ўзбекча-русча таржималар; Ғарбий Европа адабиёти асарлари таржимаси; қардош (туркий) тиллардан таржималар; билингвизм ва таржима;

4) даврлар бўйича: йигирманчи ва ўттизинчи йиллар; Улуғ Ватан уруши даври таржималари, эллингичи, олтмишинчи, етмишинчи йиллар таржималари;

5) таржима китобларнинг адабий-танқидий таҳлили (даврлар, жанрлар, вақтли нашрлар бўйича);

6) синхрон таржима (тиллар ва соҳалар бўйича);

7) автоматик таржима асослари:

а) соҳалар бўйича — структурал лингвистика, лингвистик математика; алгоритм; тескари ва миқдорий (частотали) луғатлар тузиш ҳамда автоматик таржима масалалари. Программалаштириш. Табiiй тилдан сунъий тилга таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари;

б) тиллар бўйича — инглизча-русча-ўзбекча; немисча-русча-ўзбекча; французча-русча-ўзбекча; русча-ўзбекча; ўзбекча-русча;

в) фанлар бўйича — текст характериға кўра: электротехника, кимё, медицина ва ҳоказо бўйича матнларни автоматик таржима қилиш.

## 27-§. Таржимашунослик методологияси (интуиция ва таҳлил)

Таржима усули ҳар бир даврнинг маданий эҳтиёжларидан пайдо бўлади ва шунинг тақозоси ўлароқ ташкил топади, ривожланади. Бирон таржимаға баҳо берганда буни инobatга олмоқ керак. Масалан, А. С. Пушкин ижодидан инқилобдан илгари қилинган илк таржималар билан Чўлпон, Элбек, Миртемирларнинг кейинги таржималари турлича усуллар билан амалға оширилган, уларнинг ҳар бири муайян даврнинг маданий функциясини бажарган.

Таржима сифатини аниқлашнинг асосий воситаси — *қиёс-дир.* Фараз қилайлик, агар таржима қилинаётган китобда ўз ифодасини топган тасвир ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмаса, бунга таржимон жавоб бермайди, негаки, у асл нусхада нимаики бўлса, шуни ўз тилиға ўгиради, холос. Лекин таржима таҳлилида «қиёс — қиёс учун» бўлиб қолмаслиги керак.

Таржима таҳлилиға бағишланган бир қанча ишларда қиёс масаласида икки хил хатоға йўл қўйилади.

**Б и р и н ч и** ҳ о л — бунда бирон хорижий ёки рус тилида ёзилган китобнинг ўзбекча таржимасини ўрганишда икки томонлама (агар асл нусха хорижий тилда ёзилган бўлса, зарурат туғилган чоқда — уч томонлама) қиёс жоиз бўлса-да, баъзан ўша асарнинг қозоқ, қирғиз, туркман, татар тилларидаги таржималари ҳам чоғиштирилади. Чоғиштириш миқёсининг кенгайиши, умуман олганда, ижобий ҳол. Лекин агар бундай қиёс *бемақсад* бўлмасагина тегишли илмий хулосалар олишға имкон туғдиради. Аслида эса бирон китобнинг русчадан ўзбекчаға қилинган таржимаси билан ўша китобнинг, айтайлик, туркий тил бўлса-да, бошқирдчаға ёки туркманчаға қилинган таржималари ўртасида муқаррар равишда фарқ бўлади. Буни ҳисобға олиш керак. Мабодо масаланинг шу каби нозик томонлари инobatга олинмасдан, турли-туман қиёслар фақат тадқиқотчининг қизиқиш доираси ёки унинг нечта тил билишини

гина намоиш этишга қаратилган бўлса, бундай ҳолда таржимашуносликнинг жуда зарур, фойдали методологик қуроли қуруқ, ортиқча ва ҳатто, эҳтимол, зарарли натижа бериши ҳам мумкин.

Иккинчи ҳол — бунда тадқиқотчилар бирон чет эл адабиёти асарининг ўзбек тилига қилинган таржимасини, айтайлик, асл инглизча, немисча, французча нусхаси билан чоғиштириб, аниқланган барча «номувофиқликлар» учун таржимонни койий бошлайдилар. Афеуски, факт ва далиллар, кўпинча, умумий контекстан юлиб олиб таҳлил қилинади. Гарчи умумий мазмундан ажратиб олиб қараганда хато эканлиги, чиндан ҳам, яққол кўриниб турса-да, лекин контекст ичида, ўша сўз ёки иборанинг тўғри, жоиз эканлиги маълум бўлади. Ёмони шуки, гоҳида тадқиқотчи, ўзи сезмагани ҳолда, тажрибасизлигиданми, ўзи таржима кўчасидан ўтиб кўрмаганиданми, таржиманинг фазилатларини... нуқсонга йўйиб, ижодкорга дашном бермоқчи бўлади.

Умуман, таржимадан «хато» топишдан осони йўқ: асл нусха билан таржимани чоғиштирдинг дегунча ҳар хил «номувофиқликлар», «номуқобилликлар» ўрмалаб чиқаверади. Лекин таржиманинг сифатини текширувчи киши ҳар гал ўз-ўзига: аслига тўғри келмаган ҳамма нарса — «хато»ми? Мабодо ўзим тушуниб етмаётган бўлмайин? *Менинг* ношудлигимдан шўрлик таржимон жабрланиб қолмасмикан? деган саволларни бериши даркор.

Дунёда бир огиз ширин сўз эшитишга лойиқ эзгу иш учун... дашном еб қолишдан ёмони йўқ!

Ёш тадқиқотчилардан Ҳ. Умаров «Сўна» ўзбек тилида» номли мақоласида<sup>1</sup> қизиқ бир фактни қайд этади (унинг сўзлари айнан келтирилади):

«Агар таржимон (Мирзакалон Исмоилий! — F. C.) масъулиятни ҳис қилганда, хона ичига «чиринган дарахт»ни (40-бет) олиб кирмаган ёки Артурнинг ўлими олдидан Жеммага ёзган хатида қизнинг сочини «крысиный хвостик — каламуш думи»га (208-бет) ўхшатмаган бўлар эди. Бу ерда шунини айтиб ўтиш керакки, инглиз тилида қўшма отдан иборат «pig-tail» сўзи «соч ўрими»ни билдиради. Лекин рус таржимони тилнинг грамматик қоидалари билан ҳисоблашмагани ҳолда, шощма-шошарлик билан мазкур қўшма сўзни қисмларга ажратиб таржима қилган, яъни «pig» (чўчқа) ва «tail» (дум) деб ўгирган. Сўнгра, асарнинг бош қаҳрамони — Жемманинг сочини «чўчқа думи»га ўхшатишни қўпол деб билган таржимон уни «каламамуш думи» билан алмаштирган. Натижанда, икки хатога йўл қўйилган. Биринчидан, оригиналда автор ишлатган образ ўзгартирилган, иккинчидан, ижобий қаҳрамон портретига нисбатан бундай ўхшатишнинг ишлатилиши китобхон тушунчасига салбий таъсир этади» (94).

Шунга ўхшаш яна бир қанча далил ва фактчаларга таянган мақола муаллифи — ҳаваскор таржимашунос қуйидаги сўзлар билан жуда муболагадор «илмий» хулоса чиқаради: «Демак, таржима ишига қўл урган ҳар бир таржимоннинг сўз бойлиги максимал даражада бўлиши, она тили-

<sup>1</sup> «Бадий таржима — дўстлик қуроли» (Мақолалар тўплами), Тошкент, 1974, 91—99- беглар.

даги синонимларни бир-биридан эҳтиётлик билан фарқлай олиши ва маъқулини танлаб ўз ўрнида ишлата билиши керак. Бунинг учун таржима жараёнида турли лугатлардан ҳам фойдаланиш керак» (99).

Рус таржимони инглизчадан қандайдир бир идиомани тушунмай, сўзма-сўз таржима қилибди ва бу нарса ўзбекчага ҳам ўтиб қолибди, дейлик. Бу ерда ўзбек таржимонининг «айби» нимада? Ахир, у романни *инглиз* тилидан эмас, *русча* таржимасидан ўгирган-ку.

Адабий танқид — мунаққиднинг «билагон» киши эканлигини кўрсатувчи қурол эмас, балки сўз одоби, фикрни нозик ифодалаш, юксак нутқ маданияти дегани.

Хуб эл била суҳбат тутубон хуб ўлғил,  
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил;  
Ширин сўз ила халққа маргуб ўлғил,  
Юмшоқ де ҳадисингнию маҳуб ўлғил.

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар;  
Сўз қаттиғи эл кўнглини озор айлар,  
Юмшоғи кўнгиллари грифтор айлар.

(«Алишер Навоий шеърлатидан», 87—88).

Тўғри гапни дуруст айта билиш керак. Мирзакалон Исмоилий ўзбек ёзувчилари орасида тили бой, сўз сеҳрини нозик ҳис этувчи таниқли адибдир. Унинг оригинал ва ажойиб таржима асарларининг тили ҳамда ранго-ранг услуб товланишлари, мафтункор лисоний кашфиётлари пухта ўрганилиб, шу асосда «Мирзакалон лугати» тузилса, бу нарса ёш қаламкашларга катта ибрат бўлар эди. Албатта, айтилган бу гаплар таржималарда учрайдиган хато-камчиликлар, услубий ғализликлардан «одоб юзасидан» кўз юмиш, уларни хаспўшлаш лозимлигини асло билдирмайди. Гап бирон таржима асарининг сифатига баҳо берганда унга — муаллиф ва унинг асари, таржимон ва унинг меҳнатига — ишнинг кўзини билган ҳолда, холис, объектив ёндашиб, ўша таржиманинг барпо этилишида юз берган барча шарт-шароитларни кўздан қочирмаслик устида бормоқда. Умуман олганда эса, шубҳасиз, таҳлил этилаётган мақоланинг хулосасини,— унда тил фактларини ўрганишнинг бир ёқламалиги, сохталиги, юзакилигини назардан соқит қилганда,— агар ёш мутахассис ишнинг методик йўл-йўриқларини пухта ўзлаштириб, тадқиқот калитини топганида, хорижий тил билгичлигидан фойдаланиб, таржимашунослик фанининг тараққиётига ўзи танлаган соҳа бўйича анча самарали ҳисса қўша олиши кўриниб турибди.

Хулоса шуки, тадқиқотда асосий эътиборни ижодкорнинг шахсига эмас, балки предметга, таржимачилик амалиётининг умумий аҳволини яхшилашга қаратмоқ керак.

Айтилган гаплардан хорижий адабиёт асарларининг воситали тилдан қилинган ўзбекча таржималарини инглизча ёки

французча асл нусхалари билан қиёс қилмаслик керак экан, деган маъно ҳам англашилмайди. Масала тадқиқ этилаётган проблеманинг табиатини тушуниб, мавжуд аҳволни яхшилаш юзасидан оқилона, умумлаштирувчи, истиқболли хулоса чиқара билишдадир.

Таржимашунослик соҳасига тобора кўплаб келиб қўшилаётган тилмоч мутахассислар бирон хорижий тилнинг луғатини ўзлаштириб, грамматикасини эгаллаш билан Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар даражасида сўзшунос бўлиш, инсон руҳининг турли нозик ҳолатларини тасвирлай олиш маҳоратини ҳосил қилиш ўртасида беқиёс катта масофа ётгани, бу соҳага камарбаста бўлган одамни, тил билишдан ташқари, сон-саноқсиз бадий ижод инжиқликлари кутиб ётганини билишлари лозим.

Тажриба қанчалик кўп бўлса, назарий фикр шунчалик ҳаётий, ишонарли ва объектив бўлади, дейди ижодкор, ёш тадқиқотчи Абдулла Шеров. Масалан, Жорж Байрон қаламига мансуб «Дон-Жуан» шеърый романининг рус адабиётидаги Г. Шенгели таржимаси<sup>1</sup> ёки Михаил Лермонтов яратган «Демон» поэмасининг ўзбек адабиётидаги М. Бобоев таржимаси<sup>2</sup> асл нусхаларга солиштирилса, бу таржималарда мазкур асарларнинг аслига нисбатан хийла кўп камомат содир бўлганлиги равшанлашади. Лекин фикрларимиз янада асосли, хулосалар пухта бўлиши учун чоғиштириш миқёсини янада кенгайтириш мумкин. Чунончи, «Дон-Жуан»нинг Т. Гнедич<sup>3</sup> ва «Демон»нинг У. Носир<sup>4</sup> таржималари ҳам кўриб чиқилса, яъни таҳлил объектлари (шартли равишда):

1. Г. Шенгели — Байрон  
Т. Гнедич — Байрон  
Г. Шенгели — Т. Гнедич

2. М. Бобоев — Лермонтов  
У. Носир — Лермонтов  
М. Бобоев — У. Носир

тарзидаги схемада ўрганилса, у ҳолда Татьяна Гнедич ва Усмон Носир таржималарининг савияси бениҳоя юксаклиги дарҳол англашилади. Таҳлил объектларини уч ёқлама солиштириш натижасида, биринчидан, таржималарга қиёсий таъриф бериш имконияти туғилади, иккинчидан, бу таржималар ҳақида нисбатан чуқур назарий фикрлар баён этишга йўл очилади, нисбатан объектив хулосалар чиқаришнинг иложи топилади. Табиийки, бу хулосалар аввалгиларига қараганда ҳаётий-

<sup>1</sup> Байрон. Дон-Жуан. Москва, Гослитиздат, 1947.

<sup>2</sup> М. Ю. Лермонтов. Танланган асарлар, I том, Ўздавнашр, Тошкент, 1955.

<sup>3</sup> Байрон. Паломничества Чайлд-Гарольда. Дон-Жуан. Изд-во «Художественная литература», Москва, 1972.

<sup>4</sup> Усмон Носир. Танланган асарлар. Ўзадабийнашр, Тошкент, 1959.

роқ бўлади, кўпгина шеърят таржимонлари учун умумий аҳамият касб этади, уларга кўпроқ фойда келтиради.

Фақат амалиётдагина эмас, балки катта назарий ишлар, илмий монографиялар, диссертацияларда ҳам баъзан таржима сифатини аниқлаш мезони бир хил бўлмайди.

Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асари ўзбек тилига беш марта таржима қилинган. Дастлабки Сайф Саройи таржимаси (XIV аср) билан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси (Хоразм) ўртасида беш аср вақт ўтган бўлса, Огаҳий билан мулла Муродхўжа таржимаси (Тошкент, 1910—11 йиллар) ўртасидаги вақт масофаси ярим асрни ташкил этади. Шуниси қизиқки, мутаржимлар асарнинг олдинги таржималаридан хабардор бўлмаганлар. Булардан ташқари, яна Муҳаммад Саид Аҳмад Жалил таржимаси ҳам мавжуд (Петроград, 1915). Ниҳоят, 1963 йилда бу китоб Гафур Гулом, Шоислом Шомухамедов ва Рустам Комиловлар таржимасида чоп қилинди.

Огаҳий ва Муродхўжа таржималарига тадқиқотчилар ҳар хил баҳо берадилар. Уларнинг ишларида баъзан ҳатто ўз фикрини ўзи инкор қилиш ҳоллари ҳам учрайди<sup>1</sup>.

Бир олим «Гулистон»нинг мулла Муродхўжа таржимасини «ўз даврида катта роль ўйнаган», «ўзбек халқининг бебаҳо адабий ёдгорликларидан бири», «таржимон жаҳонга машҳур бўлган асарни таржима этиш ишига астойдил киришган» деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, Муродхўжа «шеър, қитъа, маснавий, байт, рубоий каби шеърый жанрларни ўз вазнида берган, шоирнинг афоризм, қанотли сўзларига ўзбек либосини кийдириб, асл нусхадаги образларни тўғри акс эттирган». Ана шу таърифлар қуйидаги анча пухта мисоллар билан тасдиқланади:

*Масал.* Каядумро гуфтанд: «Чаро ба зимистон берун наои?» Гуфт: «Ба тобистон чи ҳурмат дорам, ки ба зимистон низ биёям!».

*Таржимаси.* Чаёнға айдилар: «Нима учун қишда ташқари чиқмассан?» Айди: «Ёзда менинг нима ҳурматим бордурки, қишда ҳам ташқари чиқарман!».

Масал айнан, ҳатто сўзма-сўз ўгирилган: бундан ошириб таржима қилиш амри маҳолдай кўринади. Бундай маҳорат учун таржимонга ҳар қанча таҳсин айтса арзийди.

Бироқ келтирилган бошқа далиллар олимнинг иродасига бўйсунмайди.

*Маснавий.*

Гар нишинад фариштае бо дев,  
Ваҳшат омузаду хиёнағу рев.  
Аз бадон жуз бади наёмузи,  
Накунад гурт пўстиндўзи!

*Таржимаси.*

Гар фаришта ўтирса дев ила,  
Ўрганур ваҳшийликни рев ила,  
Жуз ёмонлиқ ёмондан ўрганмас,  
Вўри пўстин тикишни ҳеч қилмас.

*Ташбиҳ.* Ҳар ки илм хонду амал накард, бад-он монанд, ки ғав ранду тухм наяфшанд.

*Таржимаси.* Ҳар кимки илми таҳсил айлади ва амал қилмади, анга ўхшарки, қўш ҳайдади ва тухум сочмади.

*Ибрат.* Гадои неканжом беҳ аз шоҳи бадфаржом.

*Таржимаси.* Оқибати хайрлик бўлгон гадо яхшидур, охири ёмон бўлгон подшодин.

<sup>1</sup> Ғ. С а л о м о в. Таржимада таҳлил ва таҳрир. «Шарқ юлдузи» журн., 1973, 8-сон, 195—206-бетлар.

Ғаме к-аз пояш шодмони бари  
Беҳ аз шодие, к-аз пасаш ғам хӯри.

*Таржимаси.*

Ғами ким қафасиға шодлик эрур,  
Гўзал шодликдин ғам келтирур.

Келтирилган бу мисоллар Муродхўжанинг маҳоратини ҳам, тадқиқотчининг даъвоси тўғрилигини ҳам тасдиқлашга хизмат қилмайди. Булар ижодий таржиманинг руҳи ва талабига зид ўлароқ, ҳижжалаб ўгиришнинг бориб турган намунасидир.

Худди шу асар таржимаси ҳақида бошқа бир тадқиқотчи қуйидаги фикрни баён этади:

«Форс тилининг лексикаси ва синтаксиси ҳукмрон бўлган Муродхўжанинг «Шавқи Гулистон»и билан танишар экансан, баъзан худди чигал муаммонинг устидан чиққандай бўласан киши. Арабча сўзлар тиқилиб ётган «Асномни такбиҳидин мунтаҳи бўлмас эсанг, сани барҳам айгарам» каби гапларга тушунишнинг ўзи мушкул». Мулла Муродхўжа «форс тили ва адабиёти билимдони бўлса ҳам, у на шоир, на ёзувчи эмас эди. Шу сабабли унинг таржимаси бадий ижодда сезиларли из қолдирган ҳодиса бўлолмади». Унинг айтишича, «Шавқи Гулистон» ўз даврида мадраса талабалари учун амалий грамматик қўлланма вазифасини ўтаган, бинобарин, бадий сўз санъати намунаси сифатида Саъдийнинг «Гулистон» асари билан илк дафъа танишишгагина ярайди, холос.

Учинчи бир таржимашунос олим ҳам Муродхўжанинг «Шавқи Гулистон» таржимаси ҳақида шунга ўхшаш фикрларни баён қилади.

«Гулистон»нинг Огаҳий, Муродхўжа ва Аҳмад Жалил томонидан қилинган таржималарини бир-бири билан қиёс қилиш шунини кўрсатадики, — деб ёзади доцент Н. Комилов, — кейинги икки адибнинг иши реалистик таржима принципларидан узоқ; бири (Муродхўжа) ҳижжалаб ўгиради, бошқаси (Аҳмад Жалил) шарҳлаб, эркин таржима қилади». «Огаҳий «Гулистон»ни таржима қилиш жараёнида баъзи бир композицион қисқартиришларга йўл қўйса-да, бироқ Саъдий даҳосини ёритиш ишига содиқ бўлиб қолади».

Хуллас, аини бир муаллифнинг (Саъдий Шерозий) бир асари («Гулистон») таржимасини уч мунафқид (Жуманиёз Шарипов, Ваҳоб Раҳмонов, Нажмиддин Комилов) ўрганар эканлар, уларнинг илмий текширишларидан келиб чиқадиган хулоса бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бири «Мутаржим мулла Муродхўжа «Гулистон»нинг барча бобларини мукамал таржима қилади» деса, бошқаси бунинг аксини тасдиқлайди: «Муродхўжа «Гулистон»нинг ҳамма элементларини ўзбек тилига кўчиришга уриниб, таржиманинг бадий аҳамиятини назардан соқит қилган, асар тилини билмайдиган китобхоннинг эҳтиёжини эътиборга олмасдан, унинг тушунилишини оғирлаштирган, маъно таъсирчанлиги ва равлонлигига путур етказган. У асл нусхадаги сўз тартиби, жумла тузилишини сақлайди, форсча жумла қандай бўлса, унинг тиниш белгилари ва грамматик қўшимчаларига қадар ўзбек тилига олиб киради».

*Бир тадқиқотчи ёзади:* «Таржимада асл нусха вазни сақланишидан ташқари, шеърый жанрлардаги қофиялаш системаси ҳам тўла берилган».

*Бошқа тадқиқотчи айтади:* «Таржимон форс-тожик тилида ёзилган асл нусха синтаксисини ўзбек тилига зўрлаб қабул қилдирмоқчи бўлади. Натижада маъно ғализини ва услуб дағаллигини юзага келтиради».

*Бир олим ёзади:* «Мулла Муродхўжанинг таржимасида формализм элементлари бор, таржимаси бўли экан деган маъно чиқмаслиги керак. Мазкур таржиманинг ўзига хос ажойиб фазилатлари бор».



*Иккинчи киши даъво қилади:* Муродхўжа таржимасида «шеърларнинг вази, қофияланувчи сўзлар, ҳатто мисралардаги сўз тартиби ҳам ўзгартирилмаган. Бироқ энг асосий нарса — шеър ва мусиқийлик ўзгартирилган. Муродхўжа байтларида Саъдийники сингари завқ берувчи маъно, таъсирчан ҳарорат йўқ. Саъдий шеърлятидаги усталик бунда кўринмайди. Табиий шеърлий-мусиқий равлонлик, фикрий бурролик ўрнини ўзaro мантиқан ёпишмайдиган сўзлардан тузилган ноқулай мисралар эгаллаган».

Фавкуллодда ҳодиса. Аини бир таржимани бир тадқиқотчи санъат обида си деб ҳисобласа, бошқалар — ҳижжалаб таржима қилиш намунаси деб биладилар; бири — ўша таржиманинг афзалликлари деб билган хусусиятларни бошқалари — унинг заиф томони деб талқин қиладилар; бири — таржимада Саъдий Шерозийнинг сиймоси қайта тикланган деб даъво қилса, қолганлари — бу таржимада Саъдий йўқолган деб ташвиш чекадилар; бири — таржиманинг айрим жузъий қамчиликлари деб билган нарсани бошқалари — бадий асарнинг бутун бисоти: услуби, шираси, нафосатини зимдан емирган чуқур иллат деб таърифлайдилар.

Кимга ишонмоқ керак?

Албатта, аини бир бадий асар: у хоҳ китоб бўлсин, хоҳ кинофильм бўлсин, хоҳ таъсирий санъат ёхуд актёрлик ижроси намунаси бўлсин — ҳар кимда ҳар хил таассурот туғдириши мумкин. Бировга жуда маъқул бўлган нарса бошқа кишига, эҳтимол, мутлақо ёқмас. Ҳеч ажабланидиган жойи йўқ. Негаки, бундай зиддиятлар кўпинча ўша асар қандай субъектга тақдим этилаётгани, ўқувчи, томошабин, тингловчининг завқи, диди, билими, қандай муҳитда тарбия топганига қараб ҳар хил намоён бўлади. Субъектив ҳодисанинг бундай объектив томонларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Лекин бу ерда гап тамомила бошқа нарса устида борапти. Чунончи, муайян таржима асарини илмий тадқиқ қилаётган кишилар, аввало, анойи ўқувчи, тингловчи ёки томошабин эмас, балки махсус филологик тайёргарлик кўрган юқори ихтисосли мутахассислардир. Бундан ташқари, текшириш объекти жуда аниқ, тадқиқот мезони бор, илмий методологик омиллар мавжуд. Зотан, дудмал, мавҳум мулоҳазага ўрин йўқ — бир эмас, иккита матн: асл нусха билан таҳлил қилинаётган таржима текстлари муҳайё. Бу икки текстдан ташқари, муҳокама қилиш учун яна қўшимча тўрт таржима матни ҳам қўлимизда турибди. Таржима қилишдан мақсад нима эканлиги, таржимада нимани бериш шарт-у, қандай нарсаларнинг баҳридан ўтса ҳам бўлишини мутахассислар яхши биладилар. Таржима қилиш принциплари, унинг қонун-қоидалари аён.

Ҳамма гап шундаки, тадқиқотчиларнинг бири «Шавқи Гулистон» таржимасини таҳлил қилишда интуицияга, таъриф-тавсифга кўпроқ берилган. Ҳолбуки, *таъриф, туйғу, интуиция* бадий ижодда катта роль ўйнагани ҳолда, фанда асосий нарса — *факт, таҳлил, текшириш, таъриба* ва *исботдир*.

Рус шоираси Татъяна Гнедич жаҳон адабиётининг энг йирик асарларидан бири «Дон Жуан»ни ёдаки таржима қилган экан, буни ҳаққоний равишда *қахрамонлик* деб атайдилар. Бундай ижодий жасоратни бошқача таърифлаб ҳам бўлмайди. Араб мутафаннин олими Сулаймон ал-Бўстоний Гомернинг «Илиада» достонини ўз тилига таржима қилиш учун қадимий юнон тилини ўрганган ва бу ажойиб асарни ўгиришга бутун умрини сарфлаган экан, академик И. Ю. Крачковский буни *буюк жасорат* деб таърифлайди. Бу ҳам тўғри. Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳоратини тадқиқ қилган олим Н. Қомиллов унинг даҳосига чуқур ҳурмат бажо келтиради, бу инсонни атоқли маданият арбоби, классик шеърлятнинг моҳир устаси, буюк тарихнавис олим, исгеъдодли таржимон деб тилга олади. Бунга барча асослар бор\*. Н. Қомиллов ўзини «фақир» деб атаган бу аял инсон-

\* «Фақирнинг туркий тили била таржима қилгон китоблари: «Равзатус сафо»нинг иккинчи дафтаридан Чаҳор ёри узомнинг воқеаси, учланчи дафтари ва «Нодирнома» ва «Зафарнома» ва «Зубдатул ҳикоёт» ва «Мифтохот толибин» ва «Ахлоқи Муҳсиний» ва «Восифий» ва «Насиҳатномаи

нинг буюклигини таърифларкан, Комил Хоразмийнинг сўзларини келти-  
ради:

Улки Огаҳларнинг огаҳидур,  
Фаҳму дониш спехрининг маҳидур.  
Сўзи ортиқдурур гуҳардан ҳам,  
Фазлу донишда олам ичра олам.

Бадий ижод аҳли ичра таржимонларимиз шаънига илиқ сўзларни топиб айтиш жуда зарур. Чунки таржима иши билан шуғулланиш учун ижодкор фақат истеъдод эгасигина эмас, балки асл фидойи ҳам бўлиши лозим. Бироқ ана шу илиқ сўзни топиб, ўрнига қўя билмоқ керак.

Валерий Брюсов Г. Шенгелининг Верхарн ижодидан қилган гализ, сифатсиз таржималари хусусида ёзган эди: «Китобхон қўлида Давлат нашриёти тамғаси билан чоп қилинган асар: китобхон Верхарнни рус тилида ўқиётиман, деб ўйлашга ҳақ-қи бор. Лекин китобни ўқий туриб: нима сабабдан бу Верхарнни буюк шоир деб таърифлашар экан-а?— деб хуноб бўлади. Гоҳо ғояси қизиқ бўлса-да, лекин (асл нусхадан билиб олмаса) тушунарли бўлмаган, кўпинча сийқа, оғир ва мужмал, нуқул суюқ ва, умуман, зерикарли бу шеърларнинг нимаси «буюк»? Китобхонга ким дарак беради, уни огоҳлантирадики, бу — Верхарн эмас?.. Ҳолбуки, бу хусусда китобхонни огоҳ қилиб қўймоқ лозим».

Китобхонни огоҳлантирмоқ лозим. Ваҳоланки, ўқувчини уни кутаётган хавфдан огоҳ қилиш ўрнига, баъзан сохта «таржимапарварлик» билан фақат китобхоннигина эмас, қолаверса, таржимоннинг ўзини ҳам чалгитаётган бўлмайлик тагин? Баъзи ҳолларда *таржима* деган ном остида бир неча ўн ва юз минглаб нусхаларда халқимизга тақдим этилаётган адиблар, чиндан ҳам, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз, Робиндранат Тагор, Прем Чанд, Ф. М. Достоевский, Теодор Драйзер, Жек Лондонмикан? Башарти, тасдиқ жавобини бериш мумкин бўлган ҳол-да ҳам: *қанчалик?* деган савол туғилади.

Бу саволга фақат *таржимоннинг* манфаати мавқеидангина эмас, балки асари кенг китобхонлар оммасига тақдим қилинаётган *ёзувчининг* мавқеидан туриб жавоб бермоқ даркор.

Таржимашунослик фани мана шу нарсани ойдинлаштириш-га даъват этилган.

## 28- §. Қиёслаш — таржима сифатини аниқлаш мезони

В. И. Ленин қолдирган бебаҳо мерос халқимизни улуғ, муқаддас ғоялар руҳида тарбиялашдек олижаноб мақсадга хиз-

Кайковус» ва «Саломон-Абсол»и Жомий ва «Гулистон»и Саъдий ва «Баҳористон»и Жомий ва «Равзатус сафо»и Носирийнинг биринчи дафтари ва «Далойилул ҳайрот» шарҳиким, рум туркисидин чигатой тилига ўтказилди ва «Тазкираи Муқимхоний» ва «Табақоти Акбаршоҳий» ва «Ҳафт пайкар»и Низомий ва «Ҳашт бихишт»и Хисравий ва «Юсуф-Зулайҳо»и Жомийким манзум бўлди ва «Шоҳу Гадо»и Ҳилолийким манзум бўлди» (*Муҳаммад Ризо Огаҳий*).

мат қилади. Шундай экан, бу ажойиб маънавий хазинани кўз қорачиғидай аввайлаб, уни мусаффо ҳолида миллион-миллион ўқувчиларнинг онгига етказиш бағоят улкан аҳамият касб этади. Турли-туман тилларда сўзлашувчи кўп миллатли совет халқи доҳий асарларини фақат таржимайўли билан ўзлаштирадilar. Ленин ғояларини эгаллаш мақсади таржима орқали реаллашади.

В. И. Ленин асарларининг ҳар бир тилда яратилган таржималари эса фақат ғоявий-тарбиявий қурол бўлибгина қолмай, балки халқларнинг тил ва луғат бойлиги, нутқ маданияти соҳасида эришган ютуқларини намойиш қилувчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Шунинг учун Ильич асарларининг бир тилга қилинган кўлаб таржималарини чоғиштириб ўрганиш («ички чоғиштириш») ҳамда уларни бўлак қардош тилларга қилинган таржималари билан муқояса қилиб текшириш («ташқи қиёс») ноёб назарий-лингвистик ва бадий-эстетик хулосалар чиқаришга имкон туғдиради.

Чоғиштириш турли илмий ва амалий мақсадларга хизмат қилиши мумкин:

1. Адекват таржима яратиш жараёнини ўрганиш.
2. Автор услубини қайта тиклаш процессини кузатиш.
3. Турли даврларда тилнинг лексик қатламлари: а) терминология; б) фразеология ва паремиология; в) илмий-фалсафий таърифларнинг таркиб топиши ва бойишини текшириш.
4. Тилда сифат ўзгаришларини аниқлаш.
5. «Жамият ва тил муносабатлари» проблемасини ёритиш.
6. Икки тилли, кўп тилли универсал ҳамда регионал терминологик ва изоҳли луғатлар тартиб бериш.
7. Индекс, йилномалар, библиография тузишда қўлланиш.

Ильич асарларининг турли даврларда, ҳар хил талаб, шароит ва имкониятлар доирасида турли-туман таржимонлар томонидан қилинган хилма-хил таржималарини қиёслаб текширганда нималарга эътибор қилиш керак? Бунда дафъатан Ленин яратган асарларнинг асл ўзини, яъни оригиналларини «қиёслаб» ўрганиш лозимлиги жуда муҳимдир. Негаки, унинг жамиики китоблари, мақолалари, нутқлари, докладлари ёритилаётган соҳа, масала, мавзу — демакким, тил, услуб, ёритилиш, тасвирлаш ёки баён қилиш йўсини жиҳатдан сидирға, якраг, бир хил эмас. Буларни фарқлай билиш зарурати эса улардан ҳар бирини ўтирганда ўзига ҳос алоҳида, конкрет ёндашиш лозимлигини тақозо қилади.

«Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» — доҳийнинг биринчи йирик китоби. Бунда Россиянинг XIX аср охиридаги сиёсий аҳволи, марксистлар, социал-демократларнинг энг зарур вазифалари баён қилинган, социалистик революция ғалабасига тўсқинлик қилувчи ҳар хил ғайримарксистик оқимлар танқид қилинган, уларнинг хатолари очиб берилган. Бу китоб В. И. Лениннинг

Ўзи учун ҳам, унинг сафдошлари учун ҳам ҳаракат программаси эди. Ўзининг бу ишида кўтарилган масалаларнинг ҳаммасини кейинчалик автор «Россияда капитализмнинг тараққийси», «Нима қилмоқ керак?», «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» каби фундаментал китобларида, кўпдан-кўп назарий мақолаларида яна давом эттирди, ривожлантирди, чуқурлаштирди ва ҳаётга татбиқ этди.

«Халқ дўстлари»ни ёзганда Ильич 24 ёшда эди. «Давлат ва революция»ни Октябрь инқилоби арафасида, «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали»ни эса инқилобдан сўнг, умрининг охириги йилларида яратди. Табиий, фаол революцион назария авторнинг бу китобларида унинг қайноқ инқилобий фаолияти ва орттирган улкан ҳаётий тажрибалари билан бойитилиб борди. Революцион баркамоллик, воқеаларнинг динамик ўсиши, диалектик тараққиёт, мантиқий изчиллик — буларнинг бари таржимада тўғри ва тўлиқ акс этиши лозим, токи ўзбек ўқувчиси ана шу ўзгаришлар м о р о м и ва ж а р а ё н и н и ҳам фақат и д р о к этибгина қолмай, балки ч у қ у р ҳ и с қила борсин.

Чиндан ҳам, В. И. Ленин асарларининг ўзбекча таржималарини қиёс қилганда, шонли таржимонларимизнинг узоқ йиллик қалол меҳнати ва матонати туфайли биз Ильич даҳоси билан яратилган инсон тафаккурининг ажойиб ютуғи тилимизга кўчиб ўта бошлашининг т а р и х и й п р о ц е с с и шоҳиди бўлиб турганимиздан фахрланамиз. Тафаккур тўлқини, унинг бир нуқтага бориб урилиши ва шу интонация билан масаланинг мағиз-мағзига кириб бориш, фикр моҳиятини грамматик такрорлар, таъкидлар билан ёрқин ифодалаш, эътирозларга, шубҳаларга ўрин қолдирмай, масалани таг-томири билан ёритиш ва ўз қарашлари, революцион имони, маслағи, эътиқодининг тўла ҳақиқатлигига ишонч... Ҳозирги аксарият таржималарда буларнинг барчаси, Ленин нутқига хос ажойиб хислатлар тўлалиги, луғавий-грамматик бойлиги, интонацион-эҳтиросли қудрати билан ўзбек тилига кўчган.

Бундай таржималар В. И. Ленин даҳосига муносиб таржималардир. Улар улуғ доҳийнинг ўлмас қалбини китобхоннинг дили билан пайванд этувчи танакор ҳисобланади. Шундай маҳорат билан бунёд этилган таржималарни мутолаа қилганда ўзбек тилининг ҳозирги тараққиёт даражаси, камолоти, бойликлари, чуқур потенциал имкониятларини кўриб, кўнглинг ифтихорга тўлиб-тошади, шундай мўъжизакор бойликни намойиш қила олган, инсоният илмий тафаккурининг қаймоғи бўлган Ленин меросини она тилимизда ифодалай олган заҳматкаш таржимонларнинг шижоатига таҳсин ўқигинг келади.

В. И. Ленин ўз фикрини ёрқин ва таъсирчан ифодалаш учун турли грамматик ва лексик унсурлардан фойдаланган. Унда кесимлар такрори ҳам, иккинчи даражали бўлаклар такрори ҳам, бутун-бутун гапларда бир хил сўзларнинг такрорини ҳам

учратиш мумкин. Аммо бу тақроқларнинг бирортаси ҳам ноўрин ёхуд ортиқча эмас. Улар автор фикрини кучайтириш, мақсад-муддаони ойдинлаштиришга хизмат қилади. Доҳий моҳир публицист сифатида ўзининг деярли ҳар бир мақоласида алоҳида усул қўллайди, синфий душман ёки мафкуравий мухолифни фош этиш, марксистик ғояларни ифодалашнинг турли семантик йўллари топади. Бу хусусиятларнинг кўпчилиги ўзбекча таржималарда анча тўқис акс этган.

Таржима асарларини (бу хоҳ ижтимоий-сиёсий китоб таржимаси бўлсин, хоҳ бадиий таржима бўлсин) чоғиштириб ўрганиш қанчалик аҳамиятли бўлса, шунчалик кам қўлланилган, қийёслаш методикаси ҳам ишлаб чиқилмаган (қардош ва турли системаларга мансуб тилларда яратилган таржималарни, яъни асл нусхани — таржима билан эмас, балки таржимани — таржима билан чоғиштириш назарда тутилади). Бу нарса Олмаота кенгашидаёқ (1958) алоҳида айтиб ўтилган эди. Бироқ, орадан 17—18 йил ўтган бўлишига қарамай, бу борада деярли бирон иш қилинган эмас. Олмаота йиғилишида билдирилган танқидий мулоҳаза ҳозир ҳам ўз кучида.

Асқад Мухторнинг айтишича, туркий тилларда ижод қилаётган таржимонлар фаолиятида муштарак ҳодисалар, муқобил проблемалар, бир хил ютуқлар, ўхшаш муаммолар жуда кўп учрайди. Шу сабабли таржимонларнинг ижодий мулоқотда бўлишлари, тез-тез учрашиб туришлари тажрибаларимизни янада мазмундор қилган, таржимачилик ишида учрайдиган мунозарали масалаларни ёритишга қулайлик туғдирган бўлар эди. Айтайлик, Қозоғистонда ҳам, Озарбайжонда ҳам, Туркменистонда, Қирғизистонда, Бошқирдистонда, Татаристонда, Ўзбекистонда ҳам Лев Толстой ва Михаил Шолохов асарларининг таржимонлари бор. Улар бир-бирларининг юртига ташриф буюриб, қийинчиликларни ким қандай бартараф этаётгани, ким қандай нажот топаётганлиги, масалан, «Тинч Дон»нинг фалон жойини ким қандай талқин қилгани ва ўгиргани ҳақида ўртоқларча қизғин гурунг қурсалар нур устига аъло нур бўлмасмиди? Одатда, иш юзасидан елкадош бўлиши керак бўлган ўртоқлар бир-бирларини буткул танимай, ўз эмакдоши қандай заҳмат чекаётганини билмай меҳнат қилади.

Кенгашда Асқад Мухтор бошлаган баҳсни Мухтор Аvezов давом эттириб, шеърини асарларни туркий тилларга ўгириш проблемаси қандай ҳал қилинаётгани хусусида бу йиғинда яна бир доклад тинглаш керак эди, деб таржима масалаларини ўрганиш бир ёқлама, тор йўлдан бораётганлигидан шикоят-омуз гапирганди. Чунончи, Маяковский асарларини татарлар, қозоқлар, қирғизлар ҳам таржима қилиб, шаклан шеърини пиллапоё яратадилар. Аслида эса бу қозоқнинг ўша эски ўн бир бўғинли шеъри бўлиб, мисралар расмият юзасидан «зинача»ларга тақсимланиб юборилади, холос. «Евгений Онегин» шеърини романининг ўзбекча таржимаси юксак маданиятли

шеър соҳиби Ойбек қаламига мансуб. Бу таржима тўғрисида гапириш айни муддао. Бироқ ана шу таржимани татарча, озарбайжонча ва ўзга тилларга қилинган таржималар билан ҳам муқояса этилса, жуда соз бўлар эди. В. И. Ленин асарларининг қозоқча таржималарини уларнинг бошқа туркий тилларга қилинган таржималари билан чоғиштирганда, чунончи, масала доҳийнинг фалон китобини ўзбеклар ундай таржима қилган, қозоқлар бундай ўгирган тарзида қўйилганда эди, анча самарали натижаларни қўлга киритиш мумкин бўларди.

## 29- §. Таржима ва қиёсий стилистика

Бундан олдинги саҳифаларда таржима асарларини қиёсий ўрганиш «ички» ва «ташқи» чоғиштириш аспектида амалга оширилиши мумкин эканлиги қайд этилди. Таржимани қиёсий услуб асосида текшириш «даража»лар бўйича ҳам фарқланиши мумкин.

1. Сўзни қиёслаш (сўз даражасида қиёслаш).

2. Фразеологизмлар: фразеологик иборалар, турғун сўз бирикмалари, идиомалар ҳамда мақол ва маталларни қиёслаш (фразеология ва паремиология даражасида қиёслаш).

3. Сарлавҳаларни чоғиштириш (индивидуал услуб даражасида қиёслаш) ва ҳоказо.

В. И. Ленин асарларининг ўзбекча таржималарини қиёсий услуб аспектида ўрганиш жиддий назарий масала бўлиб, бу иш билан каттакон илмий коллектив шуғулланиши лозим. Бу бўлимда доҳийнинг «Ёшлар Союзининг вазифалари» асари таржималари таҳлил қилинади.

«...Вазифа... чинакам коммунистик таълимотни ҳар бир халқ тилига таржима қилиб, улар ўртасида кенг ёйишдан... иборатдир», — деган эди В. И. Ленин Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутунроссия съезида қилган докладыда<sup>1</sup>.

«Ёшлар Союзининг вазифалари» ўзбек тилида энг кўп нашр қилинган асардир. Тадқиқотчи Э. Эрназаров аниқлаган маълумотга қараганда, у брошюра шаклида 16 марта, 271.250 нусхада ўзбек тилида чоп этилган.

Бу асар асли доҳийнинг 1920 йил 2 октябрда РКСМ III Бутунроссия съезида сўзлаган нутқи бўлиб, стенограммаси «Правда» газетасининг 1920 йил 5—7 октябрь сонларида «Ёшлар Союзларининг вазифалари» номи билан босилиб чиққан эди. Сўнгра ўша йили алоҳида брошюра ҳолида нашр қилинди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> В. И. Л е н и н. Танланган асарлар. Уч томлик. 3-жилд. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1964, 333-бет.

<sup>2</sup> В. И. Л е н и н (В. И. Ульянов). Задачи союзов молодежи. Государственное издательство РСФСР, М., 1920.

Орадан бир йил ўтгач (1921), асар илк бор ўзбек тилида Туркистон Давлат нашриётида «Ёшлар уюшмасининг вазифалари» номи остида босилди. Рашид Валиев ва Зиё Саидов таржимасининг бир нусхаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг архив фондида сақланади<sup>1</sup>.

Мазкур асарнинг ўзбекча таржималари нашрлари ҳақидаги қисқача маълумотлар қуйидагилардан иборат:

1925. «Ёш коммунистлар союзининг вазифалари». Ўзбекистон Давлат нашриёти.

1925. «Ленин васиятлари» («Ёшлар Союзининг вазифалари»). Ўзбекистон ленинча ёш коммунистлар уюшмасининг Тошкент бюроси.

1926. «Комсомолнинг қандай бўлиши керак?» Ўзбекистон Давлат нашриёти. Маҳмуд Ҳошимов таржимаси.

1931. «Комсомол вазифалари». Ўзбекистон Давлат нашриёти.

1934. «Ёшлар союзининг вазифалари». Ўзбекистон партия нашриёти. С. Валиев таржимаси.

1934. В. И. Лениннинг «Ёшлар ҳақида» тўпламида «Ёшлар союзларининг вазифалари» номи билан босилган. Ўзбекистон Давлат нашриёти. М. Шайхзода таржимаси.

1938. «Ёшлар союзларининг вазифалари». Ўзбекистон ЛКСМ МК Болалар ва ёшлар адабиёти нашриёти. Ш. Алиев таржимаси.

1940—1970 йиллар орасида Ўзбекистон Давлат нашриёти ва «Ёш гвардия» нашриётларида алоҳида брошюра шаклида 8 марта босилиб чиққан. (Нашр йиллари: 1943, 1946, 1951, 1954, 1960, 1970 (3 марта). Булардан ташқари, В. И. Ленин Асарлар тўпламининг 31-жилдига, доҳийнинг «Ёшлар ҳақида» тўпламига (1958), уч томлик танланган асарларининг 3- китобига (1964) ҳам киритилган.

В. И. Лениннинг бу рисоласи бир неча номда чоп этилгани кўриниб турибди. Бундаги асосий фарқ «союз» сўзининг уч хил: *союз*, *уюшма*, *иттифоқ* деб олиниши ҳамда унинг бирлик ва кўплик сонларда келишидан ҳосил бўлган. Аслида, русча «союз» сўзини, ўрнига қараб, *иттифоқ* деб ҳам, *уюшма* деб ҳам ўгирса бўлади. Лекин у кўпроқ *иттифоқ* маъносида келади. *Уюшма* тор доирадаги бирлашишни англатади, шунинг учун «союз»га тўла эквивалент эмас. «Советский Союз» бирикмасини «Совет Иттифоқи» деб таржима қилинган ва буни бир неча ўн йиллардан бери ишлатиб келинади. (Ҳеч ким ўзбек тилида «Совет Социалистик Республикалари Союзи» деб айтмайди. Бу семантик жиҳатдан қовушмайди).

Аммо «Ёшлар союзи», «Касаба союзи», «Ёзувчилар союзи»,

<sup>1</sup> Ш. Бўлатов. В. И. Лениннинг ўзбек тилидаги биринчи асари. «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам» журн., 1961, 4-сон.

«Композиторлар союзи» деб юритилганидек, «Ёшлар иттифоқи», «Касаба иттифоқи» «Ёзувчилар иттифоқи», «Композиторлар иттифоқи» деб ҳам бўлмайди. Аслида, башарти шундай аталганда ҳам ҳеч қандай хато юз бермаган бўларди. Масалан, тожик тилида «Советский Союз» — «Иттифоқи Совети» дейилганидай, «Союз молодежи», «Союз писателей», «Союз композиторов» — «Иттифоқи жавонон», «Иттифоқи нависандагон», «Иттифоқи бастакорон» тарзида ишлатилмоқда. Озарбайжон тилида ҳам бу бирикмаларда «иттифоқ» сўзи қўлланилади.

Демак, сўзни таржима орқали тилга сингдиришнинг роли ғоят катта. Мазкур бирикмалар ўзбек тилига «союз» сўзи билан таржима қилинавериш, одат тусига киритилган экан, энди уларни *иттифоқ* сўзи билан талаффуз этиш «эриш» туюладиган бўлиб қолди.

«Союз» сўзини кўплик шаклида ишлатиш эса рус тилидаги «Задачи союзов молодежи»ни айнан, сўзма-сўз ўгириш натижасида келиб чиққан: «Ёшлар союзларининг вазифалари». Аммо бунда бир жумлада кетма-кет учта *-лар* келади. Бу эса услубан оғирлик қилади. Шунинг учун «Ёшлар союзининг вазифалари» дейиш ўнғай. Бу маънога ҳам хилоф эмас. Бизда ёшларнинг, асосан, битта етакчи иттифоқи бор — комсомол. Асарда ҳам ана шу комсомол ҳақида гап боради.

Яна шу нарсани айтиш керакки, В. И. Лениннинг бошқа бир қанча асарларининг номи ҳам кўп сонли таржималар давомида ўзгаришларга учраган. Чунончи, «Империализм, как высшая стадия капитализма» асари «Империализм, капитализмнинг юқори босқичи» номи билан 1931, 1938, 1939, 1948 йилларда нашр бўлган. Кейин «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи» ва «Империализм капитализмнинг юқори босқичидир» деб ўгирилган. Кейинги таржималар олдинги, *империализм* сўзини вергул билан ажратиб бериш билан келтирилган таржималарга қараганда тўғрироқдир. Чунки аввалги кўринишда империализм — капитализмнинг юқори босқичи эканлиги англашилмай қолган. «Империализм» ва «капитализм» аввалги таржимада жумланинг уюшиқ бўлаги бўлиб қолиб (вергул оқибатида), кесим ноаниқдир. Ваҳоланки, русчада аниқловчи вазифасида келган *империализм* сўзи айти пайтда предикативлик маъносини ҳам билдиради.

Шунингдек, Ленин асарлари: «Миллият масаласи» (тўғриси: «Миллий масала»), «Миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳуқуқи», «Миллатларнинг ўз тақдирларини белгилаш ҳуқуқи» (тўғриси: «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқи»), «Оз бўлса ҳам соз бўлсин» (тўғриси: «Оз бўлсину соз бўлсин»), «Социалистик революция ва миллатларнинг ўзини белгилаш ҳуқуқи» (тўғриси: «Социалистик революция ва миллатларнинг ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқи»), «Шўро аппаратини яхшилаш, бюрократизм билан кураш ҳақида» (тўғриси: «Совет аппаратини яхшилаш



учун бюрократизмга қарши кураш ҳақида»), «Учредитель собранияга сайловлар ва пролетариат диктатураси» (тўғриси: «Таъсис мажлиси ва пролетариат диктатураси») каби кўринишдаги номлар билан ҳам нашр бўлиб келган.

«Ёшлар союзининг вазифалари» асарини ўзбек тилига ўгиришда даставвал нималарга эътибор қилиш керак?

Бу, биринчи навбатда, доҳийнинг услубига хос фазилатларни тўғри ақс эттиришдан иборат.

«Мен фақат шуни биламанки,— деган эди В. И. Ленин Клар Цеткин билан суҳбатида,— «нотиқ сифатида» сўзлаётганимда, ҳамма вақт ишчилар ва деҳқонлар тўғрисида ўйладим, уларни ўз тингловчиларим деб билдим. Гапимга уларнинг тушунишларини истадим. Коммунист қаерда гапирмасин, у ҳамша омма тўғрисида ўйлаши ва омма учун гапириши керак»<sup>1</sup>. Доҳийнинг бу фикри унинг: «Максимум марксизм — максимум оммабоплик ва соддалик»<sup>2</sup> деган сўзларида ўзининг чуқур, лўнда ифодасини топган.

«Ёшлар союзининг вазифалари» асари тилининг содда, тушунарли, образли бўлишини таъминлашда унда ишлатилган мақол, матал, идиома, ҳикматли сўзлар катта роль ўйнайди. Масалан, доҳий ишчилар синфининг туб мақсадларини мана бу тарзда тасвирий ва образли қилиб тушунтиради: «Либо иди за рабочим, который, правда, молочные реки в кисельных берегах не обещает...». Бу ўзбек тилига шундай ўгирилган:

1931. «У сенга ҳолвали тупроқда оққан дарёда шарбат сувлар ваъда қилмайдир».

1934. «Кисель қирғоқли сут дарёларини ваъда қилмайди».

1938. «Ширин соҳил бўйлаб оққан сут дарёлари ваъда қилмайдилар».

1940—1970. «Ҳавзикавсар ваъда қилмайдилар».

М. Содиқованинг «Русча-ўзбекча фразеологик луғат»ида бу «сувлари сутдан, соҳиллари мураббодан бўлган дарёлар» деб берилади. Кўрилган таржималарнинг компонентларига эътибор қилинса, уларда ҳамма нарса бор: *ҳолвали тупроқ, шарбат сувлар, кисель қирғоқ, сут дарёлари, ширин соҳил, мурабболи соҳиллар* ва ҳоказо. 1940 йилга келиб, таржимон буларнинг ҳаммасидан воз кечган, ленинча услубнинг содда ва образлилигига қатъий риоя қилган ҳолда, битта сўз билан даядил ва қатъий *ҳавзикавсар* деб ўгирган!

«Кавсар: ҳавзи кавсар — *поэт.* райский источник» деб кўрсатилади ўзбекча-русча луғатда (М., 1959, 196).

«Кавсар — Жаннат булоғи (диний таълимотда — Жаннатдаги сероб, сувлари тамли деб ишонтирилган чашма (*ҳавзи кавсар*)». («Навоий асарлари луғати», 298).

<sup>1</sup> «В. И. Ленин ҳақида хотиралар», 2-қисм. Ўздавнашр, Тошкент, 1959, 517-бет.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 36-том, Ўздавнашр, Тошкент, 1954, 476-бет.

Юқоридаги контекст учун худди ана шу маъно — ваъда қилинадиган нарсанинг м а в җ у м л и г и айни муддаодир.

В. И. Ленин ўз асарларида олим, файласуф, ёзувчи ва дошизмандларнинг ажойиб ҳикматли сўзларидан ўринли фойдаланиш билан бирга, ўзи ҳам ҳикмат даражасига кўтарилган тиниқ фикрлар қолдирди. «Ёшлар союзининг вазифаларидан:

«Коммунистом можно стать лишь тогда, когда обогатишь свою память знанием всех тех богатств, которые выработало человечество»<sup>1</sup>.

1934. «Ўз хотирангни кишилик дунёси ишлаб чиқарган билимларнинг ҳаммаси билан бойитгандагина коммунист бўлиш мумкин» (8).

1935. «Ўзингни кишилик дунёси томонидан майдонга келтирилган билимлар билан бойитгандагина чинакам коммунист бўлиш мумкин» (15).

1938. «Ўз фикрингни кишилик жамияти яратган билимларнинг ҳаммаси билан бойитгандагина коммунист бўлиш мумкин» (26).

1940. «Ўз фикрингни кишилик жамияти яратган билимларнинг ҳаммасини билиш билан бойитгандагина коммунист бўлиш мумкин» (24).

Бу таржималарнинг бири айнан, ҳарфма-ҳарф асл нусхасига мос бўлса-да, маъноси чақилмаган, яна бири ғализ, тўмтоқроқ, бошқаси ўринсиз такрорга йўл қўяди ва ҳоказо. Хуллас, мана бу таржимада, гарчи бир оз ўктамлик сезилса-да (*память* сўзи *онг* деб олинган), маъно анча тўқис, ҳикмат бор, фикр берилган:

«Инсоният яратган барча бойликларни билиб, ўз онгини бойитган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин».

Таржимада, кўпинча, битта сўзни топиб ўрнига қўйиш билан фикр ойдинлашиб кетади. Ўша сўз топилмагунча қидириш давом этаверади. Баъзан ҳатто таржимонларнинг бир неча авлоди алмашиб кетади ҳамки, «керакли» сўз топилмайди. Сўз *ўзининг* кашфиётчисини «кутаверади». Масалан, *начётчик* сўзи *қироатхон* «эканлигини» ҳозир ҳамма билади. Бу мавжуд русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатларда акс этган. Лекин «Навоий асарлари луғати»да «қироат» сўзи «ўқиш, баланд овоз билан ўқиш» деб берилади-ю (ижобий маънода, албатта, 735), *қироатхон* келтирилмаган. Ҳозир бизда салбий маъно касб этган бу сўз, эҳтимол, XV асрда бўлмагандир? Навоий замони у ёқда турсин, мазкур сўз атиги яқин 20—30 йил илгари ҳам кўзга ташланмайди\*. *Начётчик* «Ёшлар союзининг ва-

<sup>1</sup> В. И. Л е н и н. Поли. Собр. соч. Изд. пятое, т. 41, стр 305:

\* Биринчи русча-туркча луғатда «начётчик, -чица ҳофиз; мукобила окуйан» деб берилган «Русча-туркча луғат». Редактору Р. Охундов. Жилд I. А—О. Озарнашр, Боқи, 1928, 242- бет.

зифалари» да: «қори» (1931), «зикрчи» (1934), «хонанда» (1938) деб ўғирилган. Чамаси, *начётчик* сўзининг муқобили *қироатхон* 1940 йилга келиб топилган кўринади (тўғрироғи, тилда азалдан мавжуд бўлган арабча *қироат* сўзи асосида, русча «модел» га мосланиб, ясалган бўлса керак).

В. И. Ленин съездда сўзлаган нутқида дейди: ёш авлоднинг коммунистик жамият қуришдаги масъулиятини таъкидлаш учун ҳозир (1920 йилда! — *Ғ. С.*) ёши 50 га бориб қолган авлод кишилари коммунистик жамият қуради, деб умид қилиб бўлмайти. Чунки:

«До тех пор это поколение перемрет» (317).

1931. «Унгача буларнинг ҳаммаси ўлиб битади» (34).

1934. «У замонгача бу насл ўлиб кетар» (19).

1938. «У вақтга қадар бу бўғин ўлиб битажакдир» (53).

1940. «У вақтга қадар бу бўғин ўлиб кетажак» (50).

Ҳозирги таржимаси:

«У вақтга қадар бу авлод дунёдан ўтади».

«Ўлиб битади», «ўлиб кетади» бирикмалари гарчи *перемрёт* сўзига луғавий тарафдан муқобил бўлса-да, аммо халқимизнинг кекса авлодига нисбатан қўллаганда, ўша контекст ичида, *дунёдан ўтмоқ* бирикмаси услубан мос келади.

«Ёшлар союзининг вазифалари» асарининг ўнлаб таржималари В. И. Ленин асарларининг ҳамма ўзбекча таржималарига хос ютуқ ва камчиликларни маълум даражада ўзида акс эттиради: дастлабки таржималарда йўл қўйилган нуқсонлар кейинчалик тузатилди, услубий тўмтоқ жумлалар текисланди, хомроқ чиққан гапларнинг зуваласи пишитилди ва ҳоказо. Аммо бу жараён силлиқ, текис ва бир маромда бормади: баъзан бир ўринда депсиниб туриш, айрим ҳолларда ҳатто олдин филжумла дуруст чиқарилган таржималардан чекиниб, орқага қайтишлар ҳам содир бўлди. Масалан, *субботник* термини 1931 йилги ўзбекча нашрдаёқ айнан, туппа-тузук ўғирилиб, *шанбалик*<sup>1</sup> деб берилган эди. Асарнинг 1940—60 йиллар ўртасидаги нашрларида *субботник* деб олинди. 1970 йилдан бошлаб яна олдинги вариант: *шанбалик* маъқул топилди.

Бугунги кунда ўзбек тилида ишлатилаётган жуда кўп янги ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик, тарихий, иқтисодий, фалсафий тушунчалар билан бирга, шу тушунчаларни англатадиган минг-минглаб сўзлар, бирикмалар, таърифлар тилга сингиб, ўзлашиб, ўзимизники — «асли қадим» бўлиб кетганлиги учун доҳий В. И. Ленин асарларининг таржималаридан ҳамда ана шу таржималарни ва улар билан биргаликда янги лисоний кашфиётларни яратувчи кишилар — таржимонларга бурчдор-

<sup>1</sup> «...Шанбалик (субботник) сўзи ўзбек адабий тилида 1920 йилдан илгари бўлиши эҳтимолдан узоқдир, чунки бу сўз шу маънода рус тилининг ўзида 1919 йилдан ишлатила бошланган (аниқроғи 1919 йил 10 майдан)». Ф. А. Б. Д. У. Л. А. Е. В. Тил қандай ривожланади? «Фан» нашриёти, Тошкент, 1972, 29-бет.

лигимизни ҳамма билармикан? Бу бебаҳо лексик-семантик жамғарманинг ҳажми, миқдори, сифати ҳақида жиддий ўйлаш вақти етди.

### 30- §. Таржима ва таржимашунослик истиқболи

Минг йиллардан бери тиллардан-тилларга таржима қилинади, кўп миллатли ва кўп тилли бу замину фазода таржимасиз бирон қадам босиб бўлмайди.

Таржима тил билган ҳар бир кимса ҳам шуғулланса бўлаверадиган юмуш эмас, балки фан ва санъатдир. Унинг ўз қонун-қоидалари мавжуд. Таржима — узоқ тарихга, ниҳоятда қизиқарли, ажойиб тажрибалар, тил экспериментлари орқали тўпланган бой амалиётга эга бўлган кўҳна санъатлар жумласига киради. Бироқ таржима тарихи, назарияси ва танқиди фан сифатида ҳали янги.

Ҳозир таржимашунослик фани мавжудлиги яққол факт, у улкан қадамлар билан одимламоқда. Совет Иттифоқининг барча тил ўрганадиган олий ўқув юртларида студентлар амалда таржимадан таҳсил кўрадилар, мамлакатнинг барча университетларида таржима бўйича янги ихтисослик жорий қилинган.

Давлат университетлари журналистика ва тил факультетларининг янги ўқув планларида таржима ҳам ўз аксини топган (чунончи, журналистика факультетининг ўқув планида қуйидаги фанлар қайд этилган: таржима тарихи, таржима назарияси, таржима методикаси, таржимачилик маҳорати, илмий-техникавий асарлар таржимаси, бадий таржима, ижтимоий-сиёсий адабиёт таржимаси), аммо унда ҳамон мукаммаллаштириладиган нарсалар кўп. Хусусан, ўқув планига КИСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатимизда олий таълимни янада яхшилаш ҳақида чиқарган қарориди қайд этилган янги туғилаётган ихтисослик ва фанларга дадил йўл бериш ҳақидаги кўсатмалар асосида, кўп миллатли, кўп тилли республикамизнинг талаб ва эҳтиёжлари, университет таълимининг хусусияти, Тошкент Давлат университетининг компетенцияси, таржима назарияси кафедрасида тўпланган тажриба инobatга олиб ёндашилса, аҳвол янада яхшиланади.

Таржима ва таржимон меҳнатининг аҳамияти, таржимон кадрлар тайёрлаш тўғрисида баён қилинган фикрлар билан танишайлик:

**А к а д е м и к:** «Таржима нашрларнинг кўплиги... хотиржам бўлишга асос бермайди: таржимачилик ишида ҳал қилинмаган назарий масалалар, амалий камчиликлар ҳали кўп. Биз Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг таржима сектори ва Тошкент университетининг таржима кафедрасига катта умидлар боғламоқдамиз, улар Ёзувчилар Союзи билан ҳамкорликда тўпланган тажрибани ўрганишлари ва умумлаштиришлари, бадий таржима амалиётини ривожлантиришга кўмаклашувчи илмий ишлар яратишлари, ёш профессионал таржимон

кадрлар тайёрлашлари керак. Буларсиз биз КПСС XXIV съезди ва республика Компартиясининг XVIII съезди қарорларида кўрсатиб ўтилган улкан вазибаларни ҳал қилишимиз қийин бўлади»<sup>1</sup>.

**М у т а х а с с и с** (назариётчи, таржимон, ёзувчи): «...Университетлар ва педагогика институтларининг филология, тил ва адабиёт, чет тили факультетларида таржима фанларини жорий қилиш фикрининг ўзиёқ вақтида тугилган ва самарали ғоядир. Адабиётлараро алоқалар тараққиётининг ҳозирги босқичида маълумотли филологни умуман таржима назарияси ва тарихи, ҳуусан, бадий таржима (у тиллараро барча асосий қоидаларни ўзида мужасамлаштирган) бўйича бериладиган асосий билимларсиз тасаввур қила олмаймиз». (Вл. Россельс. Москва, СССР Ёзувчилар Союзи. Бадий таржима кенгашининг аъзоси).

**Б и р г у р у ҳ м у т а х а с с и с л а р.** «Кейинги йилларда бадий таржима назарияси ва тарихининг айрим масалаларини ишлаб чиқишда таржима назариётчиларининг ҳаракатлари анча жонланиб қолди. Бу бежиз эмас: СССР халқлари тилларидан рус тили ва бошқа тилларга таржималар йил сайин кўпайиб борапти, таржимачилик тажрибасини назарий жиҳатдан умумлаштиришга ва амалий ишлар учун қўлланма тузишга эҳтиёж кучаймоқда. Бадий таржима назариясининг айрим масалаларига бағишланган монографияларни мустасно қилганда, бу борада ҳали системалашган бир йўналиш йўқ. Шу сабабли олий ўқув юрти учун таржима назарияси ва тарихи бўйича ишлаб чиқилган мунтазам курс тузиш ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқ». (СССР Ёзувчилар Союзи ҳузурида Максим Горький номидаги Москва Адабиёт институтининг бадий таржима назарияси кафедраси аъзолари — кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор Л. И. Климович, филология фанлари доктори, профессор Э. В. Севортян, филология фанлари кандидатлари Л. А. Озеров, Г. З. Хонтемирова, Ю. С. Елисеев, Ч. Ҳ. Хусейнов, А. П. Феоктистов, катта ўқитувчилар В. Я. Тихомирова, В. Н. Богачёв, А. Н. Весташвили, К. А. Хучуа, А. В. Старостин, аспирант А. А. Метс, ассистент М. И. Скворцова).

**С т у д е н т:** «Иштиёқсиз яхши таржима бўлмайди» деган оқилона гап бор. Иштиёқ эса, маълумки, таржимага буюртма олиш ёки бирон муносабат туфайли таржима қилиш билан келмайди. Халқ тилини баъзиларга ўхшаб икки ойда эмас, балки узоқроқ муддатда ўрганиш, тушуниш керак. Адабиётини таржима қилмоқчи бўлаётганин халқ орасида камида бир неча йил яшаш, ундан кўп нарсаларни ўрганиш, у билан бирга ишлаш лозим.

Бу янги гап эмас. Украинадан ўзларини оғир, аммо фойдали бўлган ишга — СССР халқларининг бадий адабиётларини таржима қилишга бағишлаган ёшлар ҳар йили турна қатор бўлиб Волтиқ бўйи ва Кавказ олий ўқув юртига йўл оладилар. Бу ўзаро алоқаларнинг натижалари ҳозирданок ўз самараларини бермоқда: ҳар йили украин ёзувчиларининг ўнлаб насрий асарлари ва шеърий тўпламлари грузин, арман, эстон тилларига, ва аксинча, бу халқлар адабиётлари украин тилига таржима қилинмоқда. Энг муҳими — бу таржималарни, оригинал тилини мукамал билишдан ташқари, ўша асарда тасвирланаётган воқелиқдан яхши хабардор бўлган кишилар бажармоқдалар.

Украинаниннг ўзаро адабий алоқалар жабҳасида эришган улкан ютуғи ана шу. Бироқ бошқа нарсадан ҳам кўз юмиб бўлмайди: Украинада туркий тиллардан қилинаётган ҳамма таржималар, шунингдек, украин ёзувчиларининг шу тилларга ағдарилаётган асарлари нақ тағлама (подстрочник) ёрдамида амалга оширилади. Ваҳоланки, Навоий ва Шевченко, Леся Украинка ва Муқимий, Абай ва Франко, Айний, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Тичина, Рильский, Гафур Ғулум, яъни асарлари классик ижод намунаси деб тан олинган қалам соҳиблари таржима қилинмоқда.

Мен Львов университетидан юқорида эслатилган мақсадни кўзлаб Тош-

<sup>1</sup> К а м и л ь Я ш е н. Годы, судьбы, книги. Изд-во литературы и искусства им. Гафура Гуляма, Т., 1973, стр. 34.

ментга келганман. Ўзбек тилини ўрганиш менга осон бўлапти деёлмайман, таржима назарияси кафедраси мени ўз ҳомийлигига олди. Мен ўзбек бадий сўзи Шевченко тилида менинг талқинимда тезроқ янграши учун бор куч-ғайратимни сарфлайман, деб ваъда бераман». (Виктор Остролюцкий. ТошДУ, журналистика факультетининг собиқ студенти).

Жаҳон адабиётида таржиманинг салмоғи йил сайин ошиб бораётганига қарамай, бу ижод соҳасида ҳали кўп ишлар қилинмаган. Мутахассисларнинг мулоҳазаларига кўра, ўзаро алоқалар нисбатан жадаллашиб кетган бўлса ҳам, дунё халқларининг бир-бирларидан ажралиб қолаётганлари ҳамон сезилмоқда. Бундай аҳволни таржимачилик фаолиятини янада фаолроқ ва мақсадга йўналтирилган ҳолда кенгайтириш орқали бартараф қилиш мумкин. Бу ҳозирги кун талабидир.

Ўзбек совет адабиётида жуда қизиқарли бўлган интернационаллашув ҳодисаси тобора чуқурлашиб бормоқда. Таржима — бу байналмилал жараённинг муҳим, қудратли омилларидан бири.

*Кўп миллатлилиқ* Совет Иттифоқи учун маҳаллий хусусият бўлмай, балки унинг социал моҳияти, бойлигидир; *халқлар дўстлиги* — шунчаки кишиларнинг аҳиллиги, тотув яшаш тарзигина эмас, балки совет жамиятининг монолит бирлиги, фахри, қудратли ҳаракатлантирувчи кучидир; *интернационализм* — фақат шиор эмас, балки бизнинг эътиқодимиз, идеализмдир. Мамлакатимизда социалистик тузумнинг юксак ғояларига хизмат қилувчи таржима ишининг бинобарин, таржимашунослик фанларининг ҳам гуркираб ривожланишини айнан ана шу хусусиятлар, социал-сиёсий омиллар белгилайди.

Ўзбек совет адабиёти йил сайин классик ва ҳозирги замон жаҳон адабиёти хазинасидан таржима этилаётган ўлмас асарлар билан бойиб бормоқда. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида дунё халқлари адабиётларидан 100 томлик таржима китобларни нашр этиш амалга оширилмоқда. Бу республикада *таржимачилик ҳаракати* кенг қулоч ёзаётганидан дарак беради.

Бироқ, умуман олганда, таржималарнинг сифати айтарли яхши эмаслиги, катта таржима адабиёти жуда бўлмаганда дастлабки танқидий таҳлилга муҳтожлиги, бутун бошлиқ миллий адабиётларнинг асарлари таржимасига ҳатто тақризлар йўқлиги, бу соҳада салмоқдор адабий-танқидий ишлар камлиги олдинги мавзуларда айтиб ўтилди.

Оригинал адабиёт хизматида юзлаб юқори малакали мутахассислар самарали иш олиб бораётган олий таълим мактаблари, илмий тадқиқот институтлари, ўнлаб секторлар, бир неча ўнлаб кафедралар фаолият кўрсатмоқда. Бу яхши. Шундай бўлиши ҳам керак. Бироқ бутун бошлиқ таржима адабиётига — хилма-хил жанр, тур ва соҳадаги бадий, илмий, ижтимоий-сиёсий ва техникавий китоблар таржималари нашрларига, аниқроғи, ҳажман ва миқдор жиҳатидан ҳам сертармоқ адаби-

ётга, адабий-эстетик томондан бадиий адабиётдан кам аҳамиятга эга бўлмаган катта таржима адабиётининг тадқиқи ва таҳсили масалалари юзасидан бор-йўғи Тошкент дорилфунунида битта кафедра ва ЎзССР Фанлар академиясида бир сектор иш олиб бормоқда, холос. Номутаносиблик вазияти юзага келган.

Мутахассислар ҳамкорлигида Ўзбекистонда таржимачилик тараққиёти тарихининг (революциягача бўлган давр ва совет даври) кўп томлик академик тадқиқоти нашрини яратиш вақти етди.

### 31- §. Таржимон муаммоси

Таржима мутахассисларидан Исаак Зингер таржимон синчков ўқувчи, ажойиб услубчи, сўз устаси, психолог, ҳар томонлама билимдон бўлмоғи керак, деб санаб кўрсатади. Хўш, у ҳолда шундай истеъдодли одам нима сабабдан таржимон бўлиб қолаверади? Ўзи оригинал асарлар ёза қолса бўлмайдими? Ҳамма гап шунда-да. «Яхши таржимон,— деб ёзади Исаак Зингер,— айни вақтда ҳам доно, ҳам телба бўлиши керак».

Турли халқлар адабиётларининг таржима тарихида бутун онгли ҳаётини «ўзгалар»нинг асарларини таржима қилишдек эзгу ишга «қурбон қилган» кўплаб талантли кишиларни топса бўлади. Булар: рус шоирлари В. А. Жуковский, Б. Пастернак, М. Лозинский, араб олим ва ёзувчиси Сулаймон ал-Бўстоний, немис адабиётчиси Мартин Лютер, ўзбек шоири, тарихчиси Муҳаммадризо Огаҳий, рус олимлари нейрохирург Борис Смирнов; шарқшунос, академик Игнатий Крачковский, профессор Е. Э. Бертельс; шоирлардан Лев Пенъковский, Владимир Державин, Семён Липкин; атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ва бошқалар.

Маданият тарихидан маълумки, фан ва адабиёт тараққий этган ерларда бутун бошли таржима оқимлари, таржима мактаблари юзага келган. Раймонд Толедскийнинг Ғарбий Европа таржима мактаби (XII аср), Россиядаги таржима жамияти (XVIII аср), Бағдоддаги таржимонлар уюшмаси ҳисобланмиш «Билимлар уйи», ал-Маъмуннинг таржима мактаби, Араб таржима мактаби (1837), Хоразм таржима мактаби (XIX аср) шулар жумласидандир. Арманистонда V асрдан бошлаб то ҳозиргача ҳар йили «Таржимон куни» ўтказилади.

Бизнинг асримизда реалистик таржима принциплари аниқ белгиланди ва совет таржима мактаби қарор топиб, жадал ривожланиб бормоқда. Бу кўп миллатли совет адабиётининг улкан ютуғидир. Америкалик мутахассислар ҳозирда совет таржима мактаби мавжуд, деб тан олмоқдалар, бироқ Америка адабиётининг ўзида «америка таржима мактаби» деган тушунча барқарор бўлганича йўқ. Лекин бу ўринда мактаб тушунчаси «йўналиш», «принциплар», «таржимачилик йўл-йўриқлари ва қоидалари», «таржимачиликда қарор топган

анъаналар» каби маъноларни ифодалайди. Таржима санъати ва таржима илми бўлса ўзининг таълим ва тақсил мактабига эга эмас.

Таржимонлар тайёрлаш масаласида: тилга оид барча олий ўқув юртларида, чет тиллар институтлари ва факультетларида Ғарбий Европа ва Шарқ тилларини биладиган филолог ва мутахассислар тайёрланади-ку, деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, лекин шуниси ажабланарлики, кўп минг кишилик тилшунослар ва адабиётшунослар отрядига эга бўлсак ҳам, бизда тил билагонлар орасидан ҳанузгача Ғарбий Европа ва Шарқ тилларидан таржима қилишга журъат этган кишилар бармоқ билан санарли ёки йўқ ҳисоб. Бунинг боиси нимада?

Машҳур совет таржимони Вера Станевич муаммони шундай тушунтиради: бизда ҳанузгача кўпчилик ҳолларда тилни образлар системаси деб эмас, балки биринчи галда абстракт тушунчалар системаси деб тушунишлари ҳамда уни мактаб ва олий ўқув юртларида ҳам ана шу қабилда расмиётчилик билан ўқитиб келинганидан, ўқувчилар ҳатто Шекспир ва Бальзакни асл нусхасида ўқишса ҳам, уларнинг тилини саёз, юзак биладилар, маъноси ва бадий қувватини тўла ҳис эта олмайдилар.

В. Станевичнинг фикрини ойдинлаштирган таржимашунос. Вл. Россельснинг жавоби янада асослироқ кўринади. Чет тиллар ҳозиргига қараганда ҳатто анча дурустроқ ўқитила бошланса ва бадий асар ўзга тилда сўзловчи кишиларга худди ўз она тилидагидек тушунарли бўлган тақдирда ҳам, таржимонларга эҳтиёж асло камаймайди. Зотан, бадий асар мамлакат муҳити, миллий ҳаёт формаси ва санъати билан шу қадар чамбарчас боғланган бўладики, бу ўша асарни ўз тилида ўқувчи ватандошлар билан таржимонларгагина «тўлалигича» бориб етиши мумкин.

Ундай бўлса, таржимон ҳам асарнинг асл нусхасини бегона тилда ўқийди-ку, деган эътироз туғилади. Эътироз жоиз. Фарқ шундаки, у шу лаҳзада, яъни китобни мутолаа қиларкан, ижодий вазифа билан банд — асарни она тили воситасида қайтадан яратиш иштиёғи билан ёнади. Бегона тилдаги матнни таржимон ўзи учун талқин этиши билан уни ўз тилида бошқаларга атаб қайта яратиши ўртасида улкан тафовут бор — ҳамма гап ана шунда. Аксарият кишилар учун бу тафовут ўтиб бўлмас тўсиқ бўлиб қолади, зеро, ёзувчи билан ўқувчининг фарқи ҳам худди мана шу ерда билинади.

«Зўр таржимонлар — булар жаҳон маданиятида кишиларнинг олий иттифоқ тузишларига хизмат қилувчи, халқларнинг умумбашарий ва бадий-баркамол вакиллари дир» (П. И. Копанев). Таржимон фаолиятига берилган шундай тўлиқ таърифдан сўнг П. И. Копанев қуйидаги хулосага келади:

«Таржимон масаласи муаммолар муаммоси бўлиб қолмоқда, негаки унга ёзувчилик, закийлик қобилиятларига, етук



маълумот олган филолог билимига эга ҳамда ўзи таржима қилаётган соҳасида мутафаннин киши бўлиши талаби қўйилади. Айнан шу сабабли дунёдаги барча мамлакатларнинг олий ўқув юртларида бадий асарлар таржимонларини махсус тайёрлаш тажрибасини ҳозиргига қараганда кенгроқ миқёсда олиб бориш керак»<sup>1</sup>.

«...Таржимонларни ўқитиб тайёрланади, — деб ёзади профессор Б. Тоҳирбоев. — Бироқ бу таълим «мендай ўғир, мен билан бирга ўғир, мендан яхшироқ ўғир» қабалидаги қуруқ маслаҳатдан нарига ўтмайди. Аммо бўш келмаслик керак: ҳамма гап шундаки, таржимон бўлиш учун таҳсил кўрадилар, зотан, биттадан кўп тилни эгаллаш таржима қилиш учун фақатгина зарурий, лекин сира ҳам етарли бўлмаган шарт. Таржимоннинг профессионал кўникмалари унинг ўқиши ва мустақил мутолааси натижасида ёки ҳар иккала усулни қўшиб олиб бориш орқали эгалланади, сайқалланади, такомиллашади»<sup>2</sup>.

«Литературная газета»нинг хабар беришича (1975, 30 июль) Болгарияда Таржимонлар Союзи тузилган. Таржимонлар Союзининг раиси, «Болгар-совет дўстлиги» журналининг бош муҳаррири, Димитров мукофоти лауреати, санъат ва маданият халқ арбоби Ангел Тодоровнинг айтишича, бу ижодий уюшманинг таъсис мажлиси 1974 йил 5 июнда бўлиб ўтган. Илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий китобларни ўгирувчилар, оғзаки таржима мутахассислари (тилмочлар) ҳамда фақат бадий таржима усталаридан икки юздан ортиқ киши Союз аъзолигига қабул қилинган.

Болгария Таржимонлар Союзи ўн йилга мўлжалланган таржима адабиёти истиқбол планини тузган. Унинг йиғилишларида нашриётларнинг таржима планлари муҳокама қилинади, таржималарнинг сифати текширилади. Союз ёш мутаржимлар билан мунтазам иш олиб боради, ишдан ажралган ҳолда ҳафталик кенгашлар ўтказиб туради. Редакция ва нашриётларнинг тавсиясига кўра 60 дан ортиқ истеъдодли ёш таржимонлар сараланиб, улар орасидан энг қобилиятлилари ёш таржимон кабинетига қабул қилинган.

Болгария олий ўқув юртларида таржимашунослик таҳсили ҳам яхши йўлга қўйилган. Чунончи, К. Охридский номидаги София университетига икки семестр давомида таржима тарихи ва назарияси курси ўқилади.

Таржима амалиёти ва назарияси, соҳалари, турлари, жанрлари — булар барчаси бир-бири билан боғлиқ комплекс проблема. Ана шу яхлит проблеманинг асосий компонентларидан бири таржимон кадрлар тайёрлаш муаммосидир. Бу масалани

<sup>1</sup> П. И. К о п а н е в. Вопросы истории и теории художественного перевода. Изд-во ВГУ им. В. И. Ленина, Минск, 1972, стр. 283.

<sup>2</sup> В. Г. Т а и р б е к о в. Философские проблемы науки о переводе (гносеологический анализ). Учебное пособие. Издание АГУ, Баку, 1974.

ҳал қилмай туриб, таржималарнинг сифатини яхшилаб бўлмайди, таржима маданиятини юксалтирмай туриб — умумий маданий савияни кўтариш мумкин эмас.

Ўзбек адабиёти асарларини жаҳон халқлари тилларига таржима қилиб тарқатишда хизмат кўрсатган барча ижод аҳли чуқур ҳурматга сазовор. Булар орасида «Бобирнома»ни инглиз тилига ўгириш билангина чекланмай, уни атрофлича илмий шарҳлаган, оғир ижодий ишни жиддий тадқиқот билан қўшиб олиб борган инглиз таржимонлари Жон Лейден, Вильям Эрскин, Анетта Бевериж хоним, мазкур асарни француз тилига ўгириб нашр эттирган Паве де Куртейл, немис халқини Алишер Навоий лирикаси билан таништирган Альфред Курелла, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини немис тилига таржима қилган Н. Тун, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасини немисчага ўгирган Э. Брюммер, «Алпомиш»ни словак тилига таржима қилган Ян Коморовски, Ойбекнинг «Навоий» романини чех тилида икки марта чоп эттирган таржимонлар Д. Фундова билан Д. Плачкова ҳамда В. Гая, Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясини румин тилига ўгирган Х. Делеану ва В. Добренковичи, шоира Зулфиянинг асарлар тўпламини болгар тилида нашр этган Йордан Милев, Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романини тамил тилига ағдарган Мажини, Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романини поляк китобхоналарига таништирган А. Ват, Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романини румин тилига таржима қилган С. М. Боранеску-Лаховари ва Т. КонстантINESКУ, шу китобни болгарчага ўгирган Р. Тренковларнинг қутлуғ меҳнати ўзбек адабиётининг дўстлик саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади.

Агар ўзбек классик ва совет адабиёти асарларини халқ демократияси мамлакатлари, капиталистик давлатлар халқлари тилларига ўгираётган ҳамда улар билан СССР даги қардош халқларни таништираётган барча заҳматкаш таржимонларнинг номлари бирма-бир тилга олинса, бу катта рўйхат бўлиб кетар эди.

Бадиий асарларни ўзбек тилидан русчага ўгиришда Л. М. Пеньковский, Вл. Державин, С. Липкин, С. Н. Иванов, М. Салье, К. Симонов, С. Маршак, Н. Грибачёв, Н. Ивашев, Ю. Карасёв, Н. Владимирова, С. Сомова ва бошқа кўп ёзувчи, шоир-таржимонларнинг хизмати катта.

Жаҳон ва рус адабиётининг энг сара китобларини ўзбек тилида қайта яратишда деярли барча ёзувчи ва шоирларимиз иштирок этишган. Айниқса, Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мирзакалон Исмоилий, Асқад Мухтор каби адиблар фаолиятида бадиий таржима уларнинг иккинчи ижодий жабҳаси деб қаралмоғи лозим. Бу ижодкорлардан ҳар бирининг таржимонлик маҳорати махсус илмий тадқиқотларда ёритишга муҳтож.

Қуйида, намуна тариқасида, ижодий маҳоратлари кам ўрганилган икки адиб — Абдулла Қаҳҳор билан Сергей Ивановларнинг таржимонлик фаолиятига доир баъзи маълумотлар берилади.

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётида ўзига хос таржима мактаби яратган, насрий ва сахна асарлари таржимасини *сўз санъати* даражасига кўтаришда хизмат кўрсатган атоқли санъаткор, йирик адабиёт арбобидир.

Абдулла Қаҳҳорнинг таржимонлик фаолияти ҳақида гап кетганда дафъатан уч буюк рус ёзувчиси — Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, А. П. Чеховларнинг сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Бунинг сабаби шуки, Гоголнинг икки ажойиб комедияси — «Уйланиш» билан «Ревизор», Толстойнинг салмоқдор роман-эпопеяси «Уруш ва тинчлик», Чеховнинг ихчам, лекин ҳамрови кенг ўнлаб ҳикоялари таржимаси ана шу адибнинг қаламига мансубдир.

Кўркам рус адабиётининг уч алп ёзувчиси Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов... Буюкликда бўйдош бўлсалар-да, такрорланмас ижодкор сифатида бу «учлик»нинг ҳар бири ўзи бир олам. Ўз қалам тебратиш йўсини, овози, услуби, мавзуларига эга бўлган уч адиб. Уларнинг бири тасвирда кўпроқ юморга мойил, иккинчиси персонажларнинг ички руҳий оламини ҳизишда моҳир, учинчиси эса қисқа-қисқа турмуш лавҳалари манзарасини яратиш орқали ўқувчини чуқур фалсафий мушоҳадалар сари етаклайди. Уларда тасвир ҳам, тадбир ва тадорик, услуб ва тил ҳам ўзгача. Бу тахлит ёзувчилардан ҳар бирини алоҳида олганда ҳам уларнинг асарларини таржима қилиш жуда қийин. Лекин таржимон сифатида, ҳар учала сўз устасининг ижодини ўзлаштириш: ўзга тилда Гоголни-Гоголдай, Толстойни-Толстойдай, Чеховни-Чеховдай тасвирлаш, уларнинг комедия, роман, новеллаларини аслига монанд тарзда қайта яратиш бир мўъжиза, бу ишни уддалаган санъаткор эса чинакам мўъжизашуносдир.

Абдулла Қаҳҳор таржимада ана шундай мўъжиза яратувчи санъат устаси. У ҳар гал *кимнинг номидан* қалам тебратаётганини чуқур ҳис қилади. Унинг оригинал ижодига тасвирда саёзлик ва сохтакорлик қандай ёт бўлса, таржималари ҳам доим худди шундай табиий жананглайди. Адибнинг ўз асарлари билан рус адабиётидан қилган таржималари бамисоли яхлит ижодининг икки қанотидир. Таржималари оригинал даражасида фа-сиҳ ва мукамал, яратган асарлари эса ўзи таржима қилган авторларнинг ижоди савиясида юксак, кўламдор. Бамисоли «Абдулла Қаҳҳор-романист, драматург, новеллист» доимо «Абдулла Қаҳҳор-таржимон» билан узвий ҳамкорликда ижод қилди, доимо бири-бирини тўлдириб, бойитиб, юксалтириб борди.

Абдулла Қаҳҳорнинг таржимонлик фаолияти ўттизинчи йиллардан бошланди. 1932 йилда украин адиби Иван Ленин «Тоғ оралиқлари романи»ни, 1933 йилда А. С. Пушкиннинг «Казитан қизи», Ф. Гладковнинг «Оловли от», 1934 йилда М. Шагиняннинг «Гидроцентральный» асарларини таржима қилди. Буюк пролетар ёзувчиси М. Горькийнинг «Менинг дорилфунунларим» китобини (1933) ўзбекчалаштирди. «Менинг дорилфунунларим» ўзбек тилида уч марта қайта нашр этилди. Кейинчалик роман Кибриё Қаҳҳорова таржимасида М. Горькийнинг уч томлик танланган асарларига киритилди (1959).

1937 йилда «Уйланиш» комедияси унинг таржимасида босилиб чиқди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, рус классик ва совет адабиётидан, айрим Шарқ ёзувчиларининг ижодидан қилган ажойиб таржималари адибнинг муайян миллий адабиётлар ва ўз халқи олдидаги бурчдорлиги тақозоси билан яратилганидан ташқари, унинг учун энг мақбул камолот мактаби бўлди: бу билан у инсоннинг руҳий оламини баайни рассом мўйқама билан тасвирлаш санъатини эгаллади. Худди шу боисдан ўзи таржима қилаётган Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, М. Горький, А. Серафимович ва бошқалар унинг учун фақат «оригинал соҳиби» эмас, балки

ҳар бири доно устод эди. Ана шунинг учун ҳам у, масалан, Н. В. Гоголни «биринчи домла» деб атаган экан, бу унинг қалб сўзлари эди.

«Лев Николаевич Толстой санъаткор сифатида биз учун битмас-туғаммас маҳорат хазинаси, мактаб, бутун бошлиқ бир академиядир»<sup>1</sup>,— дер экан, бир қанча ўзбек романистлари қатори ўзи ҳам устод рус ёзувчисининг улкан асарини ўзбек тилига ўгириш билан унинг ижоди даргоҳидан баҳраманд бўлганлигини эътироф этади.

Абдулла Қаҳҳор моҳир ҳикоянависдир. Уни «Ўзбекининг Чехови» деб бежиз айтишмайди. Рус адаби асарларининг ўзбек тилида чиқарилган (1957) уч томлигининг 1-жилдида унинг қаламига мансуб «Чиновникнинг ўлими», «Семиз ва ориқ», «Хамелеон», «Никоб», «Ёвуз ниятли киши», «Унтер Пришебеев», «Гриша» каби 7 ҳикоя берилган. Бундан ташқари, «Каштанка», «Чиқди», «Сарлавҳасиз», «Ой тутилиши», «Лозим чоралар» каби ҳикояларини ҳам таржима қилгани маълум.

А. Қаҳҳорнинг Чехов ҳикоялари таржимасида фавқулодда муваффақият қозонишининг сири шундаки, аввало, унинг ўзи рус адабининг ҳикоячилик мактабидан таълим олган моҳир новеллист эди. Бу ҳақда «Муборак кўзойнак» мақоласида шундай ёзади: «Бундан йигирма беш йил бурун мен у кишининг (Чеховнинг — *F. C.*) инқилобдан олдин босилиб чиққан 22 томлик асарлар тўпламини қўлимдан қўймадан ўқиб чиқдим. Шунда аломат бир ҳодиса рўй берди: шу билан муҳтарам устод менга муборак кўзойнақларини бердилар-у: «мана буни тақиб ўз халқингнинг ўтмишига назар сол», дедилар.

Устоднинг муборак кўзойнақларини тақиб халқимнинг ўтмишига қарадим. Бир томонда темир йўл гайкаларини бураб олган «Ёвуз ниятли киши» — Денис, иккинчи томонда отқоровул юр деса юрган, тур деса турган, устидан ошириб ўқ узганда киприк қоқмаган «баттол ўғри» Бабар! Булар замона дарахтида етишган бир олманинг икки палласи эди»<sup>2</sup>.

А. Қаҳҳор Улуғ Ватаг уруши йилларида кўплаб асарлар яратиш билан бирга, таржимонлик фаолиятини тўқтатгани йўқ. Унинг бу йилларда ўзбекчалаштирган асарлари давр руҳига монанд бўлиб, уруш даҳшатлари тасвирига бағишланган, ҳарбий ватанпарварлик, юксак гуманизм ғоялари билан суғорилган китоблардан иборат эди. Булар орасида В. Василевсканинг «Камалак» қиссаси (1914), А. Гайдарнинг «Темуру ва унинг командаси», Н. Виртанинг «Шимолий фронт» (1942), А. Ильиченконинг «Қалб хотираси» (1943), А. Қононовнинг «Ленин ҳақида ҳикоялар» (1944), В. Горбатовнинг «Алексей Куликов жанги» (1943), Э. Золянинг «Тегирмон қамали» (1942) китобларини кўрсатиш мумкин.

А. Қаҳҳор урушдан сўнг ўзининг кўпгина йирик асарларини яратди. Булар «Қўшчинор чироқлари» романи (1947), «Синчалак» қиссаси (1958) ва икки комедиядир — «Янги ер» (1951), «Оғриқ тишлар» (1955). Бу даврда ўттиздан ортиқ ҳикоя, фелъетон ва очерклар пайдо бўлди.

Ёзувчининг урушдан сўнг йирик эпик асарлар ва драмалар яратиши унинг таржимонлик фаолияти билан узвий боғланиб кетди.

Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи 1947 йилда ўзбек тилида чоп этила бошлаб, чорак аср ичида эпопеянинг ҳамма жилдлари китобхонларнинг қўлига бориб тегди. Биринчи том Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб бўлиб, илк бор 1947 йилда босилиб чиқди, 1954 йилга келиб қайта нашр қилинди. Иккинчи жилд Кибриё ва Абдулла Қаҳҳор таржимасида 1955 йилда чоп қилинди. Романнинг учинчи (1964) ва тўртинчи (1971) томлари таржимасини Кибриё Қаҳҳорова ниҳоясига етказди.

Ўзбек китобхонлари Н. В. Гоголнинг «Ревизор» (1952), К. Треневнинг «Любовь Яровая» асарларини (1951) А. Қаҳҳор таржимасида ўқидилар. М. Горькийнинг «Она» романи ўзбек тилида етти марта қайта нашр этил-

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. Буюк сиймо. Асарлар, 6 томлик, 6-жилд. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 279-бет.

<sup>2</sup> Ушаасар, 281—282-бетлар.

ган. Бу асар дастлаб, 1933 йилда Чўлпон таржимасида босилиб чиққан, бир неча бор қайта нашр этилган эди. Давр ўтиши билан таржима эскириб қолганлиги сабабли, А. Қаҳҳор романни қайта ўгирди. Китоб унинг таржимасида икки марта чоп этилди (1950, 1955).

Абдулла Қаҳҳорнинг таржимонлик маҳоратидан дарак берувчи омилардан бири — унинг сўзни топиб қўллашидир. Ҳар бир ўринда таржимон топган сўз бамисоли берилаётган маънони ифодалашда бирдан-бир маъбул тадбир, луғавий ё услубий кашфиётдай жарағлайди.

«Ревизор» комедиясида «грешный» сўзи учрайди. «Гордоничий. Господи, помилуй нас, грешных! Где же он там живёт!». Шаҳардаги бир-икки ғаламиснинг яширин ревизор келибди, деб тарқатган миш-миш гапларидан чўчиб кетган шаҳар ҳокими ваҳимага тушиб шундай деяпти. Комедиянинг дастлабки таржимасида (1934) бу қўйидагича ўгирилганди: «Ҳоким. Худоё биз гуноҳкорларга ўзингнинг раҳминг келсин! Трактирнинг қай ерида турган экан?» («Тергавчи», 16). А. Қаҳҳор таржимаси: «Ҳоким. Худоё худовандо, биз осийларни ўзинг кечир! Қайси уйда турган экан?» («Ревизор», 1952, 17). Эки бошқа ўринда: ҳоким дўстидан келган хатни ўқиркан, ўзига қарата айтилган мана бу сўзларга дуч келади: «Так как я знаю, что за тобою, как за всяким водятся грешки» (10). Илк таржиманда шундай: «Мен биларманким ҳар кимсада бўлгани каби сенда ҳам баъзи гуноҳлар бор» (7). А. Қаҳҳор таржимаси: «Бошқалар қатори сенда ҳам баъзи қусурлар бор» (8).

Мавжуд русча-ўзбекча луғатларда грех — гуноҳ, айб, увол; грешный ва грешник эса гуноҳкор деб берилган. Лекин Абдулла Қаҳҳор ўз оригинал ижодида ҳам, таржималарида ҳам сўзни луғат, газета ёки бошқа ёзма манбалардан эмас, балки халқдан, ҳаётдан олди, ҳар бир сўз, иборани чертиб танлади.

Мабодо бадиий асарлар расмий идоравий тил билан таржима қилинса, — хусусан, агар бундай «тадбир» сўзга нисбатан жуда талабчан, инсон психологисининг энг майда, микроскопик жилваларини «нишонга урадиган» бир-икки сўз ёки луғма билан ёрқин тасвирлайдиган Гоголь, Чехов сингари атоқли адибларнинг асарларига нисбатан қўлланилса, — бу билан ўша асарларни қуруқ, бетавсир баёнга айлантириш, буюк авторларни эса ўртача ёки хатто ундан ҳам паст қаламкаш аҳволига тушириб қўйиш нақд бўлиб қолади.

Муайян бир русча сўзни ўзбек тилида, фараз қилайлик, ўзимизнинг ўнга сўзимиз билан маънога халал етмайдиган қилиб ифода этиш мумкин бўлган жойда чинакам таржимон улар орасидан энг мақсадга мувофиқини, энг муқобилини топади. Мана шуни таржима маҳорати деб айтадилар. Лекин Абдулла Қаҳҳорнинг санъати учун бу таъриф ҳам кифоя қилмайди: у ўша мавжуд ўн имконият билан кифояланмасдан... ўн биринчи йўлни қидириб топади — ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир калимани кашф қилади. Таржима мўъжизаси, санъаткорлик, аслида, шу ердан бошланади.

«Я узнал это от самых достоверных людей, хотя он представляет себя частным лицом» деган гапдан ҳушёр ўқувчи пайқаб оладики, бу ерда «частное лицо» деганда пинҳоний ревизор назарда тугуляпти. Бу гап дастлаб «Гарчанд у ўзини хусусий кишилар қаторида кўрсатиб юрган эрса-да, мен бу нарсани жуда ишончли кишилардан эшитиб билдим» (1934, 7) деб ўгирилган экан, таржимонга ҳеч қандай эътироз билдириб бўлмайди, негаки фикр тушунарли, ҳамма сўзлар ўз жойида. Аммо Абдулла Қаҳҳорнинг таржимасида ўзгача бир файз, табиийлик, соддалик бор: «У чиновник эканини яшириб, ўзини фуқаро кўрсатиб юрган бўлса ҳам мен буни тайинлик одамлардан билдим» (7—8).

Яна бир мисол.

«Жолпаки были бы чистые, и больные не походили бы на кузнецов, как обыкновенно они ходят по домашнему» (11).

<sup>1</sup> Н. В. Гоголнинг Москвада чиқарилган 7 томлик асарлар тўпламининг 4-томидан (1967).

1934 йилги таржимада:

«Қалпоқлар тоза бўлсин, касаллар темирчилардай ифлос бўлиб юрмасинлар» (8).

Абдулла Қаҳҳор «кузнец» (темирчи) сўзини... «гўлахи» билан бериб, манзарага интиқойи табиийлик ва комедияга хос кулги бағишлайди:

«Касаллар киядиган қалпоқлар тоза бўлсин, ундан кейин гўлахига ўхшаб юришмасин унақа» (9).

Абдулла Қаҳҳор Н. В. Гоголь комедияларининг илк таржималари ўз хизматини ўтаб бўлганлиги ва уларни янгидан таржима қилиш заруратини чуқур ҳис қилган эди. Масалан, у дастлабки таржимадаги бир парча ҳақида шундай ёзганди: «Бу текст «аслига тўғри», лекин ўлик портретга бир чизик билан жон киргизадиган Гоголь услубига мутлақо ётди. Мен 1937 йилда «Уйланиш»ни таржима қилганимда, кейинчалик «Ревизор»ни таржима қилганимда бурунги таржимадаги шу камчиликларни назарда тутган эдим»<sup>1</sup>.

Турли даврларда яшаган адиблар, турли-туман асарлар, ҳар хил жанрлар, дунёқараш, тили, услуби, диди турлича бўлган ёзувчиларнинг ижодини қамраганлиги жиҳатидан Абдулла Қаҳҳор яратган катта таржима мактаби, унинг ноёб санъати атрофлича, кенг ўрганишга лойиқ. Хусусан, ҳозир, бир тарафдан, бадиий таржиманинг салмоғи йилдан-йилга ошиб, аҳамияти кучайиб бораётган, иккинчидан эса, бадиий ижоднинг бу соҳасида баъзан ўзибўларчилик майли юз бераётган ва бунинг оқибати ўлароқ, хом-хатала, нимжон, тезпишар таржималар пайдо бўлаётган бир вақтда, Абдулла Қаҳҳор яратган таржима анъаналарини ёйиш, илмий томондан ўрганиш катта аҳамиятга эга.

## СЕРГЕЙ ИВАНОВ

Турколог олим, филология фанлари доктори, Ленинград Давлат университетининг профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Сергей Николаевич Иванов ўзбек адабиёти асарларининг рус тилига моҳир таржимони сифатида ҳам маълум.

1946 йили Совет Армияси сафидан қайтгач, мазкур дорилфунуннинг Шарқ факультетига киради. У тилшунос олимлардан И. М. Мешчанинов, В. М. Жирмунский, М. К. Дмитриев, А. П. Поцелуевский, С. Е. Малов, А. Н. Кононовлардан таълим олди.

1951—53 йилларда Бухоро Давлат педагогика институтида тилшуносликдан дарс беради. 1958 йилда Ленинград университети Шарқ факультетининг туркология кафедраси қошида аспирантурага киради. «Ҳозирги замон ўзбек тилида -ган формасининг синтактик хусусияти» мавзuida кандидатлик диссертациясини ёқлади.

1970 йилда олим «Абул Ғоzi Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарига феъл ва исм» темасида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1971 йилда унга профессор унвони берилди.

С. Н. Ивановнинг илмий ва ижодий фаолияти Ўзбекистон билан яқиндан боғлангандир. У Лутфий, Навоий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Усмон Носир, Зулфия, Собир Абдулла каби ўзбек шоирлари асарларини рус тилига таржима қилди. Сергей Николаевич қадимги ўзбек тилини пухта билганлиги, Навоий шеърятининг мундарижасини, бадиий хусусиятлари, шоирнинг руҳий оламини чуқур идрок этганлиги унинг шеърый таржималарида жуда қўл келиб қолди.

«Ҳазойинул-маоний» таркибидаги ғазал, рубоий, қитъа ва бошқа шеърый асарларни таржима қиларкан, С. Иванов теран лиризм, ўткир тафаккур, ижтимоий матлаб билан бирга шеърнинг гўзал шаклини ҳам рус ўқувчисига етказа олди. Таржимон ғазаллардаги радиф, туюқлардаги ҳар хил маъно англатиб, бир хил талаффуз қилинадиган қофияларни рус тилида

<sup>1</sup> А б д у л л а Қ а ҳ ҳ о р. Асарлар, 6 томлик, 6-жилд. Тошкент, 1971, 269-бет.

ифодалаш тадбирини кашф қилди. Навоийнинг рус тилидаги ўн томлик асарларининг биринчи ва иккинчи жилдларига кирган шеърлари таржимасида фаол иштирок этди. Тўққизинчи жилд унинг таҳририда босилиб чиқди. Биринчи марта рус тилига тўла таржима қилинган «Лисонут-тайр» саккизинчи томдан ўрин олди.

Алишер Навоийнинг бу дostonи гоёт мураккаб фалсафий масалаларга бағишланган. Дostonни тушуниш, ундan шоир кўзлаган мақсадни тўғри англаш учун мисраларо сингдирилган маъноларни уқиб лозимдир. С. Н. Ивaзов катта масъулият ҳисси билан мана шу мураккаб ишнинг уддасидан чиқди, дostonнинг мазмуни, руҳи, шоирнинг санъаткорлигини усталик билан бера олди.

— Сергей Николаевич Иванов «Лисонут-тайр» таржимаси устида иш олиб борган пайтларда гоҳ Ленинградда, гоҳ Топкентда тез-тез суҳбатлашиб, таржиманинг битган парчаларини ўқишиб, фикр алмашиб турар эдик, — деб ҳикоя қилади адабиётшунос олима Суйима Ғаниева. — Айни вақтда у ўзининг докторлик диссертациясини тугаллаш арафасида эди. Шунда мен бир нарсадан гоёт таъсирланган эдим. У ҳам бўлса олимнинг бутун хаёли, онги ва қалбини Навоийнинг гоё ва образлари, шеърятдаги санъати шундай чулғаб олган эдики, мен унинг учун ўз ниҳоясига етиб қолган қайси асари қимматлироқ эканини англай олмас эдим.

Таржима тугалланиб, нашриётга топширилган кунлари Ленинград университетини Шарқ факультетининг ўқитувчи, аспирант ва студентлари илтимоси билан Сергей Николаевич бир неча кун мобайнида «Лисонут-тайр»нинг аввалидан охирига қадар уларга ўқиб берган эди<sup>1</sup>.

С. Н. Ивановнинг сиймосида бир йўла икки фазилат мужассамлашган: бу олимлик ва таржимонлик қобилиятидир. Умуман олганда, олим кишининг бадийи, айниқса, шеърин таржима билан шуғулланиши унинг ўзи учун жуда қийиндир. Бунинг сабаби шуки, у ўзи таржима қилаётган матнга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткор бўлади. Шоир-таржимон учун, эҳтимол, у қадар муҳим бўлиб кўринмаган нуқта, ишора, сўз, таркиб «соф филологик ҳодиса» сифатида олим-таржимоннинг диққатини ўзига тортаради. Бадий асар таржимаси устида ўтирган олим фақат текстни «ўғриш» билан банд бўлмайдди, балки ўзи ўша тоғда қалбидан кечираётган хис-туйғуларни илмий таҳлилдан ҳам ўтказиб боради: бир йўла икки ишни бажаради. Бундай таржимон ҳам шеърни ҳис этади, ҳам уни ўз тилида қайта яратиш ташвиши билан ёнади, айни вақтда ҳар иккала мўъжизакор лисоний-эстетик ҳодисани мушоҳада қилади, у ҳақда ўйлайди.

Таржимон таржима қилади. У яратади. Бироқ ўзи бажараётган ишни «айтиб» беролмайди. Унга ўз тажрибаларини илмий умумлаштиригандан кўра, катта бир романни таржима қилиш ўнғай кўринди. Чунки ижодий иш бўлган таржимадан шу таржимани ўрганувчи таржимашунослик бирибидан жиддий фарқ қилади: бири — ижод, санъат, иккинчиси — илм, таҳлил. Бадий ижодда ҳам, шу ижодий соҳанинг назариясида ҳам бирдай лаёқатли олимлар камдан-кам учрайди.

С. Н. Иванов ана шундай шоир-таржимон, шундай тилшунос олим, шундай таржимашуносдир.

Олимнинг «Мастерство перевода» (Таржима маҳорати) тўпламининг 10-сонидa (1974) босилиб чиққан «Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» дostonи (таржимоннинг асл нусхани шарҳлаш тажрибаси)» номли катта илмий мақоласини ўқиган киши бунга иқрор бўлади. «Лисонут-тайр»ни оригинал асар сифатида бундай тушуниш фақат таржимонга эмас, балки адабиёт тарихи билан махсус шуғулланувчи ҳар қандай филолог-олимга ҳам насиб бўлавермайди.

Классик адабиёт асарларини таржима қилувчи киши, дарҳақиқат, олим ҳам бўлгани яхши. Бу ерда гап фақат Навоий тили луғатини тушуниш ҳозирги даврда, маълум объектив сабабларга кўра, бениҳоя қийинлашиб

<sup>1</sup> С у й и м а Ғ а н и е в а. Истеъдод қирралари. «Ўзбекистон маданияти», газ., 1972, 7 апр.

қолганида ҳам эмас. «Лисонут-тайр» сингари адабий-фалсафий асарларга ўз давридаги ўқимишли кишилардан ҳам барчанинг «тиши ўтавермас» эди. Таржимани оғирлаштирадиган қўшимча жиҳати — араб ёзувининг ўта мушкуллиги, асрлар давомида асар котибларнинг қўлидан-қўлига ўтиб, унга кўп «тузатиш»лар, киритилганлиги, таржима учун китобнинг асл нусхадаги ишончли, пухта матнини қидириб топиш билан боғлиқдир. Агар кимдаки таржимон қўлига топширилган китоб матнини бир тилдан бошқа тилга «оқизмай-томизмай» ўтказувчи тилмоч деб тушунса, «Лисонут-тайр»нинг С. Иванов таржимасини ва унинг юқорида номи зикр этилган мақола-сини ўқисин — шу заҳотиёқ фикридан қайтиб, таржимоннинг даҳосига таъзим қилади.

Ҳозир бизда сўз калимасининг битта асосий луғавий маъноси бор, рус тили воситасида ифодаланса, бу — «слово». Лекин Навоий яшаган замонда унинг, буидан ташқари, тамоман бошқа маъноси ҳам бўлган: «сўз 1. Куйдириш, ўрташ; 2. Сўз бирикмасида «куйдирувчи», «ўртовчи» маъноларида келади. Оламсўз — дунёни ўртовчи; Сўзу ҳол — куйиш ва ўздан кетиш (сўфийликда)» («Навоий асарлари луғати», 578).

Ҳозирги ўзбек ўқувчиси ҳам фарқлай олмайдиган бундай юзлаб «лисоний ғалат»ларни рус таржимони билиши керак эди.

— Шунга ўқинаш ҳолатлар ва бошқа ғалатларни ҳал этишда таржиманинг тайёр матни устида муҳаррир Раҳмат Мажидий билан ҳамкорликда ишлашим менга катта ёрдам берди, — дейди С. Н. Иванов. — Таржима маъносини аниқлаш борасида бизнинг ҳамкорликда олиб борган ишимизда турли вазиятлар вужудга келган эди: баъзи ҳолларда мен муҳаррир таклиф қилган нисбатан тўғри ўқиш вариантга сўзсиз кўнар, бошқа бир ҳолатда ўз вариантимда қаттиқ туриб олар эдим, учинчи ҳолатда эса достон матнининг дақиқ парчаларини англаш имкониятларини биргалашиб излар эдик. Муҳаррир ёрдамининг қанчалик аҳамиятга эга эканини таърифлаш учун баъзи рақамларни келтираман. Умумий сони 3.598 байтдан иборат матндаги икки юздан ортиқроқ ҳолатда ўртамизда муайян мисрага сингдирилган маъно ҳақида баҳс қўзғалди. Мен 70 га яқин байтни Р. М. Мажидий мулоҳазаларига кўра ўзгартирдим. 80 дан ортиқроқ байтни, ўзим тўғри ўқиганимга муҳарриримни ишонтириб, аввалги ҳолида қолдирдим. 50 дан ортиқроқ байтнинг маъносини тушунишга эса иккаламизнинг ҳамкорликдаги изланишларимиз, баҳслар ва мулоҳазаларимиз туфайли эришдик.

Неча дедим ул санамга: бормагин!  
Қилмади ул, тарк охир бормогин;  
Мунчаким худройлик кўргузди ул,  
Ақл ҳайрат қилди тишлаб бармогин (90).

Шаклдош сўзлардан иборат, сўз ўйинига асосланиб тузилган туюқ. *Бормагин — бормогин — бармогин* сўзларининг талаффузи ва нозик семантик ўзига хослигини фарқлаш бу ерда жуда муҳим. С. Н. Иванов мазкур туюқни рус тилига т у ю қ д а й ўгиришга мушарраф бўлди.

Чтоб ей сказать «не уходи», уста я растворил,  
Но замер зов мой на устах и льда не растворил.  
Ее капризам нет числа, упорству — нет границ,  
Мир удивлён: такое зло каприз хоть раз творил<sup>1</sup>.

Яна бир мисол.

Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун;  
Қўймади бир зарра бағримни бутун;  
Тунга бориб бизни беҳол айлади,  
Не балолиғ тун эмиш, ёраб, бу Тун (90).

<sup>1</sup> А л и ш е р Н а в о и. Избранное. Изд-во художественной литературы им. Г. Гуляма, Ташкент, 1968, стр. 166.



## Таржимаси:

Кинжал разлуки в эту ночь затеял пир и справил,  
Но рок, мне печень истерзав, недуг мой не исправил.  
Когда он в Тун меня послал и пыткой мучил в Туне,  
Как можно мучить, — не забыв ни одного из правил (165).

Ўзбек бадийи ва илмий таржима адабиётида кўнгилли воқеалар сифатида *таржимонлик* фаолияти учун шарқшунос олим Убайдулла Каримовнинг Беруний номидаги республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлганлигини айтиш мумкин. Олим ва шоир Шоислом Шомуҳамедов форс адабиёти соҳасидаги илмий фаолияти билан бирга, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сини (биринчи китоб) ўзбекчалаштиргани учун халқаро Фирдавсий мукофотини олишга мушарраф бўлди.

«Литературная газета»нинг 1976 йил 31 март сониди В. Оскоцкийнинг «Улуғбекнинг иккинчи умри» номли мақоласи эълон қилиниб, унда Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи тарихий асар сифатида Ойбек ва Сергей Бородинларнинг «Навойи» ва «Самарқанд осмонида юлдузлар» романи билан қиёсланади, асосий образлари таҳлил қилинади, асарга юқори баҳо берилади. Демак, «Улуғбек хазинаси»нинг «Дружба народов» журналида (1975, 10, 11- сонлар) Ю. Суровцев ҳам муаллиф Одил Ёқубов таржимасида босилиб чиқиши танқидчи ва китобхонларда мазкур асар ҳақида ҳаққоний, мукамал тасаввур туғилишига сабаб бўлган. (Кейинчалик роман рус тилида алоҳида нашр этилди). Ўз асарининг бошқа халқлар назарида тўғри танилиши, уларнинг тилларига тўқис, мукамал ҳолда етиб боришидан ҳаммадан кўра кўпроқ манфаатдор бўлган шахс — бу муаллифнинг ўзидир. Садриддин Айний, Чингиз Айтматов ва бошқа икки тилда баравар ижод қила оладиган адиблар қатори Одил Ёқубовнинг ҳам бадий таржимага бел боғлаганлиги жуда яхши гап.

Инсониятнинг маънавий тараққиёти ва эзгу ниятларнинг барқарор бўлиши, яхшилик уруғларининг замини замонлар ичра тарқалиши мақсадларига сидқидил хизмат қилаётган ҳар бир таржимоннинг илмий, ижодий фаолияти ҳурмат ва таҳсинга лойиқ, таҳлилга муҳтож.

## ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВИСТИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК МАСАЛАЛАРИ

### IV БОБ. ТИЛ ВА ТАРЖИМА

#### 32-§. Таржима ва терминология

Шахмат билан... тилни бир-бирига қиёс қилиб кўрайлик.

Шахмат тахтасида 64 та каттак, 32 дона бор, холос. Ажойиб халқаро ўйиннинг бутун «асбоб-ускунаси» шундан иборат. Аммо кичик бир тахта устида ҳар галги ўйинда дунё-дунё масала ечилади, ҳадсиз-ҳисобсиз тактик ва стратегик муаммолар ҳал қилинади, мантиқий вариантлар-у изчиллик кузатилади ва ҳоказо. Умуман, шахмат ўзида инсон табиатини ажойиб бир тарзда ифодалайди, у ҳаёт ва кураш диалектикаси асосига қурилган.

Биз ўз тилимизга шу даражада «ўрганиб» ва кўникиб кетганмизки, унинг турган-битгани мўъжизадан иборат эканлигини пайқаймаймиз ҳам. Инсоният ўз камолоти процессида қўлга киритган буюк кашфиёт—тилдир. Фараз қилайлик, агар жаҳонда тилдан бошқа алоқа қилиш воситасига эга бўлган ақлли мавжудот топилганида, у одамзоднинг ихтиёрида тилдек буюк, қудратли қурол борлигига имон келтириб, инсоният даҳосига таҳсин ўқиган бўларди.

Тилнинг бу қадар «мўъжизакорлиги» нимадан иборат?

Айрим сўзлар, сўзларнинг ўзаро бирикиши, гап тузилишигина эмас, балки ҳатто айрим олинган грамматик қўшимча ва нутқ товушлари ҳам тилда — ҳодисадир.

Ўзбек тилида (ёзувда) нутқ товушлари 35 ҳарф воситасида ифодаланади. Бир зум тасаввур қилинг. Тилимиздаги минглаб, ўн минглаб, юз минглаб сўзлар ёзувда ниҳоят ана шу 35 белги воситасида ифодаланади! Башарти, тилда умумлаштириш, абстракциялаш хусусияти бўлмаганида (ҳар бир нарса ва ҳодисани ифодалаш учун алоҳида товуш ва график восита талаб қилинганда эди), кишиларнинг бир-бирларини тушуниб олишлари бениҳоя мураккаблашган бўларди.

Ёзувнинг пайдо бўлиши ёзма адабиётни келтириб чиқарди, ёзма адабиёт эса инсоният ақл-идроки дурдоналарини «ҳужжатлаштириш» ва абадийлаштиришга йўл очди...

Миллатнинг буюк ўғлонлари, оқила ва зарифалари сўзлаганда уларни жон қулогимиз билан эшитамиз.

Шоир Ғафур Ғуломнинг сўзлари ёзув аппаратлари орқали эшиттирилганида халқимиз бу доно алломани дафъатан, «янгидан» тинглаётгандай бўлади.

Буюк Алишер Навоийнинг табаррук овозлари ўз авлодининг бахти-иқболи, истиқболи учун бу улуғ инсон томонидан абадий барҳаёт ёдгорлик қилиб қолдирилган ёзма адабиёт обидалари орқали бизга етиб келган. Миллий театримизнинг йирик устаси Олим Хўжаев саҳнада Навоий тимсолини яратган экан, биз бу шеърят даҳосининг ёқимли овозини чинакамига тинглаётганимизга гўё шубҳа қилмаймиз.

Буларнинг ҳаммаси, албатта, инсониятнинг амалда кўриш мумкин бўлмаган нарсани кўриш, амалда эшитиш мумкин бўлмаган нарсани эшитиш, қисқаси амалда қилиш мумкин бўлмаган нарсани қилишни орзу, хаёл қилишининг натижасидир. Зеро, ана шундай ижодий фантазияга эга бўлмаганида, инсон — инсон бўлармиди!

XV асрда товушни ёзиб олиш аппаратлари ихтиро қилинган бўлиб, биз, замонлар оша, буюк Навоийнинг ёқимли овозларини эшитиш бахтига муяссар бўлганмиз, деб фараз қилайлик. Унда нималар аён бўлар эди?

Аввало, тилда жуда чуқур ўзгаришлар рўй берганини кўрар эдик. Тилнинг ҳамма жабҳалари бўйича: фонетикада, луғатда, услубиётда, маънода, морфология ва синтаксисда катта ва жиддий силжиш рўй берганини ўз қулогимиз билан эшитар эдик. XV асрда «турк тили» аталмиш ўзбек тилида талаффузнинг физиологик-орфоэпик табиатини аниқлаган бўлардик. Чиндан ҳам, беш аср муқаддам бизнинг аждодларимиз қандай сўзлаганлар? Бу фавқулодда қизиқ масала эмасми?

Ҳамонки шундай экан, эҳтимол, беш аср муқаддам яшаб ўтган ўз аждодларимизни тушуниш учун уларнинг қадимий тилларини ҳозирги замонавий тилимизга «таржима» ҳам қилишимизга тўғри келар? Ажаб эмас. Классик адабиёт асарларининг луғатида, жумладан, Алишер Навоий асарлари луғатида ҳам, шу даражада катта тафовут борки, бу асарларни тўла тушуниб етиш учун уларни тўла маънода таржима қилинмаса ҳам, лоақал, «ярим таржима» қилишга зарурат туғиладики, бунинг номини т а б д и л қ и л и ш дейилади.

Тилшуносликдаги «жамият ва тил» деган проблема улар тараққиётининг ана шу ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади.

Тилда юз берадиган ўзгаришларнинг хусусиятини ёрқинроқ тасаввур қилиш учун узоқ давр — XV ва XX аср ўзбек тилини қиёс қилиш хусусида гапирилди. Табиийки, қанча кўп вақт ўтган сайин тилдаги ўзгаришлар шунчалик сезиларлироқ кўрина боради. Бироқ нисбатан қисқа давр ичида тилдаги тараққиётни пайқаб бўлмайдами? Масалан, 100 йил муқад-

дам ўзбек тили ҳозиргига нисбатан қандай ҳолда эди? 50 йил олдин-чи? 10 йил илгари-чи?

Ҳаётда юз берадиган ижтимоий ҳодисаларнинг биронтаси ҳам тилда беиз қолмайди. Ер-сув ислоҳоти, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, мамлакатни индустрлаштириш, маданий инқилоб, илмий-техника революцияси, атом энергиясининг кашф қилиниши, космик парвозлар даври — бу буюк воқеаларнинг ҳар бири тилимизда ўзига хос из қолдирди. Бироқ бу ўзгаришлар, асосан, тилнинг луғат составида юз берди. Умуман олганда эса тил инқилобий тарзда ўзгарадиган ижтимоий ҳодисалар жумласига қирмайди ва унинг грамматик қурилишида ўзгариш жуда секинлик билан содир бўлади.

Тил тараққиётида икки майл кўзга ташланади: бу ташқи ва ички омиллардир. Дунёда ташқаридан сўз қабул қилмайдиган, фақат ўз ички ресурслари ҳисобига ривожланадиган «соф» тил бўлмагани сингари, нуқул бўлак тилларнинг луғатларидан ташкил топган қурама, антиқа «конгломерат тил» ҳам йўқ. Таржимада тил тараққиётининг ана шу ташқи ва ички омилларининг меъёри ва қонуниятини билиш жуда муҳим.

Кундалик сўзлашув вақтида гап орасида соф ўзбекча сўзлардан ташқари дунёдаги қанчадан-қанча тиллардан кирган сўзларни ишлатаётганимизни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Масалан, *мастер, комитет, футбол, қурултой, чамадон, адмирал* сўзлари асли ўзимизники бўлмай, немис, француз, инглиз, мўғул, форс, араб тилларига мансуб эканлигини мутлақо пайқамаймиз. Агарда ўзбек тилида ҳозир ишлатилиб турган, эндиликда унинг ўзиники бўлиб кетган, аммо келиб чиқиши жиҳатидан бошқа тилларга мансуб сўзлар асосида... «жўғрофий-лингвистик харита» тузилса, жуда қизиқ манзара ҳосил бўлар эди! Бундай тақдирда ўзбек тилининг луғатида жаҳондаги қайси ва қанча тилларнинг сўзлари «қатнашаётганини», шу тариқа тилимизнинг интернационал алоқаларини яна ҳам конкретроқ тасаввур қилар эдик.

Таржимоннинг ижодкорлиги тил соҳаси билан чегараланган. У янги ифода воситалари яратиш (неологизмлар) билангина эмас, балки хорижий ибораларни ўз муҳитида ассимиляция қилиш (экзотизмлар) билан ҳам миллий адабиётини янги лисоний воситалар билан бойитади. Хорижий воситаларни идрок этиш ва она тилида муқобил янгиликлар яратиш фақат лексемалар билангина чегараланмайди, балки услубий категорияларни ҳам қамрайди (оқ шеър, сонет, терцина; рус шеърятни учун: ғазал, рубойи, туюқ ва ҳоказо).

Жорж Муненнинг маълумотларига кўра, таржималар ҳамда хорижий ҳаёт тарзи билан таништирувчи махсус адабиётлар орқали она тилига чет сўзларнинг қай миқдорда кириб келиши қуйидагича аниқланган: К. Леви-Строссинг «Хафқон тропиклар» китобидаги 190.000 сўздан 300 таси —

хорижий сўз, уларнинг ҳам бир қисми французларга олдиндан маълум бўлганидан текст ичида махсус тушунтиришга эҳтиёж туғилмаган. Уриель Вайнрайхнинг «Languages in Contact» китобидаги 60.000 сўз таржимасида 27 та хорижий сўз сақланган, холос. Шундай қилиб, одатда, бу тахлит махсус текстларни ўгирганда уларда таржимон она тилини бойитадиган тахминан 0,5 процент бегона сўз учрайди<sup>1</sup>.

Таржимоннинг ижодкорлиги лисоний-услубий (лингвистик) ўзгаришлар билан чегараланганидан, у лоақал шу томондан бўлса-да ўз мустақиллиги ва ижодий қобилиятини намойиш этиш мақсадида эпчиллик кўрсатади, кераксиз жойда неологизмлар кашф этади, эски сўзларни асоссиз равишда ўзгартира бошлайди. Натижада ўқувчининг эътиборини қозониш мақсадида текстни «мукаммаллаштириш»га уринади ва бу билан авторнинг муддаосидан ташқарига чиқиб кетганини ўзи ҳам билмай қолади. Ижодий имкониятларни бу тариқа суиистеъмол қилиш ҳоллари актёрларда ҳам учрайди. Ёмон актёр ўз қобилиятини кўрсатиш учун драматург талқинидан чиқиб кетади ва томошабиннинг эътиборини қозониш мақсадида сахнадан туриб ҳар хил ноз-карашмалар қилади. Тил билан ўйнашаётган таржимон ҳам китобхонга ёқаман деб бачкана қилиқлар қилади.

Қолбуки, «таржимоннинг асарда иштироки қанчалик сезилмаса, шунча яхши» (Иржи Левий, 115—116).

Албатта, миллий адабиётнинг пинҳоний ифода воситалари рўёбга чиқишига имкон берадиган услубий унсурларни таржимага олиб ўтиш учун лисоний ижодкорликка йўл очиш керак. Ватан адабиётида тараққий этмаган ёки бошқа йўналишдан кетган жанрларни таржима қилганда, ўз шеърятимизни бойитишнинг жуда қулай имконияти туғилади. Ҳар бир даврда истаган икки миллий адабиётнинг тараққиётида бундай тафовутларни кўплаб топиш мумкин.

Хўш, чех адабиётида ишланган чех классицизми мавжуд эмас экан, дейди Иржи Левий (118), классицизм прозаси асарларини унга қандай таржима қилиш керак? XVIII аср охирида ривожланган сентиментализм ёки Уйғониш даври адабиётини таржима қилганда ҳам ана шундай қийинчиликлар содир бўлади. (Масалан, Сервантеснинг «Дон-Кихот» романи сингари асарларни ўзбек тилига ўгиришда она тилининг ресурсларидан фойдаланган ҳолда асл нусханинг услуб фазилатини акс эттириш учун янги услубий конструкциялар яратишга тўғри келади). Лекин нисбатан кейинги давр ва ҳозирги замон адабиёти асарларини таржима қилганда ҳам тилдан янги услубий имконият ва воситалар қидириш талаб қилинади.

<sup>1</sup> G. Mounin. L'intraduisibilité comme notion statistique (Таржима бўлмаслик статистикавий тушунча сифатида). „Babel“, Bonn, V. p. 10 (1964), p. 122—124.

Жаҳондаги кўпгина тилларда (инглиз, турк, хитой, арман, ўзбек, татар ва ҳоказо) отлар род белгиларига эга эмас. Баъзи ҳолларда эса, айтайлик, рус тилида мужской родда ҳисобланмиш отлар бошқа тилларда женский родда деб талқин қилинади. (Масала, «стол» сўзи русчада — мужской родда, француз тилида — женский роддадир). Тилларда бундай род «чалкашлиги» жуда кўп учрайди. Бу масала соф лисоний ҳодиса ўлароқ, таржимашуносликда ҳам муайян қизиқиш уйғотади. Нега деганда, таржимонлар ўзларининг фаолиятларида бундай тил ҳодисасига тез-тез дуч келиб турадилар. Бундан ташқари, ижод аҳли тилларнинг бу хусусиятларига бефарқ қарамаганлар. Сўзларнинг тилда қайси родга мансуб деб топилишидан фойдаланиб, ўша сўзлар ифодаланган предметларни тавсифлаганлар, жонлантирганлар, уларни бирон тимсолга айлантирган ҳолда, маънодор қилганлар. Бу хусусда сал кейинроқ баҳс давом эттирилади. Ҳозир эса тилларнинг род белгисига қараб бир-биридан фарқланиши ва бу нарса турли миллат вакиллари ўртасида гоҳо тушунмовчиликлар туғдириши ҳам мумкинлигини қайд этишга тўғри келади.

Л. Успенский ўзининг «Сўз ҳақида сўз» китобида мана бундай антиқа бир ҳодисани тасвирлайди.

Ҳеч бир кутилмаганда, иттифоқо жуда ғалати ва шу билан бирга ибратли бир баҳсининг устидан чиқиб қолдим.

Шинамгина кавказ ресторанларидан бирида тушлик овқат маҳалида ёшлари бир жойга борган уч хоним: рус, немис ва арман аёллари тўпланган эдилар. Улар жимгина ўтириб карам шўрва ичишарди. Шу пайт бирданига полга катта темир қошиқ жаранглаб тушиб кетди.

— Ана холос!— деди рус аёли эски бир русча иримни эсига олиб: — Қандайдир, хоним биз томонга меҳмонга келяпти. Қошиқ тушиб кетди.

— Нега «хоним» бўларкан?— ажабланти немис аёли. «Ложка» (қошиқ) — бу «дер леффель»!— мужской родда. Биронта эркак киши келиши керак...

Рус аёлининг жаҳли чиқди:

— Олинг-а. Мабодо пичоқ тушиб кетганида, бу эркак кишини билдирар эди. Чунки «ножик» — мужской роддадир...

— Ана холос!— кулиб юборди немис аёли.— «Пичоқ» мужской родда деб ўйлайсизми? Ахир, пичоқ тушиб кетса борми, бу ҳеч нарсани англамайди.— У «дас мессер», яъни средний роддадир.

Арман аёл ҳайрон бўлиб, баҳслашаётганларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига анграйиб қарар эди.

Ниҳоят, у менга томён ўгирилиб сўради:

— Афв этасиз,— пичирлади у,— мен ҳеч нарсага тушунмадим... Назаримда, қандайдир қизиқ ирим-жиримлар ҳақида гап бораётганга ўхшайди. Лекин бу ирим-жирим нима ҳақда ўзи? Нега энди «ножик» (пичоқ) ўзининг нимаси биландир эркак кишини ёки «ложка» (қошиқ) — аёл кишини эслатиши керак экан? Таажжуб.

Юқорида тиллардаги род хусусияти таржимонлар олдида баъзан ўтиб бўлмас тўсиқлар ҳосил қилиши, «лисоний гов»ларни келтириб чиқариши қайд этилди. Ушбу сатрлар муал-

лифининг «Тил ва таржима» китобида (1966) «таржиманинг баъзи грамматик муаммолари» хусусида гапирганда мазкур масалага ҳам тўхтаб ўтилган эди (191—194). Унда Генрих Гейненинг «Ёввойи шимолда...» шеърининг рус тилига ўғиррилиши билан боғлиқ лисоний-услубий мушкулотларга муносабат билдирилганди.

Орадан роса етти йил ўтгач (1973), ёш шоир, тадқиқотчи Эргаш Муҳаммедов «Генрих Гейне ўзбек тилида» мавзуида илмий иш ёзиб, китобда қўйилган проблемани атрофлича мушоҳада қилгани ҳолда, уни ҳал этиш мумкинлигини исботлашдан ташқари, ўша «таржима-муаммо»ни ечишнинг бир нечта йўллари кўрсатди. Қўйида тадқиқотчининг ушбу масалага қандай ёндашганлиги ва уни не йўсинда ёритганлиги келтирилади.

Генрих Гейненинг машҳур «Лорелея» ва «Ёввойи шимолда...» шеърлари кўпгина шоир-таржимонларимиз томонидан ўзбек тилига ўғирилди, ҳамон янги-янги интерпретациялари юзага келмоқда. Бунинг ажабланидиган ери йўқ. Бу иккала шеър Гейне таржимасига қўл урган деярли барча рус шоир-таржимонларининг ҳам диққатини ўзига жалб этиб келган. Натижада буларнинг, айниқса, «Ёввойи шимолда...» шеърининг рус тилида ғалати таржималари пайдо бўлган. Аммо ҳанузгача Гейне асарлари тўпламининг русча нашрига, асосан, М. Ю. Лермонтов таржимаси киритилди. Сабаби, шоир руҳини ҳеч бир таржимон Лермонтовчалик беролмаган. Лекин М. Ю. Лермонтов «Ёввойи шимолда...» шеърининг таржимасида шоир руҳини бергани учун шеър мазмунини тўла акс эттиролмаган. Бунинг асосий боиси род категорияси туғдирган мушкулликдир.

Биз қўйида рус ва ўзбек тилига энг кўп ағдарилган «Ёввойи шимолда...» таржималарининг баъзи вариантлари хусусида тўхталмоқчимиз.

Юқорида Лермонтов таржимасидаги «Ёввойи шимолда...» шеъри мазмунининг ўзгариб кетишида род категорияси туғдирган мушкуллик сабабчи бўлган, дедик. Худди шу масалада, айти шу шеър мисолида бошқа таржима назарётчилари ҳам фикр юритганлар. Шулардан баъзилари билан танишамиз.

«Рус адабиётида бадий таржимада род категорияси туғдиралган мушкулликни акс эттирувчи маълум ва машҳур бир мисол бор. Улуғ немис шоири Генрих Гейненинг «Қарағай билан Пальма» номли шеърисида ўз маъшуқаси Пальмадан абадий жудо бўлган ошиқ Қарағай тасвирланади. Немис тилида қарағай дарахтини билдирувчи иккита сўз бор: бири — женский родда — die Fichte (дий Фихте), иккинчиси эса мужский родда — der Fichtenbaum (дер Фихтенбаум). Узоқ шимолда қон тошлар устида танҳо қолган ошиқ «дер Фихтенбаум» ўз маъшуқаси «дий Пальме»нинг висолига етиш орзусида оҳ уради.

Бу ажойиб шеърни рус тилига ўғирар экан, М. Ю. Лермонтовнинг олдиди бир муаммо турар эди: рус тилида *сосна* (қарағай) сўзи ҳам, *пальма* ҳам женский роддадир. Демак, бу икки сўз йигит билан қиз образини ўзидан мужассамлантира олмайди. Шу сабабли Лермонтов таржимасида шеърнинг мазмуни анча ўзгарган: ...ошиқ-маъшуқлар ўрнини дугоналар муҳабати, улар ўртасидаги қижрон азоби эгаллаган.

Гейне шеърини рус тилига ағдарган бошқа рус шоирлари асар қаҳрамонларининг жинсини бу тариқа ўзгартиришни номувофиқ ҳисоблаб, *сосна* (қарағай)ни мужской роддаги бошқа дарахнинг номи билан алмаштирадилар. Масалан, Ф. И. Тютчев *сосна* (қарағай) ўрнига шу турдаги бошқа *кедр* дарахтини танлайди...

А. А. Фетнинг таржимасида эса қарағайнинг ўрнини бутунлай бошқа дарахт — *дуб* (эман) эгаллайди...

Мутахассис ботаникларнинг фикрича, Ф. И. Тютчев таржимасида ноаниқликка йўл қўйилган: кедр шимолда унмайдиган жануб дарахти бўлиб, фақат Урта денгизда учрайди. Шимолда эса кедр эмас, балки кедровая сосна — кедр-қарағай ўсади<sup>1</sup>.

Бизнингча, мутахассисларнинг шимолда кедр эмас, балки кедровая сосна (эман-қарағай) ўсади, кедрнинг ватани Урта денгиздир, дейишларида бир ёқламалikka йўл қўйилган. Биринчидан, кедр қарағай дарахти турига қирар экан, бу унчалик катта фарқ қилмайди. Иккинчидан, маҳаллий аҳоли кедровая соснани (эман-қарағай) ҳам кедр деб тушунишлари турган гап. Учинчидан, бадний шартлиликни ҳам унутмаслик керак.

Шу пуктаи назардан қараганда, қарағай (сосна)ни кедр (эман) деб олиш (албатта, рус тилида) ўривлидир. Шеър мазмуни ҳам шуни талаб қилади. Бунинг тўғрилигини Тютчев таржимаси тасдиқлаб турибди. Негаки, Тютчев Генрих Гейне билан 1824 йили Мюнхенда шахсан танишган, бирмунча вақт бирга яшаган. Шундай экан, бу Тютчев ўша пайтлардаёқ Гейненинг шеърини яқиндан билган, шоирнинг мазкур шеърда айтмоқчи бўлган маъсад ҳам унга аён бўлган деган фикрга келишга имкон беради. Фикримизни Генрих Гейненинг ўзи Тютчевни хотирлаб «у менинг Мюнхендаги энг яқин дўстим эди» дейиши ҳам тасдиқлайди. Шуларга асосланиб, ҳақиқатан ҳам, Гейне «Қарағай ва Хурмо» шеърда айрилиқдаги ошиқ-маъшуқлар тимсолини яратган дея оламиз. Қарағай ва Хурмони айрилиқдаги ошиқ-маъшуқлар тимсоли деб қарайдиган бўлсак, ўз-ўзидан маълумки, шеър мазмунини бузишга ҳақимиз йўқ. Бу билан биз М. Ю. Лермонтов таржимасини рад этмоқчи эмасмиз. Лермонтов таржимаси шу билан қимматлики, у Гейненинг руҳини, шеърятининг мусиқавийлигини шу даражада бера олганки, бошқа ҳеч бир таржимон ўшандай муваффақиятга эриша олмаган.

Бунга ўхшаш шеърларни ўзбек тилига ўгириш яна ҳам қийинчилик туғдиради. Чунки ўзбек тилидаги сўзларда «жинс» аломати йўқ. Шундан бўлса керак, Ғафур Ғулوم таржимасида ҳам, Мақсуд Шайхзода таржимасида ҳам, Миртемир таржимасида ҳам Гейненинг «Қарағай ва Хурмо» шеърининг аслидаги мазмун анча ўзгариб қолган. Тўғрироғи, айтилмоқчи бўлган маъсад бирмунча мавҳумлашган. Асли муддаога ўтишдан олдин шеърнинг икки русча таржимаси билан танишайлик.

М. Ю. Лермонтов таржимаси:

На севере диком стоит одиноко  
На голой вершине сосна.  
И дремлет качаясь и снегом сыпучим  
Одета как ризой она.  
И снится ей все, что в пустыне далекой  
В том крае, где солнца восход.  
Одна и грустна на утесе горючем  
Прекрасная пальма растет<sup>2</sup>.

А. Энгельке таржимаси:

На голой скале, одиноко,  
На севере диком, глухом  
Качается кедр и дремлет  
Одетый снегом и льдом.  
  
И снится ему, что далеко,  
В стране, где солнца восход.  
На знойном утесе пальма  
В немой печали растет (350).

<sup>1</sup> Ғ а й б у л л а С а л о м о в. Тил ва таржима. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966, 193—194-беллар.

<sup>2</sup> Г е н р и х Г е й н е. Собр. соч., том I. ГИХЛ, Ленинград, 1956, стр. 68.



Ййдоқ шимол тоғ чўққисида  
Бир қарағай турар яккаҳол.  
Мудрар ҳам муз, ҳам қор устида —  
Чулғанмишдир оқ кафан мисол.

У бечора кўрар тушида  
Овлоқ ерда — кун ёқда жим-лол  
Кунда куйган қоя тўшида  
Куюнар бир хурма яккаҳол<sup>1</sup>.

Филология фанлари кандидати Сафо Очилов Миртемирнинг бу таржимаси тўғрисида қуйидагиларни ёзади:

«Эркаклик маъносига ҳамоҳанг бўлганлиги важдан «дер Фихтенбаум» сўзини — қарағай деб олинган; заифалик маъносини англаганлиги учун «дий Пальме» — Хурмо деб ўгирилган»<sup>2</sup>.

Бундай бўлмаса керак. Йигит бўй-бастига ўхшаганлиги учун «дер Фихтенбаум» — «Қарағай» ёки қиз қадди-қоматини эслатгани учун «дий Пальме» — «Хурмо» деб таржима қилинган эмас. «Дер Фихтенбаум» — сосна — қарағай, «дий Пальме» — пальма — хурмо бўлганлиги учун шундай ўгирилган. *Йигит бўй-бастига* ўхшаганлиги туфайлидан бўлганда, «дер Фихтенбаум»ни, эҳтимол, *мирзатерак* деб ағдарган маъқул бўлармиди...

Сафо Очилов давом этиб шундай ёзади, «Миртемир таржимасида:

Кунда куйган қоя тўшида  
Куйинар бир хурмо яккаҳол —

русча *растет* феълени ўзбекчага *куйинар* деб ўгирганки, бу «хафа бўлмоқ», «ўкинмоқ» маъноларини беради.

Лермонтов «траурер» сўзини *растет* (ўсади) деб берган. Ўзбек тилидан бу феълнинг *хафа бўлмоқ*, *ғамгин бўлмоқ*, *куйинмоқ* каби синонимларини топиш мумкин. Миртемирнинг маҳорати шундаки, шеърый таржимага кўп маъноли сўз танлаган...».

Бу ерда муаллиф, негадир, немис тилидан хабардор бўлгани ҳолда, немисча «траурерт» сўзининг траурный<sup>3</sup> (*мотамли*, *мотамсаро*, *азадор*) маъноси ҳам борлигини эслатмайди.

Хўш, китобхон юқорида келтирилган Миртемир таржимасидаги шеърни ўқиб, *йигит* сиймосини кўз олдига келтира оладими? *Йигит* сиймосини қарағайда кўриш учун бирор-бир т у р т к и борми?

Шу ўринда, ҳақли равишда, ўзбек тилида лисоний жинс тушунчаси йўқ-ку? Шундай экан, Қарағай ва Хурмо тимсоллари орқали қиз ва йигитни қандай гавдалантириш мумкин, деган саволлар туғилади.

Тўғри, ўзбек тилида отларнинг «жинсий мансублиги»ни англаувчи белги йўқ. Лекин с и ф а т л а ш, ж о н л а н т и р и ш орқали улар тимсолида *йигит* билан *қиз* образини тасвирлашга ёш шоир Абдулла Шер бир уриниб кўрган эди:

Ёввойи шимолда, яйдоқ юксақда  
Тунд ва холий турар қарағай.

<sup>1</sup> М и р т е м и р. Асарлар. Уч томлик. 3- жилд. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1972, 229—230-бетлар.

<sup>2</sup> Вопросы литературоведения и языкознания, Изд-во «Фан», Т., 1972, стр. 78.

<sup>3</sup> Немецко-русский словарь. Изд-во «Советская энциклопедия», М., 1966, стр. 440.

Чайқалиб, у мудрар қору қировда,  
Худди оппоқ ридо кийгандай.  
Тушида доим шу: кўп олис саҳро —  
Жазирама ҳув Шарқ томонда,  
Жизғанак қояда гўзал бир хурмо  
Усар эмиш танҳо, армонда.

Абдулла Шер биринчи икки мисрани ўзбек тилига маҳорат билан ўғиршига муваффақ бўлган. «Тунд ва холий турар қарағай» дейиш билан ўқувчининг тасавурида қарағай тунд бўлиб тургандай гавдаланади, жонланади. Тунд боқиш эса эр кишига хос. Лекин Абдулла Шер таржимасида хурмо дарахти жонлантирилмаган. Натижада, бари-бир, шеърнинг мазмунига бир оз путур етган. Шунингдек, кейинги мисраларда биринчи икки мисрадагидай руҳ сезилмайди.

Миртемир таржимаси бошқа адилларимизникига нисбатан анча мукамал чиққан, лекин унда ҳам шеърини мисралар бир қадар насрий тус олгандай. Масялан,

Мудрар ҳам муз, ҳам қор устида,  
Чулғанмишдир оқ кафан мисол —

мисраларида бир озгина ғализлик бордай. Таржимон «музу қор.а бурканиб», демоқчи. Лекин ўша фикр чиқмаган.

У бечора кўрар тушида,  
Овлоқ ерда — кун ёқда жим, лол —

мисралари на Гейне, на хассос шоиримиз Миртемир даражасида эмас.

Хуллас, мазкур шеърнинг рус ва ўзбек тилларидаги таржималари билан танишиб, буюк Гейне даҳосини ифодалаш йўлида устодларнинг тажрибалари изидан бориб, биз ҳам ўзимизнинг ожиз бир уринишимизни маълум қилишга журъат этдик.

Ваҳший шимол, яланг чўққида,  
Сўққабош бир қарағай турар.  
Оппоқ ридо кийгандай гўё  
Музу қорга бурканиб мудрар.

Ва туш кўрар, тушида мудом:  
Олис Шарқда жимгина танҳо,  
Чўғдай қоя узра куйинмиш,  
Мотамсаро сулув бир хурмо.

Бу таржимадаги «Сўққабош бир қарағай турар» мисраси йигит образини маълум даражада кўз олдимишга келтирармикан, чунки сўққабош сўзи фақат эр кишиларга нисбатан айтилади-ку, деган андишага борилди. «Мотамсаро сулув бир хурмо» деганда ҳам хурмо жонлантирилаётгандай кўринади. Мотам тутиб турган хурмога сулув сифатини бериш билан кўз ўнгимизда қиз гавдаланади. Шу ўринда Гейненинг «траурт» (траурный — мотамсаро) дейишини ҳам эслатиб ўтмоқ даркор. Немис шоири оппоқ қору музга бурканиб турган қарағайни ридо кийиб юрган Европа йигитларининг типик вакили (ўша даврда кўпчилик динга ишонувчи, диндорлар эди) сифатида тасвирлайди. Кўм-кўк япроқларга бурканган хурмони эса ўз ошиғига етолмаган маъшуқа, — муҳаббатга мотам тутиб турган қиз сифатида тасвирлайди.

Гейненинг маҳоратига тан бериш керак. Қизини шундаки, шоир фақат қиз билан йигит ўртасидаги муҳаббатнигина тасвирлаш билан чегараланиб қолмаган. Қиз ва йигит тимсолида Европа билан Осиёни ҳам назарда тутган. Гейне ўзининг идеал мамлакати бўлган Осиёни сулув ва гўзал қиз, ваҳший шимолдай совуқ, дин оғушидаги Европани эса ридо кийган

Йигит тимсолида тасвирлар экан, Европа ва Осий мамлакатларининг бири-бирига интилишларини ҳам шеърга сингдириб юборган. Европадаги ваҳшийликни, адолатсизликни кўрган шоир Осий қитъасини ўз идеалидаги мамлакатлар макони деб билади. Шунинг учун ҳам у Ганг дарёсига такрор-такрор мурожаат этади, у томонларни *ажойиб орзулар мамлакати* деб билади.

Хуллас, шеър бор-йўғи саккиз мисрадан иборат бўлгани билан бир дунё мазмунни ўзида мужассамлаштирган. Шундан кўриниб турибдики, *Қарағай* ва *Хурмони* ўзбекча таржимада ҳам *йигит* ва *қиз* тимсолида гавдалантириш муқаррар лозимдир.

Қарағай ва Хурмони бевосита йигит ва қиз исмига кўчириш билан ҳам мақсадни ифодалаш йўли топиладиганга ўхшайди:

Ваҳший шимол, яйдоқ чўққида,  
Қарағайбек турар тунд, танҳо.  
Музу қорга бурканиб мудрар,  
Ридо кийиб олгандай гўё.

Ва туш кўрар, тушида мудом:  
Олис Шарқда, атрофи саҳро.  
Чўғдай қоя узра куйинмиш  
Мотамсаро Хурмоой танҳо.

Бу ўринда *Қарағайга* «бек», *Хурмога* «ой» қўшимчалари қўшилиши билан улар йигит ва қиз исмларига айланади.

Биз ўз машқларимизни ҳали мукамал деб даъво қилишдан узоқмиз. Ниҳоят, шеърни таржима қилишда унинг воситачи тилдаги барча интерпретациялари билан таниш бўлиш, иложи топилса, асл нусхасидан ўгириш лозим, шонринг дунёқараши, гоъвий-бадиий нияти, мурод-мақсади, интилишларини, шеър ёзилган дарви яхши ўрганиш зарур демоқчимиз, холос.

#### 34-§. Автоматик [машинавий] таржима ҳақида баъзи маълумотлар

Ҳаётда гуманитар фанларнинг аҳамияти ошиб бораётганлиги сабабли, ёшларнинг тил билимига эътибори кучаймоқда. Масаланинг бўлак томонини ҳам айтиш керак. Чунончи, гуманитар фанлар тараққиётини аниқ фанлар эришган ютуқларсиз тасаввур қилиш қийинлиги ҳеч кимга сир эмас.

Таржима амалиёти жуда қадим замонлардан буён мавжуд бўлса-да, таржима назарияси фан сифатида янги эканлиги олдинги мавзуларда айтилди. Таржима назарияси жуда кўп фанлар, масалан, тилшунослик ва адабиётшунослик фанларининг бемустасно ҳамма соҳалари, бундан ташқари, муайян таржиманинг мақсади, таржима объекти ва материалига қараб, ҳамма фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Айтайлик, бирон физика дарслигини ўзбек тилига ағдариш учун таржимон, аввало, физиканинг ўзини билиши керак. Тарихий китобни ўзбек тилига ўгириш учун таржимондан, тилни чуқур билишдан ташқари, тарихнинг ўзини яхши билиш талаб қилинади ва ҳоказо.

Бу талаблар таржимоннинг амалий фаолиятига нисбатан айтилди. Таржима назариясининг ўзини ҳам, илм сифатида,

ҳозирги замон техникаси ва аниқ фанлар эришган ютуқларсиз ривожлантириб бўлмайди.

Математикани бу жиҳатдан энг универсал фан деса бўлади. Статистик лингвистика ва лингвистик математика, буларнинг ўз номидан ҳам кўриниб тургани сингари, ана шу икки соҳа — тилшунослик ва математиканинг «чатишуви» натижасида ҳосил бўлди. Бундан ташқари, экспериментал фонетика, лексикография ва энциклопедиянинг бир қанча муаммоларини ҳам математика ва замонавий электрон-ҳисоблаш машиналари енгиллаштириб беради.

Хусусан, таржиманинг янги соҳаси — автоматик таржима тўла-тўқис кибернетика фанининг ютуғи, математик мантиқ ва уни тил материалларини программалаштиришда жорий қилишга асосланган.

Автоматик таржима янги соҳа бўлиб, унинг ғоят катта илмий истиқболи бор. Автоматик таржима ғояси тўла амалга оширилса, инсон фаолиятининг бениҳоя катта ва муҳим соҳаси бўлган таржимани ҳам ахборот-коммуникация системаларини чоғиштириш, улар ўртасида ўхшашлик, монандлик, мувофиқлик топиш қийинчиликлари билан боғлиқ мураккаб илмий жараён автоматлаштирилади, жуда кўп илмий-ижодий кучлардан бошқа ўринда фойдаланишга имкон туғилади. Илмий асарлар таржимаси соҳасида инқилобий аҳамиятга эга бўлган воқеа рўй беради. Автоматик таржима ғоясини амалга оширишнинг аҳамияти фақат таржимачилик ишида енгиллик туғдириш билангина белгиланмайди. Бунинг натижасида махфий сақланадиган бошқа жуда кўп ахборотларни ишлаб чиқиш ёки уларни мунтазам бир ҳолга келтиришда ҳам катта имкониятлар туғилади.

Таржима қилиш жараёнини автоматлаштириш анча вақтдан бери олимларнинг хаёлини банд қилиб келмоқда. Фақат 1954 йилга келиб, машҳур Жоржтаун эксперименти натижасида унча мураккаб бўлмаган матнни бир тилдан бошқа тилга таржима қилишда амалий натижага эришилди.

Ҳозир ер юзидаги кўп мамлакатларда машинавий таржима муаммоси устида тадқиқот иши олиб борилмоқда, синовлар, машқлар ўтказилмоқда. Жумладан, хорижий мамлакатлардан АҚШ да 10 та, ГФР да 4 та, Японияда 3 та, Канадада 2 та, Буюк Британияда 2 та, Чехословакияда 2 та тадқиқот гуруҳлари иш олиб бормоқда. Булардан ташқари, Франция, Италия, Люксембург, Венгрия, ГДР, Болгарияда ҳам бу прблема устида иш олиб борилаётгани хусусида расмий маълумот бор.

Совет Иттифоқида 10 дан ортиқ коллектив таржима ишини автоматлаштириш юзасидан илмий тадқиқот иши олиб бормоқда ва тажрибалар ўтказмоқда. Жумладан, Москвада 4 та коллектив, Грузияда 2 та, Ленинград, Тошкент, Олмаота, Арманистонда ҳам шу соҳадаги ишлар йўлга қўйилганлиги маълум.

Шундай қилиб, машинавий таржима юзасидан ҳозир 18 мамлакатда 38 та илмий коллектив ишламоқда. Албатта, булар маълум бўлганлари. Бундан ташқари, бевосита автоматик таржимани ўз олдига мақсад қилиб қўймагани ҳолда, 50 коллектив анализ ва синтез иши билан банд.

Хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ да автоматик таржимага, асосан, рус тилидан инглиз тилига таржима қилиш асос қилиб олинган, Совет Иттифоқида эса инглиз ва француз тилларидан русчага ўгириш ишига катта эътибор қилинади.

Бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш, моҳият эътибори билан, амалга оширса бўладиган нарса, аммо бу бағоят қийин ва мураккаб проблема бўлгани туфайли, қачон амалга оширилишини айтиш қийин. Ҳозир маълум бўлгани шуки, Италияда (Испра) ЕВРАТОМ\* автоматик таржима группаси ҳамда АҚШ да Райт-Петерсон ҳарбий-ҳаво базасида рус тилидан инглиз тилига таржима қилиш амалий жиҳатдан йўлга қўйилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин матбуотнинг хабар беришича, бу таржималар ҳали жуда гўр, жиддий таҳрирдан ўтказилгандан кейин ҳам уларнинг савияси паст бўлган.

Бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш иши чегараланган миқёсда, яхши тайёрланган эксперимент асосидагина амалга оширилмоқда. Машинада кенг миқёсда таржима ишини бошлаб юбориш учун жуда кўп тадқиқот ва синовлар ўтказиш талаб қилинади.

Автоматик (ёки машинавий) таржимада «кириш» ва «чиқиш» тили учун луғат ва идиоматик ибораларни программалаштириш, махсус формал грамматика назариясини ишлаб чиқиш, лингвистик тадқиқотлар ўтказиш, программалаштириш муаммоларини ҳал қилиш лозим. Умуман, автоматик таржима бизнинг тушунчамиздаги *ижодий таржима жараёни*дан жиддий фарқ қилади.

1971 йилда рус тилида нашр қилинган «Автоматик таржима» мақолалар тўпламининг охирига машинавий таржима ва автоматик йўл билан амалга оширилган илмий-грамматик таҳлил қилиш юзасидан ўтказилган бешта тажрибанинг натижалари келтирилган. Булар: «Фулькрум-1» системасида 1966 йил июлида IBM-7094 машинасида рус тилидан инглиз тилига қилинган таржима; «занжирли» таҳлил системаси асосида инглизча текстни таржима қилиш; Теддингтондаги физика миллий лабораторияси системасида рус тилидан инглизчага

---

\* ЕВРАТОМ — атом энергияси соҳасида биргаликда текшириш олиб бориш ва ундан биргаликда фойдаланиш мақсадида Ғарбий Европадаги 6 мамлакат (Франция, Бельгия, Италия, Голландия, Люксембург ва ГФР) ўртасида тузилган, аслида агрессив бирлашма. (О л и м У с м о н, Р е н а т Д о н и ё р о в. Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштирама сўзлар ивзоҳли луғати. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1965, 161- бет).

қилинган таржима; «Мультистор» системаси бўйича инглизча текст таҳлили (1970); 1968 йил баҳорида Гренобль системаси бўйича рус тилидан французчага қилинган таржима.

Автоматик таржима бўйича ишлар ниҳоятда кўп: Мельчук-Равичнинг 1967 йилда нашр қилган библиографиясига кўра, 1963 йилгача 1.500 га яқин иш эълон қилинган. АҚШ лабораторияларидан бирида дастлабки натижалар қўлга киририлиб, ҳатто рус тилидан инглиз тилига автоматик тарзда ўгириш иши амалда ўзлаштирилган.

Совет Иттифоқида ҳам бу масалани ўрганишга жиддий киришилган ҳолда, тўпламлар, илмий ишлар, махсус луғатлар ва ҳоказолар нашр этилмоқда\*.

Ўзбекистонда инглизчадан ўзбекчага машинавий таржима йўллари излаш ишлари яқин йиллар ичида бошланди. ЎзССР Фанлар академиясининг Ҳисоблаш марказига эга бўлган Кибернетика институтида дастлабки натижалар — терминологик, тескари ва миқдорий луғатлар ҳамда бевосита илк таржималар олинди.

Тўғри, автоматик тарзда ўгириш иши, асосан, сўз ва терминлари миқдори нисбатан чекланган илмий-техникавий матн таржимасида қўлланилмоқда. Бироқ таржима каби оғир ва мураккаб ишда шунинг ўзиёқ жуда катта самара беради. Умуман, автоматик таржима соҳасидаги ишларга киришилмоқда, ҳисоб-китоб, синов, тажрибалар бошланмоқда, уларнинг ортида эса ниҳоятда улуғвор истиқбол кўриниб турибди. Чунки автоматик таржима механизми бағоят универсал бўлиб, фақат таржиманинг ўзинигина бериб қолмайди, балки иш давомида аллақанча қизиқарли, ёзувчининг ўзига хос услубини ўрганишда зарур, фойдали лингвистик луғатлар ҳам тузишга материал тайёр бўлади.

Луғат тузиш — вужуди диққатпазлик. Кўпинча, битта мукамал луғат яратишга йирик олимнинг бутун умри бағишланади. (Маҳмуд Қошғарий луғати, В. Даль, В. В. Радлов,

---

\* «Союз-19» ва «Аполлон» космик кемаларининг ичида орбитада иш режимини назорат қилиб турадиган электрон-ҳисоблаш машиналари қатори космик асрнинг яна бир мўъжизаси ўрин олган: рус тилидан — инглизчага ва инглиз тилидан — русчага таржима қиладиган машина ўрнатилган. Унинг кўмагида икки минут вақт ичида 80 саҳифа текстни ўгириш мумкин экан. Худди шунча ишни таржимон ўн иш кунидагина удалай олиши мумкин.

Парвозга тайёргарлик кўриш даврида икки мамлакат мутахассисларига минглаб саҳифа техникавий текстларни ўгиришга тўғри келганда, мазкур машина роса иш берган. Машина ичига матн қўйилиши ҳамоно, зум ўтмай, таржима тайёр. Бу ақлли асбобнинг берган таржимаси таърифу тавсифлардан холи бўлиб, қисқа, аниқ, мутахассисларга тушунарли.

Газетанинг хабар беришича, машина фақат аэрокосмик фанига мўлжаллаб программалаштирилган. «Лекин унинг потенциал имкониятлари фоят каттадир. Борди-ю программа бир оз ўзгартирилса, ундан медицина ва бошқа илмий ахборотларни кенг айирбошлашда ҳам фойдаланиш мумкин». («Известия», 1975 йил 30 июль).

Л. З. Будагов, проф. К. К. Юдахин, проф. А. К. Боровков, Н. Эсанбат, Р. К. Абдурахмонов, О. У. Усмонов луғатлари ва ҳоказо). Сўзлик тузишни автоматлаштириш луғатшунос-лингвистнинг оғир меҳнاتини анча енгиллаштиради, кўплаб куч ва маблағни иқтисод қилади.

Бир мисол\*.

ЎзССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ўзбекча-русча луғат тузади.

Луғат устида ишлаётганлар — 28 киши.

Китобнинг ҳажми — 50 минг сўз.

Бажарилиш муддати — 5 йил.

Сарф-харажатлар — 200 минг сўм.

Сўзлик тузишни автоматлаштириш ишнинг бажарилиш муддатини 2 йилга қисқартиради.

50 минг калимадан иборат сўзлик яратиш учун 1 млн. сўз ишлатиладиган текстни қайта ишлаш талаб қилинади.

Сўзлик ҳажми — 50 минг сўз.

Хизмат қилувчилар — 4 киши.

Бажарилиш муддати — 7 ой.

$120 \text{ сўм} \times 4 \text{ киши} = 480 \text{ сўм}$ .

$480 \text{ сўм} \times 7 \text{ ой} = 3.360 \text{ сўм}$ .

Олинган маълумотларни машинада ишлаш учун 30 соат машина вақти кетади. 1 соатлик машина вақтининг қиймати — 25 сўм.

$25 \text{ сўм} \times 30 \text{ соат} = 750 \text{ сўм}$ .

Маълум бўлишича, беш йил ичида 28 кишининг кучи билан 200 минг сўм сарфлаган ҳолда олинадиган 50 минг сўзни етти ойда 4 киши иштирокида, ўрта ҳисобда, 2 минг сўм сарфлаб қўлга киритиш мумкин экан.

Шу хомаки ҳисоб-китобдан ҳам кўриниб турибдики, таржима ва сўзлик яратиш жараёнларини автоматлаштириш жуда қулай ва бу катта иқтисодий самара беради.

Аммо сўзлик тузиш — ҳамма иш битди, деган гап эмас, луғат тартиб беришда бу фақат ишнинг бошланиши, холос. Автоматик таржима эса нуқул чегараланган ҳажмдаги илмий-техникавий матнлар соҳасида қўлланилмоқда, холос. Буларнинг бари тўғри. Бироқ шуниси ҳам ҳақиқатки, математикалаштириш натижасида қўлга киритиладиган иқтисодий самарадорлик ва туғиладиган янги илмий фикрлар, илғор ғоялардан юз ўгириш бора-бора жуда қимматга тушиши мумкин. Илм-фанда бой берилган вақтни қайтариб бўлмайди. Ҳозирги кунда машинавий таржима жараёнларини ўрганиш ва гуманитар фанлар соҳаларида замонавий электрон ҳисоблаш машиналарини қўллаш ишида биз бошқа иттифоқдош республикалардан (РСФСР, Украина, Грузия, Арманистон) бир неча йил оғтда қолдик. Бу ишларни ЎзССР Фанлар академиясининг Кибернетика институти ва турли соҳа фанлари билан ҳамкорликда йўлга қўйиш республика манфаатдор олимларининг муҳим вазифаларидан биридир.

\* ЎзССР Фанлар академиясининг Кибернетика институтида машинавий таржима устида илмий иш олиб бораётган С. Мусахўжаев берган маълумот.

Шу нарса диққатга сазоворки, автоматик таржима масаласини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш жаҳон миқёсида, асосан, университетлар қошидаги кафедралар, проблемавий лабораторияларда марказлаштирилган.

### 35- §. Кинофильмлар ўғирмаси (дубляж) ҳақида умумий тушунча

Овозли кионинг туғилиши ва таржима проблемаси. Кинога овознинг кириб келиши кинематографияда инқилобий аҳамиятга эга бўлган воқеа эди.

Совет Иттифоқида биринчи бўлиб овозли кино аппаратни П. Тагер ва А. Шоринлар ишлаб чиқдилар. Уларнинг илк экспериментал фильмлари 1928 йилда намоиш қилинди. 1930 йилга келиб мамлакатимизда овозли фильмлар мунтазам равишда чиқарила бошланди.

Овозли кионинг техникавий томони дастлабки даврларда қанчалик мураккаб бўлмасин, унинг эстетик жиҳати баттар қийинчиликка учради. Шундай улуг кашфиёт овозсиз кино усталарининг қаттиқ зарбасига дуч келди. Улар кинога овознинг жорий этилишини «катта фалокат» деб баҳоладилар.

Чарли Чаплин: «Кионинг мазмуни, мақсади бу овозни ҳаракат ва мимикалар билан ифодалашдан иборат»,— деган эди. Жермина Дюлак эса «Ҳаракатлар билан ифодаланадиган кино санъати — томоша қилинадиган санъатдир. Лекин бу санъатга овознинг қўшилиши унинг энг яхши томонларини барбод қилади», деган фикрни изҳор этган.

Кейинчалик фильмлар бир тилдан иккинчи тилга таржима қилина бошланди. Бу билан турли халқлар ўз она тилларида бошқа миллатларнинг фильмларини кўриб-эшитиш имкониятига эга бўлдилар.

1938 йилдан бошлаб ўзбек кинематографистлари ҳам фильмларни ўгиришга киришдилар. Шу йили ўзбек тилига биринчи бўлиб Киев киностудиясининг «Вой келин» фильми таржима қилинди. Бу фильм ўғирмасининг режиссёри А. Ш. Шаропов эди. Унга тажрибали кинематографист А. Б. Константинов зарур маслаҳатларни бериб турди.

Шуниси қизиқки, ўша йиллари биринчи ўгирилган ўзбек фильмларида диалоглар билан биргаликда қўшиқлар ҳам таржима қилинар эди. «Вой келин» фильмининг матни ва қўшиқларини ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан шоир Ҳамид Олимжонлар таржима қилишган. Фильмдаги қўшиқларни Ҳалима Носирова (Маринка) ва Карим Зокировлар (Згари) ижро этганлар. Ундаги:

Ой, вы кони, кони стальные  
Дорогие друзья трактора...

қўшиғини Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг хори ўзбек тилида куйлаган.



**Ўғирма тарихи.** Фильмдаги ролни бир актёр ижро этса, бошқа бир актёр унга овоз берадиган бўлди. Овозли кинонинг ривожланиб бориши билан: бир тилда ёзилган фильмни бошқа бир тилга таржима қилиш мумкинми? деган янги масала туғилди. Совет Иттифоқида биринчи ўғирма (дубляж) 1935 йилда ўтказилди. Режиссёр М. Донский ва таржимон С. Рейтманлар инглиз тилида чиқарилган «Кўринмас одам» фильмини тажриба учун рус тилига ўғирдилар. Бу ўғирмани Кинофото институтининг алоҳида ускуна ва мосламалар билан жиҳозланган залида амалга оширилди. Фильм диалоглари кичик бир экранда қўйилди. Инглиз актёрларининг ҳар бир айтган сўзига, бўғинма-бўғин мослаб, рус актёрлари русча текстни ўқиб чиқдилар. Улар лабланишга (лабнинг очилиб-юмилишига) катта аҳамият бердилар. Залда икки экран бўлиб, каттасида «Кўринмас одам» фильмининг бир қисми қўйилса, кичигида шу қисм русча матни билан кўринади. М. Донский ҳамда С. Рейтманлар ўтказган бу тажриба муваффақият қозонди.

Шундай қилиб, Иттифоқимизда биринчи ўғирма-фильм «Кўринмас одам» экранга русча бўлиб чиқди. «Кино» газетасининг 1935 йил 28 декабрь сониди бу фильмга тақриз босилган.

**Кино таржимасига қизиқиш.** Республикамизда янги таржима қилинган фильмлар экранларда бир неча ойлаб намойиш қилинган. Ҳар бир янги фильм таржимаси санъат даргоҳида катта байрамга айланарди. Дастлаб кинотомошабинлар ўзбекчалаштирилган фильмларни кўриб ҳайрон бўлишган. «Қандай қилиб бошқа миллат кишилари, ёки доҳий Ленин бирданига экранда ...бизнинг ўзбек тилида гапиряптилар?» деган саволлар туғилган.

Бу саволларга жавоб бериш учун кино намойишларидан сал олдин таржимонлар, режиссёрлар томошабинлар билан қизғин учрашувлар ўтказишган.

**Кинофильмлар ўғирмасининг миқёси.** Илгари (1960) ҳар йили бошқа тиллардан ўзбекчага ва қорақалпоқчага 15—20 фильм таржима қилинар эди. Ҳозирги замонавий кино ўғирма техникаси ва малакали таржимон кадрларга эга бўлган «Ўзбекфильм» киностудиясида йилига 80 тадан фильм ўғирилмоқда.

Шу кунгача «Ўзбекфильм»да Ватанимиз киностудияларида яратилган, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган баъзи чет эл фильмларидан 1000 дан ортиғи ўзбекчалаштирилди. Ҳозир ўзбек кинотомошабинлари Иттифоқ студияларида бунёд этилган фильмлардан деярли учдан икки қисмини ўз она тилларида томоша қилмоқдалар\*.

---

\* Киношунос Муқаддас Назарова берган маълумотдан.

Ҳар куни бепоён Ватанимиз экранларида ўнлаб кинофильмлар намойиш этилади. Бу фильмларнинг 65 проценти асл яратилган тилида эмас, балки қардош халқлар тилларига қилинган таржимасида намойиш этилади.

**Ўзбекистонда кино таржимонлари.** Угирма фильмлар савияси йилдан-йилга ошиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Бу соҳада Қ. Мирмуҳаммедов, Й. Абдукаримов, М. Раҳматуллаева, Ю. Ризаева, Ш. Қўшбоева, Э. Абдуллаев, С. Саидов сингари тажрибали муҳаррирлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Б. Ҳайдаров, С. Искандаров, С. Имонқулова, И. Ёқубов, А. Акбархўжаев каби режиссёрлар фаол меҳнат қилмоқдалар. Таржимонлардан О. Шаропов, М. Ҳакимов, М. Мирзоидов, В. Рўзиматов, И. Ғафуров, Т. Иброҳимов, Маъруф Ҳаким, А. Абдуллаев ва бошқалар сценарий таржимасининг усталари бўлиб қолдилар.

**Ўзбек фильмлари жаҳон экранларида.** «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган энг яхши фильмлар қардош республика ва жаҳон экранларида дубляж орқали кино мухлислари-га намойиш қилинмоқда. Жаҳон халқлари тилига ўтирилган «Алишер Навоий», «Тоҳир ва Зухра», «Утган кунлар», «Нафосат», «Севишганлар» сингари ўнлаб фильмлар совет ва чет эл кино шинавандалари олқишига сазовор бўлмоқда.

**Угирма ҳақида умумий қайдлар.** Фильм қисқа вақт (90—100 минут) орасида мураккаб инсоний характерларни яратмоғи даркор. Персонажнинг руҳий вазиятига номуқобил келадиган ҳар қандай, ҳатто энг майда сохтакорлик, ҳар қандай услубий ёки маъновий хато бадиий ҳақиқатни жиддий бузиши, фильм юзага келтирган бутун ҳаққоний таассуротни чишпакка чиқариши мумкин. Оммавий санъат турларидан бўлган кинонинг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда.

Кўп одамларни: фильмда ҳаракат қилаётган шахслар — французлар, немислар, ҳиндлар, араблар, итальянлар, поляклар ёки японларнинг қандай қилиб рус ёки ўзбек тилида гапиришлари, тўғрироғи, уларни рус ёки ўзбек тилида гапираётгандай тасаввур туғдиришда текстлар қандай танланиши қизиқтиради.

Дубляж қилинган фильмда тасвир билан музыка айнан сақланади-ю, текст билан шу текстни гапираётган актёрларнинг овози алмашади. Янги матн фильмнинг мақсади билан ҳамоҳанг равишда асл нусханинг барча маъноларини, нутқнинг образлилиги, персонажлар талқини, сўз ўйинлари, ҳазил-мутойиба, қочирма, мақоллар ва бошқаларни, бўлак ҳар қандай адабий таржимада бўлгани каби, айнан сақлаши устига, буни экранда ўйнаётган актёрнинг оғиз-лаб ҳаракатлари, паузалар, имо-ишоралар, қош-кўз ва юз ҳаракатларига мос равишда акс эттиради.

«Агарда, айтайлик, хорижий пьеса таржимони ҳам, шу пьеса ўйналаётган саҳнага қараб ишлай олганида, бу ҳам

унинг машаққатини анча енгиллаштирган бўлар эди», — деган фикрни изҳор этади кино мутахассисларидан С. Шайкөвич<sup>1</sup>.

Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Иззат Султон, Назир Сафаров, Саид Аҳмад ва бошқа драматурглар ўз асарларининг саҳналаштирилишида актёрлар билан ҳамкорликда иш олиб борганликлари бу кузатишнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

«Виз барҳаётмиз» деган япон фильмида йиғлаётган қизалоқ такрор-такрор «она» (*катян*) сўзини талаффуз қилади. Фильмнинг мазмунидан биламизки, бола оч, шунинг учун уни рус тилида «мама» дейиш ўрнига «хочу есть» дейишга мажбур қилдик, — дейди С. Шайкөвич. — Агарда бола йиғламаганда ва лаблари буришмаганда, унинг оғзига «хочу есть» сўзларини ҳам «жойлаб бўлмас» эди — у «катян» сўзининг талаффузи ҳолатига мос келмасди. Башарти, текст муаллифи бу ўринда фақат «мама» (она) сўзи кетади, деб туриб олганида, жойловчи (укладчик) сира ҳам ро-ви бўлмасди ва у ҳақ бўлиб чиқарди.

Угирма (дубляж) муҳаррири экран текстини саҳнадан ташқарида кўради. Лекин кино ўгирмаси — дубляжнинг ўзига хос томони шундаки, муҳаррир дид ва топқирлик билан тавсия этган сўзларнинг қай бирини олиш-олмаслик фақат экран билан юзма-юз келгандагина маълум бўлади. Масалан, «хитрец» (муғамбир) сўзини — «лицемер» (мунофиқ) билан алмаштириш учун бутун жумлани бузиб, бошқатдан тузиш талаб этилади. (Чунки артикуляциясига кўра, бу сўзларни алмаштириб бўлмайди, мана, айтайлик, «максимум» ва «минимум» сўзлари талаффуз вақтида лабларнинг ҳолатига кўра бир-бирига жуда мос тушади). Угирмада биргина сўзни ўзгартириш бундан кейинги луқмаларда бошқа бир нечта сўзларни ўзгартиришга сабаб бўлади. Натижада бошқа бир қанча лавҳаларга ҳам «ямоқ» қўйиб чиқишга тўғри келади.

Ўгирилаётган фильмларда илмий, техникавий, ҳарбий ва бошқа махсус терминология учраса, консультантларга мурожаат қилинади. Лекин улар тавсия этган истилоҳ (термин)лар керакли жойга мос келмай қолиши мумкин. Шу сабабдан, кўпинча, консультант ҳам кино мутахассислари билан бирга экран қаршисида ўтиришга мажбур бўлади.

«Велосипедчининг ҳалокати» фильмида қаҳрамон велосипедчини машина уриб кетгани ва у ҳалок бўлганини ўзи ўқитувчилик қилаётган университетда имтиҳон олаётган вақтда стол устида ётган газетадан ўқиб, тасодифан билиб қолади. Бу вақтда бир толиба доскада масала ечаётган бўлади: у масалани қандай ечаётганини оғзаки тушунтириб ҳам боради, бунда бир неча марта юзини томошабинлар томонга ўгиради ва улар қизининг лаблари не тахлит қимирлаётганини кўриб турадилар. Аслида, студентка ечаётган масала фильмнинг сюжети билан ҳеч қандай боғлиқ эмас, томошабинни бу вақтда масала эмас, балки велосипедчининг ўлими ташвишлантиради. Лекин, ҳозирги замонда, томошабинлар орасида олий математикадан дурустгина хабардор кишилар кам эмас, шундай экан, толибанин оғзига доскада ёзилган масалага мос келмайдиган сўзлар «солиб

<sup>1</sup> С. Ш а й к ө в и ч. Записки «а эта». «Мастерство перевода», 1970. Изд-во «Советский писатель», М., 1970, стр. 129.

қўйилса», студияга порозилик билдирилган юзлаб, ҳатто минглаб катлар келиб тушади. Шунинг учун мазкур фильм таржимасига математик-мутахассис чорланган, у кун бўйи «студентка учун» текст тавлаш устида бош қотирган.

«Амалга ошмаган дуэль» фильмида тасвирланишича, оломон ҳарбий машқ майдонида гаплашиб турган, майдонда машқлар давом этаётган бўлади. Тарих музейидан Пушкин даври ҳарбий терминологиясидан хабардор бўлган мутахассис чақирилган. У аввал тасвир билан танишгач, турли справочниклардан ўша давр ҳарбий команда терминларини излаб топган, сўнгра уларни жой-жойига қўйгунча киночилар билан бирга ишлаган.

Ўғирмада гоҳо таржима қилиш учун жуда жўн бўлган оддий сўзлар ҳам анча уринтиради.

«Спасибо»: фақат руминча «мулцумеск» сўзида русчадагидай лаблар икки марта қовушади ва унга қойил мақом келади. Французча «мерси»ни ҳам русча «благодарю» сўзи билан амал-тақал қилиб мослаштиради бўлар. Лекин немисча «данке», инглизча «сенк ю», итальянча «грациа», полякча «дзенкую», чехча «дьякую» ва ҳоказоларни нима қилиш керак?

Агар, толеимизга, бу сўзлар жумла ичида келса-ку, бир нав. Масалан, «Сенк ю, ай донт смоук» — «Спасибо, я не курю» (Раҳмат, мен чекмайман) гапини — «Я не курящий, спасибо» (Мен чекмайман, раҳмат) деб ўгирса бўлади. Бироқ агар ўзи алоҳида ифодаланса, уни ўғирмада кейинги жумлаларга қўшиб кетишга тўғри келади.

Ҳар қандай бидирлаб гапиришни ҳам уҳдалайдиган актёрлар бор.

Италиянлар билан французлар русларга қараганда анча тез гапирадилар.

Швед этнографи доктор Страйдберг беш қитъа бўйича олиб борган тадқиқотларини эълон қилди. Унинг фикрича, финлар дунёдаги энг камгап миллат, канадаликлар улардан кейинги ўринда туради. Италияликлар, бразилияликлар ва мексикаликлар энг кўп ва баланд овоз билан гапирадиган миллатлар сифатида олимнинг рўйхатидан жой олганлар.

Немис тилида «в» ҳамда «ф» товушлари жуда кўп талаффуз қилинади. Масалан, «was wäre wenn» деганда бир жумлада учта w учрайди. Рус ва ўзбек тилларида бундай жумлаларни шу миқдордаги «в» ва «ф» билан бериб бўлмайди.

w ҳарфи инглиз тилида текст ичида ҳар минг ҳарфга қуйидагича тўғри келади:

Ҳарф	Неча марта учрайди	Ҳарф	Неча марта учрайди	Ҳарф	Неча марта учрайди
E	131	D	38	W	15
T	105	L	34	B	14
A	86	F	29	V	9,2
O	80	C	28	K	4,2
N	71	M	25	X	1,7
R	68	U	25	J	1,3
I	63	G	20	Q	1,2
S	61	Y	20	Z	0,77
H	53	P	20		

Венгер ва корейс тилларида сўз тартиби, кўпинча, одатдаги кўинкма ҳосил қилинган русча сўз тартибига тескари тушади. Масалан, «директор музыкальной школы профессор Иштван Вереш» гапида венгер тилидаги сўзлар айнан тартибда олинса шундай бўлади: «Вереш Иштван профессор школы музыкальной директор». Ўзбек тилида эса мазкур жумла қурилишидаги сўз тартиби русча ва венгерча жумла тахлитидан ҳам фарқ қилади: «Музыка мактабининг директори профессор Иштван Вереш».

Рус, венгер ва ўзбек тилларида юқоридаги жумланинг айнан сўз тартиби қуйидагича бўлади.

Русчада: «Директор музыка мактабининг профессор Иштван Вереш».

Венгерчада: «Вереш Иштван профессор мактабининг музыка директори».

Ўзбекчада: «Музыка мактабининг директори профессор Иштван Вереш».

Инглизлар билан америкаликлар унчалик тез гапирмайдилар, лекин уларнинг нутқи кўпинча бир бўғинли сўзлардан ташкил топади, шунинг учун инглизча жумла худди шундай русча жумлага нисбатан, ўрта ҳисобда, қисқароқ келади.

**Ўғирма-фильм яратишнинг айрим тадбирлари.** Юқорида айтиб ўтилганидай, дубляж қилинган фильмда кўриниш ва музыка аслидагидек қолдирилади. Актёрнинг овози билан текст ўзгаради, холос. Шунинг учун янги таржима матни ўғирманинг асоси бўлиб хизмат қилади. Асл нускадаги гаплар шахс характериға, сўз ўйини, ҳазиллар актёрларда лабнинг очилиб-юмилишиға, пауза ва мимикалари экрандагига мос тушмоғи даркор. Таржима қилинган текстда, аввалгидек, сўз ўзининг вазниға қойилмақом келиши лозим. Таржима қанчалик аниқ бўлмасин, тасвир вазниға тўғри келмаса, чунончи, актёр сўзларни қанчалик тез айтгани билан унга улгуролмаса, таржима сифатсиз бўлиб чиқади. Баъзи ҳолларда экрандаги ҳолатға нисбатан сўз узун келса, бунда дублёр сўзни тезроқ айтиши керак. Агарда сўз калта келса, дубляжда қатнашадиган актёрлар, режиссёрнинг маҳорати билан «тўлдирилиши» мумкин. Аммо яхши таржима қилинмаган матн билан фильмни дуруст ўгириб бўлмайди. Дубляж қилинган фильм, бошқа таржима қилинган асарлар каби, ўзининг бадий савиясини, мақсадини, миллий хусусиятини сақлаб қолиши керак. Баъзи бир таржимонлар ўзлари ёлғиз, тасвирдан «ташқарида» таржима қиладилар. Бундай ҳол ўғирма сифатининг пасайишиға олиб келади. Шунинг учун таржимон текст жойловчи билан бақамти ишласа, иш анча енгил кўчади. Таржимон бу вақтда фақат тасвирнинг бадий томонига эътибор берса, текст жойловчи актёрлик маҳоратиға диққатни қаратади.

Ҳар бир таржимон ўзига хос усулда таржима қилади. Ўғирилган матнда сўз етишмаса, *ҳалиги, ҳа, ҳм, анави, мана, э,*

*биласизми, айтгандай* каби тамға сўзлар «қистирилади». Экраннын текстида таржимон тушунмаган соҳани томошабин тушунмиши ёки таржимон тушунган соҳани томошабин билмаслиги мумкин. Бу ҳол, кўпинча, чет эл маҳсулотини, техникага оид фильмларни ўгириш вақтида юз беради. Бундай вақтда, юқорида айтиб ўтилганидай, ўша соҳа бўйича консультант ёрдамига эҳтиёж сезилади.

**Фильм ўгирмасида эркинлик ҳолатлари.** Дубляж вақтида гапирётган актёрнинг оғзи ёки унинг ўзи бутунлай кўринмаси, «ҳажм эркинлиги» туғилиши мумкин. Таржимон шу фурсат ичида сўз танлашда ўзини бирмунча эркинроқ сезади. Фильмдан «ташқарида» берилган диктор гапларини ўгириш ҳам таржимонга қулайлик беради.

**Санъат ва техника.** Жойлама (укладка)дан кейин яхши таржималарнинг 45—50 проценти сақланиб қолади, қолган қисми кўпинча ўзгариб кетади. Бўш таржима қилинган ишдан эса нари борганда 5—10 фоизи акс этади, колос.

**Ўгирма жараёни.** Кинофильмларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш ижодий ва техникавий процессдир. Ўгириш ишида киностудиянинг монтаж, овоз, фильмни қайта ишлаш ҳамда мураккаб съёмка цехлари фаолият кўрсатади. Ўгирма (дубляж) группаси ташкил этилади. Бу группага режиссёр, овоз оператори ва монтажчилар киради. Ўгирилатган фильмга овоз берадиган актёрлар, таржимон ва жойловчи (укладчик)лар ҳам шу группада иш олиб борадилар.

**Дубляж группасини ташкил этиш.** Киностудиянинг ишлаб чиқариш бўлими фильмни таржима қилиш учун ўгирма группа (дубляж группаси)ни ташкил қилади. Сценарий бўлими ўгирма группага муҳаррир тайинлайди. Масалан, «Ўзбекфильм» киностудиясининг дирекцияси «Солдат отаси» фильминини ўгириш учун қуйидаги группани ташкил этган эди.

Муҳаррир ва таржимон — *Қодир Мирмуҳаммедов.*

Режиссёр — *Собит Саидов.*


Овоз оператори — *Жалол Аҳмедов.*

Группа директори — *Мирғиёс Соатов.*

**Янги овозини ёзиб олиш.** Овоз оператори киномеханикка «Солдат отаси» фильмининг биринчи ҳалқасини қўйишни буюради. Ўзи қулоғига эшитгич (наушник) тақиб олиб, фильм овозини шу наушник орқали тинглайди. Айни вақтда ёзиб олиннадиган овознинг паст-баландлигини индикатор орқали кузатади. Мана фильмнинг лавҳа ҳалқаси қўйилди. Микрофон олдида Шукур Бурҳонов турибди. Аввал шу лавҳа ҳалқаси русча овози билан 5—6 марта такрорлаб кўрилади. III. Бурҳонов ўзи овоз бераётган Махарашвилининг ҳолати, лабининг очилиб-юмилишини диққат билан кузатади, сўнгра буни тўла ўзлаштириб олгач, фильмнинг русча овози ўчириб қўйилади.

Шукур Бурҳонов қулоғига наушник тақиб олиб, фильмнинг русча овозини у орқали тинглайди. Эшитгич (наушник) актёр-

# КИНОФИЛЬМНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎГИРИШ СХЕМАСИ\*



\* Бу схемани Шонеъмат Шомаҳмудов тайёрлаган.

ларга «суфлёрлик» вазифасини ўтайди. Ўзбек актёри қўлидаги шу лавҳа ҳалқанинг матнига қараб, эшитилаётган русча овоз билан бир вақтда ўзбекча текстни ўқийди. Шу ҳол бот-бот қайтарилади. Ўзбекча матн экрандаги актёр ҳолати билан бир-бирига мос келганда — овоз магнит лентасига ёзиб олинади.

**Воқеликни билиш зарурати.** Фильм нима ҳақда, қайси соҳага тааллуқли бўлса, режиссёр ўша соҳа билан таниш бўлиши лозим. Масалан, режиссёрга Чехословакия саноати ҳақидаги фильмни ўгириш топширилса, у ана шу республиканинг индустриясига доир ишлар билан танишиб чиқиши зарур.

**Кино таржимасида жанр хусусиятини инобатга олиш.** Комедия жанридаги фильмлар ўгирмасида талқинни бир қадар «ўзбекчалаштириш»га йўл қўйилади. Томошабинга комик фильмни мукамал етказишда, кулги чиқаришда бундай усул қўл келади.

**«Хайр фиръавнлар» фильмидаги:**

*Одарька — Твоими устами только мёд пить* маталини Т. Содиқов: — *Лабингдан бунча бол томмаса,* — деб ўгирган. Лекин бу экран ҳолатига ҳам тушмаган, актёрнинг кинояомуз истеҳзоли кулгиси ҳам чиқмаган. Шунинг учун жойлама (укладка) вақтида буни Шарофат Қўшбоева «Фаришталар омин десин» деб ўзгартирган. Бу ибора актёрнинг ҳолатига мос тушган. Кулги чиқишига ҳам сабаб бўлган. Шунинг учун бундай фильмларни таржима қилишга топшираётганда, жойлама (укладка)га бераётганда унинг ижрочиси ҳақида ҳар тарафлама ўйлаб кўриш керак. Ким қайси жанрга мойил, лаёқатли бўлса унга ўша жанр бўйича ўгиришни топширишга тўғри келади.

**Кинокомедия таржимасининг бир хусусияти.** Оддий фильмлар билан комик фильмларни ўзбек тилига ўгиришнинг катта фарқи бор. Оддий фильмларда диалоглар актёрларнинг характерларига, воқеаларнинг кетишига қараб таржима қилинса, кинокомедияда матн, диалог ва турли гапларни ўгиришда жуда эҳтиёт бўлишга тўғри келади. Чунки комедиявий фильмда ҳар битта «арзимаган» гапда ҳам бирон ишора, мажозий маъно, кесатиқ, шартли «тил» (жаргон)га хос унсур, пичинг ва шу кабилар бўлиши мумкин.

**Ўгирмада деталларнинг аниқлиги масаласи.** «Чапаев» фильмида граждандар урушининг машҳур қаҳрамони образига таланти киноактёр, СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов овоз берган. Шу фильмда Василий Ивановичнинг олма еб туриб, қандай ҳужум қилиш кераклигини (картошка билан) кўрсатадиган лавҳа бор. З. Муҳаммаджонов тадқиқотчи С. Ғафуров билан қилган суҳбатда Чапаевга овоз беришда худди шу тасвирни ифодалашда жуда қийналганини ҳикоя қилган. Бу манзарани жонлантириш учун унга 20—30 дона олмани «тушириш»га тўғри келибди. Чунки, Чапаев олма еб гапирганида, унинг тамшаниши, олманинг карсиллаши, олмадан тиш-



лаган жойини чўрт узиб олиши «эшитилиб» туриши керак экан. Худди шуларнинг ҳаммаси ўзбек тилига ғоят табиий ва чиройли қилиб ўгирилган.

**Актёр танлаш.** Дастлабки вақтларда фильмни кўрмасдан туриб ҳам унинг матни таржима қилинаверган. Бундай таржима натижасида дубляж муваффақиятли чиқмас эди. Яна шуни эътиборга олиш керакки, ўғирмада ҳар бир актёрнинг ўзига хос овози, гапириш услуби ҳам ҳисобга олинмоғи лозим. Масалан, фильмдаги актёр барвастандан келган, бақувват, овози ҳам дўриллаган бўлса-ю, режиссёр бу актёрнинг овозини мингирлаб ёки чийиллаб гапирадиган кишининг овози билан алмаштира, албатта, бу бир-бирига мос келмайди. Талқин сохта бўлиб чиқади. Бу тарафдан Зикир Муҳаммаджоновнинг кинофильмларда В. И. Ленин, Чапаев, Собир Раҳимовларга «овоз бериши» муваффақиятли чиққан. Айниқса, «Махарашвили: Серго Закариадзе — Шукур Бурҳонов» ижросини ҳар тарафлама олимақом деса бўлади. Таржимада бу роль махсус ўзбек актёрига атаб яратилгандай жаранглайди.

Режиссёр Собит Саидов «Солдат отаси» фильмини ўгиришда Махарашвили образига жуда мос келган СССР халқ артисти Шукур Бурҳоновни танлаган. Махарашвили овозининг тембрига Ш. Бурҳоновники жуда мос келган. Шукур Бурҳоновнинг актёрлик маҳорати қанчалик юксак, тажрибаси бой бўлмасин, образни чуқур ўрганди, тинимсиз машқ қилди. Махарашвилининг ҳар бир сўзини диққат билан қайта-қайта эшитди. Натижада ўгирилган бу образ аслидагидек яхши чиқиб, унга ҳамовоз ва ҳамоҳанг бўлди.

**Ўғирмада актёрларнинг ихтисослашуви зарурати.** Таржима ҳар томонлама мукамал бўлса-ю, унга овоз берувчи актёр мос келмаса, бари бир, фильмнинг бадий савияси пасайиб кетади.

«Ўзбекфильм» ўғирмачилари орасида овоз берувчи актёрлар жуда кам — атиги 7—8 киши, холос. Кўпинча, улар деярли ҳар бир ўғирма-фильмда қатнашаверадилар. Натижада томошабинлар бир хил овозларга ўрганиб қоладилар. Аксарият, бир актёр кечаги фильмда шоҳ образига овоз берган бўлса, бугун намойиш этиладиган фильмда ишчи «бўлиб чиқади». Шунинг учун актёрлар сони кўпайтирилса, улар маълум даражада «ихтисослашса», ўғирма-фильмларнинг таъсири янада ошади.

## ТАРЖИМАВИЙ ТАҲСИЛНИНГ ИККИ БОСҚИЧИ (ХОТИМА УРНИДА)

«Таржима назариясига кириш» дарслиги рус ва ўзбек таржимашунослигида орттирилган бой тажриба, айрим хорижий авторлар қўлга киритган ютуқларни ўрганиш, жаҳон адабиёти, айниқса, рус ва бошқа қардош халқлар адабиётлари асарларининг — ўзбек тилига, ўзбек адабиёти намуналарининг — рус тилига, хорижий ва қардош халқлар тилларига қилинган таржималарини кузатиш асосида бунёд этилди. Ун йил мобайнида В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика, филология, роман-герман тиллари факультетларида, қисман, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети рус филологияси факультетининг славян тиллари бўлимида таржима назарияси ва амалиёти юзасидан ўқилган лекциялар, олиб борилган махсус ва семинар машғулотларида орттирилган тажриба ҳам ушбу китобнинг барпо этилишида маълум қулайликлар туғдирди.

Ўзбек тилида биринчи марта нашр этилаётган «Таржима назариясига кириш» асари ҳозиргача маълум бўлган шундай «кириш»лардан мундарижа тарафдан тубдан фарқ қилади (проф. А. В. Фёдоров, проф. Г. Р. Гачечиладзенинг рус тилида чоп этилган дарслик ва қўлланмалари назарда тутилади). Кузатишлар шуни тасдиқладики, таржима проблематикаси билан эндигина таниша бошлаган студентга номлари юқорида қайд этилган олимларнинг китоблари анча оғирлик қилади.

Проф. А. В. Фёдоровнинг «Введение в теорию перевода» (Таржима назариясига кириш) дарслиги илк дафъа 1953 йилда босилган бўлса, кейинги йилларда «Основы общей теории перевода» (Умумий таржима назарияси асослари) номи остида (бирмунча тўлдирилиб, тузатилиб ва янгиланиб) икки марта қайта нашр этилди. Ҳолбуки, бизнинг фикримизча, «Таржима назариясига кириш» билан «Умумий таржима назарияси асослари» иккита бошқа-бошқа предмет бўлиши лозим (масалан, «Адабиётшуносликка кириш» ва «Адабиёт назарияси» сингари). Бизнинг ўқув программаларимизда бу предметлар худди шу тарзда ажратиб кўрсатилган, уларнинг мундарижаси, мав-

зу доираси ва проблемалари фарқлаб берилган. Бундан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

биринчидан, «Таржима назариясига кириш» билан «Умумий таржима назарияси асослари» катта назарий таржимашунослик фанининг икки (қуйи ва юқори) босқичидир;

иккинчидан, «кириш» предмети талабаларни «назария асослари»ни эгаллашга т а й ё р л а й д и;

учинчидан, ўзбек тилида барпо этилган «кириш» рус тилида мавжуд шундай дарсликларнинг ўрнини қопламайди, балки студентларни уларни тушунишга ва чуқурроқ ўзлаштиришга олиб келади;

тўртинчидан, ушбу «кириш» ҳозирги вақтда ўзбек тилида тайёрланаётган «Умумий таржима назарияси асослари» дарслигининг биринчи, муқаддима қисми ҳисобланади.

Баён этилган сабабларга кўра, «Таржима назариясига кириш» китобида:

— таржимага зарурат туғдирувчи асосий ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, адабий-эстетик омиллар,

— таржиманинг миқёси, кўлами, қўлланиш соҳалари; жанрлари ва турлари,

— лингвистик ва экстралингвистик факторлари,

— инъикос назариясига муносабати,

— санъат ва фанга боғлиқ томонлари,

— таржимашунослик предметларининг филологик табиати, уларнинг бошқа филологик фанлар ўртасидаги ўрни,

— таржима, таржимон ва таржимашунослик яхлит тушунча эканлиги, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги,

— таржиманинг тил ва адабиётга, ижтимоий ҳаёт, фан, техника ва маданиятнинг бошқа соҳаларига вобасталиги,

— узоқ ва яқин тиллардан таржима хусусиятлари,

— кинофильмлар ўгирмасининг спецификаси

ва бошқа шу каби бир қанча масалалар ёритилди.

Гарчи ушбу қўлланмада таржима тарихи, таржиманинг асосий шартлари, тушунчалари, категориялари, принциплари, адабий жанрлар билан боғлиқлиги, таржима ва таржимон маҳорати, индивидуал услуб ва бадиий таржима, миллийлик ва таржима, билингвизм (зуллисонайнлик) ва таржима, шеърий таржима, таржима психологияси, мантиқ ва таржима сингари муҳим проблемаларга доир бир қадар умумий маълумотлар учраса-да, булар барчаси «Умумий таржима назарияси асослари» курсида чуқурлаштириб, конкретлаштириб ёритилади. Таржима тарихи эса алоҳида, мустақил предмет сифатида таркиб топади. Ана шунда яхлит, мукамал т а р ж и м а ш у н о с л и к фани барпо этилади.

«Таржима назариясига кириш» дарслигида асосий эътибор биринчи марта т а р ж и м а билан юзма-юз келаётган олий мактаб талабаларига сўз санъатининг бу соҳасига оид зарур билим беришга қаратилди.

Кириш . . . . .	3
-----------------	---

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ТАРЖИМА АСРИ

I боб. Халқлар — тиллар — таржималар

1-§. Қардошлик, дўстлик, интернационализм хизматида . . . . .	9
2-§. Хельсинки кенгаши ва таржима проблемаси . . . . .	14
3-§. Таржима — умумдавлат иши . . . . .	19
4-§. Саводхонлик ва таржима . . . . .	24
5-§. Халқлар ва тиллар. Тиллар ва таржималар . . . . .	29
6-§. Лисоний таҳсид, тил муштараклиги ва таржима . . . . .	35
7-§. Таржима антиномиялари . . . . .	39
8-§. Лингвистика — таржима — экстралингвистика . . . . .	49
9-§. Лисоний мамлакатшуносликнинг таржимага муносабати . . . . .	56
10-§. Ҳаракат, турқ-тароват ва имо-ишоралар «таржимаси» . . . . .	60
11-§. Узоқ ва яқин тиллардан таржима . . . . .	65
12-§. «Тиллар ва таржималар» баҳсида таржима имконияти масаласига муносабат . . . . .	77
13-§. Тиллар бошқа — мантиқ бир . . . . .	82
14-§. Инъикос назарияси ва таржима баҳси . . . . .	88

II боб. Таржима санъати

15-§. Таржима ҳақида умумий тушунча . . . . .	92
16-§. Таржима тушунчасининг мазмуни ва мундарижаси . . . . .	95
17-§. Таржимада иллюзионизм ва шартлилик . . . . .	98
18-§. Таржима ва интерпретация. Таржимоннинг интерпретациявий мавқеи : . . . . .	101
19-§. Таржима концепцияси. Таржимон ва китобхон . . . . .	107
20-§. Бадий адабиёт ва бадий таржима . . . . .	109
21-§. Адабий алоқа ва бадий таржима . . . . .	119
22-§. Ватаи адабиёти ва бадий таржима . . . . .	134
23-§. Бадий таржимада эстетик дид . . . . .	139
24-§. Таржима қусурлари . . . . .	144

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ТАРЖИМА. ТАРЖИМОН. ТАРЖИМАШУНОСЛИК

III боб. Таржимада таҳлил, таҳсил ва тадқиқот

25-§. Таржима назарияси предмети . . . . .	149
26-§. Таржимашунослик фанларининг таснифи . . . . .	157
27-§. Таржимашунослик методологияси (интуиция ва таҳлил) . . . . .	162
28-§. Қиёслаш — таржима сифатини аниқлаш мезони . . . . .	169
29-§. Таржима ва қиёсий стилистика . . . . .	173
30-§. Таржима ва таржимашунослик истиқболи . . . . .	179
31-§. Таржимон муаммоси . . . . .	182

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВИСТИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК МАСАЛАЛАРИ

IV боб. Тил ва таржима

32-§. Таржима ва терминология . . . . .	193
33-§. Грамматик род ва таржима баҳси . . . . .	197
34-§. Автоматик (маиший) таржима ҳақида баъзи маълумотлар . . . . .	202
35-§. Кинофильмлар ўғирмаси (дубляж) ҳақида умумий тушунча . . . . .	207
Таржимавий таҳсилнинг икки босқичи (хотима ўрнида) . . . . .	217

*На узбекском языке*

ГАЙВУЛЛА САЛЯМОВ

## ВВЕДЕНИЕ В ТЕОРИЮ ПЕРЕВОДА

Пособие для студентов филологических факультетов, факультетов журналистики, факультетов романо-германской филологии университетов

*Издательство „Ўқитувчи“  
Ташкент—1978*

Редактор Х. ҶАЙИТМЕТОВ  
Ведущий редактор П. БРОДСКИЙ  
Техн. редактор Н. СОРОКИНА  
Корректор М. АВДУНАБИЕВА

Теринга берилди 12.12. 1977 й. Босинга рухсат этилди 13.3. 1978 й. Қоғоз № 3. 1 тип. 60×90<sup>1/16</sup>. кегель 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Физ. б. л. 13,75. Нашр. л. 15,31. Тиражи 4000 2ак. 389. Баҳоси 70 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 155-77.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарш бирлашмасининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.

Типография № 1 Ташкентского производственного объединения «Матбуот» Государственного Комитета по делам издательств, полиграфии и книжной торговли Совета Министров УзССР. Ташкент, ул. Хамзы, 21.

70 т.

•УҚИТУВЧИ•

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИГА КИРИШ